

77  
Б 65

TIRILISH



ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙ  
БУЮК ШАХМАТ  
ТАХТАСИ

АҚШ АДАБИЁТИ



ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙ

БУЮК ШАХМАТ  
ТАХТАСИ

*Америка ҳукмронлиги  
ва унинг геостратегик  
императивлари*

Тошкент  
«TRUST AND SUPPORT»  
2023

**УДК 327(73)(091)“19”**  
**КБК 66.4g(7Amer)**  
**B65**

**Бжезинский, Збигнев**

**Буюк шахмат тахтаси:** Тошкент. “TRUST AND SUPPORT”. Инглиз тилидан «Шарқшунос таҳлилчилар» жамоаси таржимаси. Тошкент: 2023. 304 бет.

**ISBN 978-9943-8217-4-3**

Ушбу китоб тарихчилар, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар, геосиёсат, хавфсизлик соҳаси билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчилар, тадқиқотчи ва олимлар, талабалар, умуман, мазкур масалаларга қизиқувчи барча китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

**УЎК 327(73)(091)“19”**  
**КБК 66.4g(7Amer)**

**ISBN 978-9943-8217-4-3**

© TRUST AND SUPPORT, 2022

© Збигнев Бжезинский



З б и г н е в  
Бжезинский маз-  
кур бестсел-  
лер асари  
орқали  
китоб -  
хонга Евро-  
сиё шахмат  
тахтаси  
ва ундаги  
асосий ўй-  
инчилар,  
хусусан,  
Америка-  
нинг глобал  
бошқарувга  
интилиши ва  
қудратли сиёсати  
асослари, Россия-  
нинг геосиёсий аҳво-  
ли, Марказий Осиё мин-  
тақаси, Европа, Хитой, Япония  
ва бошқа акторларнинг буюк  
шахмат тахтасидаги ўрни ҳақи-  
да чуқур таҳлилий маълумотлар ва  
айрим башоратларни тақдим этади.

**Эртанги кун дунё қиёфасини шакллантиришга  
ёрдам бериш мақсадида талабаларимга  
бағишланади.**

## **СЎЗБОШИ ЎРНИДА**

.....

Збигнев Бжезинский Америка Қўшма Штатларининг энг таниқли сиёсатшуносларидан бири. У 1977-1981 йилларда АҚШ Президенти Жимми Картернинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият юритган. Шу жиҳатдан, З.Бжезинский Америка геосиёсий тафаккури ривожланишининг нафақат назарий жиҳатдан муаллифи, балки етук амалиётчиси ҳам саналади. Ўз навбатида, З.Бжезинский “Уч томонлама комиссия”нинг раҳбари сифатида АҚШ бошчилигидаги “Ягона дунё тартиботи” доктринасини ишлаб чиққан ижодкорлардан биридир. У томонидан ёзилган асарлар ҳамда мақолалар бугунги халқаро муносабатларнинг геосиёсий масалаларини чуқур идрок этиш ва таҳлил этишга ундайди. Хусусан, З.Бжезинский 1998 йилда чоп этилган машҳур “Буюк шахмат тахтаси” китобида Америка геосиёсий қарашларининг туб сабабларини тадқиқ этишга ҳаракат қилди, Евросиё устидан назорат ўрнатиш учун қарам-қарши лагерлар ўртасида олиб борилаётган геосиёсий курашнинг хусусиятларини тавсифлаб берди.

З.Бжезинский халқаро муносабатларнинг реалистик мактаби тарафдорларидан бири ўлароқ Америка дунё ҳукмронлигига даъвогарлик қилишга интилса, Евросиёни назорат қилиш зарур, деган тезисни доимо қўллаб-қувватлаб келди. Айниқса, сиёсатшунос Қўшма Штатларнинг “Евросиё шахмат тахтаси”даги бўлғуси ҳаракатлари, турли геостратегик дастурлар ишлаб чиқиши, ушбу маконда эътибор қаратиш лозим бўлган “дона”лар ва минтақаларга таъсир кўрсатиш механизмларини ишонарли тарзда ва маҳорат

билан асослаб берди. Муаллиф ўз субъектив фикрлари орқали келажакда дунёнинг геосиёсий манзарасини ва унда Америка ҳукмронлигининг янги формуласини илгарди сурди. Муаллифнинг фикрича, XXI асрда жаҳон сиёсати Евросиёга ҳукмронлик учун курашдан иборат бўлади. У янги асрда жаҳон гегемони ролига даъво қилиши мумкин бўлган ягона буюк давлат фақат АҚШдир, деб ҳисоблайди. З.Бжезинский бунинг асосий сабаби сифатида ҳарбий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама устунликка эга бўлган Американинг Евросиё устидан назорат ўрнатишга қаратилган қудратига оид далилларни ўртага ташлайди.

У советлардан кейинги маконда Украинага, Кавказда Озарбайжонга, Марказий Осиёда Ўзбекистон ва Қозоғистонга алоҳида эътибор беришни тавсия қилади. Бу давлатларнинг ҳар бирини у Евросиёнинг алоҳида донаси деб таърифлайди ҳамда АҚШ ва Россия ўртасидаги муносабатларда АҚШнинг улар билан ҳамкорлиги махсус аҳамият касб этишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳозирда бутун дунё эътиборини жалб этган Украинадаги уруш воқеалари ва унинг сабаблари ҳақида Бжезинский олдиндан айнаи ушбу китобида бир неча ишораларни келтириб ўтгани диққатга сазовор. Жумладан, унинг қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Вақти-соати келиб, Украина қай тарзда бўлмасин “асл аҳволига қайтади”, деган ишонч Россиянинг кўплаб юксак мартабали сиёсатчиларининг бугунги эътиқодларида асосий ўрин тутди”. Бжезинскийнинг ушбу фикрлари Владимир Путиннинг 2022 йил 24-февралда Украинага уруш эълон қилиши ва “тарихий ҳудудлар”га даъво қилишдек геостратегик мақсадлари билан ўз исботини топди. Муаллифнинг бунга қўшимча тарздаги яна бир фикри ниҳоятда қизиқ: “Украинасиз империяни тиклаш иши на МДҲ заминиде ва на евросиёчилик заминиде амалга ошмоғи жуда қийин иш эди. Укра-

инасиз империя шундай маънони англатадики, Россия янада кўпроқ даражада Осиё давлати бўлиб қолади ва у Оврўпадан тобора кўпроқ узоқлашади”. Дарҳақиқат, юқоридаги тахминлар бугунги воқеликда тобора ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Бундан ташқари, муаллиф Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг минтақавий етакчилик ролига алоҳида эътибор қаратади. Унинг ёзишича: “Ўзбекистоннинг мустақиллиги Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Амалда Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий етакчилик ролига асосий номзод ҳисобланади”. Бизнингча, Бжезинскийнинг ушбу фикрларига қўшимча энг муҳим далиллардан бири Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларининг барчаси, шунингдек, Афғонистон билан умумий чегарага эга бўлган минтақадаги ягона давлат эканидир. Аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий қарорлари ўз-ўзидан минтақанинг геосиёсий йўналишларини белгилашга таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бу Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий ўрнини йирик куч марказлари томонидан жиддий эътиборга олинишини талаб этади.

Шунингдек, Бжезинский китобда “Евросиё Болқонлари”, Хитой, Япония сингари “шахмат доналари” ҳақида ҳам таҳлилий башоратлар ва ўқувчи учун жуда қизиқарли мушоҳадалар келтиради.

Ушбу китоб “Шарқшунос таҳлилчилар” интеллектуал клуби жамоаси томонидан илк маротаба ўзбек тилига тўлиқ шаклда таржима қилинди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ёзувчи Озод Шарафидинов томонидан китобнинг “Жаҳон адабиёти” журналида таржима қилинган қисмларини асл ҳолатида қолдиришга қарор қилдик. Таржима асарнинг сайқал топишида яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рўзимбой Ҳасанга, тарих фанлари доктори Дурбек Сайфуллаевга ҳамда асар-

билан асослаб берди. Муаллиф ўз субъектив фикрлари орқали келажакда дунёнинг геосиёсий манзарасини ва унда Америка ҳукмронлигининг янги формуласини илгариди сурди. Муаллифнинг фикрича, XXI асда жаҳон сиёсати Евросиёга ҳукмронлик учун курашдан иборат бўлади. У янги асда жаҳон гегемони ролига даъво қилиши мумкин бўлган ягона буюк давлат фақат АҚШдир, деб ҳисоблайди. З.Бжезинский бунинг асосий сабаби сифатида ҳарбий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама устунликка эга бўлган Американинг Евросиё устидан назорат ўрнатишга қаратилган қудратига оид далилларни ўртага ташлайди.

У советлардан кейинги маконда Украинага, Кавказда Озарбайжонга, Марказий Осиёда Ўзбекистон ва Қозоғистонга алоҳида эътибор беришни тавсия қилади. Бу давлатларнинг ҳар бирини у Евросиёнинг алоҳида донаси деб таърифлайди ҳамда АҚШ ва Россия ўртасидаги муносабатларда АҚШнинг улар билан ҳамкорлиги махсус аҳамият касб этишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳозирда бутун дунё эътиборини жалб этган Украинадаги уруш воқеалари ва унинг сабаблари ҳақида Бжезинский олдиндан айтишга ушбу китобида бир неча ишораларни келтириб ўтгани диққатга сазовор. Жумладан, унинг қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Вақти-соати келиб, Украина қай тарзда бўлмасин “асл аҳволига қайтади”, деган ишонч Россиянинг кўплаб юксак мартабали сиёсатчиларининг бугунги эътиқодларида асосий ўрин тутди”. Бжезинскийнинг ушбу фикрлари Владимир Путиннинг 2022 йил 24-февралда Украинага уруш эълон қилиши ва “тарихий ҳудудлар”га даъво қилишдек геостратегик мақсадлари билан ўз исботини топди. Муаллифнинг бунга қўшимча тарздаги яна бир фикри ниҳоятда қизиқ: “Украинасиз империяни тиклаш иши на МДХ заминиди ва на евросиёчилик заминиди амалга ошмоғи жуда қийин иш эди. Укра-

инасиз империя шундай маънони англатадики, Россия янада кўпроқ даражада Осиё давлати бўлиб қолади ва у Оврўпадан тобора кўпроқ узоқлашади”. Дарҳақиқат, юқоридаги тахминлар бугунги воқеликда тобора ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Бундан ташқари, муаллиф Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг минтақавий етакчилик ролига алоҳида эътибор қаратади. Унинг ёзишича: “Ўзбекистоннинг мустақиллиги Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Амалда Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий етакчилик ролига асосий номзод ҳисобланади”. Бизнингча, Бжезинскийнинг ушбу фикрларига қўшимча энг муҳим далиллардан бири Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларининг барчаси, шунингдек, Афғонистон билан умумий чегарага эга бўлган минтақадаги ягона давлат эканидир. Аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий қарорлари ўз-ўзидан минтақанинг геосиёсий йўналишларини белгилашга таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бу Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий ўрнини йирик куч марказлари томонидан жиддий эътиборга олинишини талаб этади.

Шунингдек, Бжезинский китобда “Евросиё Болқонлари”, Хитой, Япония сингари “шахмат доналари” ҳақида ҳам таҳлилий башоратлар ва ўқувчи учун жуда қизиқарли мушоҳадалар келтиради.

Ушбу китоб “Шарқшунос таҳлилчилар” интеллектуал клуби жамоаси томонидан илк маротаба ўзбек тилига тўлиқ шаклда таржима қилинди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ёзувчи Озод Шараффидинов томонидан китобнинг “Жаҳон адабиёти” журналида таржима қилинган қисмларини асл ҳолатида қолдиришга қарор қилдик. Таржима асарнинг сайқал топишида яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рўзимбой Ҳасанга, тарих фанлари доктори Дурбек Сайфуллаевга ҳамда асар-

*Збигнев Бжезинский*

нинг Озод Шараффидинов томонидан таржима қилинган қисмларини топишга бевосита ёрдам берган устознинг набиралари Саодат Убайдуллаевага чуқур миннатдорлигимизни билдирамыз.

*Сухроб БЎРОНОВ  
“Шарқшунос таҳлилчилар”  
интеллектуал клуби раҳбари,  
Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

## ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ (Муқаддима)

.....

Тахминан беш йил муқаддам қитъалар сиёсий жиҳатдан ўзаро ҳамкорлик қила бошлаганларидан буён Евро­сиё жаҳон қудратининг маркази бўлиб келмоқда. Евро­сиёда, асосан унинг ғарбий Оврўпа қисмида истиқомат қилувчи халқлар турли замонларда ҳар-хил йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига кириб борганлар ва маз­кур ҳудудларда ҳукмронлик қилганлар. Ҳолбуки, шу вақт­нинг ўзида айрим Евро­сиё давлатлари ўзлари учун алоҳи­да мақомга эришган ва жаҳоннинг етакчи давлатига хос имтиёزلардан фойдаланганлар.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё ишларида куч­ли зилзилаларга ўхшаб кетадиган силжишлар содир бўл­ди. Тарихда биринчи марта Евро­сиёга мансуб бўлмаган давлат — АҚШ нафақат Евро­сиё давлатлари орасидаги муносабатларда қозикалонлик вазифасини ўтади, балки жаҳондаги энг қудратли давлат ҳам бўлиб олди. Совет Ит­тифоқининг мағлубияти ва барбод бўлиши ғарбий ярим­шарда жойлашган Қўшма Штатларнинг ягона ва ҳақиқатан ҳам том маънода биринчи глобал давлат сифатида шоҳсу­пага кўтарилишида энг сўнгги садо бўлди.

Лекин шунга қарамай, Евро­сиё ўзининг геополитик аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Унинг ғарбий қисми бўл­миш Оврўпа жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий қудратининг катта қисми жам бўлган жой сифатида аҳамиятини на­фақат йўқотгани йўқ, балки унинг шарқий қисми — Осиё ҳам сўнгги вақтларда иқтисодий тараққиётнинг ва тобора ўсиб бораётган сиёсий таъсирнинг ҳаётий муҳим мар­кази бўлиб қолди. Шундай қилиб, глобал манфаатларга эга бўлган Америка Евро­сиё давлатлари ўртасидаги мураккаб

муносабатларни қандай қилиб эплейди, айниқса, у халқаро майдонда устувор ва антагонистик Евросиё давлатининг пайдо бўлишининг олдини ола биладими, деган тахмин Американинг бутун дунё миқёсида ҳукмронлигини амалга оширишга қобиллигини аниқлашда асосий масала бўлиб қолмоқда.

Бундан келиб чиқадики, ўз қудратининг турли-туман янги қирраларини (технологиялар, коммуникациялар, ахборот тизимлари, савдо-сотиқ ва молиявий масалалар) ривожлантиришга қўшимча равишда Америка ўзининг ташқи сиёсатида геополитик вазиятни кузатиб боришни давом эттирмоғи керак ва ўзининг Евросиёдаги таъсиридан шундай фойдаланмоғи жоизки, бунинг оқибатида Қўшма Штатлар сиёсий масалаларда қозикалон сифатида иш юритаётган қитъада барқарор мувозанатни юзага келтириш мумкин бўлсин.

Бинобарин, Евросиё шундай бир шахмат тахтасики, унда жаҳонга ҳукмдорлик қилмоқ учун кураш давом этмоқда ва бу кураш геостратегияга ҳам дахлдордир, яъни геополитик манфаатларни стратегик бошқаришни тақозо этади. Шуни қайд қилмоқ керакки, қадим ўтган замонларда эмас, яқинда — 1940 йилда жаҳонда ҳукмдорлик қилишга даъвогар бўлган икки одам — Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин — 1940 йилнинг ноябр ойидаги махфий музокаралар вақтида маъноси барчага аён битим тузишганди. Бу битимга кўра, Америка Евросиёдан четлатилиши керак эди. Уларнинг ҳар қайсиси шуни яхши тушунганки, Американинг қудрати Евросиёга ёйиладиган бўлса, бу икки арбобнинг жаҳонда ҳукмдорлик қилиш масаласидаги даъволарига чек қўяди. Уларнинг ҳар қайсиси Евросиё дунёнинг марказидир, агарда кимда-ким Евросиёни назорат қилса, у бутун дунёнинг устидан ҳам назорат ўрната олади, деган нуқтаи назарга эга бўлган. Орадан ярим аср ўтгач, масала бошқачароқ тарзда қўйила бошлади: америкаликларнинг Евросиёдаги устуворлиги яна қанча

давом этади ва ундан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

Америка сиёсатидан кузатилган пировард мақсад эзгу ва юксак бўлмоғи керак. Бу — инсониятнинг узоқ муддатли тамойиллари ва фундаментал манфаатларига мувофиқ тарзда чиндан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган жаҳон ҳамжамиятини барпо этишдир. Аммо бир нарсани назардан соқит қилмаслик керак — сиёсий майдонда Евросиёда ҳукмронлик қилишга қодир бўлган, бинобарин, Американи курашга чорлай оладиган рақибнинг пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу важдан, мазкур китобдан кузатилган мақсад — кенг қамровли ва изчил Евросиё геостратегиясини шакллантириб беришдир.

*Збигнев Бжезинский*

*Вашингтон, Колумбия округи, 1997 йил, апрел*

## БИРИНЧИ БОБ

### ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ ГЕГЕМОНЛИК

**Г**егемонлик дунё каби қадимийдир. Бироқ Америка дунёсининг устунлиги унинг шаклланиш тезлиги, глобал миқёси ва амалга ошириш усуллари билан кескин ажралиб туради. Америка фақат бир аср ичида, ички ўзгаришларнинг таъсири остида, шунингдек, халқаро воқеаларнинг жадал ривожланиши орқали Ғарбий яримшарда, нисбатан ўз қобиғига ўралган мамлакатдан манфаатлари ва таъсир доираси беқиёс қудратли давлатга айланди.

#### ДУНЁ ҲУКМРОНЛИГИ САРИ ҚИСҚА ЙЎЛ

1898 йилги Испан-Америка уруши АҚШнинг қитъадан ташқаридаги илк истилочилик уруши эди. Ғалаба таъсири ўлароқ Американинг кучи Тинч океани минтақасига, ундан кейин Гаваяга, Филиппингача тарқалди. Янги аср арафасида эса америкалик стратегик режалаштирувчилар икки океанда денгиз ҳукмронлиги доктринасини ишлаб чиқиш устида фаол иш олиб бордилар ва бунинг оқибатида Америка денгиз кучлари “Буюк Британия денгизларни бошқаради» деган фикрни шубҳа остига қўя бошладилар. Аслида Американинг Ғарбий яримшар хавфсизлигининг ягона қўриқчиси мақомига бўлган даъвоси янги аср бошларида эълон қилинган «Монро доктринаси»да ва «тақдир даъволари» билан ўзини оқлаганди. Бу жараён Панама канали қурилганидан кейин янада ошди — АҚШнинг Атлантика ва Тинч океанида денгиз ҳукмронлигини осон-

лаштирди. Американинг тобора кучайиб бораётган геосиёсий амбицияларининг мустаҳкам негизи мамлакатнинг жадал саноатлашуви билан боғлиқ. Бир аср муқаддам — Биринчи жаҳон уруши бошланиши даврига келиб Американинг иқтисодий салоҳияти жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 33 фоизини ташкил этди ва Буюк Британияни етакчи саноат қудрати ролидан маҳрум қилди. Иқтисодий ўсишнинг бу ажойиб динамикаси тажриба ва инновацияларни рағбатлантирувчи маданият билан таъминланди. Америка сиёсий институтлари ва эркин бозор иқтисодиёти шахсий интилишлари мисли кўрилмаган имтиёзлар ёки қаттиқ ижтимоий иерархик талаблар билан чекланмаган, шўхратпараст ва холис ихтирочилар учун фавқулотда имкониятларни яратди. Мухтасар қилиб айтганда, миллий маданият ўзига хос тарзда иқтисодий ўсишга ёрдам берди. Ушбу жараёнга чет эллардан энг иқтидорли одамлар — олимлар, сиёсатчилар, муҳандислар жалб қилинди ва улар яратилган муҳитга тез мослашдилар. Бу эса ўз навбатида миллий кучнинг кенгайишига ёрдам берди.

Биринчи жаҳон уруши Америка ҳарбий кучларини Европага оммавий равишда ўтказиш учун биринчи имконият эди. Нисбатан яққаланиб қолган мамлакат тезда Атлантика океани бўйлаб бир неча юз минг кишилик қўшинларни жўнатди: бу трансокеаник ҳарбий экспедиция бўлиб, мисли кўрилмаган миқёсда халқаро майдонда янги йирик ўйинчи пайдо бўлишининг илк далилидир. Уруш, шунингдек, Европа муаммоларини ҳал қилишда Америка тамойилларини қўллашга қаратилган биринчи йирик дипломатик қадамларга олиб келгани ҳам бир хил даражада муҳимдир. Вудро Вилсоннинг машҳур «Ун тўрт тамойил»и Америка идеализми Европа геосиёсатида суқилиб киришининг яққол ифодаси бўлди. (Бундан салкам 15 йил олдин Қўшма Штатлар Россия ва Япония ўртасидаги Узоқ Шарқ можаросини ҳал қилишда етакчи рол ўйнаган ва ўзининг халқаро мақомини мустаҳкамлаганди). Америка идеализми ва Америка қудратининг бирлашуви шу тариқа ўзини жаҳон саҳнасида намоён қилди.

Дангал қилиб айтганда, Биринчи Жаҳон уруши ҳали глобал миқёсда эмас, балки асосан Европа уруши бўлиб қолаётган эди. Аммо унинг ўз-ўзини барбод қилиш хусусияти Европанинг дунёнинг бошқа қисмларидан сиёсий, иқтисодий ва маданий устунлиги тугай бошлаганини белгилаб берди. Уруш пайтида Европадаги ҳеч бир куч бошқасидан устунликка эга эмасди, урушнинг натижасига эса

кучайиб бораётган Европадан ташқаридаги куч — Американинг можарога киришиши таъсир ўтказди. Шундан сўнг, Европа глобал куч сиёсатининг субъекти эмас, балки борган сари тобора кўпроқ объектга айланади. Бироқ, Американинг глобал етакчилигидаги бу қисқа портлаш унинг глобал масалалардаги давомли иштирокига олиб келмади. Бунинг ўрнига, Америка тезда ўз-ўзидан мамнуният изоляционизми ва идеализмга берилди. Йигирманчи йилларнинг ўрталари ва 30-йилларнинг бошларида тоталитаризм Европа қитъасида кучайиб бораётган бўлса-да, Американинг Британия денгиз флотидан яққол устун бўлган икки океанли кучли флотни ўз ичига олувчи қудрати бу тоталитаризмдан ажралиб турди. Америкаликлар глобал сиёсатда кузатувчи бўлишни афзал кўрдилар. Унинг континентал орол сифатидаги нуқтаи назарига асосланган хавфсизлик тушунчаси бу мойилликка мос келарди. Американинг ўз қирғоқларини макон тутган стратегияси халқаро ёки глобал мулоҳазаларни жуда оз акс эттириб, тор миллий ғояларни қамраб оларди. Ўша даврда ҳал қилувчи халқаро акторлар ҳали ҳам Европа кучлари ва борган сари ўсиб келаётган Япония эди.


Жаҳон сиёсатидаги Европа даври инсоният тарихидаги илк чинакам глобал уруш — Иккинчи Жаҳон уруши пайтида яқунга етиб келди. Европа уч қитъа аро баравар кураши мобайнида Тинч ва Атлантика океанларида ҳам етакчиликка даъво қиларди. Шу даврда бири узоқ Шарқ, иккинчиси узоқ ғарбдан келган япон ва брит аскарлари-

нинг ўз юртидан минглаб километр масофада жойлашган Ҳинд чегарасидаги Бурмада тўқнашуви ҳам Европа таъсир доирасининг нақадар кенглигини рамзий ифодалаб берди. Европа ва Осиё ягона кураш майдонига айланди.

Агар уруш натижаси фашист Германиясининг ҳисоби-га ҳал бўлганида, глобал миқёсда фақат Европанинг кучи устун бўлиши мумкин эди. (Япониянинг Тинч океанидаги ғалабаси унга Узоқ Шарқда доминант ролини таъминлаган бўларди, лекин ҳар қандай эҳтимолда ҳам Япония минтақавий гегемонга айланарди, холос). Биров бунинг ўрнига, Германиянинг мағлубияти асосан икки Европадан ташқаридаги ғолиблар — АҚШ ҳамда Совет иттифоқи томонидан муҳрланди. Улар Европанинг якунига етказилмаган глобал доминантлик даъволарининг ворисларига айланди.

Кейинги эллик йил давомида глобал устунлик учун икки қутбли Америка-Совет рақобати ҳукмронлик қилди. Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи ўртасидаги рақобат геосиёсатчилар томонидан берилган энг ижобий назарияларининг қайсидир маънода рўёби эди: Атлантика ва Тинч океанлари устидан ҳукмронлик қилувчи дунёдаги етакчи денгиз кучи Евросиё ҳартлэндида доминант ҳисобланган йирик қуруқлик кучига қарши турарди. (Хитой-Совет блоки мўғул империяси доирасини эслатувчи маконни қамраб олган).

Геосиёсий ўлчов аниқроқ бўлиши мумкин эмас эди: Шимолий Америка Евросиё қарши ва дунё хавф остида. Ғолиб ҳақиқатан ҳам бутун дунё бўйлаб ҳукмронлик қилди. Ғалаба қўлга киритилса, йўлда тўсқинлик қилувчи ҳеч ким қолмайди.



“Совуқ уруш”нинг якуний босқичида Евросиё харита-сида учинчи мудофаа кучи пайдо бўлди (харитага қаранг). Совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши Американинг қуйидаги икки томонлама жавобларига тўртки берди: шўро қўшини режаларини барбод қилиш учун Афғонистондаги миллий қаршилиқ ҳаракатига АҚШ-нинг бевосита ёрдами ва Совет сиёсий ёки ҳарбий қудрати жануб томонга янада кириб боришининг олдини олиш мақсадида Форс кўрфазида катта миқдордаги АҚШ ҳарбий кучларининг тўпланиши. Қўшма Штатлар Форс кўрфази минтақасини ҳимоя қилиш билан бир қаторда Ғарбий ва Шарқий Евросиёдаги хавфсизлик манфаатларини таъминлашни ҳам ўз зиммасига олди.

Ҳар икки томон ҳам ядро урушига олиб келувчи бевосита ҳарбий тўқнашувдан ҳадиксирагани ҳамда Шимолӣ Америка томонидан Евросиё блокининг бутун қитъа бўйлаб ҳукмронлик қилишга уринишларининг чиппака чиқарилиши, охир оқибатда рақобат натижаларини ҳарбий бўлмаган омиллар белгилаб беришига олиб келди. Сиёсий ҳаётийлик, мафкуравий мослашувчанлик, иқтисодий динамизм ва маданий бойликларнинг жозибадорлиги ҳал қилувчи омилларга айланди.

Бу сиёсий воқеалар давомида Америка бошчилигидаги коалиция ўз бирлигини сақлаб қолди, Хитой-Совет блоки эса йигирма йилдан камроқ вақт ичида парчаланиб кетди. Қисман айтганда, бу ҳолат демократик коалициянинг коммунистик ғояларга асосланган унсурларнинг иерархик, догматик ва айни пайтда нозик табиатига нисбатан кўпроқ мослашувчанлиги туфайли мумкин бўлди. Биринчи блок умумий қадриятларга эга, аммо расмий доктринаси йўқ эди. Иккинчиси ўз позициясини талқин қилиш учун фақат битта муҳим марказга эга бўлган догматик православ ёндашувни таъкидлай олди, холос. АҚШнинг асосий иттифоқчилари Американинг ўзидан сезиларли даражада заифроқ эдилар.

Шу билан бирга Совет иттифоқи Хитойга бўйсунувчи давлат сифатида муносабатда бўлиши ҳам мумкин эмасди. Воқеаларнинг натижаси шундан келиб чиқдики, Америка иқтисодий ва технологик жиҳатдан анча фаол эди. СССР эса аста-секинлик билан турғунлик босқичига кирди: на иқтисодий ўсиш ва на ҳарбий технологиялар соҳасида рақобатлаша олмади. Технологиялар, иқтисодий таназзул, ўз навбатида, мафкуравий деморализацияни кучайтирди. Дарҳақиқат, СССРнинг ҳарбий қудрати борасида ғарб тасаввурларида узоқ вақт давомида пайдо бўлган кўрқув рақиблар ўртасидаги сезиларли фарқ юз берди.

ликни яширди. Америка анча бой, технология соҳасида ривож топган, ҳарбий салоҳияти мослашувчан ва илғор, ижодий ва ижтимоий жиҳатдан жозибалироқ эди. Мафкуравий чекловлар собиқ шўро иттифоқининг бунёдкорлик салоҳиятига путур етказди, қачонлардир барқарор бўлган тизимини борган сари сустлаштирди. Алалоқибат, иқтисодиётини исрофгарчиликка дучор қилди, илмий-техникавий жиҳатдан рақобатбардошлиги пастлигича қолди. Тинч рақобат жараёнида тарози палласи Америка фойдасига тош босиши кераклиги аён бўлиб қолди.

Маданий ҳодисалар якуний натижага ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. АҚШ бошчилигидаги коалиция кўпинча Америка сиёсий ва ижтимоий маданиятининг кўплаб атрибутларини ижобий, деб қабул қилди. Американинг Евросиё қитъасининг ғарбий ва шарқий чеккаларидаги иккита энг муҳим иттифоқчиси – Германия ва Япония Америкача ҳаёт тарзига нисбатан ҳавас орқали ўз иқтисодиётини тиклаб олди. Америка эса кенг миқёсда келажак намунаси, ҳайрат ва тақлид қилишга лойиқ жамият сифатида қаралди.

Таққослаш учун, Россия Марказий Европадаги кўпчилик вассалларининг ва ҳатто ғоявий нуқтаи назардан бир хил тузумга эга бўлган Хитойнинг маданий нафратига дучор бўлган эди. Марказий Европа вакиллари учун рус ҳукмронлиги фалсафа ва маданият нуқтаи назаридан ўз уйи, деб ҳисоблаган ҳудудлар – Ғарбий Европадан ва унинг насроний диний аъёналаридан ажралиб қолишини англатарди. Бундан ҳам ёмони, Марказий Европа аҳолиси кўпинча адолатсиз равишда маданий ривожланишда ўзидан паст, деб ҳисоблайдиган халқнинг ҳукмронлигини англатарди.

«Россия» сўзи «оч ер» деган маънони англатади, деб ҳисоблаган хитойликлар янада очикроқ нафратланишди. Гарчи дастлаб хитойликлар Москванинг совет моделининг

универсаллик даъватига жимгина эътироз билдирган бўлсалар-да, Хитой коммунистик инқилобидан кейинги ўн йил ичида улар Москванинг мафкуравий ҳукмронлигига қатъий қаршилиқ кўрсатиш даражасига кўтарилишди ва ҳатто ўзларининг анъанавий нафратларини очиқ намоиш қила бошладилар.

Ва ниҳоят, СССРнинг ўзида унинг рус бўлмаган аҳолисининг 50 фоизи ҳам Москва ҳукмронлигини рад этди. Рус бўлмаган аҳолининг аста-секин сиёсий уйғониши украинлар, грузинлар, арманлар ва озарбайжонлар Совет ҳокимиятига халқ сифатида ўзларидан маданий жиҳатдан устун бўлган бегона император ҳукмдори шакли сифатида қарашни англатарди.

Марказий Осиёда миллий интилишлар заифроқ бўлиши кузатилиши мумкин эди, лекин у ерда халқларнинг кайфияти аста-секин ўсиб бораётган ислом оламига мансублик ҳисси билан кучайиб борди. Бу эса ҳамма жойда деколонизация ҳақидаги маълумотларда намоён бўлди.

Ўзидан аввалги кўплаб империялар сингари, СССР ҳам охир-оқибат ички таназулга юз тутди ва парчаланди. Бунда давлатни маҳв этган омил бевосита ташқи ҳарбий таҳдид эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммолар туфайли газак олган парчаланиш жараёни эди. СССРнинг тақдири олимнинг: «Империялар тубдан беқарор, чунки бўйсунувчи элементлар деярли ҳар доим катта имтиёзли автономияни афзал кўрадилар ва бундай элементлардаги қарама-қарши элиталар деярли ҳар доим имконият туғилганда катта автономияга эришиш чораларини кўрадилар», деган тўғри таъкидининг тасдиғи бўлиб чиқди. «Шу маънода, империялар қуламайди, балки парчаланди: одатда ўта секинлик билан, лекин пайти келганда шиддатли равишда парчаланди<sup>1</sup>».

---


<sup>1</sup> Дональд Пучала. «Халқаро муносабатлар истиқболининг тарихи», Маданиятлар ва Халқаро масалалар 8 (1994): 183

## ИЛК ГЛОБАЛ ҚУДРАТ

Совет давлатининг қулаши унинг рақиби бўлмиш АҚШни қудратли давлат сифатида жаҳонда ўз ўрнига эга бўлишига имконият яратди. Қўшма Штатлар ўз навбатида ягона ва қудратли давлат сифатида шаклланди. Аммо шундай бўлса-да Американинг глобал қудрати баъзи бир жиҳатлари, хусусан, чегараланган минтақавий таъсири билан дастлабки империяларникига ўхшаб кетарди. Бу империялар ўз кучини вассаллар, мустамлакалар, протекторлар ва колониялар иерархиясига асосланиб бошқаради. Бу империяларда бегона бўлганларга, одатда, варварлар сифатида қарайдилар. Қайсидир маънода, анархизм атамаси Америка минтақасида жойлашган давлатлар учун мутлақо ўринли эмас. Ўтмишда бўлгани каби, Американинг империял кучи қудратли ташкилотларга хос ўлчовларга эга бўлиб, у ҳарбий мақсадлар йўлида зудлик билан кенг иқтисодий ва технологик ресурсларни сафарбар қила олиш хусусияти, америкача турмуш тарзининг ноаниқ, аммо муҳим маданий жозибаси ҳамда

Америка ижтимоий ва сиёсий элитасининг динамизми, ўзига хос рақобатбардошлигига асосланади.

Дастлабки империялар ҳам ушбу атрибутларни ўз ичига олган. Шу ўринда хаёлга биринчи навбатда Рим империяси келади. Рим империяси барқарор ва тизимли равишда кенгайтириш орқали тахминан икки ярим аср давомида эгаллаган ҳудуди шимолга, кейинчалик ҳам ғарбга, ҳам жанубга силжиган. Шунингдек, Ўрта Ер денгизи қирғоқларини ҳам ўз ичига олган. Географик жиҳатдан унинг энг юқори нуқтасига милодий 211 йилда эришилди. (Харитага қаранг ).



Рим ўша пайтда марказлаштирилган ҳокимият ва ўз-ўзини таъминлайдиган иқтисодиётга эга бўлган. Унинг император ҳокимияти сиёсий ва иқтисодий ташкилотнинг мураккаб тизими орқали режа асосида ва мақсадли амалга оширилган. Қуруқлик ва денгиз йўлларининг стратегик мўлжалланган тизими, турли вассал давлатлар ва қирғоқ вилоятларида жойлашган Рим легионларининг хавфсизликка катта таҳдид бўлган ҳолатда ҳам пойтахтга келиб, тезда қайта тайёргарлик кўриш ва диққат-эътиборини бир

нуқтага жамлаш имконини берган. Империянинг энг юксалган даврида хорижда уч юз мингдан кам бўлган Рим легионларининг жойлаштирилиши — қудратли куч, тактика ва қурол жиҳатдан устунлик, шунингдек, нисбатан тез қайта тақсимлаш йўналтириш маркази қобиляти билан янада қудратга эга бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш ва қиёслаш лозимки, 1996 йилда аҳоли сони жиҳатидан дунёда юқори ўринда турувчи қудратли куч — Америка ўзининг доминантлигидаги ҳудудларни чет элга 296.000 нафар профессионал ҳарбийларни жойлаштириш орқали ҳимоя қиларди.

Римнинг император ҳокимияти муҳим психологик воқелиқдан ҳам келиб чиққанди. Сивис Романус Сум шундай деган эди: «Мен Рим империясининг фуқаросиман!» Бу фахрланиш негизида юқори даражадаги ўзига ишонч, беадад ғурур ва кўплар учун шон-шўҳрат акс этган. Ўз навбатида, одамларга Римда туғилмаган бўлишига қарамай бериладиган Рим фуқароси унвони император кучини акс эттирувчи юксак маданий устунлик ифодаси эди. Бу нафақат Римнинг ҳукмронлигини қонунийлаштирди, балки, унга бўйсунувчилар ва империя таркибига қўшилиш истагидагиларни ассимиляция қилиш тизимини яратди. Ҳукмдорлар томонидан берилган ва бўйсундирилган маданий устунлик императорлик ҳокимиятини кучайтирди. Бу олий ва асосан, низоларга дуч келмаган империя ҳокимияти уч юз йил давом етди.

Яқин Карфаген ва Парфия империяси томонидан Шарқий чегара ҳудудларида маълум даражада қийинчиликлар келтириб чиқарилганини мустасно қилсак, империя ташқарисида, асосан, варварларнинг уюлмагани сабаб вақти-вақти билан тасодифий ҳужум ва исёнлар бўлиб турарди. Империя ички фаоллик ва бирликни сақлаб қола олган даврда ташқи дунё ҳали унга рақобатбардош эмасди.

Уч асосий сабаб Рим империясининг қулашига олиб келди:

1) Ягона бир марказдан бошқаришга империя жуда ҳам катталик қиларди. Уни ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиш табиий равишда ўз ҳоқимиятининг якка ҳукмронлик (монополистик) характери йўқ қилди;

2) узоқ вақт импералистик кибрнинг ортиб бориши натижасида маданий принциплар, элитанинг аста-секин буюкликка интилиш ҳиссини шакллантирди;

3) барқарор инфляция, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий қурбонликсиз ўзини сақлаб қолиш имкониятидан маҳрум қилиниши тизимнинг салоҳиятини сусайтирди. Маданий парчаланиш, сиёсий бўлиниш ва молиявий инфляция, ҳатто чегара ҳудудларидаги варварлар ҳам Римнинг заифлашувига сабаб бўлди.

Замонавий меъёрларга қиёслаганда Римни глобал даражада эмас, балки минтақавий қудратли давлат сифатида тасвирлаш мумкин. Шу билан бирга, дунёнинг турли қитъалари ўртасида мавжуд бўлган изоляция ҳисси ҳисобга олинса, унинг минтақавий кучи бевосита ўзини ўзи сақлаб қолган. Рим империяси шундай бир дунё эдики, унинг қудратли сиёсий ташкилот ва маданий устунлиги ҳатто кейинчалик географик даражадаги империял тизимларнинг аҳамиятини оширган. Аммо Рим империяси шундай бўлган тақдирда ҳам ягона қудратли куч бўлмаган.


Рим ва Хитой империяси гарчи бир-бирининг мавжудлигини билмасалар-да, ўша даврдаги замондош империялардан эдилар. Милоддан аввалги 221 йилгача (Рим ва Карфаген ўртасидаги Пуни урушлари даври) 7та тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган Чин давлатларининг ягона Хитой империясига бирлашиши, шимолий Хитойда Буюк девор қурилиши, салтанатни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш жараёнлари рўй берган. Милоддан аввалги 140 йилда ташкил топган Хан империяси кўлами жиҳатдан катта

таъсирга эга эди. Христианлик эрасининг бошланиши даврида 57 миллиондан кам бўлмаган киши бир ҳокимиятга бўйсунган. Ўша улкан рақам мисли кўрилмаган даражадаги сон, синовдан ўтган самарали марказий ҳокимият жазоловчи ва марказий бюрократия орқали амалга оширилган.

Империя ўша пайтда бугунги Корея, Монголиянинг баъзи қисмлари ва асосий ҳозирги Хитой денгизи қирғоқларигача кенгайган. Бироқ Рим сингари Хан империяси ҳам ички зиддиятларга дучор бўлди ва унинг қулаши милодий 220 йилда учта мустақил ҳокимиятга бўлиниши билан янада тезлашиб кетди. Хитойнинг янги тарихи ўз ичига қайта бирлашиш даврлари ва экспансияси фрагментацияга боғланган ҳолда кечди.

Хитой мавжуд империал тизимларини бир неча марта хавфсиз ҳолатда ва ҳар қандай уюшган рақибларсиз барпо этишга муваффақ бўлди. Хан подшоҳлигининг учга бўлиниши милодий 589 йилда якунланди ва бу империал тизим пайдо бўлишига сабаб бўлди. Лекин Хитойнинг энг буюк империя кўринишида ўзини намоён этиши манжурлар даврига, яъни Шинг сулоласи ҳукмронлиги пайтига тўғри келади.

Ўн саккизинчи асрга келиб, Хитой яна бир бор тўла ҳуқуқли империя мақомига эга бўлиб, унинг маркази вассал ва қирғоқ давлатлари, жумладан, бугунги Корея, Ҳинди-Хитой, Таиланд, Бирма ва Непал билан ўралганди. Хитойнинг ҳудуди бугунги Россия узоқ шарқининг шимолий Сибиридан тортиб Байкал кўлигача, шунингдек, Қозоғистон, жанубий Ҳинд океани, шарқий Лаос ва шимолий Вьетнам ҳудудларигача кенгайди (Харитага қаранг).



Хитой империясида ҳам Рим империяси каби молия тизими, иқтисодиёти, таълими ва хавфсизлик ташкилотлари жуда мураккаб кўринишда эди. Катта ҳудудни ва унда яшовчи 300 миллиондан ортиқ одамни назорат қилиш ушбу воситалар орқали амалга оширилди. Марказлашган сиёсий ҳокимиятга кучли эътибор қаратилиб, ажойиб тарзда етказиб берувчилар (куррьерлар) орқали қўллаб-қувватланди. Бутун империя тўртта зонага айлантирилган

ва бир, икки, уч ва тўрт ҳафта ичида етказиб берувчилар орқали Пекин ва чегара ҳудудларидан тарқаларди. Марказлашган бюрократия, профессионал таълим ва рақобат бирлик кучини тақдим этди. Бу бирлик мустаҳкамланди, легитимлашди ва барқарорлашди, ҳудди Рим тақдирига монанд тарзда кучли ва чуқур маданий устунлик ҳисси конфуцийлик томонидан империял мақсадига мувофиқ фалсафа, тотувлик, ҳар қандай ҳолатда тинчлик, иерархик ва интизом билан бойитилди.

Хитой – Осмон империяси коинотнинг маркази сифатида кўрилган, унинг атроф-муҳити ташқаридан фақат варварлар билан ўраб олинган, деб ҳисобланган. Хитойлик бўлиш маданиятли бўлишни англаган ва шунинг учун дунёнинг қолган қисми Хитойдан ҳурмат қарздор эди гўё.


Махсус ҳукмронлик ҳисси Хитой императори томонидан узоқ Оврупадаги бошқа бир империя қиролига жўнатган мактубда акс этган. Ҳатто Хитойнинг ўсиш давлари ва пасайиш босқичида бўлган ўн саккизинчи аср охирида Буюк Британия қироли Жоржга турли жўнатмаларни совғалар сифатида юбориш орқали Британия саноат маҳсулотларининг савдо муносабатларига Хитой таъсир ўтказишга ҳаракат қилган: “Биз Осмоннинг инояти билан, император – Англия қироли бизнинг айбловимизни эътиборга олишини сўраймиз: самовий империя, тўртта денгиз ичида ҳукмронлик қилади. ...Нодир ва қимматбаҳо нарсаларни қадрламайди ва сизнинг мамлакат ишлаб чиқарган маҳсулотларга бизда заррача эҳтиёж йўқ. ...Шунинг учун биз сизнинг элчиларингиз уйига хавфсиз қайтишларини амр этдик. Сиз, Қирол, садоқатингизни мустаҳкамлаш ва доимий итоаткорликка қасамёд қилиш орқали бизнинг истаklarимизга мувофиқ ҳаракат қилишингиз керак”.

Бир неча Хитой империяларининг инқирози ва қулаши биринчи навбатда ички омилларга боғлиқ бўлиб, булар ички тарқоқлик, парчаланиш, маъмурий буйруқбозлик ва иқтисодий, шунингдек, ҳарбий салоҳиятнинг йўқолиши Хитой хоҳиш-иродасининг йўқолишини тезлаштирди.

Ташқи кучлар Хитойнинг ички заифлашувидан фойдаланиб қолишди. 1839-1842 йиллардаги Британия билан “Афюн уруши”, бир асрдан кейин Япония агрессияси ўз навбатида XX аср давомида Хитойни маданий хорлик гирдобига ташлади. Алаоқибат, Хитойнинг маданий жиҳатдан устунлиги ҳақидаги сингдирилган ғоялар ҳамда постимпериял Хитойнинг сиёсий ҳолатидаги ҳақиқатлар тўқнашуви уни заифлаштирди.

Римдан фарқли равишда Хитой бугунги кунда минтақавий куч сифатида эътироф қилинади. Аммо унинг гуркираб ривожланган даврида ҳеч қандай глобал жиҳатдан унга тенг келадиган куч бўлмаган. Бошқа ҳеч қандай ташқи куч унинг империял мақомига муаммо туғдириши ёки ҳатто Хитой экспансияга қаршилиқ кўрсатиб, унга тўсиқ бўла олмайди. Катта ва ҳукмрон этник марказ Хитой даврий империясини барпо қилиш учун имкон яратди. Шу омиллар боис Хитой бошқа империялардан фарқли ўлароқ сон жиҳатдан кичик, лекин гегемоник жиҳатдан руҳлантирилган одамлар, этник жиҳатдан катта бўлган халқлар устидан маълум вақт ҳукмронликни ўрнатиб, уни мустаҳкамлаб олишга қобилияти етарли бўлди. Бироқ бундай кичик-кичик империяларнинг ҳукмронлиги барҳам топгач, империяни қайта тикланиши имконсиз эди.

Глобал кучнинг бугунги таърифига бироз яқинроқ ўхшашликни топиш учун биз Мўғул империясининг ажойиб феноменига мурожаат қилишимиз керак. Унинг пайдо бўлишига йирик ва кучли рақиблар билан қизғин кураш орқали эришилди. Мағлуб бўлганлар орасида Польша ва Венгрия қиролликлари, Муқаддас Рим империяси, бир қанча Рус князликлари, Бағдод ҳалифалиги, кейинчалик эса ҳатто Хитойнинг Сунг сулоласи ҳам бор эди (Харитага қаранг).



Муғул империявий бошқарувининг тахминий кўлами. 1280

Чингизхон ва унинг ворислари ўзларининг минтақавий рақибларини мағлубиятга учратиб, геосиёсатнинг ҳозирги олимлар глобал ҳартланд ёки жаҳон ҳоқимияти учун марказ сифатида аниқланган ҳудудлар устидан марказлаштирилган назоратни ўрнатдилар. Бу Евросиё минтақавий империя Хитой денгизидан то Марказий Европанинг Андалусия ҳудудларигача кенгайганди. Сталинча

“Хитой-Совет блоки”нинг айнан гуллаб яшнаган даврига келибгина Евросиё қитъасидаги мўғуллар империяси ва ниҳоят қўшни ҳудудни марказлашган назорат қилиш соҳаси билан таққосланди.

Рим, Хитой ва мўғул империялари глобал ҳокимиятга кейинги аспирантларнинг минтақавий прекурсорлари эди. Рим ва Хитойда, юқорида таъкидланганидек, уларнинг империя тузилмалари сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган, марказнинг маданий устунлигини кенг қабул қилиш эса мустаҳкамлаш ролини бажарган. Аксинча, мўғул империяси маҳаллий шароитга мослашиш (ва ҳатто ассимиляция) ортидан ҳарбий забт этишга бевосита таяниб, сиёсий назоратни кучайтирди. Мўғул императорлик ҳокимияти асосан ҳарбий ҳукмронликка асосланганди. Илғор ҳарбий тактикаларни ажойиб ва шафқатсиз қўллаш орқали эришилган, қўшинларни тез ҳаракатлантириш қобилиятини ўз вақтида жамлаш билан уйғунлаштирган ҳолда, мўғуллар ҳукмронлиги уюшган иқтисодий ёки молиявий тизимни талаб қилмаган ва ҳокимият маданий устунлик туйғусига асосланмаганди.

Мўғул ҳукмдорлари ўз-ўзини барпо қилган ҳукмрон синф вакили дейиш учун жуда нозик эдики, ҳар қандай ҳолатда ҳам маданий ёки ҳатто этник устунлик белгиланмагани империал элитани ўзига нисбатан ишончдан маҳрум қиларди. Аслини олиб қараганда, мўғул ҳукмдорлари эгаллаш орқали босиб олинган ҳудудларда аста-секин ассимиляция жараёни кучайганини исботлади. Натижада мўғул салтанатининг Хитой қисми императорига айланган Чингизхоннинг набираларидан бири конфуцийчиликнинг жўшқин тарғиботчисига айланди, яна бири Форс султони сифатида диндор мусулмон, учинчиси эса Ўрта Осиёнинг маданийлашган форсий ҳукмдори бўлди. Ҳукмрон сиёсий маданият йўқлиги айна ҳақиқат эди. Ҳукмдорларнинг ассимиляциялашиши – яъни ўзи забт этган халқларга қўшилиб кетиши, шунингдек империяни ташкил қилган Буюк

хонга ворислик ҳал этилмагани каби омиллар империянинг қулашига сабаб бўлди. Мўғуллар ҳокимияти битта марказдан бошқарилиши учун катталик қиларди, бу муаммога ечим топишга ҳаракат қилинди – империяни бир неча ўз-ўзини бошқарадиган мустақил қисмга бўлиш ҳам натижа бермади. Маҳаллий ассимиляциянинг тезлашиши империя парчаланишини жадаллаштириб юборди, холос.

Икки аср давомида – 1206 йилдан 1405 йилгача дунёни титратган энг йирик империя шу зайл изсиз йўқолди. Шундан сўнг Европа глобал ҳокимият учун асосий курашларнинг марказида бўлди. Албатта, тахминан уч аср давомида Евросиё қитъасининг шимоли атрофида бўлган ҳодисалар денгиз куч проекцияси орқали биринчи марта ҳақиқий глобал ҳукмронликка эришилди. Бу даврда Евросиё дунёнинг барча қитъаларида ўз таъсир доирасига эга куч сифатида эътироф этилди. Шуниси диққатга сазоворки, Ғарбий Европа империя гегемонлари демографик жиҳатдан жуда кўп эмас, айниқса, рақамларга нисбатан таққослаганда самарали бўйсундирилган. Бироқ XX аср бошида Ғарбий яримшардан ташқарида (икки аср илгари ҳам Ғарбий Европа назоратида бўлган ва европалик муҳожирлар ва уларнинг авлодлари яшайдиган маконга айланган), фақат Хитой, Россия, Усмонли империяси ва Эфиопияда Ғарбий Европанинг ҳукмронлиги ўрнатилмагани (харитага қаранг).



Ғарбий Европа ҳукмронлиги ғарбий Европа томонидан глобал ҳокимиятга эришиш учун етарли эмасди. Муҳим воқелик ўша даврда Европанинг фуқаро жиҳатидан глобал устунлиги ва парчаланган континентал кучи эди. Мўғуллар томонидан ёки кейинчалик Россия империяси томонидан Евросиёнинг марказий ҳудуди (Ҳартленд) қуруқлик орқали фатҳ этилганидан фарқли ўлароқ Европа денгизорти мустамлакаларга тадқиқот ва денгизлар оша савдони кенгайтириш орқали эришилганди. Бу жараёнда геосиёсий факт шундан иборатки, Европанинг глобал гегемонлиги Европадаги гегемонликдан бирортаси ўз кучи билан чиқмаганди. Европанинг етакчи давлатлари орасида нафақат хориждаги доминионлар учун, балки ичкарида гегемонлик учун курашни ўз ичига оларди. Умуман олганда, ўн еттинчи асрнинг ўрталаригача Испания Европанинг қудратли кучи эди. Испания ўн бешинчи асрга келиб, дунё миқёсида йирик империал куч сифатида пайдо бўлди ва глобал амбицияларини намойиш эта бошлади. Бунда дин бирлаштирувчи таълимот ва империал миссионерлик кучи манбаи бўлиб хизмат қилган. Албатта, Испания ва унинг денгиз рақиби Португалия ўртасидаги курашга Рим папаси ҳакамлик қиларди. Ўзаро шартномаларида Испания ва Португалия мустамлака соҳаларда дунёнинг расмий бўлиниши қонунлаштирилди (Тордиселла-1494 ва Сарагоса-1529 шартномалари). Аммо Испания, Франция, Англия, Голландия мумаммоларига дуч келди ва на Европада, на океан бўйлаб ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлай олмади.

Испаниянинг заифлашуви аста-секин Францияга йўл очиб берди. 1815 йилга қадар Франция қитъада ва бошқа ҳудудларда доимий равишда европалик рақиблари томонидан доимий назоратда бўлса-да, Европанинг ҳукмрон кучига айланганди. Наполеон қўл остида Франция Европа устидан ҳақиқий гегемонлик ўрнатишга жуда яқин келди. Бу муваффақиятга эришиб, у ҳам доминант глобал куч

мақомини қозониши мумкин эди, бироқ Европа коалицияси томонидан унинг мағлубияти континентал ҳоқимият мувозанатини қайта тиклади. Кейинги аср учун, биринчи жаҳон урушига қадар, Британия қудратли флоти сабаб Лондон дунёдаги асосий молиявий савдо марказига айланди. Буюк Британиянинг глобал денгиз ҳукмронлиги шиори: «Тўлқинлар узра ҳукмронлик қил!» бўлди.

Буюк Британия денгизда энг қудратли давлат эди, лекин олдинги Европадаги қўшнилари каби Британия империяси ягона Европа ҳукмронига айлана олмади. Бунинг ўрнига Британия Россия ёки Германия томонидан қитъага ҳукмронлик қилишнинг олдини олиш учун Англия-Франция мувозанатга асосланган дипломатияга таяниб, «Антанта блоки»ни тузишди. Денгиз ортини Британия империяси дастлаб разведка, савдо, тадқиқотни мужасамлаштириш орқали эгаллашга киришди.

Лекин унинг Рим ва Хитой каби ўтмишдошлари ёки француз ва испан каби рақиблари кўп эди. Бу империя Британия маданий устунлиги орқали катта қудратга эришди. Бу устунлик нафақат империял ҳукмрон синфининг субъектив такаббурлиги, балки инглиз бўлмаган кўплаб субъектларнинг нуқтаи назарида ҳам эди. Жанубий Африканинг биринчи қора танли президенти Нелсон Мандела: «Мен Британия мактабида тарбияланган эдим ва Британия дунёдаги энг яхши нарсаларнинг ўйи эди. Мен Британиянинг тарихи ва маданиятининг бизга амалий таъсирини инкор қила олмайман», деганида шуларни назарда тутганди.

Маданий устунлик, муваффақиятли даъво, империял марказ кучини сақлаб қолиш учун катта ҳарбий кучларга таяниш заруратини камайтириш таъсирига эга эди. 1914 йилгача фақат бир неча минг нафаргина Британия ҳарбий ходимлари ва давлат хизматчилари 11 миллион квадрат километр ва деярли 400 миллион британиялик бўлмаган халқларни назорат қиларди (харитага қаранг).




Қисқача қилиб айтганда, Рим ўз ҳукмронлигини, асосан, юқори ҳарбий ташкилот ва маданий жозибат тўғрисида амалга оширди.

Хитой биргаликда этник ҳисобга олиш асосида империяни бошқариш учун самарали бюрократияга таяниб, юқори даражада ривожланган маданий устунлик ҳисси орқали ўз назоратини кучайтирди. Мўғул империяси ҳукмронлик учун асос сифатида ассимиляцияни эгаллаган ҳудуд учун ҳарбий тактика сифатида ишлатди. Инглизлар (шунингдек, испан, голланд ва французлар) ўз байроқларини савдо-сотиқ шиори остида баланд кўтарганлари учун устунликни қўлга киритдилар.

Уларнинг назорати ҳам юқори ҳарбий ташкилот ва маданий талабчанлик билан мустаҳкамланди. Лекин бу империяларнинг ҳеч бири глобал даражада кучли эмасди. Ҳатто Буюк Британия ҳам чинакам глобал куч эмасди. У ҳам Европани назорат қилмади, фақат уни мувозанатлаштирди. Барқарор Европа Британия халқаро манфаатларига мос тушарди. Европанинг ўз-ўзини вайрон қилиши Британия устунлигининг сўниши сифатида белгиланганди.

Аксинча, Американинг глобал доираси ва унинг тарқалиш кучи бугун яққо ягонадир. Қўшма Штатлар дунёдаги океанлар ва денгизларнинг деярли барчасини нафақат назорат қилади, балки у сиёсий муҳим йўллар билан назорат қилиш имконини берадиган ишончли ҳарбий қобилиятини ҳам ишлаб чиққан. Унинг ҳарбий легионлари Европанинг ғарбий ва шарқий қисмида мустаҳкам ўрнашган.

Евросиёнинг катта ҳудудлари ва стратегик жиҳатдан жуда муҳим Форс кўрфазини ҳам назорат қилишади (ҳаритада кўрсатилган).



Америка вассаллари ва ўлпон тўловчиларнинг баъзилари Вашингтон билан янада расмий алоқаларни яқинлаштириш орқали бутун Евросиё қитъасига нуқта қўядилар.

Американинг иқтисодий динамизми глобал устуворликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Даставвал, Иккинчи жаҳон уруши тугатилиши биланоқ, Америка иқтисодиёти бошқалардан ажралиб турди, дунё ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот)нинг 50 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келди. Ғарбий Европа ва Япониянинг иқтисодий тикланишидан сўнг Осиё иқтисодий динамизмининг феномен ҳодисаси Американинг глобал ялпи ички маҳсулотдаги улушини урушдан кейинги даврда номутаносиб юқори даражада камайишига тўғри келди.

Глобал ЯИМда Американинг улуши дунёдаги ишлаб чиқаришнинг тахминан 30 фоизига қадар барқарорлашган. Бу Иккинчи жаҳон урушидан сўнг энг мўътадил даражаси ҳисобланарди. Энг муҳими, Америка ҳарбий мақсадлар учун энг сўнги технологик кашфиётларни жалб этишни технологик мустаҳкам ҳарбий тузилма яратиш орқали кенгайтирди ва дунёда ягона давлатга айланиб олди. Бундан ташқари у иқтисодий тармоқларда ҳал қилувчи омил бўлган ахборот технологияларининг кучли рақобат устунлигини сақлаб қолди.

Америка эртанги кун иқтисодиёти ҳақида шундай башорат қилади: “Давлатнинг технологик ҳукмронлиги тез орада барҳам топмайди, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ҳал қилувчи соҳаларида америкаликлар Ғарбий Европа ва япон рақибларига нисбатан унумдорлик бўйича ўзларининг устунликларини сақлаб қолишади ёки ҳатто кенгайтирадилар”.

Ишонч ҳосил қилиш учун Россия ва Хитойни Америка гегемонлигига путур етказадиган кучлар сифатида кўриш мумкин. 1996 йил бошида Россия президенти Борис Елцин Пекинга ташриф буюрди. Бундан ташқари,

улар АҚШ манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган ядровий арсеналларга эга давлатлар ҳамдир. Лекин ҳозирги шавқатсиз ҳақиқатга кўра, бир кун келиб улардан бири ўз жонига қасд қилиш учун ядровий уруш қўзғатиши эҳтимоли мавжуд бўлса-да, бу урушда ҳеч ким ғалаба қозона олмаслигини яхши тушунишади.

Қисқача қилиб айтсак, Америка тўрт ҳал қилувчи омил туфайли глобал куч сифатида турибди: ҳарбий жиҳатдан у тенгсиз глобал қудратга эга, иқтисодий жиҳатдан глобал ўсишнинг асосий локомотиви бўлиб қолмоқда, ҳаттоки Япония ва Германия юқоридаги глобал қудратнинг бошқа сифатларига эга эмас, технологик жиҳатдан у замонавий соҳаларда инновацияни сақлаб қолди. Булар Американинг ягона глобал қудратли давлатга айлантирган тўрт унсур ҳисобланади. Маданий жиҳатдан эса, баъзи бир аҳмоқгарчиликларга қарамай, у айниқса, дунё ёшлари орасида шу қадар машҳурки, буларнинг барчаси Қўшма Штатларга бошқа ҳеч бир давлат тенг кела олмайдиган сиёсий нуфузни беради.

## **АМЕРИКАНИНГ ГЛОБАЛ ТИЗИМИ**

Американинг халқаро миқёсдаги устунлиги жаҳоний империялар қарашларига ўхшайди, деган фикрлар мавжуд бўлса-да, амалда бу тамомила бошқадир. Сабаби у ҳудудий чегаралар масалаларидан ташқарига чиқади. Американинг қудрати айнан америкача қатламга асосланган глобал тизим орқали намоён бўладики, бу ички тажрибалардан озиқланади. Ички тажрибаларда эса марказий ўринни айнан Америкага хос ҳурфикрлик эгаллайди. Бу ҳолат сиёсий тизимга ҳам дахлдордир.

Тарихда ўтган деярли барча империялар сиёсий жиҳатдан жамиятнинг оқсуяк қатламлари томонидан бунёд этилиб, улар аксар ҳолларда авторитар ва мутлақ яккаҳокимлиқ асосида бошқарилган. Бундай империялар аҳолисининг аксар қисми сиёсий жиҳатдан ғўр, кўпинча эса

яқин ўтмишда кузатилгани каби империяча эҳтирослар ва рамзлар билан заҳарланган эдилар. Миллий маҳдудликка интилиш, “олий ирқнинг устунлиги, “тараққиёт миссияси” (шахсий бойлик орттиришни айтмай турамыз) каби сохта шиорлар шу империяларнинг турли товламачилик сиёсати негизини ташкил қилиб, амалда салтанат тепасида ўтирган сулолалар манфаатларига хизмат қиларди.

Америкаликларнинг давлатнинг ташқарида ўз қудратини намоиш қилиши ҳар даврда турлича бўлган. Жамоатчилик Американинг Иккинчи жаҳон урушида иштирокини Япониянинг Перл Харбор портига шафқатсиз ҳаво ҳужуми оқибатида берилган сонсиз қурбонлардан ҳайрат ва шок ҳолатига тушган ҳолда тўла қўллаган. Аммо Американинг “совуқ уруш” давридаги ташқи сиёсатини, Корея билан урушни ва Берлиннинг коммунистик режим остида қамалга олинishi каби ҳолатларга муносабатига кўпчилик беэътибор қараган. “Совуқ уруш” ниҳоясига етгач, Американинг дунёда ягона гегемон давлат эканлигини кўпчилик қувонч билан қабул қилмаган, аксинча бу ҳолатларга ташқи сиёсатдаги “аралашувларга”га чек қўйиш керак, деган фикрни уйғотган. 1995-1996 йилларда ўтказилган сўровномаларда жамоатчилик ташқи сиёсатда гегемонликни сақлаб қолиш эмас, балки уни бошқа давлатлар билан “бўлишиш” кайфияти устунлигини кўрамыз. Бу ички факторлар натижасида Американинг глобал тизими эътиборни кўпроқ айнан кооптасия, яъни “бўлишиш”га қаратади. Жаҳон тарихидаги бошқа империялар ҳам шундай сиёсатга кўпроқ урғу беришганди. Бу ҳолатни мағлуб бўлган Германия, Япония ва кейинроқ бўлиниб кетган Россияга нисбатан сиёсатда ҳам кўриш мумкин. Бунда Америка сиёсати бошқа давлатларнинг сиёсий элитасини ўзига жалб қилиш, ўзининг демократик принциплари ва институтларининг таъсир кучидан фойдаланиш ва бундан кўпроқ самарага эришишга асосланади. Бу сиёсатда Американинг гегемонлиги коммуникация соҳасидаги устун-

лиги, фуқаролар дам олишлари учун яратилган шароитлар, оммавий маданият, энг сўнги технологиялар билан жиҳозланган миллий армия қудрати таъсири катта рол ўйнайди. Америкача маданиятнинг дунёга таъсир кучи бу сиёсатда бетакрор мазмун кашф этади. Бошқа давлатлар ва миллатлар ўзларининг эстетик ва диний қарашларидан келиб чиқиб, америкача маданиятни инкор қилсалар-да, бу маданият миллионлаб ёшларни ўзига оҳанграбодек тортаётгани сир эмас. Америкача яшаш тарзининг оҳанграбоси ўз ирмоқларини инсон яхши яшаши, маданий дам олиши шарт, деган тамойиллардан оладики, унинг таъсири бутун дунёга кенг ёйилгани инкор қилиб бўлмас фактдир. Оддийгина мисол: Америка телевизион дастурлари ва фильмлари дунё бозорида шу турдаги маҳсулотларнинг тўртдан учини мустаҳкам эгаллаган. Америкача мусиқа ҳам дунёда энг юқори ўринни эгаллаб турибди. Буларгина эмас, америкача овқатланиш ва кийиниш маданияти ҳам бутун дунё аҳлини ўзига ром қилиб келади.

“Интернет” сўзи аслида инглизча бўлса-да, компютердаги “машмаша”лар барчаси бевосита Америкага тегишли. Бутун дунё интернет орқали сўзлашувлар ҳам Америка ихтиёрида. Ва ниҳоят, тан олиш керак, билим олиш, илмий ишлар қилишга орзуманд инсонлар учун бугун Америка ўзига хос “Макка”га айланган. Ҳар йили Америкага шу мақсадларда ярим миллион нафар инсонлар келади ва эътиборлиси, ўз мақсади рўёбга чиқмаганлар ҳам ортига қайтиб кетишмайди. Америка университетларини тугатган собиқ талабаларни исталган қитъадаги исталган давлатнинг ҳукуматлари таркибида учратиш мумкин. Шундан аксар давлатлар сиёсатчиларининг иш услублари америкача кўриниш кашф қилмоқда. Нафақат Жон Кеннеди, балки бошқа унчалик таниқли бўлмаган Америка сиёсатчилари бошқа давлатларда шу қадар машҳурларки, уларга эргашувчилар кўпайиб бормоқда. Айнан шу боис маданияти тамомила бошқача бўлган давлатларнинг раҳ-

барлари (мисол учун ўтган асрнинг 90-йилларида Япония бош вазири бўлган Р. Хасимото ва Англия бош вазири Тони Блер, Жимми Картер, Билл Клинтонга ва Бобби Доулга) ҳавас қилган ва эргашганлар. Ҳатто уларнинг оиласида ўзини тутиши, жамоатчилик билан мулоқотидан намуна олишган ва иш фаолиятида маълум маънода уларни так-рорлашга уринганлар. Америкача сиёсий принципларга асосланган демократик идеаллар тобора машҳур бўлиб бормоқда ва уни “Америкача маданий империализм” деб аташмоқда. Давлатни америкача бошқариш борасида сўнгги асрда тамойилга кирган демократик иш йўсини бошқа давлатлар учун стандарт ҳолат сифатида қабул қилиняпти. Кўпгина давлатлар ва сўнгги йилларда мустақиллигини қўлга киритган янги республикалар айнан Америка конституциясидан ўз конституциясини яратишда намуна олишяпти. Бу эса давлатни америкача конституция асосида бошқариш тамойили тобора кенг ёйилиб бораётгани билан изоҳланади. Айниқса, сўнгги йилларда собиқ коммунистик тузумлар остида бўлган давлатларда фуқаролик жамиятининг ҳарбийлардан устунлиги принципи (Бу меъёр НАТОга аъзо бўлишда асосий шартлардан биридир) амалиётга айлангани ҳам америкача демократик принципларнинг ғалабасидир.

Америкача демократик принципларга асосланган бизнес модели ҳам дунё тадбиркорларини ўзига тортмоқда. Бу принцип эркин савдо ва соғлом рақобатга асосланади.

Тадбиркорлар ва касаба уюшмалари ҳамда иш берувчи ва ишловчи орасидаги муносабатлар ғарб давлатларида муқаддам амалда бўлган ва Германия яратган «Масалаларни ечишда тенг иштирок этиш» принципи ҳозирда ўзининг иқтисодий самарадорлигини йўқотмоқда, аксар Европа давлатлари айнан америкача иш услуби рақобатбардошликка ва ҳатто қаттиққўлликка асосланган америкача иқтисодий маданият тарафдоридирлар. Улар фикрича, шу йўлга ўтилмас экан, Европа неча йиллар орқага

кетган бўлади. Ҳатто ўзига хосликка ва иқтисодий тамо-  
йилларга эга Япония тадбиркорлари ҳам шундай фикрда-  
лар.

Сиёсий демократия ва иқтисодий ривожланиш бо-  
расида Америка мафкуравий шаффофликни, бойлик  
орттиришда шахсий эркинликни натижага эришишнинг  
бош омили, деб билади. Идеализм ва эгоизм қоришма-  
си алалоқибат, ўта кучли ҳаракат усулидир. Фикрни эркин  
айтиш Худо томонидан берилган бўлиб, бу ҳеч шубҳасиз  
ўз бойлиги ва яшаш тарзини яратишда жуда қўл келади.  
Бу америкача иш услуби, яъни доктрина бутун дунёда  
оҳанграбодек тортиш кучига эга бўлиб бормоқда. Амери-  
кача иқтисодий ривожланиш услуби шу зайл бошқа дав-  
латларга ҳам таъсирини ўтказиб, оқибатда Американинг  
гегемонлигини тобора мустаҳкамламоқда. Бу гегемони-  
яни ички сиёсатда турли соҳалар ва институтлар муноса-  
батаида бутун билан комплекс тизимни яратганки, бунинг  
натижасида янги консенсус яратиш, ҳокимият тузилмаси  
соҳаси билан бирикиб кетишига йўл очмоқда. Қисқаси,  
Американинг глобал устунлиги шу тахлит иттифоқ ва бир-  
лашмалар мустаҳкамланишини таъминлаб, том маънода  
бу тизим бутун дунёни эгаллаб олишига замин яратмоқда.

Шимолий Алтантика шартномаси ташкилоти (NATO)  
тобора Европа давлатларини Америка билан яқинлашти-  
риб, айна пайтда Қўшма Штатлар Европанинг ички ишла-  
рида ҳам асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланишига за-  
мин яратмоқда. Япония билан иккитомонлама сиёсий ва  
ҳарбий ҳамкорлик Осиёнинг энг қудратли давлатини АҚШ  
билан мустаҳкам боғлаган. Шу боисдан Япония (ҳозирги  
даврда) амалда АҚШнинг протекторатига айланган. Бун-  
дан ташқари Америка транссуммоний кўптомонламали  
Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форуми (АРЕС)да  
иштирок етиб, амалда унинг ҳудуддаги масалаларни ҳал  
қилишда асосий куч бўлиб қолмоқда. Ғарбий яримшар ас-  
лида ташқи таъсирдан ҳоли бўлиб, амалда Америкага бу

ҳудудда ҳам кўптомонламали ташкилотлар фаолиятида асосий куч бўлиб қолишига сабаб бўлаётир. Форс кўрфазидеги хавфсизлик чоралари, айниқса 1991 йил Ироққа нисбатан уюштирилган қисқа қасос операциясидан сўнг иқтисодий жиҳатдан жозибадор бу ҳудуднинг амалда Американинг ҳарбий қўриқхона зонасига айлантирди. Ҳатто собиқ совет иттифоқи ҳудудида ҳам АҚШ томонидан моддий қўллаб қувватлаш орқали НАТОга интилиш кучайди. Бу айниқса, “Тинчлик учун ҳамкорлик” деб аталган НАТО доирасидаги дастурида ҳам кўринади. Айни пайтда Америкача глобал тизимнинг бир бўлаги сифатида бир қатор халқаро ташкилотларни, халқаро мақомига эга молиявий институтларини ҳам айтиш керак. Халқаро Валюта фонди (ХВФ) ва Бутунжаҳон банки бутун дунёда жуда кучли таъсир доирасига эга бўлиб, бугун унинг мижозларини барча қитъаларда учратиш мумкин. Аслида бу ташкилотларда Америка асосий рол ўйнайди, барча бошламалар ва лойиҳалар бошида америкаликлар туришади. Бу 1944 йилда Бреттон Вудсда бўлиб ўтган таъсис конференциясида белгилаб қўйилган эди.

Тан олиш керак, Америка глобал тизими мураккаб ва самарали бўлиб, олдинги империялардан фарқли равишда тепасида кўп қаватли пирамида кўринишли бошқарув йўқ. Аксинча, Америка ўзаро тенг ҳуқуқли, мулоқотга киришадиган, турли қарашлар шаклланадиган, маслаҳат кенгашларига эга тизимнинг қоқ марказида турибди, гарчи охириги сўзни Колумбия округи маркази Вашингтон айтса-да. Айнан шу ерда ҳокимият масаласида сиёсий ўйинлар шаклланадики, буларнинг ҳаммаси Америка ички тартиб қоидаларига қатъий бўйсунди. Яна бир эътиборли томони шундаки, америкача глобал ҳукмронлик тизимида ташқи давлатларнинг иштирокидир. Кўпгина давлатлар бу имтиёзни мамнуният билан қабул қиладилар. Бошқа давлатлар ҳукуматлари қарашлари бир хил бўлган америкаликларни ҳамкорликка таклиф қиладилар.

лар. Этник ва диний илдиэлари турлича ва бир хил бўлган ҳолатларда ҳам. Кўпгина хорижий давлатлар ўз ҳукуматлари таркибига америкалик лоббистларни таклиф қилишадик, бу билан ўз партиялари олға сурган лойиҳаларни конгрессда тасдиқлатишда асқотади. Шу мақсадларда Америка пойтахтида минглаб “қизиқувчилар гуруҳлари” рўйхатдан ўтишган. Америкада яшовчи, этник камчиликни ташкил қилувчи миллатлар ҳам ташқи сиёсатга ўз таъсирларини ўтказиш ҳаракатида бўлишади. Айниқса, грек, арман ва яҳудийлар бу борада ўз таъсир кучига эгаларки, буни халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларда кузатиш мумкин. Буни коллектив хавфсизлик тизими, қуролли кучларга умумий қўмондонлик, НАТО мисолида, Америка-Япония хавфсизлик шартномаси, ҳудудий иқтисодий ҳамкорлик, АРЕС, NAFTA (Шимолий Америка эркин савдо шартномаси), Бутунжаҳон банки, Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти каби ташкилотларда кўриш мумкин. Бу ташкилотларда гарчи Америка асосий ҳукмрон бўлса-да, масалалар ечимида тенг ҳуқуқлик принциплари амал қилади. Яна бу ҳолатга умумжаҳон миқёсида фаолият юритаётган конституциявий ва суд тизими фаолиятида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Босниядаги ҳарбий жиноятлар бўйича тузилган Халқаро суд фаолияти. Бу халқаро ташкилотлар “совуқ уруш” даврида ўзининг азалий рақибни бўлмиш Совет иттифоқига қарши кураш жараёнида ташкил қилингани ҳам унутмаслик керак. Айнан шундай халқаро таъсирчан ташкилотлар тузилгач ва у фаолиятини бошлагач Америка биринчи ва энг йирик гегемон давлатга айланди.

Бунинг бор мазмун-моҳияти сиёсатшунос Ж.Жон Айкенберри томонидан шундай таснифланган: «Унинг гегемон бўлишига сабаб, ҳамма нарса Америка Қўшма Штатлари атрофида бирлашди ҳамда ўзида америкача ташкилотчилик тарзи ва сиёсий механизмларни жишлаштирди. Бу либерал тартиб қоидаларга мос, қонуний

ташкилотлар эди. Европаликлар (японлар ҳам дейиш мумкин) унинг атрофида ўзларининг жамиятлари ва иқтисодларини қуришлари, бир вақтнинг ўзида америкаликларнинг гегемонлигини тан олган ҳолда, ўзларининг яримавтоном сиёсий тизилмаларини яратишга имконлари бор эди. Ўзаро шундай ҳамкорликнинг эволюцияси европаликларда мавжуд тизимни «уй шароитига мослаштириш»га олиб келди. Айрим ҳолатларда бу давлатлар орасида турли даражада ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқди, аммо барчаси баҳс доирасида қизиққон маъруза, баёноتلардан нарига ўтмади. Энди уруш хавфи йўқ!».

Ҳозирги даврда Америка глобал тизими гегемониясига рақобатчи мавжуд эмас. Аммо у яқин йилларда ўзгармасдан қоладими?

## ИККИНЧИ БОБ

### ЕВРОСИЁ ШАХМАТ ТАХТАСИ

**А**мериканинг энг катта геосиёсий мақсадларидан бири Евросиё минтақасидир. Минтақавий ҳукмронлик учун бир-бирлари билан курашиб келган ва глобал ҳокимиятга эришишга интилган Евросиё давлатлари ва халқлари сўнги минг йилликнинг ярмидан буён жаҳон сиёсатида катта таъсирга эга эдилар. Ҳозирда Евросиёда мазкур минтақада жойлашмаган давлат етакчи ролни ўйнамоқда ва Американинг ҳозирги глобал сиёсатда устунлиги тўғридан-тўғри Евросиё қитъасида унинг етакчилигининг давомийлиги ҳамда самаралилигига бевосита боғлиқ.

Шубҳасиз, бу вақтинчалик ҳолат. Аммо ундаги етакчиликнинг бардавомлиги ва ундан кейин юз берадиган жараёнлар нафақат Американинг фаровонлигига, балки бутун дунё тинчлиги учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дунёда етакчи ва ягона глобал кучнинг, яъни Американинг жаҳон сиёсатида тўсатдан пайдо бўлиши, дунё тинчлигини хавф остида қолдирди. Чунки Американинг жаҳон сиёсатидаги ўз ўрнини тарк этиши ёки бошқа бир етакчиликка даъвогар янги рақибнинг тўсатдан пайдо бўлиши халқаро барқарорликка таҳдид солади. Аслини олганда бу глобал анархияга олиб келиши мумкин эди. Гарвард университети сиёсатшуноси Самуел.П.Хантингтон ўзининг қуйидаги фикрларида ҳақ эканлигини кўриш мумкин:

“Қаерда Америка Қўшма Штатларининг етакчилик таъсири мавжуд бўлмаса, ушбу таъсир мавжуд бўлган минтақага қараганда кўпроқ зўравонлик, тартибсизлик,


демократия ва иқтисодий пасайиш кузатилади. Америка Қўшма Штатларининг доимий халқаро етакчилик роли америкаликларнинг фаровон ва хавфсиз ҳаёти ҳамда дунёдаги эркинлик, демократия, очиқ иқтисодиёт ва халқаро тинчлик учун муҳимдир". Шу нуқтаи назардан қараганда, Американинг Евросиёни қандай "бошқараётгани" жуда муҳимдир. Евросиё дунёдаги энг йирик қитъа бўлиб, геосиёсий жиҳатдан муҳим позицияни эгаллайди. Қайси давлат Евросиёда ҳукмронлик қила олса, у дунёдаги учта энг ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан самарали минтақаларнинг иккитаси устидан назорат ўрната олади. Дунё харитасига назар солинса, Евросиё устидан назорат ўрнатиш ғарбий яримшар ҳамда Океанияни дунёнинг Марказий қитъасининг чегараларига айлантириб, автоматик равишда Африканинг ҳам бўйсундирилишига олиб келади (таъриқ қилинган).




Дунё аҳолисининг 75 фоизи Евросиёда яшайди ва дунёдаги моддий бойликларнинг аксарияти ушбу минтақа-

да. Жаҳон ялпи ички маҳсулотларининг 60 фоизи ҳамда дунёдаги энергия захираларининг тўртдан уч қисми Евро-сиёнинг улушига тўғри келади (Жадвалга қаранг).

Қитъалар: майдони (миллион Кв. Км)




Қитъалар: аҳоли (млн. киши)



Қитъалар: майдони (миллион квадрат метр).

Қитъалар: аҳолиси (миллион).

Шунингдек, дунёнинг сиёсий фаол ва кучли давлатлари Евросиёда жойлашган. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлардан кейин турувчи иқтисодий ҳамда йирик қурол-аслаҳа билан таъминланган олти йирик мамлакат Евросиё минтақаси давлатлари ҳисобланади. Биргина АҚШдан ташқари, расмий ҳамда норасмий ядровий қуролга эга давлатлар барчаси Евросиё давлатларидир. Минтақавий гегемонияга ва энг кўп аҳолига, шунингдек, глобал таъсирга эга бўлган иккита йирик давлат ҳам Евросиёда. Евросиё Америка ҳукмронлигининг барча сиёсий ва иқтисодий муаммолар ўчоғи десак хато бўлмайди. Умуман олганда, Евросиё мамлакатлари қудрати Америка таъсирини сезиларли даражада кучсизлантира олади. Бироқ Американинг бахтига Евросиё сиёсий жиҳатдан ягона сиёсий куч сифатида бирлаша олиши учун жуда катталик қилади (Харитага қаранг).



Харита ДХ

Шу тариқа, Евросиё шахмат тахтасида глобал ҳукмронлик учун кураш давом этмоқда. Геостратегия, геосиёсий манфаатларни стратегик шаклда бошқаришни шахмат ўйини билан таққослаш мумкин. Бироқ Евросиё шахмат тахтасида бир вақтнинг ўзида иккита рақиб эмас, балки бир неча рақиблар ўйнайди ва уларнинг ҳар қайсиси турли даражадаги кучларга эга. Етакчи ўйинчилар эса шахмат тахтасининг ғарбий, шарқий, марказий ва жанубий қисмларида жойлашган. Шахмат тахтасининг ғарбий ва шарқий қисмларида аҳоли зич жойлашган ҳудудлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда нисбатан қудратли давлатлар ташкил топган. Евросиёнинг унча катта бўлмаган ғарбий чекка ҳудудларига келсак, Американинг кучлари тўғридан-тўғри ушбу ҳудудларда жойлаштирилади. Катта аҳолини назорат қилувчи, тобора кучлироқ ва мустақил фактор бўлишига қарамасдан Узоқ Шарқ қитъасидаги яриморолнинг ўзи Америка ҳукмронлигининг кириб келишига йўл очиб беради.

Евросиёнинг сиёсий жиҳатдан беқарор ва ташкилий жиҳати билан ажралиб турувчи, аҳоли зичлиги кичик бўлган ғарбий ва шарқий чекка ҳудудлари Американи Евросиёдан ташқарига чиқаришни мақсад қилган рақиб қўлида эди. Мазкур йирик Марказий Евросиё платосининг жанубида сиёсий жиҳатдан анархик, аммо энергия ресурсларига бой минтақа мавжуд бўлиб, мазкур минтақа ҳам ғарбий, ҳам шарқий давлатлар учун муҳим бўлган жанубий қисмда гегемонликка даъво қилади.

Лиссабондан Владивостоккача чўзилган Евросиё шахмат тахтасининг улкан майдонидаги “ўйин” да кўплаб сипоҳлар мавжуд. Агарда ўрта қисм ғарбнинг кенгайиб бораётган қисмига (Америка ҳукмронлик қиладиган қисмига) киритилиши мумкин бўлса, жанубий минтақада эса ягона ўйинчи ҳукмронликка эга бўлмаса ва Шарқ Америка ўз хорижий базаларини тарк этишга мажбур қиладиган тарзда бирлашмаса, у ҳолда Америка бу курашда сўзсиз ғала-

ба қозонади. Бироқ ўрта қисм ғарбга қарши чиқса, фаол бир бутунликка айланади ва натижада жанубни назорат қила бошлайди ёки катта шарқий куч иштирокида иттифоқ туза олади, бунинг оқибатида Евросиёда Америка устунлиги кескин қисқаради. Агарда икки йирик шарқий акторлар бирлаша олсалар, АҚШнинг таъсири худди шу тарзда қисқаради. Ва ниҳоят, агарда ғарб акторлари Американи ғарбий чекка ҳудудларга сиқиб чиқарса, эҳтимол, қачонлардир минтақанинг ўрта қисмини эгаллаган фаол акторга ғарбий чекка ҳудудларни топширилаганини англатса-да, ўз-ўзидан Евросиё шахмат тахтасидаги ўйинда Американинг иштироки якунланади.

Америка глобал гегемонлиги доираси шубҳасиз буюк, аммо саёз, чунки унинг гегемонлиги нафақат ички, балки ташқи чекловлар билан чегараланади. Америка ҳукмронлиги ўзида ҳал қилувчи таъсир кўрсатишни акс эттирса-да, ўтмишдаги йирик империялардан фарқли ўлароқ тўғридан-тўғри бошқарувни амалга оширишни назарда тутмайди. Евросиё минтақасининг йириклиги ҳамда хилма-хиллиги, шунингдек, минтақадаги айрим давлатларнинг катта кучга эгалиги, Американинг таъсир кучининг чуқурлиги ва воқеалар жараёнини назорат қилиш кўламини чеклайди. Ушбу мегаконтинент нафақат йирик, аҳолиси зич, маданий жиҳатдан хилма-хил, балки чуқур тарихга эга ва сиёсий жиҳатдан кучли давлатларни ўз ичига олганлиги сабаб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан энг муваффақиятли глобал кучга бўйсунмайди. Бу Американинг ўз ресурсларини катта Евросиё шахмат тахтасида эҳтиёткорлик билан танлаш ва жойлаштириш геостратегик маҳоратида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, Америка учун чет элда диктатор бўлиш жуда қийин, чунки мамлакат демократик тамойилларга асосланган. Бу эса Америкага ўз кучидан, айниқса, ҳарбий таҳдид имкониятидан фойдаланишини чеклайди. Чунки тарихда ҳеч қачон популистик демократия халқаро

ҳукмронликка эришмаган. Халқаро миқёсда куч-қудратга интилишдан мақсад халқнинг истакларини бошқариш эмас, кутилмаган таҳдид ёки халқнинг ички фаровонлик ҳиссига бўлган хавф вазиятлари эса бундан мустасно. Иқтисодий йўқотиш (яъни, ҳарбий харажатлар) ва инсон фидойилиги (ҳатто профессионал ҳарбий хизматчиларнинг ҳам қурбон бўлиши) кураш талаблари демократик инстинктларга мос келмайди. Демократия империя сафарбарлигини тан олмайди.

Бундан ташқари, америкаликларнинг аксарияти ўзларининг жаҳон миқёсида етакчи куч сифатидаги янги мақомидан мамнун эмаслар. Сиёсий ғалабапарастлик “совуқ уруш” да Американинг ғалабаси билан боғлиқ ҳолда либерал шарҳловчиларнинг бир қисми томонидан кинояли ва кулгули иборага айлантирилди. Эҳтимол, собиқ Совет Иттифоқи билан рақобат АҚШнинг тарихий ғалабаси ва Америка учун оқибатлари турлича сиёсий қарашлар нуқтаи назаридан турлича изоҳланади: бир томондан, совуқ урушнинг тугаши дунёда Американинг бутун ер шаридаги обрўсидан қатъи назар фаоллигини пасайишига сабаб бўлгани айтилса, бошқа томондан, ҳақиқатан ҳам халқаро кўп томонлама фаолият вақти келгани ва шу сабабдан Америка ҳатто суверенитетининг бир қисмидан воз кечиши керак, деган нуқтаи назар мавжуд. Ҳар икки тафаккур мактабининг ҳам ўзининг ишончли тарафдорлари бор.

Америка етакчилиги олдида турган дилемма – мураккаб ечим дунё вазияти табиатидаги ўзгаришлар билан мураккаблашади: эндиликда кучни тўғридан-тўғри ишлатиш ўтмишдагидек осон эмас. Сиёсатнинг воситаси ёҳуд ҳатто таҳдид сифатида қўлланувчи ядро қуролларининг аҳамияти пасайди. Давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигининг ортиши иқтисодий шантаждан сиёсий мақсадда фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Шундай қилиб, маневр қилиш, дипломатия, коалиция қуриш, ҳамкорлик ва сиёсий кузирларни ўринли қўллаш Ев-

росиё шахмат тахтасида геостратегик ҳоқимиятни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий таркибий қисмига айланди.

## **ГЕОСИЁСАТ ВА ГЕОСТРАТЕГИЯ**

Американинг глобал етакчилик ҳаракатлари сиёсий географиянинг халқаро муносабатларда фундаментал муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигига эътиборли ёндашиши лозим.

Айтишларича, Наполеон бир пайтлар: “Ўз географиясини билиш ташқи сиёсатни билишдир”, деган. Бироқ сиёсий географиянинг аҳамияти бўйича тушунишимиз ҳоқимиятнинг янги ҳақиқатларига мослашиши керак.

Халқаро муносабатлар тарихининг аксарият қисми учун сиёсий можароларнинг асосий йўналиши ҳудудий назоратни англатарди. Миллатчилик бошланганидан буён кўплаб қонли урушларнинг сабаби катта ҳудудларни эгаллашга қаратилган миллий интилишларини қондириш ёки “муқаддас ер”ни қўлдан бой бериш билан боғлиқ миллий йўқотиш ҳисси эди. Ҳудудий императив эса миллий давлатнинг хулқ-атворини тартибга солувчи асосий туртки бўлган десак муболаға бўлмайди.

Империялар айна пайтда муҳим географик бойликларни пухта эгаллаш ва сақлаш мақсадида қурилган. Империялар, шунингдек, Гибралтар, Сувайш канали ёки Сингапур каби муҳим географик минтақа ва иншоотларни эҳтиёткорлик билан қўлга киритиш ва ушлаб туриш орқали қурилган бўлиб, улар императорлик назорат тизимида асосий тўсиқ ёки қалъа бўлиб хизмат қилган. Миллатчилик ва ҳудудий мулк ўртасидаги алоқанинг энг жиддий кўриниши фашистлар Германияси ва Япон империяси томонидан намойиш этилди.

«Минг йиллик рейх» ни қуришга уриниш барча немис тилида сўзлашувчи халқларни битта сиёсий бошпана остида бирлаштириш мақсадидан анча четга чиқиб,

Украинанинг дон омборларини, шунингдек, аҳолисини таъминлаши керак бўлган бошқа славян ерларини назорат қилиш истагига қаратилди ва империя ҳукмронлигини арзон ишчи кучи билан таъминлашга йўналтирилди. Манжурияга ва кейинчалик муҳим нефт ишлаб чиқарувчи Голландиянинг Ост-Индиясига бевосита ҳудудий эгалик қилиш Япониянинг миллий куч ва глобал мақомга бўлган интилишларини қондириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги васвасадан азоб чекишди.

Ҳудди шунга ўхшаш тарзда, асрлар давомида рус миллий буюклигининг талқини ҳудудларни кенгайтириш билан қувватланди ва ҳатто XX асрнинг охирида чеченлар каби рус бўлмаган халқлар устидан назоратни сақлаб қолишни талаб қилди. Муҳим нефт қувури атрофида бундай назорат Россиянинг буюк давлат мақомида муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги даъволар билан оқланди.

Миллий давлатлар жаҳон тизимининг асосий бўғинлари бўлиб қолмоқда. Буюк миллатчиликнинг қулаши ва мафкуравий компонентнинг йўқ бўлиб кетиши глобал сиёсатнинг эмоционал аҳамиятини қисқартирган бўлса-да, ядро қуроллари куч ишлатиш нуқтаи назаридан жиддий чекловларга учради, аммо ҳудудлар назорати учун бўлган рақобат ҳали ҳам халқаро муносабатларда ҳукм сурмоқда, ҳатто унинг шакллари ҳозирги вақтда янада тараққий етган кўринишларда намоён бўлмоқда. Ушбу рақобатда географик жойлашув миллий-давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун бошланғич нуқта вазифасини ўтаб, миллий давлатнинг сарҳади ҳамон мақом ва кучнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бироқ кўпчилик давлатлар учун ҳудудий мол-мулк масаласи кейинчалик ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Баъзи давлатларнинг ташқи сиёсатини шакллантиришда ҳудудий низолар муҳим аҳамиятга эга бўлса, улар ҳудудларни кенгайтириш орқали миллий мақомни мустаҳкамлаш

истагини эмас, балки этник биродарларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг инкор этилиши билан боғлиқ норозилик масаласи, ўз «ватанига» қўшилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар ёки қўшнининг этник озчиликларга нисбатан нотўғри муносабати билан боғлиқ норозилик муаммоларига барҳам бериш, дея таъкидлашади.

Ҳукумат миллий элиталари давлатнинг миллий мақомини ёки ушбу давлатнинг халқаро таъсир даражасини белгилашда ҳудудий эмас, балки бошқа омиллар муҳимроқ эканини тан олишга тобора яқинлашиб боришмоқда. Иқтисодий қобилият ва унинг технологик инновацияларда амалга оширилиши ҳам кучнинг асосий мезони бўлиши мумкин. Бунинг биринчи намунаси Япониядир. Шунга қарамай, географик жойлашуви давлатнинг бевоқифа устувор йўналишларини белгилайди: унинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий кучи қанчалик катта бўлса, унинг қўшиларига қараганда каттароқ майдон зарур, ҳаётий геосиёсий манфаатлар, бу давлатнинг таъсири ва иштироки ҳам фаоллигини талаб этади.

Яқин-вақтгача етакчи геосиёсий таҳлилчилар қуруқликдаги куч (Теллуракратия) денгиздаги кучдан (Таллосакратия) кўра муҳимроқлиги ҳақида баҳслашарди ҳамда Евросиё бутун қитъа устидан назорат қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим дея ҳисобланган.

Таниқли геосиёсатчилардан бири Ҳалфорд Маккиндер асримиз бошида муҳим муҳокамани бошлаб берди. Шундан сўнг унинг Евросиёнинг «таянч майдони» концепцияси пайдо бўлди (таъкидланишича, бу бутун Сибир ва Марказий Осиёнинг кўп қисмини ўз ичига олиши керак эди), кейинчалик эса концепция Марказий ва Шарқий Европанинг «Ер юраги» қитъада ҳукмронлик қилиш учун муҳим трамплин сифатида баҳоланди.

У ўзининг «ер юраги» тушунчасини қуйидаги машҳур афоризм билан оммалаштирди:

“Шарқий Европани бошқарадиган киши ернинг юра-

гига эгалик қилади!

Ким Шарқий Европани бошқарса, у ернинг юрагига ҳукмрон!

Кимки ернинг юрагини бошқарса, Жаҳон Ороли (Евросиё)га эгалик қилади.

Дунё оролини бошқарадиган киши эса бутун дунёга ҳукмронлик қилади!”.

Баъзи етакчи немис сиёсий географлари ўз мамлакатларидаги «Дранг нач Остен» (Шарққа интилиш) ғояларини, хусусан Карл Хаусхофернинг “Мак Киндер концепцияси”ни немис стратегик эҳтиёжларига мослаштириш орқали ривожлантирдилар.

Ушбу концепциянинг янада қўполроқ акс-садосини Адольф Гитлернинг немис халқининг «Лебенсраум» (яшаш майдони)га бўлган эҳтиёжига урғу берилишида кўриш мумкин. Айрим европалик мутафаккирлар бу асрнинг биринчи ярмида геосиёсий мувозанатнинг шарққа томон силжишини башорат қилганлар. Тинч океани минтақаси, хусусан, Америка ва Япония таназзул даврига кирган Европанинг вориси бўлиши керак эди. Бундай оқибатнинг олдини олиш учун француз сиёсий географи Пол Деманжон ва бошқа француз геосиёсатчилари каби иккинчи жаҳон урушигача ҳам Европа давлатларининг янада яқинроқ бирлашиши тарафдори эдилар.

Бугунги кунда геосиёсий масала энди Евросиёнинг қайси географик қисми қитъа устидан ҳукмронлик қилиши учун асос эканлиги ёҳуд қуруқлик қудрати ёки денгиз қудрати муҳимроқ экани билан чекланмайди. Геосиёсат минтақавий қарашлардан кўра глобаллашди, шу сабабдан бутун Евросиё қитъасидаги ҳукмронлик глобал ҳукмронликнинг марказий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Европада бўлмаган давлат Америка Қўшма Штатлари халқаро миқёсда ҳукмронлик қилади, шу билан бирга, уларнинг кучи бевосита Евросиё материгининг учта периферик минтақасига тарқалиб, улар ўз по-

зициясидан унинг ички ҳудудларини эгаллаган давлатларга кучли таъсир кўрсатади. Аммо ер шарига энг муҳим уруш театри айнан Евросиёда Америка билан потенциал рақобатчи сифатида пайдо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, асосий акторларга эътибор қаратиш ва ҳаракат сценарийсини тўғри баҳолаш Американинг глобал етакчилик ҳаракатлари сиёсий географиянинг халқаро муносабатларда фундаментал муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигига эътиборли ёндашиши лозим.

Ва бунинг учун иккита асосий қадам талаб этилади:

- Биринчи: кучга эга бўлган Евросиё давлатларини геостратегик нуқтаи назардан динамикасини аниқлаш, ҳокимиятни халқаро тақсимлашда потенциал муҳим ўзгаришларни келтириб чиқариш ва ўз сиёсий элиталарининг марказий ташқи сиёсат мақсадларини, шунингдек, ўз мақсадларига эришиш истагининг мумкин бўлган оқибатларини аниқлаш. Жойлашуви ёки мавжудлиги жиҳатдан фаолроқ геостратегик иштирокчиларга ёки минтақада тегишли шарт-шароитларни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган географик жиҳатдан муҳим Евросиё давлатларини аниқлаш;

- иккинчи: АҚШнинг ҳаётий манфаатларини сақлаб қолиш ва илгари суриш мақсадида юқоридагиларни бар тараф этиш, бирлаштириш ёки назорат қилиш учун АҚШнинг махсус сиёсатини шакллантириш ва АҚШнинг муайян сиёсатларини глобал миқёсда боғлайдиган янада кенг қамровли геостратегия концепциясини яратиш.

Мухтасар қилиб айтганда, Америка Қўшма Штатларининг Евросиё геостратегияси, геостратегик нуқтаи назардан ҳамда геосиёсий жиҳатдан катализатор давлатларни эҳтиёткорлик билан бошқаришни ўз ичига олади. Бу Американинг аввало яқин келажақда ўзининг глобал кучини сақлаб қолиши ва унинг тобора институционал ва глобал ҳамкорликка айланиши каби иккита тенг даражадаги манфаатларига мос келади. Қадимги империяларнинг

шафқатсиз тажрибалари атамашунослигидан фойдаланган ҳолда, императорлик геостратегиясининг учта буюк вазибалари, яъни вассалларнинг яширин бирлашишини олдини олиш ва уларнинг умумий хавфсизлиги борасидаги қарамлигини, бўйсунувчиларнинг итоаткорлигини сақлаб қолиш ва уларнинг ҳимоясини таъминлаш ҳамда таъсир доирасидаги давлатларнинг бирлашувига йўл қўймасликдан иборатдир.

## ГЕОСТРАТЕГИК ҲИЙИНЧИЛАР ВА ГЕОСИЁСИЙ МАРКАЗЛАР

Мавжуд геосиёсий вазиятни ўзгартириш учун ўз чегараларидан ташқарида (бунда Америка манфаатларига таъсир қиладиган даражада) куч ёки таъсир кўрсатиш имконияти ва миллий иродасига эга давлатлар фаол геостратегик иштирокчилар ҳисобланади. Улар геосиёсий ўзгарувчанликка, яъни потенциал ёки мойилликка эга. Миллий буюкликка интилиш, мафкуравий ғояни амалга ошириш, диний миссионизм ёки иқтисодий юксалиш каби ҳар қандай сабабларга кўра баъзи давлатлар ҳақиқатан ҳам бутун дунё бўйлаб минтақавий устунлик ёки таъсирчан мавқега эга бўлишга интилишади. Уларни чуқур илдиз отган, мураккаб мотивлар бошқаради. Буни Роберт Брауннингнинг ибораси орқали тушуниб олиш мумкин: «Кишининг эриша оладиган нарсалари қўли етадиган жойдан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда жаннат нега керак?»

Шундай қилиб, улар Америка кучини синчковлик билан текширадилар, уларнинг манфаатлари Америка манфаатларига тўғри келиши ёки тўқнаш келиш чегараларини аниқлайдилар, сўнгра ўзларининг янада чекланган Евросиёга қаратилган мақсадларини шакллантирадилар, бундай мақсадлар баъзан изчил, баъзан Америка сиёсатига зид келиши мумкин. Қўшма Штатлар бундай мақсадларга эга Евросиё давлатларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Геосиёсий марказлар бу давлатларнинг аҳамияти, уларнинг кучи ва мотивациясидан эмас, балки муҳим жойлашуви ва геостратегик субъектларнинг ҳаракатларига мос потенциалидан келиб чиқади. Кўпинча геосиёсий марказлар уларнинг географик жойлашуви билан белгиланади, бу баъзи ҳолларда уларга муҳим ҳудудларга киришни, назорат қилиш ёки ресурсларни олишда муҳим геосиёсий иштирокчиларни инкор этиш имконияти нуқтаи назаридан алоҳида рол беради. Бошқа ҳолларда геосиёсий марказ давлат ёки ҳатто геосиёсий майдонда ҳаётий аҳамиятга эга бўлган минтақа учун қалқон вази-фасини бажариши мумкин. Баъзан геосиёсий марказнинг мавжудлиги фаолроқ қўшни геостратегик иштирокчилар учун жуда жиддий сиёсий ва маданий оқибатларга олиб келади, дейиш мумкин. “Совуқ уруш”дан кейинги Евросиёнинг асосий геосиёсий марказларини аниқлаш, шу билан бирга, уларни ҳимоя қилиш Америка глобал геостратегиясининг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, аввало шуни таъкидлаш керакки; барча геостратегик ўйинчилар муҳим ва қудратли давлатлар бўлса-да, ҳамма муҳим ва қудратли давлатлар ҳам автоматик равишда геостратегик ўйинчиларга айлана олмайди. Натижада геостратегик иштирокчиларни аниқлаш нисбатан осон бўлиб туюлса ҳам, оқибатда бундай рўйхатда баъзи қудратли мамлакатларнинг мавжуд эмаслигини кўриш мумкин.

Ҳозирги шароитда глобал миқёсда, янги Евросиё сиёсий харитасида камида бешта асосий геостратегик акторлар ва бешта геосиёсий марказ (охирги иккитаси, эҳтимол, қисман актор сифатида ҳам танланиши мумкин) аниқланиши мумкин. Франция, Германия, Россия, Хитой ва Ҳиндистон йирик ва фаол акторлар бўлиб, Буюк Британия, Япония ва Индонезия (тан олиш керакки, жуда муҳим давлатлар) қолганларидек талаб даражасида эмас. Украина, Озарбайжон, Жанубий Корея, Туркия ва Эрон прин-

ципиал жиҳатдан муҳим геосиёсий марказлар ролини ўйнайди. Гарчи Туркия ҳам, Эрон ҳам маълум даражада ўзларининг чекланган имкониятлари доирасида бўлишига қарамасдан геостратегик жиҳатдан фаол давлатлардир. Уларнинг ҳар бири кейинги бобларда кенгроқ муҳокама қилинади.

Ушбу босқичда Франция ва Германияни Евросиёнинг ғарбий қисмида асосий ва динамик геостратегик ўйинчилар эканлигини айтиш кифоя. Уларнинг иккаласи ҳам гарчи Европа билан Американи қандай боғлаб қолиш кераклиги борасида келишмасалар-да, Европа қиёфасидан дарак беради. Аммо уларнинг иккаласи ҳам Европада амбицияли янги нарсаларни қўйишни хоҳлайди ва шу билан статус-квони ўзгартиради. Хусусан, Франциянинг Европада ўзига хос геостратегик концепцияси мавжуд бўлиб, у баъзи муҳим жиҳатлари билан Қўшма Штатларникидан фарқ қилади ва ҳаттоки ўз тактик манёврларини ишла-тиб Россияни Америка олдида ноқулай аҳволга солишга, Буюк Британияни эса Германия олдидаги нисбий заифлигини қоплаш мақсадида француз-немис иттифоқини ишга солиб бўлса ҳам интилади.

Бундан ташқари, Франция ҳам, Германия ҳам кенгроқ доирада таъсир ўтказиш учун етарлича кучли ва қарашла-рида қатъийлар. Франция нафақат Европани бирлашти-рувчи марказий сиёсий ролга интилади, балки ўзини Ўрта Ер денгизи, Шимолий Африка мамлакатлари гуруҳининг ўзаги сифатида кўради. Германия Европадаги энг муҳим давлат минтақанинг иқтисодий “ҳаракатлантирувчиси” ва Европа Иттифоқининг (ЕИ) янги пайдо бўлган етакчи-си сифатидаги алоҳида мақомини тобора кўпроқ англаб етмоқда. Германия янги озод қилинган Марказий Евро-па учун алоҳида масъулиятни ҳис қиладики, бу Германия бошчилигидаги Марказий Европа ҳақидаги эски ғояларни ёдга солади. Бундан ташқари, Франция ҳам, Германия ҳам Россия билан муносабатларда ўзларини Европа манфаат-

ларини ҳимоя қилиш мажбуриятига эга, деб ҳисоблайдилар ва Германия географик жойлашуви туфайли, ҳеч бўлмаганда, назарий жиҳатдан, ҳатто Россия билан махсус икки томонлама катта концепцияларни амалга оширади.

Буюк Британия эса аксинча, геостратегик ўйинчи эмас. У тор мазмундаги тушунчаларга амал қилади, Европа келажаги ҳақидаги амбициявий тасаввурга берилмайди ва унинг нисбатан таназзулга учраши Европада кучлар мувозанатини сақлайдиган давлат сифатидаги анъанавий ролини ўйнаш қобилиятини ҳам пасайтиради. Европани қайта бирлаштириш масаласидаги ноаниқлик, шунингдек, Америка билан сусайган алоҳида муносабатларга содиқлик Британияни Европа келажаги учун жиддий вариантлар нуқтаи назаридан қизиқ бўлмаган давлатга айлантирди, оқибатда, Лондон Европа ўйинидан четда қолди.

Буюк Британиянинг Европа комиссиясидаги собиқ юқори мартабали арбоби сэр Рой Денман ўз хотираларида, ҳатто 1955 йилда Мессинадаги конференцияда Европа Иттифоқини яратиш масаласи дастлаб кўриб чиқилганда, Британия расмийси йиғилган иштирокчиларга қатъиян айтган гапларни эслайди:

«Сиз муҳокама қилаётган бўлажак шартноманинг умумий маъқулланиш имконияти йўқ! Агар у бўйича келишувга эришилса, унинг амалга оширилиши учун ҳеч қандай имконият қолмайди. Агар у амалга оширилса, Буюк Британия учун бу мутлақо номақбул бўлиб чиқади. ...Хайр, жаноблар! Муваффақият тилайман!»

Орадан мана 40 йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳам, юқорида тилга олинган ибора кўп даражада Буюк Британиянинг чинакам бирлашган Европани яратишга бўлган принципиал муносабатининг таърифи бўлиб қолмоқда. Британиянинг 1999 йил январда иш бошлаши режалаштирилган Иқтисодий ва валюта иттифоқида иштирок этишни хоҳламаслиги мамлакатнинг Европа билан тақдирини аниқлашни истамаслигини акс эттиради. Ушбу муносабатларнинг моҳияти

90-йилларнинг бошларида қуйидаги тарзда жамланган:

- Буюк Британия сиёсий бирлашиш мақсадини рад этади;
- Буюк Британия иқтисодий интеграциянинг эркин савдо моделини ёқлайди;
- Буюк Британия ташқи сиёсат, хавфсизлик ва муҳофаа масалаларини Европа Иттифоқининг (Европа ҳамжамияти) тузилмавий доирасидан ташқарида мувофиқлаштиришни афзал кўради;
- Буюк Британия камдан кам ҳолларда Европа Иттифоқидаги ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланади.

Буюк Британия, аниқки, Америка учун ҳали ҳам муҳим. У ҳамжамият орқали баъзида глобал таъсир кўрсатишда давом этмоқда, аммо у энди тинчланмайдиган йирик куч эмас ва ҳаракатлари амбицияли орзуларга асосланмаган. У Американинг асосий ёрдамчиси, жуда содиқ иттифоқчиси, муҳим ҳарбий базаси ва муҳим разведка фаолиятида яқин ҳамкоридир. У билан дўстликни кучайтириш керак, лекин сиёсати ҳушёр эътиборни талаб қилмайди. У нафақадаги геостратегик арбоб бўлиб, шонли ютуқларга таянади, асосан Франция ва Германия бош қаҳрамонлар бўлган буюк Европанинг “саргузаштлари” дан узоқлашади.

Аксарияти НАТО ёки Европа Иттифоқига аъзо бўлган бошқа ўрта катталиқдаги Европа давлатлари ё Американинг етакчи ролига эргашадилар ёки аста-секин Германия ёки Франция ортидан саф тартадилар. Уларнинг сиёсати, айниқса, кенг минтақавий таъсирга эга эмас ва улар ўзларининг асосий йўналишини ўзгартиришга қодир эмаслар. Бу босқичда улар на геостратегик акторлар, на геосиёсий марказлардир. Худди шу нарса Марказий Европанинг НАТО ва Европа Иттифоқининг энг муҳим потенциал аъзоси Польша учун ҳам амал қилади. Польша геостратегик ўйинчи бўлиш учун жуда заиф ва у фақат битта йўлга эга: Ғарб билан интеграция қилишга мажбур. Бундан ташқари, қадимги Россия империясининг йўқолиши ва Польшанинг

Атлантика иттифоқи ва янги пайдо бўлган Европа билан мустақамланиб бораётган алоқалари уни тарихан мисли кўрилмаган хавфсизлик билан таъминлайди ва шу билан бирга стратегик танловларини чеклайди.

Эслаб ўтиш лозим, Россия давлатчилиги заифлашганига ва “соғлиғи ёмонлашиши”га қарамай, асосий геостратегик актор бўлиб қолмоқда. Унинг мавжудлиги собиқ Совет Иттифоқининг кенг Евросиё маконидаги янги мустақил давлатларга сезиларли таъсир кўрсатади. У улкан геосиёсий мақсадларни қадрлайди ва бу мақсадларни тобора ошкора эълон қилади. У ўз кучини тиклагандан сўнг ғарбий ва шарқий қўшниларига ҳам сезиларли таъсир ўтказа бошлайди. Қолаверса, Россия ҳали Америка билан муносабатлари нуқтаи назаридан ўзининг фундаментал геостратегик танловини амалга оширгани йўқ: улар дўстми ёки душманми? У Евросиё қитъасида бу борада жиддий имкониятлари борлигини яхши ҳис қилиши мумкин. Кўп нарса ички сиёсий вазиятнинг ривожланишига, айниқса, Россиянинг Европа демократиясига ёки яна Евросиё империясига айланишига боғлиқ. Қандай бўлмасин, у ўзининг бир нечта “доналари”ни, шунингдек, Евросиё шахмат тахтасидаги баъзи муҳим ўринларини йўқотган бўлса ҳам, шубҳасиз, фаол ўйинчи бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш керакки, Хитойнинг сиёсий майдондаги асосий ўйинчилардан бири эканлигини исботлаш қийин эмас. Хитой аллақачон муҳим минтақавий куч бўлиб, буюк куч тарихи ва Хитой давлатини дунёнинг маркази сифатида кўрилиши янада кенгроқ умидлар тақдим этади. Хитойнинг танловлари Осиёдаги кучларнинг геосиёсий мувозанатига аллақачон таъсир қила бошлади, айни пайтда унинг иқтисодий суръати, шубҳасиз, унга катта жисмоний куч ва ўсиб бораётган амбицияларни беради. “Буюк Хитой”нинг тирилиши билан Тайван муаммоси ҳам эътибордан четда қолмайди ва бу Американинг Узоқ Шарқдаги позициясига таъсир қилиши муқаррар. Совет

Иттифоқининг қулаши Хитойнинг ғарбий қисмларида бир қатор давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хитой раҳбарлари уларга бефарқ қололмади. Шундай қилиб, Хитойнинг жаҳон майдонидаги фаолроқ роли Россияга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Евросиёнинг шарқий қисмида парадокс мавжуд. Япония, шубҳасиз, жаҳон муносабатларидаги асосий куч ва АҚШ-Япония иттифоқи кўпинча энг муҳим икки томонлама муносабатлар сифатида белгиланади. Япония дунёдаги энг муҳим иқтисодий кучлардан бири сифатида биринчи даражали сиёсий салоҳиятига эга. Бироқ минтақавий ҳукмронлик учун ҳар қандай амбициялардан эҳтиёт бўлиб, ундан фойдаланмайди ва Америка ҳомийлигида ишлашни афзал кўради. Япония Европа мисолида, Буюк Британия сингари материк, у Осиёдаги сиёсий тўнтаришларга кирмасликни афзал кўради, гарчи кўплаб осиеликлар Япониянинг етакчи сиёсий ролга бўлган ҳар қандай даъвосига нисбатан душманлик кайфиятида бўлсалар ҳам.

Ўз навбатида Япониянинг паст даражадаги сиёсий позицияси АҚШга Узоқ Шарқдаги хавфсизликни таъминлашда марказий рол ўйнаш имконини беради. Шундай қилиб, гарчи унинг аниқ салоҳияти, айниқса Хитой ёки Америка жорий сиёсатини тўсатдан ўзгартира олса ҳам Япония геостратегик актор эмас. Бу АҚШ-Япония муносабатларини диққат билан ривожлантириш учун Қўшма Штатларга алоҳида мажбурият юклайди. Натижада, бу Америка диққат билан кузатиши керак бўлган Япония ташқи сиёсати эмас, балки Америка жуда эҳтиёткорлик билан ривожлантириши керак бўлган Япониянинг вазминлигидир. АҚШ-Япония сиёсий алоқаларининг ҳар қандай сезиларли даражада заифлашиши минтақадаги барқарорликка бевосита таъсир қилади.

Индонезиянинг динамик геостратегик ўйинчилар рўйхатида мавжуд эмаслигини асослаш мураккаб эмас.

Жануби-Шарқий Осиёда Индонезия энг муҳим давлат, аммо унинг минтақанинг ўзида ҳам таъсир ўтказиш қобилияти иқтисодиётининг нисбий ривожланмаганлиги, давом этаётган ички сиёсий беқарорлик, архипелагдаги тарқоқ ороллар ва ички этник низоларга мойиллиги билан изоҳланади. Хитой мамлакатнинг ички молиясидаги марказий роли билан янада кучаймоқда. Қайсидир маънода Индонезия Хитойнинг жанубий интилишларига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Охир-оқибат, Австралия буни тан олди. У бир мунча вақт Индонезия экспансионизмидан қўрқди, аммо кейинчалик Австралия-Индонезия хавфсизлик ҳамкорлигини олқишлай бошлади. Аммо Индонезияни минтақадаги ҳукмрон актор сифатида кўриш учун бирлашиш ва барқарор иқтисодий муваффақиятлар даври керак бўлади.

Бошқа томондан Ҳиндистон минтақавий кучга айланиш жараёнида ўзини глобал миқёсдаги потенциал асосий актор сифатида кўрмоқда. У ўзини Хитойга рақиб деб билади. Бу билан ўзининг эски имкониятларини қайта баҳолаётган бўлиши мумкин, аммо Ҳиндистон, шубҳасиз, Жанубий Осиёдаги энг қудратли давлатдир. У Покистонни қўрқитиш ёки шантаж қилиш учунгина эмас, балки Хитойнинг ядро “арсеналини” мувозанатлашга ҳаракат қилади. Ҳиндистон ўзининг қўшилариغا нисбатан ҳам, Ҳинд океанида ҳам минтақавий роли ҳақида геостратегик тасаввурга эга. Бироқ ҳозирги босқичда унинг амбициялари Американинг Евросиёдаги манфаатларига нисбий равишда аралашади ва шу сабабли геостратегик актор сифатида Ҳиндистон, ҳеч бўлмаганда, Россия ёки Хитой каби геосиёсий ташвиш манбаига айланмаган.

Евросиё шахмат тахтасидаги янги ва муҳим макон бўлган Украина геосиёсий марказдир, чунки унинг мустақил давлат сифатида мавжудлиги Россияни ўзгартиришга ёрдам беради. Украинасиз Россия Евросиё империяси бўлишни тўхтатади. Украинасиз Россия ҳали ҳам импера-

торлик мақоми учун кураша олади, аммо кейин у асосан Осиёнинг император давлатига айланади ва катта эҳтимол билан ривожланаётган Марказий Осиё билан заифлашувчи можароларга аралашади, агар бу амалга ошса, ўз кучини йўқотганидан афсусланган бўларди. Улар яқинда мустақилликка эришган ва жанубдаги қардош ислом давлатларидан ёрдам олади. Хитой, шунингдек, минтақанинг янги мустақил давлатларига қизиқиш кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, Россиянинг Марказий Осиё устидан ҳукмронлигини тиклашнинг ҳар қандай турига қарши чиқади. Бироқ агар Москва 52 миллион аҳолиси ва катта ресурслари, шунингдек, Қора денгизга чиқиши билан Украина устидан назоратни тикласа, Россия автоматик равишда Европа ва Осиёда кенг тарқалган кучли император давлатига айланиш воситаларига эга бўлади. Украинанинг мустақиллигини йўқотиши Марказий Европа учун жиддий оқибатлар келтириб чиқаради ва Польшани бирлашган Европанинг шарқий чегараларидаги геосиёсий марказга айлантиради.

Озарбайжон гарчи ўзининг чекланган ҳудуди ва аҳолисининг озчилигига қарамай улкан энергия ресурсларига эга бўлгани учун муҳим геосиёсий аҳамиятга эга. Бу Каспий денгизи ва Ўрта Осиё ҳавзаси бойликларини ўз ичига олганлиги билан муҳим саналади. Агар Озарбайжон бутунлай Москва назоратига бўйсунса, Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигига деярли “маъносиз тушунча” сифатида қараш мумкин. Озарбайжоннинг мустақиллиги бекор қилинса, унинг ўзига хос ва жуда муҳим нефт ресурслари ҳам Россия назорати остида бўлиши мумкин. Ғарб бозорлари билан Россия назорати остидаги ҳудуддан ўтмайдиган нефт қувурлари орқали боғланган мустақил Озарбайжон ҳам ривожланган ва энергия истеъмолчилиги учун ҳам Марказий Осиёнинг энергияга бой республикаларига чиқиш йўлига айланиб бормоқда. Озарбайжон ва Марказий Осиёнинг келажаги деярли Украина мисоли-

да бўлгани каби, асосан, Россиянинг ким бўлиши ёки бўла олмаслигига боғлиқ.

Туркия ва Эрон Россиянинг қудратини йўқотишидан фойдаланиб, Каспий-Марказий Осиё минтақасида маълум даражада таъсир ўрнатиш билан овора. Шу сабабли уларни геостратегик ўйинчилар деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу икки давлат жиддий ички муаммоларга дуч келмоқда ва уларнинг кучлар мувозанатидаги сезиларли фарқи минтақавий ўзгаришлар қилиш имкониятини чеклайди. Бундан ташқари, улар рақибдир ва шу билан бир-бирининг таъсирини бекор қилади. Мисол учун, Туркия таъсирчан ролга эришган Озарбайжонда Эроннинг позицияси (ўз ҳудудида озарларнинг мумкин бўлган миллий тартибсизликлари ҳақидаги хавотиридан келиб чиққан ҳолда) Россия учун фойдалироқ бўлиб чиқди.

Бироқ Туркия ҳам, Эрон ҳам биринчи навбатда муҳим геосиёсий марказдир. Туркия Қора денгиз минтақасини барқарорлаштиради ва ундан Ўрта Ер денгизига чиқишни назорат қилади, Кавказда Россия билан мувозанатни сақлаб, ҳанузгача мусулмон фундаментализмига қарши курашувчи восита бўлиб қолмоқда ва НАТОнинг жанубий лангари бўлиб хизмат қилмоқда. Беқарорлашган Туркия Болқоннинг жанубидаги зўравонликларга кўпроқ эркинлик беради, шу билан бирга Россия Кавказнинг янги мустақил давлатлари устидан назоратни қайтариб олишини таъминлайди. Эрон Озарбайжонга нисбатан “иккиюзламачилигига” қарамай, худди шундай Марказий Осиёнинг янги сиёсий хилма-хиллигини барқарорлаштириш жараёнида муҳим рол ўйнайди. У Форс кўрфазининг шарқий қирғоғида ҳукмронлик қилади ва унинг мустақиллиги, бугунги кунда Қўшма Штатларга бўлган душманликка қарамай, минтақадаги Россия таҳдидига тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Ва ниҳоят, Жанубий Корея Узоқ Шарқнинг геосиёсий марказидир. Унинг Қўшма Штатлар билан яқин алоқала-

ри Америкага Япония учун қалқон бўлиб ҳаракат қилиш имконини беради ва шу тариқа Япониянинг ўзида Американинг катта иштирокисиз мустақил ва қудратли ҳарбий кучга айланишига йўл қўймайди. Жанубий Кореянинг мақомидаги ҳар қандай жиддий ўзгариш бирлашиш ёки Хитойнинг кенгайиб бораётган таъсир доирасига тушиш орқали муқаррар равишда Американинг Узоқ Шарқдаги ролини тубдан ўзгартиради ва шу билан Япониянинг ролини ҳам ўзгартиради. Бундан ташқари, Жанубий Кореянинг ўсиб бораётган иқтисодий қудрати ҳам уни ўз-ўзидан муҳимроқ “макон”га айлантормоқда, унинг устидан назорат тобора қимматли аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги геостратегик иштирокчилар ва геосиёсий марказларнинг рўйхати доимий ҳам, ўзгармас ҳам эмас. Баъзида айрим давлатлар унга қўшилиши ёки чиқариб ташланиши мумкин. Албатта, қайсидир нуқтаи назардан, охириги тоифага Тайван ёки Таиланд, Покистон, эҳтимол, Қозоғистон ёки Ўзбекистон ҳам киритилиши мумкин бўлади. Бироқ ҳозирги босқичда юқорида тилга олинган ҳар бир давлат атрофидаги вазият бизни бунга мажбурламайди. Улардан бирортасининг мавқеидаги ўзгаришлар муҳим воқеаларни ифодалайди ва кучлар мувозанатида баъзи ўзгаришларга олиб келади, аммо уларнинг оқибатлари кенг қамровли бўлиши шубҳали туюлиши мумкин. Агар кимдир уни Хитойдан алоҳида кўрсатишга интилса Тайван бундан мустасно бўлади. Шунда ҳам, агар Хитой оролни забт этиш учун муҳим куч ишлатишга қарор қилган бўлса, Америка Қўшма Штатларига қарши чиқса ва шу тариқа Американинг Узоқ Шарқдаги сиёсий обрўсига кенгроқ таҳдид солса, албатта, савол туғилиши табиий. Воқеаларнинг бундай ривожини эҳтимоли унчалик катта эмас, аммо АҚШнинг Хитойга нисбатан сиёсатини шакллантиришда бу мулоҳазалар ҳали ҳам ёдда тутилиши керак.

## **МУҲИМ ТАНЛОВЛАР ВА ЭҶТИМОЛИЙ МУАММОЛАР**

Марказий ўйинчилар ва асосий марказларни аниқлаш АҚШнинг умумий сиёсати ва Евросиё суперконтинентидаги эҳтимолий муаммоларни олдиндан кўришга ёрдам беради. Бу мавзунини кейинги бобларда кенгроқ муҳокама қилишдан олдин ушбу фикрларнинг барчасини бешта асосий саволга бирлаштириш мумкин:

- Қандай тартибдаги Европа АҚШ учун афзалроқ ва шундан келиб чиққан ҳолда у қандай тартибдаги Европани яратишда кўмаклашиши керак?
- Қандай тартибдаги Россия АҚШ манфаатларига мос келади ва бунга эришиш учун АҚШ нималарни амалга ошира олади?
- Марказий Евросиёда янги «Болқон яримороли»нинг пайдо бўлиши истиқболлари қандай ва унинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни имкон қадар камайтириш учун АҚШ нималар қилиши керак?
- Узоқ Шарқда Хитойни қандай рол ўйнашга ундаш керак ва бунинг нафақат АҚШ, балки Япония учун ҳам оқибатлари қандай бўлиши мумкин?
- АҚШ манфаатлари учун хавфли бўлган қандай турдаги Евросиё давлатлари иттифоқларининг пайдо бўлиш эҳтимоли бор ва уларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

Америка Қўшма Штатлари ҳаминиша “Бирлашган Европа” қуриш тарафдори эканлигини таъкидлаб келган. АҚШ президенти Жон Кеннеди маъмурияти даврдан бери «тенг шерикчилик» одатий ва умумий қақариқдир. Расмий Вашингтон доимий равишда Европани АҚШ билан дунёвий раҳбарлик масъулияти ва юкини бўлишиш учун етарлича кучли бўлган ягона ташкилот сифатида кўриш истагини билдириб келмоқда.

Бу ушбу масала юзасидан кўп такрорланадиган қарашдир. Бироқ амалда Америка Қўшма Штатларининг бу

масала борасидаги ҳаракатлари етарли даражада аниқ ва қатъий эмас. Расмий Вашингтон ҳақиқатан ҳам Европани дунёвий масалаларда ўзи учун тенг ҳуқуқли шерик сифатида кўришни хоҳлайдими ёки у тенг бўлмаган иттифоқни афзал кўрадими? Мисол учун, АҚШ географик жиҳатдан ўзидан кўра Европага яқинроқда жойлашган ва бир қанча Европа давлатларининг давомли манфаатлари бор бўлган Яқин Шарқ минтақасида Европа давлатлари билан етакчиликни бўлишига тайёрми? Бу борада дарҳол Исроил давлати муаммоси билан боғлиқ саволлар хаёлга келади. Эрон ва Ироқ давлатлари бўйича Америка Қўшма Штатлари ва Европа давлатлари ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам АҚШ томонидан тенг ҳуқуқли шериклар ўртасидаги масала сифатида эмас, балки бўйсунмаслик масаласи сифатида талқин қилинди.

АҚШнинг Европани бирлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш сиёсатидаги ноаниқликлар, ўз навбатида ягона Европа Иттифоқининг қай тартибда бўлиши ва айнақса, қайси давлат бирлашган Европага раҳбарлик қилиши кераклиги ҳақидаги масалаларга ҳам тааллуқлидир (ва умуман бундай давлат бўлиши керакми?). Расмий Вашингтон Европада Франция етакчилигидан кўра Германияни афзал кўрса ҳам, Лондоннинг Европа интеграцияси борасидаги бўлинувчи позициясига ҳам қарши эмас. Бу Франция сиёсатининг анъанавий йўналишини ҳисобга олган ҳолда тушунарли, аммо бу танлов ҳам маълум оқибатларга олиб келади, улар вақти-вақти билан Германияга қарши туриш учун Француз-инглиз келишувларининг пайдо бўлишини рағбатлантириш билан бир қаторда АҚШ-Германия коалициясига қаршилик кўрсатиш учун Франциянинг Москва билан вақти-вақти билан содир бўладиган муносабатларидир.

Том маънода бирлашган Европанинг пайдо бўлиши, айнақса, бу АҚШнинг конструктивлик ёрдами натижа-сида содир бўлса, Америка ва Европа ўртасидаги асосий

боғлам ҳисобланган НАТО блокнинг структураси ва жа-  
раёнларида сезиларли ўзгаришларни талаб қилади. НАТО  
нафақат Европа ишларида Америка таъсирини амалга  
оширишда асосий механизмни тақдим этади, балки Ғар-  
бий Европада Америка ҳарбий кучларининг мавжудли-  
гини танқид қилиш сиёсати учун асос ҳам ҳисобланади.  
Аммо Европа иттифоқи бу тузилмани анъанавий атама-  
шуносликда фойдаланиладиган ва асосан ягона етакчи  
ва унинг вассалларини билдирадиган иттифоқ ўрнига,  
иккитадан кўпроқ ёки камроқ тенг ҳуқуқли шерикларга  
асосланган иттифоқнинг мавжудлигига мослаштиришни  
талаб қилади. 1996 йилда Ғарбий Европа давлатларининг  
ҳарбий коалицияси бўлган Ғарбий Европа Иттифоқининг  
НАТО таркибидаги ролини ошириш бўйича нисбатан од-  
дий чоралар кўрилганига қарамай, бу масала ҳалигача  
кўп муҳокама қилинмаяпти. Бу Бирлашган Европа фойда-  
сига ҳақиқий танлов НАТОни кенг қамровли қайта ташкил  
етишга мажбур қилади ва муқаррар равишда иттифоқда-  
ги АҚШ устунлигини камайтиради.

Қисқача қилиб айтганда, АҚШнинг Европа учун узоқ  
муддатли геостратегияси Европа бирлиги ва Европа би-  
лан ҳақиқий ҳамкорлик масалаларини аниқ кўриб чиқи-  
ши керак. Бирлашган ва шунинг учун ҳам янада мустақил  
Европани ҳақиқатдан ҳам хоҳлайдиган АҚШ Европанинг  
сиёсий ва иқтисодий интеграциясига чин дилдан содиқ  
бўлган кучларини қўллаб-қувватлаши керак. Бундай стра-  
тегия, шунингдек, бир вақтлар улуғланган АҚШ ва Буюк  
Британия ўртасидаги махсус муносабатларнинг сўнгги  
қолдиқларини ҳам йўқ қилишни англатади.

Бирлашган Европа сиёсати, шунингдек Европанинг ге-  
ографик кўлами билан боғлиқ жуда нозик муаммони ев-  
ропаликлар билан биргаликда ҳал қилиши керак. Европа  
Иттифоқи шарқ томонга қанчалик узоққа чўзилиши ке-  
рак? Европа Иттифоқининг шарқий чегаралари НАТОнинг  
шарқий фронт чизиғи билан бир хилда бўлиши керакми?

Биринчи масала кўпроқ Европа қарори билан боғлиқ, аммо бу масала бўйича Европа қарори НАТО қарорига бевосита таъсир ўтказади. Бироқ иккинчи масала билан Америка Қўшма Штатлари шуғулланади ва АҚШнинг НАТОдаги овози ҳали ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Марказий Европа халқларини ҳам Европа Иттифоқига, ҳам НАТОга қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўсиб бораётган консенсусни ҳисобга олган ҳолда, бу саволнинг амалий маъноси Болтиқбўйи республикаларининг ва эҳтимол Украинанинг келажақдаги мақомига эътибор қаратади.

Шундай қилиб, юқорида муҳокама қилинган Европа масаласидаги иккиланиш ва Россияга тегишли иккинчиси ўртасида муҳим ўхшашлик мавжуд. Россиянинг келажаги ҳақидаги саволга Европа билан чамбарчас боғланган демократик Россияни афзал кўриш орқали жавоб бериш осон. Эҳтимол, демократик Россия АҚШ ва Европа томонидан кириб келган қадриятларга нисбатан кўпроқ хайрихоҳ бўлади ва шунинг учун янада барқарор ва ҳамкорликка асосланган Евросиёни шакллантиришда кичик шерик бўлиш эҳтимоли юқорироқдир. Аммо Россиянинг амбициялари демократик давлат сифатида тан олинishi ва ҳурматига эришишдан ҳам ошиб кетиши мумкин. Россия ташқи сиёсатида (асосан собиқ совет амалдорларидан ташкил топган) ҳамон алоҳида Евросиё ролига чуқур сингиб кетган интилиш сақланиб қолмоқда. Бу эса янги мустақил, собиқ иттифоқ давлатларининг Москвага бўйсунishiга олиб келади.

Шу нуқтаи назардан, ҳатто дўстона ғарб сиёсати ҳам Россия сиёсатини белгилаб берувчи жамоаларнинг баъзи нуфузли аъзолари томонидан Россиянинг глобал мақомга ҳақли даъвосини рад этиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади. Икки нафар россиялик геосиёсатчи айтганидек:

“Америка Қўшма Штатлари ва НАТО давлатлари имкон қадар назарий жиҳатдан Россияга Совет Иттифоқига тегишли бўлган жаҳон сиёсатидаги куч иккинчи ўринни

эгаллашга умид қилиш имконини берадиган геосиёсий асосларни қатъий ва изчил равишда йўқ қилмоқдалар”.

Бундан ташқари, “Америка сиёсати ҳозирги вақтда Ғарб томонидан Европа ҳудудида яратилаётган янги ташкилот асосан дунёнинг ушбу қисмида жойлашган янги, нисбатан кичик ва кучсиз миллий давлатларга НАТО, Европа Иттифоқи ва бошқа шу каби ташкилотга яқинлаштириш орқали ёрдам бериш ғоясига асосланади”.

Юқоридаги иқтибослар, баъзи бир нотўғри қарашлар билан бўлса ҳам АҚШ олдида турган муаммоли вазиятларни яхши таърифлайди. Россияга унинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан муқаррар равишда мустаҳкамланишига қай даражада иқтисодий ёрдам зарур ва бир вақтнинг ўзида, ўз мустақиллигини энди қўлга киритган давлатларга мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларида қай даражада ёрдам кўрсатиш керак? Россия бир вақтнинг ўзида ҳам қудратли ва ҳам демократик давлат бўла оладими? Агар у яна қудратли давлатга айланадиган бўлса, империя давридаги йўқотганларини қайтариб олишни истаб қолмайдими? Шундай бўлган тақдирда ҳам у ҳам империя, ҳам демократик давлат бўлиши мумкинми?

АҚШнинг Украина ва Озарбайжон каби муҳим геосиёсий марказларга нисбатан сиёсати бу масалаларни четлаб ўтмайди ва шу сабабли ҳам АҚШ тактик мувозанат ва стратегик мақсад борасида баъзи қийинчиликларга дуч келади. Россиянинг ички тикланиши уни демократлаштириш ва охир-оқибат европалаштириш учун зарурдир. Бироқ унинг империя давридаги муҳташам кучини тиклаб олиши ушбу ҳар иккала мақсадга ҳам зарар етказиши мумкин. Қолаверса, айнан шу масалада, айниқса Европа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайиши борасида, АҚШ ва Европанинг баъзи давлатлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Россияни ушбу иккала тузилмадан бирига аъзоликка номзод деб ҳисоблаш керакми? Ва ке-

йин Украинага нисбатан қандай иш кўриш керак? Россияни ушбу тузилмалардан четлаб ўтиш оқибатлари жуда катта бўлиши мумкин. Россиянинг ўзига хос мақсадининг ғояси рус онгида амалга ошади, аммо Европа Иттифоқи ва НАТОнинг заифлашиши оқибатлари ҳам беқарор бўлиши мумкин.

Туркия ва Эрон марказларининг эҳтимолий заифлиги натижасида Марказий Евросиёнинг катта ва геосиёсий жиҳатдан беқарор маконида яна бир катта ноаниқлик пайдо бўлади. Қуйидаги харитада кўрсатилган, Қора денгиз бўйидаги Қримдан тўғри шарққа Россиянинг янги жанубий чегараларигача, Хитойнинг Шинжон вилояти билан чегарадан, сўнгра Ҳинд океанигача тушган ҳолда, у ердан ғарбда Қизил денгизгача, кейинчалик шимолда Ўрта ер денгизининг шарқий қисмигача чўзилган ва Қримга туташган ҳудудларда 25 га яқин мамлакатда 400 миллионга яқин одам яшайди. Бу аҳоли этник ва диний жиҳатдан турличадир ва бу мамлакатларнинг деярли ҳеч бири сиёсий жиҳатдан барқарор эмас. Бу мамлакатларнинг баъзилари ядро қуролига эга чиқиш ҳаракатида бўлиши мумкин.

Ўзаро нафрат туфайли тарқоқ бўлган ва бир-бири билан рақобатлашаётган кучли қўшнилар қуршовида қолган бу кенг ҳудуд, эҳтимол, миллий давлатлар ўртасидаги урушлар содир бўладиган улкан уруш ва узоқ давом этадиган этник ва диний зўравонликлар майдонидир. Ҳиндистоннинг ўзини вазмин ва дадил тутиши ёки Покистоннинг ўз мақсадларига эришиш учун баъзи имкониятлардан фойдаланиши ҳам можароларнинг минтақавий доирасига катта таъсир кўрсатади. Туркия ва Эрондаги ички кескинликлар кучайиши нафақат ўзига таъсир қилади, балки бу давлатларнинг ушбу нотинч минтақада ўйнаши мумкин бўлган барқарорлаштирувчи ролни сезиларли даражада камайишига олиб келади. Бундай ҳодисалар, ўз навбатида, Марказий Осиёнинг янги ташкил топган давлатларини халқаро ҳамжамиятга қўшилишини мураккаблаштириши,

шунингдек, АҚШ етакчи рол ўйнайдиган Форс кўрфазидagi хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мўмкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, АҚШ ва халқаро ҳамжамият ҳам бу ерда собиқ Югославиядаги сўнги инқироздагидек муаммоларга дуч келиши мўмкин (харитага қаранг).



Ислом фундаментализми томонидан яратилиши мумкин бўлган эҳтимолий қийинчиликлар АҚШнинг ушбу беқарор минтақадаги муаммосининг бир қисми бўлиши мумкин. Америкача турмуш тарзига нисбатан диний адоват ва араб-исроил можаросидан фойдаланиш орқали ислом фундаментализми бир қанча ғарбпараст Яқин Шарқ ҳукуматларининг позицияларига путур етказиши ва охир-оқибат Американинг минтақавий ва айниқса, Форс кўрфази ҳудудидаги манфаатларига таҳдид солиши мумкин. Шунга қарамасдан, умумий сиёсатда уйғунликнинг йўқлиги ва ягона, қудратли ислом давлатининг мавжуд эмаслиги туфайли ҳам ислом фундаментализми томонидан илгари сурилган чақириқлар геосиёсий марказга эга бўлмаган тарқоқ зўравонликлар орқали намоён бўлади.

Хитойнинг йирик куч сифатида пайдо бўлиши асосий геостратегик муаммони келтириб чиқаради. Энг жозибадор натижа эса демократик ва эркин бозор муносабатларига эга Хитойнинг Осиё минтақавий ҳамкорлигига кенгроқ доирада қўшилиши бўлади. Бироқ агар Хитой демократик ислохотларни амалга оширмаган ҳолда иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишда давом этса-чи? Қўшни давлатларнинг хоҳиши ва ҳисоб-китоблари қандай бўлишидан қатъи назар, “Буюк Хитой” нинг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд ва бунинг олдини олишга бўлган ҳар қандай уриниш Хитой билан зиддиятнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин. Бундай можаро ўз навбатида АҚШ-Япония муносабатларида ҳам кескинликларга сабаб бўлиши мумкин, чунки Япония Американинг Хитойни тийиб туришга қаратилган ҳаракатларига эргашишни хоҳламайди ва шунинг учун ҳам бу Япониянинг минтақавий миқёсдаги ўз ролини белгилашида эҳтимолий инқилобий оқибатларга олиб келиши ва ҳатто Американинг Узоқ Шарқдаги мавжудлигининг якуни бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ Хитой билан келишувга эришиш ўз оқибатларига эга бўлади. Хитойни минтақавий куч сифатида тан

олиш бу шунчаки битта оддийгина шиорни маъқуллаш деганимас. Минтақавий даражадаги бундай устунлик ҳам муҳим мазмунга эга. Очигини айтганда, Америка Хитойнинг халқаро таъсир доирасини қай даражада ва қайси ҳудудларга чўзилгунига қадар тан олишга тайёр? Хитойни дунёвий ишларга шерик сифатида муваффақиятли жалб этишга қаратилган сиёсатнинг бир қисми сифатида АҚШ нималар қилиши керак? Эндиликда Хитойнинг сиёсий таъсир доираларидан ташқарида жойлашган қайси ҳудудларни қайта тикланаётган Самовий империя ҳудуди сифатида бериш керак бўлиши мумкин?

Шу нуқтаи назардан, Америка Жанубий Кореядаги ўз ролини сақлаб қолиши, айниқса, муҳимдир. Бусиз АҚШ-Япония мудофаа шартномаси ҳозирги кўринишда мавжуд бўлишини тасаввур қилиш қийин. Чунки бу Японияни ҳарбий жиҳатдан кўпроқ мустақил бўлишга мажбур қилади. Бироқ Кореяни қайта бирлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат АҚШнинг Жанубий Кореядаги бугунги кундаги ҳарбий мақомини йўқ қилиши мумкин. Қайта бирлашган Корея АҚШнинг ҳарбий ҳимоясидан воз кечишни ўзи учун зарур деб топиши ва бу аслида Хитой яриморолининг бирлашувини бутун ҳокимияти билан қўллаб-қувватлаш учун талаб қиладиган товон ҳам бўлиши мумкин. Қисқача қилиб айтганда, Америка Қўшма Штатларнинг Хитой билан муносабатларини қай тартибда юритиши бевосита АҚШ-Япония-Корея «учбурчаги» доирасидаги хавфсизлик муносабатларининг барқарорлигига таъсир қилади.

Ниҳоят, келажақдаги сиёсий иттифоқларни яратишга олиб келиши мумкин бўлган баъзи эҳтимолий ҳолатларни қисқача таъкидлаб ўтиш керак. Бу масала тегишли бобларда тўлиқроқ кўриб чиқилади. Ўтмишда халқаро муносабатларга алоҳида давлатлар ўртасидаги минтақавий ҳукмронлик учун кураш етакчи таъсир кўрсатган. Бундан буюн Америка Қўшма Штатлари уни Евросиёдан сиқиб чиқармоқчи бўлган ва шу билан унинг глобал қуд-

рати мақомига таҳдид соладиган минтақавий давлатлар иттифоқларига қандай муносабатда бўлишни ҳал қилиши керак бўлади. Бироқ бундай коалицияларнинг АҚШ ҳукмронлигига қарши чиқиши ёки чиқмаслиги ҳам аслида АҚШнинг ушбу ҳудудлардаги асосий келишмовчиликларни қанчалик самарали ҳал қила олишига боғлиқдир.

Воқеалар ривожланишининг эҳтимолий энг хавfli сценарийси бу Хитой, Россия ва балки Эрон иштирокидаги ўзаро мафкурага эмас, балки учала томон учун ҳам умумий бўлган норозиликларга асосланган «дунёвий етакчиликка қарши» иттифоқининг яратилиши бўлиши мумкин. Бу иттифоқ ҳажми ва кўлами жиҳатидан бир вақтлар Хитой-Совет иттифоқи туфайли келиб чиққан муаммога ҳам ўхшаш бўлиши мумкин, аммо бу сафар Хитой етакчи, Россия эса унинг тарафидаги эргашувчи давлат бўлиши мумкин. Ушбу блокнинг яратилишига йўл қўймаслик учун Америка Қўшма Штатлари, қанчалик қийин бўлса ҳам, Евросиёнинг ғарбий, шарқий ва жанубий чегараларида бир вақтнинг ўзида геостратегик жасоратни намойиш қилиши керак.

Узоқ Шарқдаги АҚШ позицияларининг қулаши ва Япониянинг дунё муаммоларига нисбатан қарашларидаги инқилобий ўзгаришлардан кейин пайдо бўлиши мумкин бўлган хитой-япон «ўқи» географик жиҳатдан чекланган, аммо потенциал эътибори билан янада муҳимроқ муаммо бўлиши мумкин. Бундай иттифоқ иккита ниҳоятда салоҳиятли халқларнинг кучини бирлаштириб, “осиёчилик” ғоясининг баъзи кўринишдаги шаклларида америкаликларга қарши бирлаштирувчи таълимот сифатида фойдаланиши мумкин. Бироқ Хитой ва Япониянинг ўтмишдаги умумий зиддиятли тарихидан келиб чиқадиган бўлсак, яқин келажакда бундай иттифоқнинг тузилиши даргумон ва Американинг Узоқ Шарқдаги узоқни кўзлаган сиёсати, албатта, бундай ўзгаришларнинг олдини олишга қодир бўлиши керак.

Гарчи эҳтимолдан анча йироқ бўлса ҳам, Европада Германия-Россия иттифоқи ёки Франция-Россия антантасини тузиш орқали кучлар нисбатининг қайта тақсимланиши имкониятлари мавжуд ва буни бутунлай инкор етиб бўлмайди. Тарихда шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд ва агарда Европанинг бирлашув жараёни тўхтаб қолса ёки Европа ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда жиддий ёмонлашув кузатилса, булардан биттаси амалга ошиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, юқорида айтилган ҳодисаларнинг иккинчиси амалга ошса, АҚШни қитъадан сиқиб чиқариш мақсадида Европа ва Россия ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатилишини тасаввур қилиш мумкин. Айни даврда бу ҳодисаларнинг барчаси ақл бовар қилмайдиган кўринади. Уларни амалга ошириш нафақат АҚШнинг жуда нотўғри Европа сиёсатини, балки Европа асосий давлатларининг ҳам ўз сиёсатларини кескин ўзгартиришини талаб қилади.

Келажакда нима бўлишидан қатъи назар, АҚШнинг Евросиё қитъасидаги етакчилик ролига турли хил тартибсизликлар ва онда-сонда бўлиб турадиган алоҳида зўравонлик ҳодисалари каби ҳуружлар бўлиб туради, деган хулосага келиш ўринлидир. Американинг етакчи роли ҳам минтақавий рақиблар, ҳам янги кучлар уйғунлиги туғдириши мумкин бўлган янги муаммолардан ҳимояланмаган. «Уруш хавфини кун тартибидан» олиб ташлайдиган АҚШ етакчилигидаги ҳозирги дунё тизими, АҚШнинг узоқ муддатли геостратегия билан белгиланадиган қисмларида барқарор бўлиши мумкин. Дунёнинг қолган ҳудудлари эса АҚШ устунлик қиладиган кўп томонлама тузилмалар билан бир-бирига боғланган мос ва қулай ижтимоий-сиёсий тизимларга таянади.

## УЧИНЧИ БОБ

### ДЕМОКРАТИК ПЛАЦДАРМ

**Е**вропа табиатан Американинг иттифоқдошидир. Улар бир хил қадриятларга эга; асосан бир хил диний урф-одатларга амал қилишади; бир хил демократик сиёсат юритади ва кўплаб америкаликларнинг асл ватани ҳам Европа ҳисобланади.

Миллий давлатларнинг умуммиллий иқтисодий ва пировардида сиёсий иттифоққа интеграциялашувида жонбозлик кўрсатиш орқали Европа национализм даврининг тор қарашлари ва бузғунчилик кайфиятидан ҳоли бўлган постмиллий ташкилотларни шакллантириш сари илдамламоқда.

Европа аллақачон дунёнинг кўп томонлама энг уюшган минтақасига айланиб ўлгурган (жадвалга қаранг). Унинг сиёсий бирлашувидаги муваффақияти 400 миллионга яқин одам бир демократик макон остида яшовчи ва турмуш даражаси Америка Қўшма Штатлариники билан таққосласа бўладиган ягона сиёсий бирликни юзага келтириши мумкин. Бундай Европанинг глобал кучга айланиши муқаррардир.

Шунингдек, Европа демократиянинг Евросиё заминига чуқурроқ кириб бориши учун трамплин вазифасини ўтайди. Ўз навбатида Европанинг шарққа томон кенгайиб бориши эса 1990 йилларнинг демократик ғалабасини янада мустаҳкамлайди. Бу сиёсий ва иқтисодий соҳада ғарбий христианликдан келиб чиққан Европанинг қадимги ва умумий диний мероси сифатида таърифланадиган Петрин Европаси Европа асосий цивилизация доирасига мос тушади. Ушбу Европа национализм давридан анча олдин ва ҳатто Америка ва Советлар ҳукмрон бўлган икки қисмга ажралишидан ҳам олдин мавжуд эди. Бундай кенг Европа Украина, Белоруссия ва Россия билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, умумий демократик тамойилларни тарғиб қилиш билан биргаликда уларни тобора кучайиб бораётган ҳамкорликка жалб қилиш орқали узоқ шарқда жойлашган бир қатор давлатлар эътиборини тортиши турган гап. Натижада, Европа АҚШ ҳомийлигидаги йирик Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Евросиё тузулмасининг муҳим устунларидан бирига айланиб боради.

Бироқ даставвал Европа Американинг Евросиё материгидаги геосиёсий истеҳкоми эканлигини таъкидлаб, АҚШнинг Европадаги геостратегик улуши беҳад катталигини айтиб ўтиш аини муддаодир. Американинг Япония билан алоқаларидан фарқли ўлароқ Атлантика иттифоқи Американинг Евросиё материгидаги сиёсий таъсирини ва ҳарбий кучини бевосита мустаҳкамлайди. АҚШ-Европа муносабатларининг иттифоқдош Европа давлатлари АҚШ хавфсизлик ҳимоясига боғлиқ бўлган ушбу поғонасида Европа ҳудуди ва кўламидаги ҳар қандай экспанция АҚШ манфаатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Аксинча, трансатлантик муносабатларсиз Америка Европадаги ўз аҳамиятини йўқота боради, Атлантика океани узра назорати ва Евросиёга таъсир эта билиш имкони-

яти ҳам чегараланиб қолади.

Бироқ муаммо шундаки, Европа ҳақиқий “Европа” сифатида ҳали мавжуд эмас. Бу бир тасаввур, ғоя ва мақсад, лекин воқелик эмас. Ғарбий Европа аллақачон улкан бозорга айланган, аммо ҳали ҳануз ягона сиёсий бирлик бўлишдан йироқдир. Агар ҳали ҳам бирор бир исбот талаб этиладиган бўлса, Босниядаги инқироз Европа аслида мавжуд эмаслигининг ёрқин далили эканлигини кўрсатиш мумкин. Аччиқ ҳақиқат шуки, Ғарбий Европа ва эндиликда Марказий Европа ҳам тарихнинг вассал ва ўлпон тўловчи мамлакатларини эсга солувчи Америка протекторати бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолат на АҚШга ва на Европа давлатларига бирор бир фойда келтиради.

Европада кенг тарқалган ҳаётий ўсишнинг кескин пайсиши вазиятни янада ёмонлаштиради. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимнинг қонунийлиги ҳам, ҳатто европача ўзига хослик ҳисси ҳам жуда заиф. Европанинг бир қатор давлатларида ўзаро ишонч ҳиссининг ва креатив импульснинг йўқолиши, шунингдек, дунёнинг катта дилеммаларидан яққаланиб қолишга ва қочишга қаратилган ички маънавий дунёқарашни аниқлаш мушкул эмас. Кўплаб Европаликларнинг аслида Европанинг катта кучга айланиши борасидаги хоҳишлари ва бирлашиш учун зарурий вазифаларни бажаришга тайёр эканликлари аниқ эмас. Ҳозирда бирор бир кучга эга бўлмаган Европа анти-амеркианизм қолдиқлари илгари сураётган қарашлар ҳам беъманилик: Европаликлар Америка “гегемонлиги” ни қўллаб-қувватлашмайди, бироқ АҚШ паноҳида хавфсиз бўлишдан манфаатдорлар.

Европа бирлашиши учун сиёсий куч учта асосий факторлар сабабли юзага келган эди. Улар: иккита вайронкор жаҳон урушларидан қолган хотиралар, иқтисодий тикланишга бўлган хоҳиш ва Совет таҳдидидан хавфсираш.

1990 йилларга келиб ушбу импульслар анча сусайган ва умуман олганда иқтисодий тикланишга эришилган эди. Шахсий манфаатларни кўзлаб ҳар қандай ислоҳотга билдирилаётган кескин қаршилиқ Европа сиёсий эътиборини ички муаммоларга тортаётган бир вақтда, Европа тобора кўпроқ дуч келадиган муаммо иқтисодий ҳаётни борган сайин кучсизлантириб қўяётган ва катта муаммолар туғдирадиган ижтимоий ёрдам тизимидир. Совет таҳдиди тугади, бироқ баъзи европаликларнинг Америка васийлигидан мустақил бўлиш каби истаклари континентал бирлашиш учун туртки бўлолмади.

Европа ҳамжамияти ва унинг вориси ҳисобланган Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган бюрократик импульслар туфайли Европа мақсади янада кучайди. Бирлашиш ғояси ҳали ҳам машҳур, бироқ у қандайдир лоқайдлик ва иштиёқсизлик намоён эта бошлади. Умуман олганда, бугунги давр ғарбий Европаси муаммоли, маълум бир тизимга эга бўлмаган, осон, бироқ ижтимоий жиҳатдан ташвишли бўлган жамиятлар йиғиндисидан бўлак ўзга бир кенгроқ қарашларни намоён этмайди. Европанинг бирлашиши ҳали амалга ошмаган мақсад эмас, балки жараён бўлиб бормоқда.

Шундай бўлса-да, Европанинг икки етакчи давлати Франция ва Германия чинакам Европани шакллантириш мақсадига содиқ қолмоқда. Демак, улар Европанинг асосий меъморларидир. Улар биргаликда ҳаракат қилишса, ўзининг ўтмиши ва бугунги салоҳиятига муносиб бўлган Европани қуришлари мумкин. Бироқ улар алоҳида ва бир биридан фарқ қиладиган қарашлар ва йўналишларга эга бўлиб, улардан хоҳлаган бири ёлғиз ўзи муваффақият қозониши амри маҳол.

Бундай ҳолат Американинг дадил аралашуви учун кенг йўл очади ва Американи Европа бирлиги номидан ҳа-

ракат қилишга етаклайди. Акс ҳолда, Европанинг сиёсий бирлашуви жараёнлари тўхтаб қолиши ва ҳатто бутунлай бекор қилиниши ҳам мумкин. Бироқ бу аралашувда Америка хоҳишларига аниқлик киритилиши лозим: Америка айнан қандай Европани афзал кўради? Ушбу жараёнда у Европа ва НАТО доирасида тенг ҳуқуқли ҳамкорними ёки кичик бир иттифоқчини қўллаб-қувватлашга тайёрми? Бу, шунингдек, Европанинг икки архитекторидан эҳтиёткор бошқарувни ҳам талаб қилади.

### **УЛУҒВОРЛИК ВА ҚУТҚАРУВ**

Франция ўзини Европанинг асл вориси қилиб кўрса-тишга интилса, Германия Европа миллийлигини буткул сақлаб қолишдан умидвор.

Франция учун Европа ўзининг ўтмишдаги буюклигини қайта тиклаш воситаси. Ҳатто биринчи жаҳон урушидан олдин ҳам халқаро муносабатлар бўйича бир қатор таниқли француз мутафаккирлари Европанинг жаҳонда тутган ўрни прогрессив равишда пасайишдан хавотирда эдилар. Совуқ урушнинг бир қанча ўн йилликлари мобайнида ушбу хавотир Ғарбда англо-саксон ҳумкронлигига қарши норозиликларга айланади. Ғарб маданиятини “Америкалаштириш”га нисбатан юзага келган нафрат ҳам ундан кам эмасди. Шарл де Голл таъбири билан айтганда, Атлантикадан тортиб то Урал тоғларигача бўлган ҳудудда ҳақиқий Европанинг яратилиши ушбу аянчли вазиятнинг ягона ечими эди. Чунки бундай Европа ташкил этилса, у албатта, Париж томонидан бошқарилар ва француз халқининг муҳим бир тақдири бўлиб қолаётган улуғворликни қайта бахш этган бўлади.

Америка билан яқиндан ўрнатилган алоқалар хавфсизлиги масаласида муҳим рол ўйнайдиган Германия учун Европага содиқлик миллийликни сақлаб қолиш учун

асосдир. Шунга кўра, Америкадан мустақил бўлган Европа Германия принципларига мос вариант эмас. Асраб қолиш + хавфсизлик = Европа + Америка. Ушбу формула Германия позициясини белгилаб беради ва уни бир вақтнинг ўзида Европанинг ҳақиқий вориси ва Американинг Европадаги энг кучли тарафдорига айлантиради.

Германия Европага бўлган садоқатини ўзининг ўтмишдаги айбини ювиш, ўзига бўлган маънавий ва сиёсий ишончни қайта тиклаш сифатида кўради. Германия Европа олдида ўзини оқлаш орқали йўқотилган репутациясини тиклашга муваффақ бўлмоқда. Агар Германия ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда иш тутса, бу бошқа Европа мамлакатларининг узоқлашиш хавфини туғдиради; бироқ бутун Европа манфаатларини қўллаб-қувватласа, уларнинг мадади ва ҳурматига сазовор бўлади.

Совуқ урушнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган даврларида Франция содиқ, фидокор ва қатъиятли иттифоқчи эди. Баъзи режалар муваффақиятсизликка учраганига қарамасдан Франция Америка билан елкама-елка турди. Ҳар иккала Берлин блокадаси даврида бўлсин ёки Куба инқирози мобайнида Франциянинг мустаҳкам кўмагига бир оз бўлсада шубҳа йўқ эди. Бироқ Франциянинг НАТОга бўлган хайрихоҳлиги бир вақтнинг ўзида французларнинг алоҳида сиёсий ўзига хослигини таъминлаш ва қарорлар қабул қилишда, айниқса бу Франциянинг жаҳондаги обрўси ва Европа келажигига тегишли бўлса, ўзининг мустақил эканлигини эътироф этиш истаги билан чегараланган эди.

Франция сиёсий элитаси онгида Франция ҳали ҳануз глобал кучга эга деган асоссиз қараш мавжуд. Масалан, 1995 йил май ойида ўзидан олдингиларга тақлид қилган Бош вазир Ален Жуппе Миллий Ассамблеяда шундай деган эди: “Франция глобал куч сифатида ўз лаёқатини



намойиш этишга қодир ва намойиш этиши керак". Франциянинг ядро қуролига эга бўлиш борасидаги истаги шу орқали ўзининг эркинлик доирасини янада кенгайтириш ва бир вақтнинг ўзида Американинг ғарбий иттифоқ хавфсизлиги борасидаги ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатиш имконини қўлга киритиш мақсади сабаб янада кучайган эди. Франциянинг ўз обрўсини оширишга интилиши Совет иттифоқига қаратилган эди, албатта. Зотан, Франциянинг ядро қуролига эга бўлиши СССР манфаатлари учун сезиларли аҳамиятга эга эмас эди.

Франция наздида ядро қуролига эга бўлиш ўзининг жаҳонда сўзи ўтадиган глобал кучга айланиш тўғрисидаги даъволарини мустаҳкамлади. Бу Франциянинг позициясини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг вето ҳуқуқига эга бўлган бешта аъзосидан бири сифатида ҳам сезиларли даражада оширди. Франция нуқтаи назаридан, мустақил Европа барпо этиш мақсадидан йироқ бўлган Буюк Британия эгалик қилаётган ядровий қурол АҚШ ядро қуролининг давомчиси, холос. (Ядро дастури давомида АҚШнинг махфий ёрдамидан фойдалангани француз стратегик ҳисоб-китобларида заррача аҳамият касб этмади). Бундан ташқари, французлар фикрича, ядро дастури Франциянинг Европадаги етакчи мамлакат сифатидаги бошқарув позициясини янада мустаҳкамлади.

Шунингдек, Франциянинг глобал амбициялари француз тилида сўзлашувчи Африка мамлакатларида хавфсизлик ролини сақлаб қолишга интилишида ҳам ўз аксини топган. Узоқ вақт давом этган жангларда Вьетнам ва Жазоирнинг йўқотилишига қарамай, ушбу хавфсизлик миссияси Тинч океанидаги тарқоқ ороллар устидан назоратни давом эттирди ва аслида ўртамиёна постимпериал мамлакат бўлган Франциянинг ҳали ҳануз глобал кучга эга эканлиги ҳақидаги француз элитаси иддаосини қўллаб-қувватлади.

Юқоридагиларнинг бари Францияни Европа етакчилигига даъво қилишга ундади. Буюк Британия ўзини ўзи четга суриб, АҚШ қудратининг бир қисмига айланган ҳамда Германия Совуқ уруш мобайнида бир неча бўлақларга ажралиб кетган ва ҳали ҳануз XX аср хотиралари туфайли қўли калталиқ қилаётган бир даврда Франция Европани ягона бирликка бирлаштириш вазифасини ўз қўлига олиши ва шу орқали ўзини танитиши мумкин эди. Суверен миллий давлатлар ғоясини биринчи бўлиб яратган ва национализмни фуқаролик этиқодига айлантирган давлат учун ўзини бирлашган Европа тимсоли сифатида кўриш табиий ҳол эди, албатта. Франция бошчилигидаги Европанинг қудрати автоматик тарзда Францияга ҳам тегишли бўлар эди.

Франция ўз таъсир доирасида тутиши ёки ҳеч бўлмаганда ўзидан кучлироқ бўлган бошқа бир давлат таъсирига тушиб қолишидан сақлаши лозим бўлган геосиёсий ҳудудларни харитада ярим айлана шаклида тасвирлаш мумкин. У Пиреней ярим ороли, Ғарбий Ўрта Ер денгизининг шимолий соҳиллари ҳамда Германия ва Шарқий-Марказий Европагача бўлган ҳудудларни қамраб олади (харитага қаранг). Бу ҳудудлар нафақат француз хавфсизлик тизимининг минимал радиуси, балки Франция сиёсий манфаатлари кесишган муҳим зонадир. Фақатгина жанубий давлатлар ва Германиянинг кафолатланган ёрдами ҳамда қўллаб-қувватлаши билангина Франция бошчилигидаги бирлашган ва мустақил Европа барпо этиш мақсадини давом эттириши мумкин. Ва бу геосиёсий зонада тобора кучайиб бораётган Германияни бошқариш муаммо туғдириши шубҳасиз.



Франция қарашларига кўра, бирлашган ва мустақил Европанинг асосий мақсадига уни Франция раҳбарлигида бирлаштириш ҳамда қитъада секин-асталик билан АҚШ таъсирини камайтириш орқали эришиш мумкин.

Бироқ агар Франция Европа келажагини белгилайдиган бўлса, у Германия билан алоҳида шўғулланиши ва унинг таъсир доирасини чеклаб қўйиши ҳамда Вашингтонни Европадаги етакчилигидан маҳрум этмоқ учун қадамба-қадам ҳаракат қилмоғи даркор. Натижада, Франция олдида асосан икки хил вазифа туради: Американинг Европадаги таъсирини муттасил равишда камайтириш ва унинг Европа хавфсизлигини таъминлашида давом этишига эришиш.

Агар Франция ҳақиқатан ҳам глобал кучга эга бўлганида, мақсадига эришиш йўлидаги ушбу дилеммаларни ҳал қилиш қийинчилик туғдирмасди. Европа мамлакатларининг ҳеч бири (Германиядан ташқари) Франция каби бир хил амбицияга эга эмаслар. Ҳаттоки, Германияни Франция бошчилигидаги бирлашган ва мустақил Европани қабул қилишга кўндириш ҳам мумкин эди. Лекин бу мақсад Франция Европани АҚШдан бошқа давлат таъминлай олмайдиган хавфсизлик билан таъминловчи ҳақиқий глобал куч-қудратга эга бўлганидагина амалга ошиши мумкин.

Бироқ Германия Француз кучининг ҳақиқий чегарасини жуда яхши билади. Франция иқтисодий жиҳатдан Германиядан анча заиф бўлиши билан бирга ҳарбий тузулмаси ҳам (1991 йилги Форс кўрфази уруши кўрсатиб берганидек) етарли даражада пухта ташкиллаштирилмаган. Франция сунъий йўлдош орқали Африка мамлакатларида рўй берувчи ички тўнтаришларни бостира оладиган даражада салоҳиятга эга, аммо у на Европани ҳимоя қила олади ва на Европадан йироқда ўз кучини намойиш эта олади. У Европадаги ўртамиёна давлатдан бошқаси эмас. Германия, аслида, мустақил Европани барпо этиш мақсадида Франциянинг етакчи сифатидаги хатти-ҳара-

кати билан ҳам мурасага келишга тайёр эди, лекин Европанинг чинакам хавфсизлиги учун Француз раҳбариятига кўр-кўрона эргашишни истамади.

Франция учун аччиқ ҳақиқат Германия қайта бирлашгач ўртага чиқиши. Унгача немис иқтисодий ўсишига таянган француз-немис сулҳи Франциянинг сиёсий етакчилилик мақомини белгилаб берарди. Бу ҳол аслида иккала томон учун ҳам жуда мос эди. Яъни бу орқали Европанинг Германияга нисбатан қўрқув ҳисси ижобий томонга ўзгарди ҳамда Франция бошчилигидаги иқтисодий жиҳатдан кучли ғарбий Германия ёрдамига таянувчи мустақил Европа барпо этиш орзусини янада кучайтирди.

Француз-немис сулҳи юз берган англашилмовчиликларга қарамасдан Европада ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди ва эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган даражада муҳим аҳамият касб этди. Чунки ушбу сулҳ Европа бирлашувининг қийин дамларида эришилган барча ютуқлар учун ҳал қилувчи пойдеворни яратди. Бундан ташқари, у АҚШ манфаатларига ва Европада узоқ муддатли трансмиллий ҳамкорликни олиб бориш режаларига тўлиқ мос келди. Франция-Германия ҳамкорлигининг ниҳояга етиши Европани ҳам, АҚШни ҳам фалокатли муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин.

Американинг махфий ёрдами Франция ва Германиянинг Европани бирлаштириш борасидаги урунишлари олдинга силжишига туртки бўлди. Шу тариқа 1990 йил 6 декабрь кунини Франция президенти ва Германия канцлери федерал Европани барпо этишга келишиб олишди. Ўн кун ўтгач, сиёсий иттифоқ бўйича ҳукуматлараро Рим конференцияси Европа ҳамжамиятининг 12 нафар ташқи ишлар вазирларига сиёсий иттифоқ тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш вазифасини юкледи.

Германиянинг бирлашуви Европа сиёсий жараёнларини кескин ўзгартириб юборди. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам Франция, ҳам Россия учун геосиёсий мағлубият эди.

Бирлашган Германия нафақат Франциянинг кичик сиёсий ҳамкори бўлишни тўхтатди, балки автоматик равишда Ғарбий Европадаги рад этиб бўлмас сиёсий кучга айланди. Ва ҳатто, халқаро институтларни қўллаб-қувватлаш учун ажратадиган молиявий ҳиссалари воситасида қисман бўлса-да, глобал куч мақомига эришди. Янги воқеълик Франция-Германия муносабатларида бироз совуқчиликларга сабаб бўлди. Чунки, энди Германия Франция ҳимоясидаги давлат эмас, балки Европа келажаги борасидаги ўз қарашларини аниқ ва раван ифода этишга ва тарғиб қилишга қодир бўлган янги бир ҳамкор эди.

Франциянинг таъсир кучи камайиши унинг кейинги сиёсий қадамларини белгилаб берди. Энди Франция қандай бўлмасин НАТО доирасидаги таъсир кучини қайта тиклаши (шу пайтгача Франция НАТОдан Америка ҳукмронлигига қарши норозилик рамзи сифатида узоқ туриб келган) ҳамда ўз заифлигини димломатик ўддабуронлик орқали беркитиши лозим эди. НАТОга қайтиш Франция учун Америкага кўпроқ таъсир ўтказиш имконини бериши мумкин эди. Шунингдек, Франция Лондон ва Москва билан жоиз бўлганида яқинлашиш Америка ва Германияга ташқаридан ўтказилиши мумкин бўлган босимни келтириб чиқариши ҳам инобатга олинганди.

Бинобарин, Франция ўддабуронлик сиёсатининг бир қисми сифатида НАТО қўмондонлиги таркибига қайтди. 1994 йилгача НАТОнинг сиёсий ва ҳарбий қарорлар қабул қилиш жараёнларида де-факто фаол иштирокчи бўлди. 1995 йилнинг охирига келиб Франция ташқи ва мудофаа вазирлари альянс кенгашларининг яна доимий иштирокчиларига айланишди. Бироқ ташкилотга тўлиқ қўшилгач, улар Америка раҳбарияти ва иштирокчи Европа ўртасида мувозанат яратиш учун иттифоқ тузилмасини ислоҳ қилиш қарорини қайта тасдиқлашларига тўғри келди. 1996 йил 8-апрель куни Франция ташқи ишлар вазири Ҳерве де Чаретте сўзлаган нутқида Франциянинг иттифоқ

ичидаги асосий мақсади оператив равишда ишончли ва сиёсий таъсирга эга бўлган Европанинг ўзига хослигини таъминлашдан иборат эканлигини айтиб ўтган эди.

Шу билан бир қаторда, Париж Американинг Европадаги таъсирини чеклаш учун Россия билан одатий алоқаларидан фойдаланишга ва қачонки мақсадга мувофиқ бўлганда француз-инглиз иттифоқини Германиянинг Европадаги ўсиб бораётган устунлигини бартараф этиш йўлида қайта тиклашга тайёр эди. 1996 йил август ойида Ташқи ишлар вазири Франциянинг ушбу мақсадини “Агар Франция халқаро муносабатларда муҳим рол ўйнашни истаса, қудратли Россиянинг борлигидан уни қўллаб-қувватлаш орқали фойдаланади”, деган сўзлари билан ошкора айтишга яқин келганди. Россия Ташқи ишлар вазири бунга жавобан шундай деган эди: “Дунё лидерлари ичида фақат французларгина Россия билан илиқ муносабат ўрнатишни ишташади”.

Франциянинг НАТО шарққа томон кенгайиб боришини қўллаб-қувватлаши ҳам Америкага қисман таъсир кўрсатишга қаратилган бир тактика эди. Айнан АҚШ ва Германия НАТО кенгайишининг асосий тарафдорлари бўлганликлари Францияни сукут сақлаб, совуққонлик билан ҳаракат қилишга, ушбу ташаббуснинг Россия манфаатларига таъсири ҳақида ташвиш билдиришига ва шу орқали Россиянинг Европадаги энг ғамхўр ҳамкорига айланишига жуда мос тушди. Ушбу вазият Марказий Европадаги мамлакатларда французлар Россиянинг шарқий Европадаги таъсир доирасига қарши эмас деган таассурот уйғотди. Бу шунини кўрсатдики, Россия масаласи нафақат АҚШ таъсирини мувозанатга келтириб, Германияга ҳам огоҳлантириш билдирди, балки АҚШ томонидан НАТОни ислоҳ қилиш борасидаги Франция таклифларини ҳам инobatга олинишига ундади.

НАТОнинг кенгайиши унинг ўн олтига аъзосидан яқдилликни талаб қилиши шубҳасиз. Франция ўзининг ён

бериши альянс бирдамлиги учун жуда муҳим аҳамият касб этишини ва бошқа иттифоқчи мамлакатлар қаршилиги олдини олиш учун Франциянинг ёрдами керак эканлигини жуда яхши англади.

Аввалига Франциянинг Европа Иттифоқи шарққа томон кенгайишига нисбатан позицияси анча илиқ эди. Бу борада етакчилик АҚШ кўмагидаги Германия томонидан қўлга киритилди. Гарчи Франция Европа Иттифоқининг кенгайиши собиқ коммунистик давлатлар учун муҳим соябон вазифасини бажариши ҳақида мулоҳаза юритса-да, Германия Европа Иттифоқининг Марказий Европа бўйлаб кенгайиши учун жадал ҳаракатга киришган заҳоти, Франция Европа Иттифоқидан Ўрта Ер денгизининг жанубидаги ҳарбий қанотига тенг даражада эътибор қаратишини талаб қила бошлади ( Бу ўзгаришлар 1994 йил ноябрь ойида Франция-Германия саммитида кўзга ташланган эди). Франциянинг охириги масалага алоҳида урғу бериши НАТОнинг жанубий аъзолари томонидан қўллаб-қувватланишига олиб келди ва бу ўз навбатида Франциянинг савдолашиш имкониятини максимал даражада оширди. Аммо бу сиёсий савдонинг харажати Франция ва Германия томонидан ушлаб турилган Европа геосиёсий қарашларида кенгайиб бораётган бўшлиқ эди. Ушбу бўшлиқ фақатгина Франциянинг 1996 йилнинг иккинчи ярмида Полшани Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзолигини қабул этиши билан бироз қисқартирилган эди.

Ўзгарувчан тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олганда ушбу бўшлиқнинг юзага келиши муқаррар эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Германия Франция билан тузилажак сулҳ тарқоқ Европанинг ғарбий қисмида бирлашган Европа барпо этилиши учун муҳим эканлигини тан олган эди. Бу сулҳ Германиянинг тарихий тикланишида ҳам марказий ўрин касб этди. Ва бунинг учун тўланиши даркор бўлган адолатли ҳақ Франция етакчилигини қабул қилиш эди. Шу билан бирга, Совет Иттифоқи кучсиз ғар-

бий Германияга таҳдид солаётган бир пайтда Германия учун АҚШга содиқлик ушбу таҳдиддан қутулишнинг ягона шarti эди. Бироқ СССР қулагач Германия учун Францияга бўйсунуш на зарур, ва на қулай эди.

Эндиликда Парижнинг эски иттифоқдоши бўлган Германия қайта бирлашган ва тобора кучайиб бораётган давлатга айланган эди. Шу сабабли Франция шунчаки Германиянинг трансатлантик ҳамкори ва ҳимоячиси билан муносабатларини қабул қилишдан ўзга чораси қолмаганди.

Совуқ уруш тугаши билан ушбу муносабатлар Германия учун янги аҳамият касб эта бошлади. Яқин ўтмишда бу муносабатлар Германия учун Совет Иттифоқи таҳдиддан муҳофаза воситаси ва мамлакат қайта бирлашуви учун муҳим шарт-шароит эди. СССР қулаши ва Германия қайта бирлашиши билан унинг Америка билан алоқалари Германия учун Марказий Европада қўшниларига хавф туғдирмаган ҳолда етакчилик ролини эгаллаши сари янги бир имконият яратиб берди. Германиянинг АҚШ билан алоқалари уни фақатгина “яхши хулқилик гувоҳномаси” билан таъминланиши чегараланмади, албатта: Германия қўшнилари у билан яқиндан ўрнатилган алоқа Америка билан ҳам яқинроқ муносабатга етаклашига ишонтирилган эди. Буларнинг бари Германия ўзининг геосиёсий устуворлигини белгилаб олишини осонлаштирди.

Европада ишончли тарзда мустаҳкамланган, хавфсиз, бироқ АҚШ ҳарбийлари томонидан муҳофаза қилинадиган Германия эндиликда янги озод бўлган Марказий Европани Европа тузилмаларига қўшилишини қўллаб-қувватлаш имконига эга эди.

Бу немис империализмининг эски Марказий Европаси эмас, балки немис инвесторлари ва тижорати томонидан рағбатлантириладиган хавфсиз иқтисодий тикланиш бирлашмаси бўлиши ва уни ҳам Европа Иттифоқи, ҳам НАТОга аъзо бўлиши Германия томонидан илгари сурилиши

даркор эди. Франция-Германия иттифоқи доирасида янада муҳимроқ ҳал қилувчи ролга эга бўлган Германиянинг энди ўз шахсий манфаатларини илгари сүришдан чўчишига ҳожат қолмаганди.

Германия манфаатлари доирасини харитада чўзинчоқ шаклда белгилаш мумкин эди: ғарбда, албатта, Франция, шарқда Марказий Европанинг янгидан озод қилинган пост-коммунистик давлатлари, жумладан, Болтиқбўйи республикалари ҳамда Украина ва Белоруссияни қамраб олиб, ҳатто Россия чегараларига яқинлашади. Кўп жиҳатдан бу ҳудудлар Германия шаҳар ва қишлоқ хўжалиги мустамлакачилари томонидан национализм давридан олдин Шарқий-Марказий Европа ва Болтиқбўйи республикаларида шакллантирилган немис маданий таъсирининг тарихий ўрнига тўғри келади. Бундан ҳам муҳими шуки, Германия ва Франция манфаатдор бўлган ҳудудлар харитада бирга кўриб чиқилса, амалда Европанинг шарқий ва ғарбий чегараларини белгилаб беради. Улар ўртасидаги ўхшашлик эса француз-немис муносабатларининг Европа ҳудудида муҳим геосиёсий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

1990 йиллардаги немис-поляк сулҳи тузилиши Германиянинг Марказий Европадаги ролини янада мустаҳкамлади. Дастлаб буткул хоҳламаган бўлса-да, Германия Полша билан Ордер-Неиссе чегарасини доимий, деб тан олди. Бунга жавобан Полша Германия билан яқин муносабат ўрнатиш борасидаги тўсиқларни олиб ташлади. Хайрихоҳлик ва кечиримлилик муносабатларидан сўнг ўзаро алоқалар кескин суръатда ўзгарди. Немис-поляк савдоси ўз ривожланишининг чўққисига чиқди (1995 йилда Полша Германиянинг Шарқдаги энг йирик савдо ҳамкори сифатида Россиядан ўзиб кетди) ва ўз навбатида Германия Полшанинг Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзолигини қўллаб-қувватловчи асосий ҳомийсига айланди.

Шу ўн йилликнинг ўрталарига келиб, Поляк-немис

сулҳи олдинги француз-немис сулҳи каби Марказий Европада муҳим бир геосиёсий аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайти. Полша орқали Германия ўз таъсир доирасини шимолда Болтиқбўйи мамлакатлари ва шарқда Украина, Белоруссия томон кенгайтириб олиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, Полшанинг вақти-вақти билан Франция-Германия музокараларида қатнашиши том маънода поляк-немис ҳамкорлигининг кенгайганидан далолат берарди.

Веймар учбурчаги (немис шаҳри номи билан аталган биринчи уч томонлама Полша, Франция, Германиянинг юқори даражадаги учрашувлари. Кейинчалик вақти-вақти билан йиғилиб турилган) Европа қитъасидаги миллий ўзликни англаш ҳисси жуда юқори бўлган уч миллатга мансуб 180 миллионга яқин одамни ўз ичига олган ўта муҳим аҳамиятли геосиёсий ўқни юзага келтирди. Бир томондан бу вазият Германиянинг Европадаги ҳукмронлик ролини янада оширди, бироқ бошқа томондан, ушбу рол Франция ва Полшанинг уч томонлама мулоқотидаги таъсири билан чекланган эди.

Марказий Европанинг Германия етакчилигини қабул қилиш жараёни унинг Европанинг муҳим институтларини шарққа томон кенгайишини қўллаб-қувватлаши сабабли янада осонлашди. Бу қўллаб-қувватлаш орқали Германия Ғарбий Европанинг чуқур илдиз отган қарашлари билан суғорилган бир тарихий миссияни ўз зиммасига олди.

Охирги фикр-мулоҳазаларга кўра, Германия ва Австриянинг шарқда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар қайсидир маънода Европа хавотир чегарасидан ташқарида деб қабул қилинди. Бунақанги позиция XVIII аср бошларида Лорд Блингборк томонидан илгари сурилган. Унга кўра, шарқдаги сиёсий зўравонликлар Ғарбий Европа учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас). 1938 йилда Мюнхен инқирози ва 1990 йиллар ўрталарида Босниядаги можаролар пайтида инглиз-француз муносабатларида фожеали тус

олди. Бу Европа келажаги устида давом этаётган мунозараларда ҳали ҳам яширин ҳолда мавжуд.

Бундан фарқли равишда, Германияда давом этаётган ягона ҳақиқий мунозара Европа Иттифоқи ёки НАТО, яъни биринчи бўлиб қай бирини кенгайтирилиши ҳақида эди (Мудофаа вазири НАТОни, Ташқи ишлар вазири эса ЕИни кенгайтириш тарафдори эдилар). 2000 йилда Германия канцлери ЕИ биринчи бўлиб шарққа томон кенгайиши мақсади ҳақида гапирган бўлса, мудофаа вазири биринчилардан бўлиб НАТО ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан альянснинг шарққа кенгайишини ёқлаб чиқди. Бироқ бошқа иттифоқчилар мақсадлари бир-биридан анча фарқланарди: Буюк Британияда агар Европа Иттифоқи кенгайса, бу унинг бирлигини сусайтиради, деган қараш мавжуд эди; Франция бўлса Европа Иттифоқи кенгайиши Германия қудрати янада мустаҳкамланишидан хавфсираб тор доирадаги интеграцияни маъқул кўрарди. Ҳар иккала иттифоқдошига ҳам ён босган Германия Марказий Европада ўзига хос алоҳида позицияни эгаллашга муваффақ бўлди.

### **АҚШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ**

Америка учун асосий масала Франко-Германия бирлашувига асосланган Европани қандай қуриш, Европанинг ҳаётий мавжудлигини сақлаб қолиш, глобал ҳукмронлик ва халқаро демократик ҳамкорлик тизими доирасида кенгайиб бораётган Америка Қўшма Штатлари билан аввалгидек боғлиқлигидир. Шунинг учун гап Франция ва Германия ўртасида танлов қилишда эмас. Европа ҳам Франциясиз, ҳам Германиясиз бўлиши мумкин эмас. Юқоридаги қарордан унча асосий хулоса келиб чиқади:

1. АҚШнинг Европани бирлаштиришдаги иштироки Европанинг ҳаётий қобилятига путур етказадиган ички маънавий ёки мақсадли инқирозни бартараф этиш, Америка Қўшма Штатлари охир-оқибат ҳақиқий Европа бир-

лигини қўллаб-қувватламайди каби кенг тарқалган Европа шубҳаларини бартараф этиш ва Европа корхонасига зарур демократик кучни киритиш учун муҳим аҳамиятга эга. *Бу АҚШнинг Европани АҚШнинг глобал ҳамкори сифатида якуний қабул қилишига аниқ ишончини талаб қилади.*

2. Қисқа муддатда Франция сиёсатига тактик жиҳатдан қаршилик кўрсатиш ва Германия раҳбариятини қўллаб-қувватлаш ўзини оқлайди; келажакда агар чинакам Европа ҳақиқатга айланса, Европа бирлашуви янада сиёсий ва ҳарбий ўзига хосликни ўз ичига олиши керак бўлади. *Бу атлантикалараро органларда ваколатларни тақсимлаш ҳақидаги француз қарашларини босқичма-босқич ўзгартиришни талаб қилади.*

3. Франция ҳам, Германия ҳам Европани яқка ўзи тузиш ёки унинг географик маконини белгилашда Россия билан ноаниқликларни бартараф этиш учун етарли даражада кучли эмас. *Бу АҚШнинг, айниқса немислар билан биргаликда Европа маконини белгилашда ва Россия учун Болтиқбўйи республикалари ва Украинанинг мақоми каби нозик масалаларни ҳал этишда фаол, диққатли ва қатъий иштирокини талаб қилади.*

Евросиёнинг бепоён кенгликлари харитасига бир марта назар ташласангиз, Европа кўпригининг Америка учун геосиёсий аҳамияти, шунингдек, унинг географик жиҳатдан муҳимлиги кўринади. Бу кўприкнинг сақланиб қолиши ва демократиянинг кенгайиши учун бевосита трамплин сифатидаги роли ҳам, албатта, Америка хавфсизлиги билан боғлиқ.

Американинг барқарорлик ва у билан боғлиқ бўлган демократияни кенг ёйиш учун глобал ғамхўрлиги ва Европанинг бу муаммоларга бефарқлиги ўртасидаги мавжуд бўшлиқни (Франция ўзини глобал куч сифатида эълон қилганига қарамай) ёпиш керак ва агар Европа тобора кучайиб янада конфедератив характердаги тизимга даъво қилса, Европани янада торайтириш чораларини кўриш

мумкин. Европа ўзининг хилма-хил миллий анъаналарига қатъий содиқлиги туфайли ягона миллий давлатга айлана олмайди, лекин у Евросиё маконининг ҳамкорлари ўртасида умумий сиёсий институтлар орқали умумий демократик кадриятларни жамлаган ҳолда ўзида акс эттирадиган, ўз манфаатларини универсаллаштириш билан ўзига жалб этувчи субъектга айланиши мумкин.

Ўзларига қолса, Европаликлар ички ижтимоий ташвишларидан ортмаслик эҳтимоли кўпроқ. Европанинг иқтисодий тикланиши унинг муваффақияти йўлидаги узоқ муддатли уринишларини қоплади. Бу ҳаражатлар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зиён келтиради. Ғарбий Европа тобора кўпроқ дуч келаётган, аммо бартараф эта олмайдиган сиёсий қонунийлик ва иқтисодий яшовчанлик инқирози патернализм, протексионизм ва парохиялизм (манфаатларнинг чекланганлиги) тарафдори бўлган давлат томонидан ҳомийлик қилинадиган ижтимоий тузилманинг кенгайиши билан чуқур илдиз отган. Натижада юзага келган ўзбошимчалик билан маънавий бўшлиқни уйғунлаштирган маданий ҳолатдан миллатчи экстремистлар ёки догматик мафкурачилар фойдаланиб қолиши мумкин.

Бу ҳолат агар кенг тарқаладиган бўлса, демократия ва Европа ғояси учун ҳалокатли бўлади. Иккиси, аслида, Европанинг янги муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар Америка ёки Осиё билан иммиграция ёки иқтисодий-технологик рақобатбардошлик бўлиши мумкин. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни сиёсий жиҳатдан барқарор ислоҳ қилиш зарурати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Европа, демократияни тарғиб қилиш ва асосий инсоний кадриятларни кенгроқ кенгроқ ёйишда ўз ҳудудидан кўра катта масштабга эга ва бунда у сиёсий экстремизм, тор миллатчилик ёки ижтимоий гедонизмга қарши мустақкам иммунитетга эга бўлиши зарур.

Европанинг геосиёсий барқарорлиги ва Америка-

нинг ундаги ўрни ҳақида қайғуриш Германия ва Россияни яқинлашишига йўл қўймаслик ҳақидаги эски қўрқувни уйғотмаслик ёки Европанинг ҳали ҳам давом этаётган саъй-ҳаракатларида муваффақиятсизликка учраган французларнинг Москва билан бирлашиш ҳақидаги тактик ўйинларининг оқибатларини бўрттириш керак эмас. Ҳар қандай муваффақиятсизлик, янгича ва анъанавий Европа маневрларини ишлаб чиқишни талаб қилиши мумкин. Бу, албатта, Россия ёки Германиянинг геосиёсий жиҳатдан ўз манфаатларини илгари суриш учун имкониятлар яратади, гарчи Европанинг замонавий тарихида бир сабоқ ўлароқ қолса-да, иккаласи ҳам бу борада доимий муваффақиятга эриша олмайди. Бироқ ҳеч бўлмаганда, Германия ўз миллий манфаатларини ойдинлаштириб олишда янада қатъий ва аниқроқ ҳаракат қилиши мумкин.

Ҳозирда Германиянинг манфаатлари Европа Иттифоқи ва НАТО манфаатларига мос келади ва ҳатто улар ичида юқори даражага кўтарилади. Ҳатто сўл Альянс 90/Яшиллар ҳам НАТО ва Европа Иттифоқининг кенгайишини ёқлаб чиқди. Аммо Европа интеграцияси ва кенгайиши тўхтаб қолса, Германиянинг Европа «тартиботи» концепциясининг янада миллатчи кўриниши пайдо бўлади ва Европа барқарорлигига потенциал зарар етказиши мумкин, деб тахмин қилиш учун асос бор. Бундестагдаги Христиан Демократлар партияси раҳбари ва канцлер Колнинг ўринбосари Волфганг Шоубле Германия энди “Шарқга қарши ғарбий қалъа” эмас, балки Европанинг маркази бўлиб келгани ҳақидаги нутқида шундай фикрни билдирди: “Ўрта асрларда узоқ вақт давомида Германия Европада тартиб ўрнатишда иштирок этган”. Ушбу тасаввурга кўра, Германия иқтисодий жиҳатдан устун бўлган Европа минтақаси бўлиш ўрнига Германиянинг очиқ сиёсий устунлик ҳудудига айланади ва Германиянинг Шарқ ва Ғарбга нисбатан бир томонлама сиёсати учун асос бўлади.

Шунда Европа Америка манфаатлари ва қудрати учун

Евросиё кўприги ва демократик глобал тизимнинг Евро-сиёга кенгайиши учун потенциал трамплин бўлишни тўхтатади. Шунинг учун Американинг Европани бирлаштиришдаги қўллаб-қувватлаши аниқ ва барқарор бўлиши керак. Гарчи Европанинг иқтисодий тикланиши даврида ҳам, трансатлантик хавфсизлик иттифоқи доирасида ҳам Америка Европанинг бирлашувини қўллаб-қувватлаганини ва Европада трансмиллий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашини тез-тез даъво қилса-да, муаммоли иқтисодий ва сиёсий масалаларни Европа Иттифоқи билан эмас, балки алоҳида-алоҳида равишда Европа давлатлари билан ҳал қилишни афзал кўришини исботлади. Вақти-вақти билан Американинг Европа қарорларини қабул қилиш жараёнида овоз беришни талаб қилиши, Европа сиёсатини ишлаб чиқишда эмас, балки Америка етакчилигига эргашгандагина, Америка европаликлар ўртасида ҳамкорликни маъқуллайди, деган гумонларини кучайтиради. Бундай таассуротнинг шаклланиши нотўғридир.

Американинг Европа бирлигига содиқлиги 1995 йил декабрдаги Америка-Европа қўшма Мадрид декларациясида қатъий ва ишончли тарзда тасдиқланган. Америка нафақат Европанинг чинакам Европага айланиши оқибатларини қабул қилишга, балки шунга яраша ҳаракат қилишга ҳам тайёр эканлигини дадил айтишга тайёр. Европа учун якуний оқибат кичик иттифоқчи мақомидан кўра Америка билан ҳақиқий ҳамкорликка олиб келадиган танлов маъқул. Ҳақиқий ҳамкорлик эса қарорлар қабул қилинишида шериклик ва масъулиятларни баҳам кўришни англатади. Американинг ушбу мақсадни қўллаб-қувватлаши трансатлантик мулоқотни жонлантиришга ёрдам беради ва европаликлар орасида ҳақиқатан ҳам Европанинг дунё саҳнасида ўйнаши мумкин бўлган муҳим ролга жиддийроқ эътибор қаратишини рағбатлантиради. Эҳтимол, қайсидир нуқтада чинакам бирлашган ва қудратли Европа Иттифоқи АҚШ учун глобал сиёсий рақибга айла-

нишини тасаввур қилиш мумкин. У шубҳасиз, Яқин Шарқ ва бошқа мамлакатлардаги манфаатлари Қўшма Штатлар манфаатларидан фарқ қиладиган иқтисодий ва технологик рақобатчига айланиши мумкин. Аммо аслида бундай қудратли ва сиёсий жиҳатдан яқдил Европа яқин келажакда бўлиши мумкин эмас. Америка Қўшма Штатлари ташкил топган пайтдаги шароитлардан фарқли ўлароқ Европа миллий давлатларининг мустаҳкам тарихий илдизлари бор ва трансмиллий Европага бўлган иштиёқ заифлашгани шубҳасиз. Келгуси ўн ёки икки йил учун ҳақиқий алтернатив бу қитъа бирлиги мақсадида иккиланмасдан қадам қўйиб олға интилаётган кенгаювчи ва бирлаштирувчи Европадир. Ўзининг ҳозирги интеграция ҳолати ва географик кўламидан ташқарига чиқмайдиган, боши берк кўчага тушиб қолган, Марказий Европа эса геосиёсий кўчманчи мамлакат бўлиб қолади ёки боши берк кўчанинг давоми сифатида аста-секин бўлиниб бораётган Европа ўзининг эски кучли рақобатини тиклайди (бунда кучларнинг эски рақобати қайта бошланади). Турғун Европада Германиянинг Европа билан ўзини идентификациялашининг сусайиши деярли муқаррар равишда заифлашади, бу эса немис давлати манфаатларини янада миллатчи сифатида талқин қилишга ундайди. Америка учун бу биринчи ва энг яхши вариант, аммо уни амалга ошириш учун рафбатлантирувчи ёрдам керак.

Европа баҳсли қурилишининг ҳозирги босқичида Америка қўйидаги масалалар бўйича чигал муҳокамаларга бевосита аралашинишга ҳожат йўқ:

Европа Иттифоқи ташқи сиёсий қарорларини кўпчилик овоз билан қабул қилиши керакми? (бу позиция, хусусан, Германия томонидан қўллаб-қувватланади)

Европа Парламенти ҳал қилувчи қонун чиқарувчи ваколатларни ўз зиммасига олиши керакми ва Брюсселдаги Европа Комиссияси амалда Европанинг ижро этувчи ҳокимиятига айланиши керакми?

Европа иқтисодий ва валюта иттифоқи тўғрисидаги битимни амалга ошириш жадвалини юмшатиш керакми?

Ёки, ниҳоят, Европа кенг конфедерация ёки кўп қатламли бирлик бўлиши керакми, федерацияланган ички ядро ва бироз ташқи эркинлик бўлиши керакми ва ҳоказо. Бу Европаликлар ўз доираларида ҳал қилишлари керак бўлган масалалар ва бу муаммоларнинг барчаси бўйича тараққиёт нотекис бўлиши, пауза билан тўхтаб қолиши ва охир-оқибат фақат мураккаб муросалар билан олдинга силжиши эҳтимоли катта.

Шунга қарамай, Иқтисодий ва Валюта Иттифоқи 2000 йилга келиб, эҳтимол дастлаб Европа Иттифоқининг ҳозирги ўн беш аъзосидан 6-10 таси орасида вужудга келади, деб тахмин қилиш ўринли. Бу Европанинг иқтисодий интеграциясини тезлаштиради ва пул ўлчовидан ташқари, унинг сиёсий интеграциясини янада рағбатлантиради. Шундай қилиб Европа ички томондан аста-секин бирлашган ядро ҳамда тарқоқ ташқи қатламга эга бўлиб, тобора Евросиё шахмат тахтасидаги муҳим сиёсий акторга айланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Америка иложи борича кенгроқ Европа Иттифоқини афзал кўраётгандек таассурот қолдирмаслиги керак, лекин у сўз ва амаллар орқали Европа Иттифоқи билан Американинг глобал сиёсий ва хавфсизлик шериги сифатида НАТО орқали Қўшма Штатлар билан иттифоқчи давлатлардан ташкил топган минтақавий умумий бозор сифатида ҳам охир-оқибат муомала қилишга тайёрлигини яна бир бор таъкидлаши керак. Ушбу мажбуриятни янада ишончли қилиш ва шу тариқа шерикликдаги риторикадан ташқарига қочиш учун Европа Иттифоқи билан янги икки томонлама трансатлантик қарорлар қабул қилиш механизмлари бўйича қўшма таклифлар ишлаб чиқиш режалаштирилиши мумкин.

Ҳудди шу тамойил НАТО учун ҳам амал қилади. Унинг ҳимояланиши трансатлантик алоқа учун жуда муҳимдир.

Бу масала бўйича Америка-Европа ўртасида кўплаб консенсус мавжуд. НАТОсиз Европа нафақат заиф бўлиб қолади, балки кўп ўтмай сиёсий жиҳатдан бўлиниб кетади. НАТО Европа хавфсизлигини таъминлайди ва Европа бирлигини таъминлаш учун барқарор асос яратади. Бу НАТОни Европа учун тарихий аҳамиятга эга омилга айлантиради. Бироқ Европа аста-секин ва мулоҳаза билан бирлашар экан НАТОнинг ички тузилиши ва жараёнлари ҳам мослашиши керак. Бу масалада французларнинг ўз қарашлари бор. Ҳақиқатан ҳам бирлашган Европага эга бўлиши мумкин эмас, аммо битта йирик куч ва ўн бешта қарам давлат асосида ягона иттифоққа эга бўлиш ҳам мумкин эмас. Европа ўзининг чинакам сиёсий индивидуаллигига эриша бошлагач, Европа Иттифоқи миллатлараро ҳукуматнинг баъзи функцияларини тобора кўпроқ ўз зиммасига олиши билан НАТО 1+1 (АҚШ+ЕИ) формуласи асосида ўзгартирилиши керак бўлади.

Бу бир кечада ва бирданига содир бўлмайди. Бу йўналишдаги жараён кўплаб, такрорлаш ва иккиланишларни ўз ичига олади. Аммо бундай ўзгаришларнинг йўқлиги кейинги тараққиётга тўсқинлик қилмаслиги учун мавжуд иттифоқ тузилмаларида акс этиши керак. Ушбу йўналишдаги муҳим қадам 1996 йилдаги альянснинг Бирлашган қўшма ишчи кучлари учун жой ажратиш тўғрисидаги қарори бўлди ва шу билан альянснинг моддий-техник таъминоти, шунингдек, қўмондонлик, назорат, алоқа ва разведкага асосланган баъзи соф Европа ҳарбий ташаббусларини амалга ошириш имкониятини назарда тутди. АҚШнинг НАТО доирасида Ҳарбий Европа Иттифоқи ролини ошириш, айниқса буйруқ бериш ва қарорлар қабул қилиш бўйича француз талабларини қондиришга тайёрлиги, Американинг Европа бирлигини қўллаб-қувватлашини кўрсатади ва Европанинг ўз таърифи билан айтганда Америка ва Франция ўртасидаги фарқни бироз қисқартиришга ёрдам беради.

Узоқ муддатда Ғарбий Европа Иттифоқи турли геосиёсий ёки тарихий сабабларга кўра НАТОга аъзо бўлишни инкор этувчи қарор қабул қилиши мумкин бўлган баъзи Европа Иттифоқига аъзо давлатларни қамраб олиши мумкин. Жумладан, у Финляндия ёки Швецияни ёки ҳатто Австрияни ҳам ўз ичига олиши мумкин, уларнинг барчаси Ғарбий Европа Иттифоқида кузатувчи мақомини олган. Бошқа давлатлар ҳам НАТОга аъзо бўлишнинг дастлабки босқичи сифатида Ғарбий Европа Иттифоқига қўшилишга интилишлари мумкин. Ғарбий Европа Иттифоқи ҳам маълум бир нуқтада НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига ўхшаш тузилма яратишга қарор қилиши мумкин. Буларнинг барчаси трансатлантик альянснинг расмий доирасидан ташқарида Европада хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг кенгроқ тармоғини ривожлантиришга ёрдам беради.

Айни пайтда каттароқ ва бирлашган Европа пайдо бўлмагунча (бу ҳатто энг яхши шароитларда ҳам бирдан бўлиб қолмайди) Қўшма Штатлар янада бирлашган ва ягона Европа истиқболи учун Франция ва Германия билан яқиндан ҳамкорлик қилиши керак. Шундагина улкан Европа пайдо бўлади. Шундай қилиб, Францияга нисбатан Америка сиёсатининг асосий дилеммаси савол бўлиб қолаверади.

Францияни Америка-Германия алоқаларини хавф остига қўймасдан қандай қилиб яқинроқ Атлантика сиёсий ва ҳарбий интеграцияга жалб қилиш керак?

Германияга келсак: Франция ва Буюк Британияда, шунингдек, бошқа мамлакатларда хавотир уйғотмасдан АҚШнинг Атлантик Европада Германия етакчилигига бўлган ишончидан қандай фойдаланиш керак?

Қўшма Штатларнинг иттифоқнинг келажакдаги моделига нисбатан кўпроқ мослашувчанлиги, охир-оқибат, Франциянинг шарққа кенгайишини қўллаб-қувватлаши учун асос бўлади. Узоқ муддатда Германиянинг ҳар икки томонида интеграциялашган ҳарбий хавфсизликнинг

НАТО зонаси Германияни НАТО билан кенг доирада мустақамроқ боғлайди ва бу Франция учун сигнал бўлиши керак. Бундан ташқари, иттифоқнинг кенгайиши Веймар учбурчаги (Германия, Франция ва Полша) Европада Германия етакчилигини бироз мувозанатлаш учун нозик воситага айланиши эҳтимolini оширади. Полша иттифоққа киришда Германия ёрдамига таянса ҳам (ва Франциянинг бундай кенгайиш борасидаги иккиланишларини билдириб норози бўлса-да), иттифоқ таркибига киргач умумий француз-полша геосиёсий истиқболи пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда, Вашингтон Европанинг ўзига хос масалаларида ёки НАТОнинг ички фаолияти билан боғлиқ масалаларда Франция фақат қисқа муддатли рақиб эканлигини унутмаслиги керак. Бундан ҳам муҳими Францияни тизгинлаш учун демократик Германиянинг Европада барқарор туришини таъминлаш керак. Бу Франция-Германия муносабатларининг тарихий роли ҳамда Европа Иттифоқи ва НАТОнинг шарққа томон кенгайиш муносабатларини Европанинг ўзагини ташкил этувчи асос сифатидаги аҳамиятини ошириши керак. Ниҳоят, Франция на Американинг Европа сиёсатининг геостратегик асослари бўйича қарорларига тўсқинлик қила олади, на ўзи мустақил Европанинг етакчиси бўлиш салоҳиятига эга. Демак, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳатто инжиқликларига тоқат қилиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Франция Шимолий Африка ва Франкофон (француз тилида сўзлашувчи) Африка мамлакатларида конструктив рол ўйнайди. Бу Марокаш ва Тунис учун муҳим ҳамкор ҳамда Жазоирда барқарорлаштирувчидир. Французларнинг бу аралашувига жиддий ички сабаб бор: ҳозирда Францияда 5 миллионга яқин мусулмон истиқомат қилади. Шундай қилиб, Франция Шимолий Африканинг барқарорлиги ва тартибли ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Аммо бу манфаат Европа

хавфсизлиги учун кенгроқ фойда келтиради. Франциянинг миссияси ҳиссасисиз Европанинг жанубий қаноти анча беқарор ва таҳдидли бўлар эди. Бутун жанубий Европа Ўрта ер денгизининг жанубий қирғоғи бўйлаб беқарорлик келтириб чиқарадиган ижтимоий-сиёсий таҳдиддан тобора кўпроқ ташвишланмоқда. Франциянинг Ўрта ер денгизи бўйлаб содир бўлаётган воқеалардан қаттиқ ташвишланиши НАТОнинг хавфсизлик ташвишларига жуда мос келади ва Америка вақти-вақти билан Франциянинг алоҳида етакчилик мақоми ҳақидаги бўрттирилган даъволарига чидашга мажбур бўлганда, буни ҳисобга олиши керак.

Германия бошқа масала. Унинг асосий ролини инкор этиб бўлмайди, лекин Германиянинг Европадаги етакчи ролини жамоатчилик томонидан маъқулланишидан эҳтиёт бўлиш керак. Бу етакчилик баъзи Европа давлатлари учун, масалан, Германиянинг Европани шарққа йўналтириш ташаббусини қадрлайдиган Марказий Европа давлатлари учун маъқул бўлиши мумкин ва бундан ташқари Ғарбий европаликларга ҳам Америка устунлиги остида бўлса ҳам, узоқ вақт давомида тоқат қилиб ҳам Европанинг қурилишида асосийлардан ҳисобланмаганларида Германия томонга оғиш кузатилиши мумкин. Ҳали ҳам жуда кўп хотиралар унутилгани йўқ; жуда кўп қўрқувлар юзага келиши мумкин. Берлин томонидан қурилган ва бошқариладиган Европани тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун Германия Францияга муҳтож, Европа Француз-Германия алоқасига муҳтож ва шунинг учун Америка Германия ва Франциядан бирини танлай олмайди.

НАТОнинг кенгайиши билан боғлиқ муҳим қараш шундан иборатки, бу Европанинг ўзининг кенгайиши билан узвий боғлиқ бўлган жараёндир. Агар Европа Иттифоқи географик жиҳатдан каттароқ ҳамжамиятга айланса, кўпроқ интеграциялашган француз-германия етакчилигидаги ядрога ва камроқ интеграциялашган ташқи қатламларга

эга бўлса, ва агар бундай Европа ўз хавфсизлигини Америка билан давомий иттифоққа асосласа, унинг геосиёсий жиҳатдан энг таъсирли сектори бўлган Марказий Европани трансатлантика иттифоқи орқали Европанинг қолган қисми фойдаланадиган хавфсизлик маъносида иштирок этишдан намойишкорона равишда чиқариб бўлмайди. Бу борада Америка ва Германия ҳамфикрдир. Улар учун кенгайишга туртки сиёсий, тарихий ва конструктивдир. Буни Россияга нисбатан адоват ҳам, Россиядан қўрқиш ҳам, Россияни яккалаб қўйиш истаги ҳам, деб бўлмайди.

Демак, Америка Европанинг шарққа томон кенгайишига ёрдам беришда Германия билан айниқса, яқиндан ҳамкорлик қилиши керак. Бу масалада Америка-Германия ҳамкорлиги ва қўшма раҳбарлик муҳим аҳамиятга эга. Агар Америка Қўшма Штатлари ва Германия НАТОнинг бошқа иттифоқдошларини биргаликда ушбу қадамни маъқуллашга ундаса ва Россия билан қандайдир келишув бўйича самарали музокара олиб борса, ва агар у мурсага келишга тайёр бўлса (4-бобга қаранг) ёки қатъий ҳаракат қилса, кенгайиш содир бўлади.

Европани қуриш вазифасини Москванинг эътирозларига бўйсундириб бўлмайди. Америка-Германиянинг биргаликдаги босими, айниқса, НАТО аъзоларининг бир овоздан яқдил келишувига эришиш учун зарур бўлади, аммо агар Америка ва Германия биргаликда босим ўтказса, НАТОнинг ҳеч бир аъзоси буни рад эта олмайди.

Охир-оқибат бу ҳаракатда Американинг Европадаги узоқ муддатли роли хавф остида қолади. Янги Европа ҳали ҳам шаклланмоқда ва агар бу янги Европа геосиёсий жиҳатдан «Евро-атлантик» маконининг бир қисми бўлиб қолиши учун НАТОнинг кенгайиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, агар Америка Қўшма Штатлари томонидан бошланган НАТОни кенгайтириш бўйича ҳаракатлар тўхтаб қолса ва сусайса, АҚШнинг Евросиё бўйича кенг қамровли сиёсатини амалга ошириши мумкин бўлмайди.

Бу муваффақиятсизлик Америка раҳбариятини обрўсизлантиради, бу Европанинг кенгайиб бориш ғоясини йўққа чиқаради, Марказий Европаликларни руҳий тушкунликка солади ва у Марказий Европада ҳозирда уйқудаги ёки сўниб бораётган Россиянинг геосиёсий интилишларини қайта жонлантириши мумкин.

Ғарб учун бу Евросиё хавфсизлигининг ҳар қандай мумкин бўлган қурилишининг чинакам пойдевори ва устун иштиқболига ҳалокатли зарар етказадиган омил бўлиш билан бирга, Америка учун бу нафақат минтақавий, айти пайтда глобал мағлубият ҳамдир. Европанинг прогрессив кенгайишига йўналтирувчи асосий омил шундан иборатки, Атлантикалараро хавфсизлик тизимидан ташқарида ҳеч қандай куч, бирор давлатнинг мазкур тизимдаги иштирокига вето қўйиш ҳуқуқига эга эмас, шунинг учун унинг Атлантикалараро хавфсизлик тизимида ёки НАТОга аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлган бирорта ҳам давлати била туриб чиқариб ташланмаслиги керак. Айниқса, ўта заиф ва малакаси ошиб бораётган Болтиқбўйи давлатлари охир-оқибат улар иккала ташкилотга ҳам тўла ҳуқуқли аъзо бўлишлари мумкинлигини билишга ҳақли ва шу билан бирга, кенгайиб бораётган Европа ва унинг шериги АҚШ, манфаатларини жалб қилмагунча, уларнинг суверенитетига таҳдид бўлмайди.

Аслини олганда, Ғарб, айтиқса Америка ва унинг Ғарбий Европадаги иттифоқчилари 1996 йил 15 майда Аахенда Ватслав Ҳавел томонидан берилган саволга жавоб бериши керак:

“Мен Европа Иттифоқи ҳам, Шимолий Атлантика альянси ҳам ўз сафларига қўшилишни истаган барчага бирданга ўз эшикларини очиб бера олмаслигини биламан. Иккаласини ҳам ижобий ҳал қилса бўлади, бу жуда кеч бўлмасдан олдин қилишлари керак бўлган масаладир. Умумий қадриятлар доирасидаги Иттифоқни бутун Европага улар ёпиқ клублар эмаслигини кўрсатиш зарур. Улар

аниқ ва кенг қамровли босқичма-босқич кенгайтириш сиёсатини шакллантиришлари керак. У нафақат вақт жадвалини ўз ичига олади, балки ушбу вақт жадвалининг мантиғини ҳам изоҳлайди.


## ЕВРОПАНИНГ ТАРИХИЙ СОЛНОМАСИ

Бу босқичда Европанинг сўнги шарқий чегараларини қатъиян инкор этиб ҳам, охирида белгилаб ҳам бўлмаслигига қарамаздан, Европа кенг маънода умумий христиан аънаналаридан келиб чиққан умумий цивилизациядир. Ғарбий Европанинг тор маънодаги таърифи Рим ва унинг тарихий мероси билан боғлиқ, аммо Европанинг христиан аънаналари Византия ва унинг Рус проваслав эманациясини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, маданий жиҳатдан, Европа Петрин Европасидан кенгроқ, Петрин Европаси эса ўз навбатида Ғарбий Европадан анча катта, ҳаттоки у сўнги йилларда “Европанинг ўзига хослигини” тортиб олди (харитага қаранг). Ҳатто харитага назар ташлаш орқали ҳозирги Европанинг мавжудлигини бутун ва тўлиқ Европа эмаслигини англаш мумкин. Бундан ҳам ёмони ушбу Европа хавфсизлик ҳудудида Европа ва Россия ўртасида беқарорликни келтириб чиқаради. Бу эса ҳар икки томон учун кескинлик ва рақобат майдонига айланадиган салбий таъсирга олиб келади.

“Совуқ уруш” даврида кучга асосланган Буюк Карл Европаси (Ғарбий Европа билан чекланган) алоҳида аҳамиятга эга эди, лекин ҳозирги вақтда бундай Европа аномалиядир. Бунинг сабаби шундаки, бу ҳолат турмуш тарзи, яшаш даражаси бўлажак цивилизация бўлиш билан бирга ривожланаётган, шунингдек, умумий демократик қадриятларга асосланган давлат бошқаруви ҳамда на этник ва на ҳудудий низолари бўлган бирлашган Европани назарда тутиши лозим. Европанинг расмий доирада ташкил этилган ҳудудий чегаралари ҳозирда унинг ҳақиқий салоҳиятидан анча паст. Бир нечта ривожланган ва сиёсий жиҳатдан

барқарор Марказий Европа давлатлари, Петрин Ғарбий анъанасининг барча қисмлари, хусусан, Чехия Республикаси, Польша, Венгрия ва эҳтимол, Словения ҳам қатъиян чегараланган ва Европага аъзо бўлишни ҳамда унинг трансатлантик хавфсизлик билан боғлиқлигини хоҳлайди.

Ҳозирги шароитда НАТОнинг кенгайиши Польша, Чехия ва 1999 йилга келиб эҳтимол Венгрияни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу дастлабки, аммо муҳим қадамдан сўнг эҳтимол, иттифоқнинг кейинги ҳар қандай кенгайиши ё тасодифий, ёки Европа Иттифоқининг кенгайиши кетма-кет содир бўлади.



Иккинчиси ҳам анча мураккаб саралаш босқичларининг сони бўйича ва аъзолик талабларини қондиришдаги жараённи ўз ичига олади. Шундай қилиб, ҳатто Европа Иттифоқига Марказий Европадан биринчи қабул 2002 йилдан олдин бўлиши эҳтимолдан йироқ ёки кейин бўлиши мумкин ҳам эмас. Шунга қарамай, НАТОнинг дастлабки учта янги аъзоси ҳам Европа Иттифоқига қўшилгандан сўнг Европа Иттифоқи ва НАТО иккови ҳам аъзоликни Болтиқбўйи республикалари, Словения, Руминия, Болгария ва Словакия, охи́р-оқиба́тда, эҳтимол, Украина ҳисобига кенгайтиришга мажбур бўлади.

Шуниси эътиборга лойиқки, якуний аъзолик истиқболли бўлажак аъзоларнинг ишлари ва хатти-ҳаракатларига аллақачон конструктив таъсир кўрсатмоқда. На Европа Иттифоқи, на НАТО озчиликлар ҳуқуқлари билан боғлиқ қўшимча можароларга дучор бўлишни хоҳламаслигини билиш ёки уларнинг аъзолари ўртасида ҳудудий даъволарга (Туркия Грецияга нисбатан етарли) аллақачон Словакия, Венгрия ва Руминияга керакли рағбатни Европа Кенгаши томонидан белгиланган стандартларга жавоб берадиган турар жойларга эришиш орқали берган. Фақат демократик давлатлар аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўла олиши мумкинлиги барча учун умумий принцип сифатида амал қилади. Четда қолиб кетмаслик истаги янги демократик давлатларга муҳим мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади. Ҳар ҳолда, Европанинг сиёсий бирлиги ва хавфсизлиги ажралмас эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Амалий масала сифатида Америка билан умумий хавфсизлик келишувисиз чинакам бирлашган Европани тасаввур қилиш қийин. Бундан келиб чиқадики, Европа Иттифоқи билан аъзо бўлиш бўйича музокараларни бошлаш имкониятига эга бўлган ва таклиф қилинган давлатлар бундан буён автоматик равишда НАТОнинг тахминий ҳимояси остида бўлиши керак. Шунга кўра, Европани кенгайтириш ва


трансатлантик хавфсизлик тизимини қамраб олиш жараёни босқичма-босқич олдинга силжиши мумкин. Барқарор Америка ва Ҷарбий Европа мажбуриятини чамалаш, таҳминга асосланган, аммо ушбу босқичлар учун эҳтиёткорлик билан реал вақт жадвали қуйидагича бўлиши мумкин:

1. 1999 йилга келиб, Марказий Европанинг биринчи янги аъзолари НАТОга қабул қилинади, аммо уларнинг Европа Иттифоқига кириши эҳтимол 2002 ёки 2003 йилдан олдин содир бўлмайди.

2. Аини пайтда Европа Иттифоқи Болтиқбўйи республикалари билан аъзо бўлиш бўйича музокараларни бошлайди ва шунингдек, НАТО Руминия каби уларнинг аъзолиги масаласида олдинга силжиш ва уларнинг қўшилиши билан 2005 йилга қадар яқунланиши мумкин. Ушбу босқичнинг қайсидир нуқтасида, бошқа Болқон давлатлари, 2010 йилга келиб 230 миллионга яқин одамни қамраб олган Франко-Германия-Польша-Украина сиёсий ҳамкорлиги Европанинг геостратегик чуқурлигини оширувчи ҳамкорликка айланиши ва (юқоридаги харитага қаранг) ҳудди шундай ҳуқуққа эга бўлиши мумкин.

3. Болтиқбўйи давлатларининг қўшилиши Швеция ва Финляндияни ҳам НАТОга аъзоликни кўриб чиқишга ундаши мумкин.

4. 2005-2010 йиллар оралиғида, айниқса Украина, агар шу вақт мобайнида мамлакат ички ислохотларда сезиларли муваффақиятларга эришган бўлса ва Марказий Европа давлати сифатида аниқроқ номланишига эришган бўлса, Европа Иттифоқи ва НАТО билан жиддий музокараларга тайёр бўлиши керак.



Шу вақтнинг ўзида Франция-Германия-Польша ҳамкорлиги Европа Иттифоқи ва НАТО доирасида сезиларли даражада чуқурлашиши мумкин, айниқса мудофаа соҳасида. Бу ҳамкорлик охир-оқибатда Россия ва Украинанинг иккисини қамраб олиши мумкин бўлган ҳар қандай кенгроқ доирадаги Европа хавфсизлик келишувларининг фарбий асосига айланиши мумкин. 2010 йилга келиб 230

миллионга яқин одамни қамраб олган Франция-Германия-Польша-Украина сиёсий ҳамкорлиги Европанинг геостратегик чуқурлигини оширувчи ҳамкорликка айланиши мумкин (юқоридаги харитага қаранг). Юқоридаги сценарий яхши шаклда юзага келади ёки Россия билан кескинлашувнинг кучайиши шароитида катта аҳамиятга эга бўлади. Европага эшиклар очик, шунингдек, унинг кенгайтирилган трансатлантик хавфсизлик тизимидаги иштироки учун эшиклар. Россия доимий равишда Европага, шунингдек, унинг кенгайтирилган трансатлантик хавфсизлик тизимидаги ва эҳтимол, янги Транс-Евросиё хавфсизлик тизимида иштироки учун эшиклар очиклигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бу кафолатга ишониш учун барча соҳаларда Россия ва Европа ўртасидаги турли хил ҳамкорлик алоқалари ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тарғиб қилиниши керак. (Россиянинг Европа билан муносабатлари ва бу борада Украинанинг роли кейинги бобда янада кенгроқ муҳокама қилинади). Агар Европа бирлашишда ҳам, кенгайишда ҳам муваффақият қозонса ва Россия демократик мустақамлаш ва ижтимоий замонавийлашувни муваффақиятли амалга оширсин, қайсидир маънода Россия Европа билан янада табиий муносабатларга эга бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, трансатлантик хавфсизлик тизимининг трансконтинентал Евросиё билан бирлашишига имкон беради. Бироқ амалдаги воқелик сифатида, Россиянинг расмий аъзолик масаласи вужудга келганига анча вақт бўлмади ва бу агар бирор ҳодиса содир бўлса, эшикларни беҳуда ёпиб қўймаслик учун яна бир сабабдир.

Хулоса қилинганда, Ялта Европаси йўқолганлиги туфайли Версал Европасига қайтмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Европа бўлишининг тугаши низоли миллий давлатлар Европасига орқага қадам ташламаслиги, балки каттароқ ва тобора интеграциялашаётган Европани шакллантириш учун кенгайтирилган НАТО томонидан мус-

таҳкамланган ва Россия билан конструктив хавфсизлик муносабатлари янада хавфсизроқ чиқиш нуқтаси бўлиши керак. Демак, Американинг Европадаги марказий геостратегик мақсадини жуда содда тарзда ифодалаш мумкин: бу янада ҳаққоний трансатлантик шериклик орқали АҚШнинг Евросиё қитъасидаги кўпригини мустаҳкамлаши шундан иборатки, кенгаяётган Европа Евросиёда халқаро демократик ва ҳамкорлик тартибини йўлга қўйиш учун янада қулай трамплинга айланиши мумкин.

Маълумки, Европа давлати Европа Иттифоқи Кенгашига аъзолик учун ариза тақдим қилади ва Кенгаш комиссиядан ариза бўйича хулоса беришни сўрайди. Комиссия ариза юзасидан Кенгашга хулоса юборади. Кенгаш қўшилиш бўйича музокараларни бошлаш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилади. Комиссия таклиф қилади ва Кенгаш бир овоздан Иттифоқнинг қўшилиш бўйича музокараларда ариза берувчиларга нисбатан эгаллаши лозим бўлган позицияларини қабул қилади. Кенгаш раиси томонидан вакил бўлган Иттифоқ аризачи билан музокаралар олиб боради. Иттифоқ ва аризачи ўртасида Қўшилиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси бўйича келишувга эришилади. Ўз навбатида Кенгаш ва Европа парламентиға қўшилиш тўғрисидаги шартнома тақдим қилинади. Европа парламенти мутлақ кўпчилик овоз билан қўшилиш тўғрисидаги шартномани маъқуллайди. Кенгаш Қўшилиш тўғрисидаги шартномани бир овоздан маъқуллаши шарт. Аъзо давлатлар ва ариза берувчилар Қўшилиш шартномасини расмий равишда имзолайдилар. Аъзо давлатлар ва ариза берувчилар Қўшилиш тўғрисидаги шартномани ратификация қиладилар. Қўшилиш тўғрисидаги битим ратификация қилинганидан кейин кучга киради.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### “ҚОРА ЎПҚОН”

**1** 991 йилнинг охирида ҳудуди жиҳатидан дунёда энг катта бўлган давлатнинг емирилиши Евросиёнинг қоқ марказида “қора ўпқон”нинг майдонга келишига ёрдам берди. Бу қуруқликнинг марказий ва геополитик жиҳатдан муҳим қисмини ер юзидан супуриб ташлагандай бир воқеа бўлди. Америка учун янги ва боши берк кўчага киритиб қўядиган бу янги геополитик вазият ғоятда муҳим ҳодисадир. Ўз-ўзидан тушунарлики, бунга дарҳол жавоб қайтариш вазифаси туғилди. Бу вазифа иложи бориचा сиёсий бошбошдоқлик туғилиши имкониятини камайтиришдан ёхуд парчаланиб кетаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз жуда қудратли ядровий арсеналга эга бўлган давлатда бирор бир душманлик руҳидаги диктатуранинг тикланишига йўл қуймасликдан иборат эди. Узоқ муддатли вазифа эса қуйидагиларда намоён бўлади: қандай қилиб Россиядаги демократик ўзгаришларни ҳамда иқтисодий тикланишни қўллаб-қувватлаш керак-у, айна чоғда Евросиё империясининг яна қайта тикланишига йўл қўймасликка эришса бўлади? Бундан империя Американинг геостратегик мақсадини рўёбга чиқаришга халақит берарди. Американинг геостратегик мақсади эса ҳозиргидан йирикроқ янги Евроатлантик тизимни барпо этишдан иборатдир. Россия келажакда бу тизим билан мустаҳкам ва ишончли тарзда боғланган бўлади.

## РОССИЯНИНГ ЯНГИ ГЕОПОЛИТИК АҲВОЛИ

Совет Иттифоқининг ҳалокати қудратли Совет-Хитой коммунистик блокининг аста-секин емирилишида сўнги босқич бўлди. Бу блок нисбатан қисқа муддатда ўз ҳудудини Чингизхон тасарруфидаги ерларга тенглаштириб олди, баъзи бир зоналарда эса ҳатто ундан ошиб ҳам кетди. Аммо трансконтинентал характердаги Евросиё блоки унча кўп яшамади, Тито Югославиясининг ундан ажралиб чиқиши ва Мао Хитойининг итоатдан бош тортиши миллатчилик интилишлари қаршисида коммунистик блокнинг ожизлигидан далолат берар эди. Миллатчилик интилишлари мафкуравий сиртмоқлардан кучлироқ бўлиб чиқди. Хитой-Совет блоки ўн йилга яқин умр кўрди, Совет Иттифоқи эса тахминан 70 йилча яшади.

Аммо геополитик жиҳатдан кўп асрлик тарихга эга бошқарув маркази Москвада бўлган буюк Россия давлатининг барбод бўлиши янада муҳимроқ ҳодиса бўлди. Бу империянинг парчаланиб кетиши совет тузумининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳалокати туфайли тезлашди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ундаги иллатларининг кўп қисми мамлакатда мавжуд бўлган махфийлик тизими ва ўз қобиғига беркиниб олиш важидан деярли энг сўнги дамларга қадар сақланиб қолганди. Шунинг учун бутун дунё Совет Иттифоқининг жуда тез содир бўлгандай кўринган емирилиши қаршисида лол қолди. 1991 йил декабр ойида атиги икки ҳафта мобайнида аввал Россия, Украина ва Белоруссия республикаларининг бошлиқлари намойишкорона тарзда Совет Иттифоқининг тарқаб кетганини эълон қилишди, кейин унинг ўрнига мужмал бир тузум барпо этишганини айтишди. Бу тузумга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги деб ном қўйишди. У Болтиқбўйи республикалардан бошқа ҳамма собиқ Совет республикаларини бирлаштирди, сўнгра советларнинг президенти ўзи хоҳламайгина истеъфога чиқди. Кремл минорасининг тепасидаги совет байроғи эса ими-жимидида туширилди ва

ниҳоят, Россия Федерацияси пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда кўпроқ рус миллий давлати бўлган бу давлат 150 миллион аҳолига эга. Бу давлат ўзини собиқ Совет Иттифоқининг де-факто вориси деб эълон қилди. Ҳолбуки, яна 150 миллион кишилик аҳолига эга қолган республикалар мустақиллик ва суверенитет соҳасида ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини турли даражада ажратиб олдилар.

Совет Иттифоқининг ҳалокати бутун дунёни ақл бовар қилмайдиган даражада саросимага солди. Россияликлар Совет Иттифоқининг яқинлашиб келаётган ҳалокати тўғрисида бошқа мамлакатларнинг одамларига қараганда камроқ маълумотга эга эдилар. У 14 кун мобайнида ўзлари учун қутилмаган ҳолда эндиликда ортиқ қитъалараро империянинг хўжайинлари бўлмай қолганларини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Бошқа республикаларнинг чегаралари Россия билан яна аввалги — эски чегаралар бўлиб қолди. Кавказдаги чегара 800 йиллар бошидаги аҳволга, Ўрта Осиёдаги чегара 1800 йилларнинг ўрталаридаги аҳволга қайтди. Бу воқеа Ғарбда бир мунча ғалвалироқ ва серазиятроқ кечди, у ердаги чегаралар тахминан 1600 йилдаги, яъни Иван Грозний подшолик қилган замондаги аҳволга қайтди. Кавказдан маҳрум бўлиш дарҳол Туркия таъсири борасида стратегик хавотирларни майдонга келтирди. Ўрта Осиёдан маҳрум бўлиш жуда катта миқдордаги энергетик ва минерал ресурслардан ажралиб қолиш туйғусини қайта туғдирди, шу билан бирга потенциал муслмонлар муаммоси ҳам турли хавотирлар туйғусини туғдирмай қўймасди. Украинанинг мустақиллиги Россиянинг бутун панславия дунёсида байроқдор бўлишдек илоҳий вазифаси ҳақидаги даъволарини чипакка чиқарди.

Асрлар мобайнида чор Россиясига тобе бўлиб келган бир асрнинг тўртдан уч қисми мобайнида Совет Иттифоқи тасарруфида бўлган ҳудудда эндиликда ўн иккита давлат майдонга келди. Уларнинг кўпчилиги (Россиядан ташқари) ҳали чинакам суверенитет олишга унчалик тайёр ҳам

эмас эдилар, бунинг устига бу давлатларда аҳолининг сони ҳам бир-биридан фарқланади: унда 52 миллион аҳолига эга бўлган Украина каби йирик давлат билан бир қаторда аҳолиси 3,5 миллион кишини ташкил қилувчи Арманистон ҳам бор. Улар кўп ҳам яшашга қобил эмасдай кўринарди, шу билан бирга Москванинг янги воқеликка доимо мослашишга тайёрлиги ҳам оқибатини аввалдан кўра билиш қийин бўлган воқеалар сирасига кирарди. Руслар бошидан кечирган тарихий ҳанг-манглик яна шу билан кучайдики, русийзабон 20 миллион одам ҳозирги пайтда доимий равишда хорижий давлатлар ҳудудида истиқомат қилмоқда. Бу жойларда сиёсий ҳокимиятни тобора миллатчилик кайфиятлари кучайиб бораётган кучлар ўз қўлларига олиб олган. Улар ўнлаб йиллар мобайнида давом этган озми-кўпми мажбурий руслаштириш сиёсатидан кейин ўзларининг миллий ўзига хосликларини қарор топдиришга аҳд қилган.

Россия империясининг ҳалокати Евросиёнинг қоқ марказидаги кучлар борасида бўшлиқни вужудга келтирди. Заифлик ва парокандалик нафақат янги, эндигина мустақиллик йўлига қадам қўйган давлатларгагина хос эди, балки Россиянинг ўзида ҳам бу ларзали ҳодисалар жуда жиддий таназзулни туғдирди. Бу таназзул бутун тизимни ларзага солди, унинг таъсири, айниқса, сиёсий тўнтариш ёнига совет жамиятидаги эски ижтимоий-иқтисодий моделни кунпаякун қилишга уриниш қўшилганда янада кучлироқ сезилди. Миллат жароҳати Россиянинг Тожикистондаги можароларга ҳарбий аралашуви туфайли янада кучайди. Бундай аралашув эндигина мустақиллик йўлига қадам қўйган янги давлатни мусулмонлар босиб олиб қўймасмикин деган хавотир ҳам туғдирди. Аммо бундан ҳам ортиқроқ даражада вазият Россиянинг Чеченистонда ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан фожеона, қонли, ҳаддан ташқари қимматга тушган мағлубияти билан янада кескинлашди. Аммо масаланинг энг оғриқли жиҳа-

ти — Россиянинг халқаро майдонда обрўйи анча-мунча пастлаб кетганини идрок этиш эди. Бир вақтлар жаҳон миқёсидаги иккита энг қудратли давлатдан бири бўлган Россия бугун сиёсий доираларда кўплар томонидан шунчаки “учинчи дунёнинг” минтақавий давлати сифатида баҳоланмоқда. Тўғри, у ҳали ҳам каттагина миқдордаги ядровий арсеналга эга, лекин бу арсенал тобора кўпроқ эскириб бормоқда.

Вужудга келган геополитик бўшлиқ Россиядаги ижтимоий таназул кўламига боғлиқ равишда кўпая борди. Коммунистик бошқарув чоракам бир аср мобайнида Россия халқларига мислсиз биологик зарар етказди. Жуда катта миқдордаги юксак истеъдодли ва қўлидан иш келадиган одамлар ГУЛАГ лагерларида ўлдириб юборилди ёки бедарак йўқолди. Уларнинг сони миллионларни ташкил қилади. Шунингдек, мамлакат биринчи жаҳон уруши йилларида катта талафот кўрди, давомли фуқаролар уруши йилларида беҳисоб қурбонлар берди, иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина муҳтожликлар ва ваҳшийликларни бошидан кечирди. Ҳукмрон коммунистик кучлар бутун мамлакатга зўрлаб кишини бўғадиган ортодоксал назарияларни сингдирарди, бунинг устига уни бутун дунёдан ажратиб ташлади. Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати замоннинг экологик муаммоларига мутлақо бефарқ қараган ҳолда олиб борилар эди. Бунинг натижасида теваарак-атрофдаги муҳит ҳам анчагина зарар кўрди, одамларнинг саломатлиги ҳам ёмонлашди. Россиянинг расмий статистик маълумотларига қараганда 90-йилларнинг ўртасида янги туғилаётган чақалоқларнинг фақат 40 фоизигина соғлом туғилар экан, Россия мактабларида биринчи синфда ўқийдиган болаларнинг 20 фоизи ақлий жиҳатдан ривожланишда орқада қолар экан. Русларнинг ўртача яшаш муддати 57,3 ёшга тушиб қолди, бундан ташқари, руслар ўртасида туғилишга қараганда ўлиш кўпроқ. Россиядаги ижтимоий шароитлар “учинчи дунёда”ги ўртача

тоифадаги давлатникига мос келади.

Шу аср мобайнида рус одамлари бошига ғоятда катта азоб-уқубатлар ва изтироблар тушди. Маданийлашган тарзда нормал ҳаёт кечириш имконига эга бўлган лоақал битта рус оиласини бемалол топиш анча мушкул иш. Қуйидаги ҳодисаларнинг ижтимоий оқибатларини кўриб чиқайлик.

- 1905 йилдаги Россия учун таҳқирли мағлубият билан тугаган рус-япон уруши;

- турли шаҳарлар ҳудудларида сон-саноқсиз зўравонликларни туғдирган 1905 йилдаги “пролетар” инқилоби;

- 1914-1917 йиллардаги миллионлаб одамларнинг қурбон бўлишига ва иқтисодиётдаги кўп сонли қоида бузишларга сабаб бўлган Биринчи Жаҳон уруши;

- 1918-1921 йиллардаги фуқаролар уруши. У ҳам яна бир неча миллион одамнинг ёстиғини қурутган ва бутун мамлакатни қон-қақшатган;

- Россиянинг мағлубияти билан тамом бўлган, 1919-1920 йиллардаги Россия-Польша уруши;

- 20-йиллар бошида ГУЛАГ тизимини барпо этиш. Бунинг ёнига инқилоб арафасидаги зиёлилар вакиллари ни маҳв этилиши ва уларнинг Россиядан оммавий қочишини қўшиш керак;

- 30-йилларнинг боши ва ўрталарида амалга оширилган саноатлаштириш ва колхозлаштириш жараёнлари. Улар ҳам Украина ва Қозоғистонда оммавий очликни вужудга келтирди ва миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди;

- 30-йилларнинг ўрталари ва охирида амалга оширилган “улуғ тозалаш ва қирғин-барот”. Бунда миллионлаб маҳбуслар меҳнат лагерларига қамалган, миллиондан ортиқ одам отиб ташланган, бир неча миллионлаб одам шафқатсиз муомала натижасида нобуд бўлган;

- 1941-1945 йиллардаги Иккинчи Жаҳон уруши. Бу

урушда бир неча миллионлаб ҳарбийлар ва фуқаролар ҳалок бўлди. Уруш иқтисодиётга жуда катта вайронликлар келтирди;

- 40-йилларнинг охирида Сталин қирғин-баротининг такрорланиши натижасида яна оммавий қамашлар ва қатллар бошланди;


- 40-йилларнинг охирида бошланган ва 80-йилларнинг охиригача давом этган Қўшма Штатлар билан ўтган 44 йиллик қуролланиш пойгаси давлатни хароб этган асосий сабаб бўлди;

- 70-80-йиллар мобайнида Кариб ҳавзасида. Яқин Шарқда ва Африкада мажбурлаб совет ҳокимиятини жорий қилишга уриниш бутун мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқарди;

- 1979-1989 йиллар давомида Афғонистонда жуда чўзилиб кетган уруш ҳар жиҳатдан мамлакатнинг силласини қуритди;

- Совет Иттифоқининг кутилмаган ҳалокати, у билан бирга содир бўлган фуқаролар ўртасидаги тартибсизликлар, машаққатли иқтисодий таназзул, Чеченистондаги қонли ва таҳқирли уруш...

Нафақат мамлакат ичидаги таназзул ва халқаро мақомнинг бой берилгани Россияни, айниқса, рус сиёсий доирасини қаттиқ изтиробга солади, балки Россиянинг ўта ноқулай геополитик вазиятга тушиб қолгани ҳам уларни ташвишлантиради. Совет Иттифоқининг емирилиш жараёни оқибатида Ғарбда Россиянинг чегаралари тубдан ўзгариб кетди, ўзгарганда ҳам унинг учун ноқулай томонга ўзгарди, унинг геополитик таъсир доираси эса кескин равишда қисқариб кетди.



Болтиқбўйи давлатлари 1700-йилдан бери Россиянинг назорати остида бўлиб келган, Рига ва Таллин каби портларнинг қўлдан кетиши Россиянинг Болтиқ денгизига чиқишини анча чеклаб қўйди. Янги, расман мустақиллик мақомини олган, лекин жуда юқори даражада руслашиб кетган Белоруссияда Россия сиёсий жиҳатдан устувор ҳолатини сақлаб қолишга муваффақ бўлган бўлса-да, ҳали бу ерда охир-пировардида нима бўлиши унчалик равшан эмас. Бу ерда миллатчилик инфекциялари устун келиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида Варшава шартномаси Ташкилотининг емирилиши шуни билдирадики, Марказий Оврўпадаги собиқ сателлитлар (улар орасида Польша биринчи ўринга чиқиб олган эди) жуда тез суръатлар билан НАТО ва Европа Иттифоқи сари рўйхушлик билдирмоқдалар.

Бу ишлар ичида энг алам қиладигани Украинадан маҳрум бўлиш бўлди. Мустақил Украина давлатининг пайдо бўлиши нафақат ҳамма россияликларни ўзларининг сиёсий ва этник мансублиklarини қайта идрок этишга ундади, балки Россия давлатининг геополитик жиҳатдан жуда катта муваффақиятсизликка учраганини ҳам англа тар эди. Украинанинг мустақиллиги, шунингдек, Россияни Қора денгиздаги устуворлик ҳолатидан ҳам маҳрум этди. Бу ерда айниқса, Одесса Ўрта денгиз мамлакатлари билан ва бутун дунё билан савдо-сотик ишларини олиб боришда ҳаёт-момот аҳамиятига молик порт вазифасини бажарарди.

Украинадан маҳрум бўлиш геополитик жиҳатдан яна шу сабабдан муҳим аҳамиятга эга бўлдики, у Россиянинг геостратегик имкониятларини анча чеклаб қўйди. Россия ҳатто Болтиқбўйи республикаларисиз ва Польшасиз ҳам, Украина устидан назоратини сақлаб қолганда, қатъият билан ҳаракат қилаётган Евросиё империясида ўзининг етакчилик ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб кўриши мумкин эди. Бу империя ичида Москва собиқ Совет

Иттифоқининг жанубида ва жануби шарқида яшайдиган нославян халқларни ўз иродасига бўйсундириб олмоғи мумкин эди. Аммо 52 миллион нославян аҳолига эга бўлган Украинасиз Москванинг Евросиё империясини тиклаш соҳасидаги ҳар қандай уриниши, афтидан, фақат бир нарсага олиб келиши мумкин эди, холос. Бу интилишлар Россиянинг ўз миллий ва диний манфаатларини ҳимоя қилишга бош кўтарган нославян халқлар билан ўта чигал ва давомли тўқнашувларда Россиянинг ёлғизланиб қолишига ёрдамлашарди. Чеченистон билан бўлган уруш бунинг биринчи мисоли бўлган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, Россияда туғилишнинг кескин камайиб кетганини ва Ўрта Осиё республикаларида туғилиш борасида бамисоли портлаш рўй бергандай кескин кўпайиш юзага келганини эътиборга олсак, фақат Украинасиз Россиянинг ўзининг ҳукмронлигига асосланадиган ҳар қандай янги Евросиё давлати ҳар бир йил ўтган сари муқаррар тарзда европачилиги камайиб, осиечилиги ортиб борарди.

Украинадан маҳрум бўлиш нафақат марказий геополитик ҳодиса бўлди, балки шунингдек, геополитик катализатор ҳам бўлиб қолди. Айни Украинанинг хатти-ҳаракатлари 1991 йилнинг декабрида унинг мустақиллигини эълон қилиш, Беловеж ўрмонидаги жуда муҳим музокараларда Совет Иттифоқини анча эркинроқ бўлган Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги билан алмаштириш масаласида қатъий туриш ва айниқса, Украина заминида жойлаштирилган Совет Армияси қўмондонлигини мажбурий тарзда Украина ҳарбийларининг қўмондонлигига ўтказиш (бу ҳодиса анча ички ҳарбий тўнтаришга ҳам ўхшаб кетарди) — буларнинг ҳаммаси МДҲнинг бироз федераллаштирилган СССРнинг номи ўзгартирилган янги нусхасига айланиб қолишига йўл қўймади. Украинанинг сиёсий мустақиллиги Москвани ҳанг-манг қилиб қўйди ва шундай бир ибратга айландики, бошқа совет республикалари аввал ҳайиқиброқ бўлса-да, кейинчалик комил ишонч билан ундан намуна олдилар.

Россиянинг Болтиқ денгизидаги етакчилик маконидан Мосуво бўлиши Қора денгизда ҳам такрорланди. Бунга сабаб Украинанинг мустақиллик касб этишигина бўлгани йўқ, балки Кавказнинг янги мустақил давлатлари ҳам Туркия учун бир вақтлар бу минтақада бой берган мавқеларини тиклаб олиш имкониятларини кучайтирди. 1991 йилга қадар Қора денгиз Россия учун ўзининг ҳарбий денгиз қудратини Ўрта денгиз ҳудудига йўналтирадиган манба бўлиб хизмат қиларди. Лекин 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Россия ихтиёрида Қора денгизнинг унча катта бўлмаган энсизгина соҳили қолди. Шунингдек, советлар Қора денгиз флотининг қолдиқларини Қримда жойлаштириш ҳуқуқи масаласида Украина билан олиб борилган музокаралар ҳам охирига етмай чала қолди. Россиянинг ҳар қанча аччиғи келмасин, энди Украина билан НАТОнинг биргаликда ўтказган ҳарбий денгиз ва денгиз десанти бўйича машқларини томоша қилиб туришдан бошқа иложи қолмади. Шунингдек, Россия Туркиянинг Қора денгиз минтақасида кучайиб бораётган ролида ҳам ҳеч нарса қилолмади. Шунингдек, Россия Туркия Чеченистондаги қаршилиқ кучларига самарали ёрдам кўрсатяпти, деб гумон қиларди.

Геополитик тўнтариш жануби-шарқий зонада Каспий ҳавзасида ва Ўрта Осиёда ҳам Россиянинг мақомида юқоридагиларга ўхшаш муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди. Совет Иттифоқининг ҳалокатига қадар Каспий денгизи амалда Россиянинг ихтиёридаги кўл эди. Фақат унинг жанубий қисмигина Эрон чегарасида жойлашган эди. Мустақил ва қатъий миллатчилик руҳи билан суғорилган Озарбайжон (бу республикага шоша-пиша ҳовлиқиб етиб келган ғарбий нефть инвесторлари унинг мавқеини бирмунча мустаҳкамлади), худди шунга ўхшаган мустақил Қозоғистон ва Туркменистонларнинг пайдо бўлиши билан Россия Каспий денгизи бойликларига даъволик қилувчи бешта давлатнинг биригина бўлиб қолди. Россия бу бой-

ликлардан ўз хоҳишига кўра истаганча истеъфода қиламан, деб ортиқ комил ишонч билан иш юрита олмасди.

Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Россия жануби-шарқий чегараларининг баъзи бир жойларда шимолий йўналишда минглаб миляга қисқариб кетишини англатар эди. Янги давлатлар ҳозирги пайтда минерал ва энергетик бойликлар чиқадиган жойларнинг кўп қисмини назорат қилмоқдалар. Табиийки, бу жойлар хорижий инвесторларнинг диққатини жалб қилмай қолмайди. Шу нарса муқаррар бўлиб қолмоқдаки, бу республикаларда нафақат юксак рутбали тоифаларнинг вакиллари, балки орадан кўп ўтмай, оддий одамлар ҳам тобора кўпроқ даражада миллатчилик кайфиятлари билан сўғорилиб бормоқда. Афтидан, улар бундан кейин мусулмон динининг таъсирига кўпроқ берилсалар ажаб эмас. Қозоғистон жуда катта табиий бойликлар захирасига эга бўлган бепоён мамлакат. Шу бепоён ҳудудда салкам 20 миллион аҳоли яшайди, уларнинг тахминан ярими қозоқ бўлса, ярими славян миллатига мансуб одамлар. Менимча, улар ўртасидаги миллий ва лингвистик келишмовчиликлар кучайиши тамойилига эга кўринади. Тахминан 25 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли этник жиҳатдан яқрагроқ ҳолатда. Унинг раҳбарияти мамлакатнинг тарихдаги улуғворлигига кўпроқ диққатни жалб қилмоқда. Бу республика минтақанинг постколониал мақомини белгилашда тобора фаолроқ бўлиб бормоқда. Туркманистоннинг Россия билан қандайдир тарзда бево-сита алоқа қилишига Қозоғистон ҳудуди халақит бериб туради. Бу республика Эрон билан янги алоқаларини фаол ўрнатиб, ривожлантириб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад эса жаҳон бозорларига чиқишда Россия тизимларидан ўзларининг аввалги қарамликларини заифлаштиришдир.

Туркия, Эрон, Покистон ва Саудия Арабистонидан мадад олаётган Ўрта Осиё республикалари Россия билан

ҳатто фойдали иқтисодий интеграциялар эвазига ҳам ўзларининг сиёсий мустақилликларини чакана сотишни истамаяптилар, ҳолбуки, кўпгина руслар ҳамон шунга умидвор бўлиб юришипти. Бу республикаларнинг Россия билан ўзаро муносабатларида жуда оз миқдорда бўлса ҳамки кескинлик ва душманлик нишонлари зухур этиши муқаррар, лекин Чеченистон ва Тожикистондаги нохуш воқеаларни эътиборга олганда, тахмин қилиш мумкинки, воқеаларнинг янада ёмонроқ томонга ривожланиш имкониятини бутунлай соқит қилиб ҳам бўлмайди. Россиянинг бутун жанубий жабҳаси бўйлаб жойлашган мусулмон мамлакатлари билан (улар аҳолисининг сони Туркия, Эрон ва Покистон билан қўшиб ҳисоблаганда 300 миллион кишини ташкил қилади) юз бериши мумкин бўлган низо қирралари руслар учун доимий ташвиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ва ниҳоят, совет империясининг емирилиш пайтида Россия, шунингдек, Узоқ Шарқда ҳам янги таҳдидли геополитик вазиятга тўқнаш келди, лекин бу ҳол минтақада на ҳудудий, на сиёсий ўзгаришларни вужудга келтирмади. Бир неча асрлар мобайнида Хитой Россияга қиёсан олганда лоақал сиёсий ва ҳарбий соҳаларда заифроқ ва қолоқроқ давлат ҳисоблаб келинарди. Ўз мамлакатининг келажагидан ташвишга тушган ва бу ўн йилликдаги кескин ўзгаришлар натижасида саросимага тушиб қолган руслардан ҳеч қайсиси ҳозирги пайтда Хитой ўзгариш ва ривожланиш йўлига кирганига ва бунинг оқибатида Россияга нисбатан ривожланганроқ, ҳаракатчанроқ, фаровонроқ бўлиб қолиши аниқ эканига бепарво қарай олмайди. Хитойнинг иқтисодий қудрати унинг 1,2 миллиардлик аҳолисининг тиниб-тинчимас ғайратига жамланган ҳолда икки мамлакат ўртасидаги тарихий тенгликни жуда жиддий ўзгартирмоқда. Яна шуни ҳам инобатга олмоқ керакки, Сибирнинг одам яшамайдиган ҳудудлари гўё хитойларнинг ўзлаштиришига кўз тутиб ётгандай кўринаверади.

Бундай беқарор янги воқелик Узоқ Шарқдаги ҳудудлари масаласида Россиянинг хавфсизлик туйғусига таъсир кўрсатмай қолмайди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги манфатлари масаласида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан бундай ўзгаришлар Россиянинг Украинадан маҳрум бўлишининг геополитик аҳамиятини янада чуқурлаштириши мумкин. Бундай вазиятнинг Россия учун стратегик оқибатлари тўғрисида посткоммунистик даврда Россиянинг Қўшма Штатлардаги биринчи элчиси, кейинроқ эса Давлат думасида ташқи ишлар бўйича Қўмитанинг раиси бўлган Владимир Лукин жуда яхши айтган эди:

“Ўтмишда Россия гарчи Оврўпадан орқада бўлса-да, ўзини Осиёнинг бошида кўрмоқчи эди. Аммо кейин Осиё жуда тез суръатлар билан ривожлана бошлади ва биз ўзимизни ўзимиз “замонавий Оврўпа билан қолоқ Осиё ўрталлиғида эмас, балки иккита “Оврўпа” ўртасида алланечук ғалатиноқ бир мавқени эгаллаб турган ҳолда кўрдик»

Хуллас, Россия яқин-яқинларгача жуда катта ҳудудда улуғ давлат барпо этган мамлакат эди. У сателлит давлатлар блокнинг мафкуравий етакчиси эди. Бу блокнинг ҳудудлари Оврўпанинг салкам марказигача етиб борган ва ҳатто бир вақтлар Жанубий Хитой денгизигача чўзилиб кетган эди. Эндиликда у бошдан-оёқ ташвишларга ботган миллий давлатга айланиб қолди. Ҳозир у ташқи дунёга олиб чиқадиган эркин жўғрофий йўлга ҳам эга эмас. Ҳозир у ғарбдаги, жанубдаги ва шарқдаги қўшнилари билан ихтилофда анча ночор аҳволга тушиб қолиши, бу ихтилофлардан азият чекиши ва янада заифлашиши мумкин. Геополитик жиҳатдан фақат шимолий кенгликларгина Россия учун бехатар ва хавфсиз макон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин у ерларга етиб бориш жуда қийин, у ерлар ҳаммиша музлар исканжасида қисилиб ётади, уларнинг устидан доимо қор қоплаган. Шимолий кенгликлар яшаш учун мос эмас.

## **ОЛА-ҚУРОҚ ГЕОСТРАТЕГИК МАНЗАРА**

Шундай қилиб кўрамизки, Россияда империя қулагандан кейинги даврда тарихий ва стратегик саросимали даврнинг вужудга келиши муқаррар эди. Совет Иттифоқининг кишини лол қолдирадиган даражада тарқаб кетиши ва, айниқса, улуғ Россия империясининг одамни ларзага соладиган тарздаги, умуман олганда, кутилмаган емирилиши Россияда янги жараённинг бошланиб кетишига йўл очди. Бу кенг кўламда қалбни қидириш жараёни эди. Ҳозирги пайтда Россия кенг кўламда тарихий маънода ўзлигини қандай аниқламоғи керак деган масалада қизғин баҳслар бошланиб кетди. Шундай масалалар бўйича беҳисоб тарзда оммавий ва хусусий мулоҳазалар майдонга келдики, йирик мамлакатларнинг кўпчилигида бунақа масалалар ҳатто кўтарилмайди ҳам. Мана, ўша масалалар: “Россия нима дегани? Қани Россия? Рус бўлмоқ қандай маънони англатади?”

Бу саволлар шунчаки назарий саволлар эмас, уларга бериладиган ҳар қандай жавоб жуда муҳим геополитик мазмунга тўла бўлади. Россия миллий давлатми, йўқми? Агар миллий давлат бўлса, унинг асосини фақат руслар ташкил қиладими? Ёки Россия деб таърифланган нарса шу таърифдагидан каттароқми (масалан, Буюк Британияга ўхшаган — у Англиядан каттароқ)? Агар шундоқ бўлса, тақдирнинг ўзи унга империя бўлишни раво кўрганми? Тарихан, стратегик ва этник жиҳатдан Россиянинг ҳақиқий ҳудудлари қанақа? Мустақил Украинани ана шу тарихий стратегик ва этник тушунчалар доирасидаги вақтинча чекиниш деб қарамоқ керакми? (Кўпчилик руслар айнан шундай деб ҳисоблашга мойилдирлар). Рус бўлмоқ учун рус кишиси этник жиҳатдан рус бўлмоғи керакми ёхуд у сиёсий жиҳатдан рус бўлмоғи шарт-у, этник жиҳатдан рус бўлмаса ҳам бўлаверадими? (Яъни “россиялик” деганга тўғри келади. “Британиялик” дегани “инглиз” дегани эмас). Масалан, Ельцин ва яна баъзи бир бошқа руслар

чеченларни рус деб ҳисобламоқ мумкин ва ҳатто зарур деб исботлашга уринишган эди (Тўғри, бу жуда хунук оқибатларга олиб келди).

Бундай чалкаш шароитда аввалдан тахмин қилиш мумкин бўлганидек, “Россия қаёққа кетяпти ва “Россия” деганининг ўзи нима?”, деган саволга кўплаб хилма-хил жавоблар майдонга келади. Россия ва Евросиёнинг улкан масофалари кўпдан бери элитанинг геополитик тарзда фикрлашига кўмак бериб келади. Постимпериалистик ва посткоммунистик Россиянинг биринчи ташқи ишлар вазири Андрей Козирев янги Россия халқаро майдонда ўзини қандай тутиши кераклигини аниқлаш борасидаги дастлабки уринишларида шундай фикрлаш тарзини тасдиқлаб берган. Совет Иттифоқи емирилгандан кейин бир ой ўтиб улгурмай, у шундай деб ёзган эди: “Халоскорлик даъвосидан воз кечиб, биз прагматизм йўлини тутдик. Биз жуда тез фурсат ичида геополитика мафкура ўрнини босар экан, деган тушунчага келдик”.

Умуман айтганда, Совет Иттифоқининг емирилишига реакция сифатида учта умумий ва бир-бири билан кесишадиган вариант майдонга келди. Буларнинг ҳар қайсиси охир-пировардида Америка билан таққослаганда Россиянинг ўз мақомини тушириб юбормаслик ҳақидаги ташвишлари билан боғланган ва улар баъзи бир ички вариантларга эга. Фикрлашдаги ана шу бир неча йўналиш қуйидагича тасниф қилиниши мумкин:

1. Америка билан “етук стратегик ҳамкорлик”нинг устуворлиги ҳақидаги фикрлар. Бу ғоянинг баъзи бир тарафдорлари назарида аслида бу атама замирида глобал кондоминизм яшириб ётадигандай кўринади.

2. Россиянинг манфаатларини ўзида жамлаган муҳим объект сифатида асосий эътиборни “яқин хорижга” қаратиш. Бунда баъзилар Москванинг устувор ролини таъминлаган ҳолда бирор иқтисодий интеграция моделини жорий қилишни ёқлашади, бошқа бировлар эса қай

бир даражада империяга хос назоратни қайта тиклаш имкониятидан умидвор бўлишади. Улар шу йўл билан Америка ва Оврўпа ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга кўпроқ қобил бўлган давлат тузишни ўйлашади.

3. Америкага қарши йўналтирилган Евросиё коалициясига ўхшаган бирор бир аксилальянсни барпо этиш. Бу аксилальянс Американинг Евросиёдаги устуворлигини камайтиришни мақсад қилиб олади.

Гарчи биринчи ғоя даставвал президент Ельциннинг янги ҳукмдор командаси аъзолари ўртасида устувор бўлган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, иккинчи ғоя сиёсий давраларда биринчи ғоядан кейин қисман Ельциннинг геополитик тамойилларининг танқиди сифатида шўхрат қозонади, учинчи ғоя эса биров кейинроқ — 90-йилларнинг ўрталарида постсовет Россиясининг геостратегияси аниқ эмас ва ишланаяпти деган кенгайиб бораётган кайфиятларга қарши реакция сифатида вужудга келган эди. Одатда бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради — учала вариантнинг ҳаммаси ҳам тарихий нуқтаи назардан анча бесўнақай бўлиб чиқди ва улар ҳозирги Россиянинг қудратига, халқаро миқёсдаги имкониятларига ҳамда хориждаги манфаатларига анча мужмал ва чалкаш қарашлар асосида юзага келган экан.

Совет Иттифоқи вайрон бўлиши биланоқ, дастлабки пайтларда Ельциннинг қарашларида ҳамиша ардоқли бўлиб келган, лекин ҳеч қачон тўла муваффақиятга эриша олмаган рус сиёсий фикрининг бир концепцияси ўз инъикосини топган эди. Бу концепция “ғарбпарастлар” томонидан олға сурилган бўлиб, унга кўра, Россия ғарб дунёсига мансуб давлат, бинобарин, у ғарбнинг бир қисми бўлиши керак ва ўз ривожланишида ғарбга имкони борича кўпроқ тақлид қилмоғи керак. Бу нуқтаи назарни Ельциннинг ўзи ва унинг ташқи ишлар вазири қўллаб-қувватларди. Шуниси ҳам борки, Ельцин Россиянинг империялик даврларидан қолган меросни ошкора қораларди. Ельцин

1990 йилнинг 19 ноябрида Киевда нутқ сўзлади ва шундай фикрларни олға сурдики, кейинчалик украинлар ва чеченлар бу фикрларни унинг ўзига қарши қаратмоқлари мумкин бўлди. Ельцин бундай деган эди:

“Россия бирор бир янги империяга ўхшаган марказга айланишга интилмайди. Россия бунақа ролнинг ҳалокатли эканини бошқалардан кўра яхшироқ билади, негаки, айти Россия узоқ замонлар давомида шу ролни ўйнаб келган. Бу унга нима берди? Руслар эркинроқ бўлиб қолдиларми? Бахтлироқ бўлдиларми? Тарих бизга ўргатадики, бошқаларга ҳукмронлик қиладиган халқ ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайди!”

Ғарб ва, айниқса, Қўшма Штатлар Россиянинг янги раҳбариятига нисбатан онгли равишда дўстона муносабатда бўлди. Бу эса шўролардан кейинги даврлардаги “ғарбпарастларни” Россиянинг ташқи ишлари борасида бирмунча фаол бўлишига далда берди. Уларнинг Америкага мойиллик кайфиятларини анча кучайтирди ва уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирди. Янги раҳбарлар дунёда ягона бўлган ўта қудратли давлатнинг сиёсатини шакллантирувчи олий рутбали мансабдор шахслар билан яқин бўлганларидан манмансираб кетдилар ва улар осонгина чалғиб, “ўзимиз ҳам ўта қудратли давлатнинг раҳбарларимиз”, деган фикрга келишди. Америкаликлар Вашингтон билан Москва ўртасида “етук стратегик шерикчилик” ҳақидаги шиорни муомалага киритишганда, русларга шундай туюлдики, гўё бу билан аввалги даврлардаги рақобатчилик ўрнига келган янги демократик Америка-Россия кондоминумига оқ фотиҳа берилди.

Бу кондоминиум кўламига кўра глобал бўлади. Шу тариқа Россия нафақат собиқ Совет Иттифоқининг ҳақхўқуқлар борасида қонуний вориси бўлади, балки де-факто (амалда) дунёни том маънода тенглик асосида қайта қуришда шерик ҳам бўлади. Бунинг оқибатида Россия раҳбарлари қуйидаги фикрни зўр бериб олға суришда

давом этдилар: Россиянинг бунақа тенг ҳуқуқли шериклиги нафақат дунёнинг бошқа мамлакатларидан Россияни Америка билан тенг кўришни талаб қилади, балки бирор-та глобал муаммо Россиянинг иштирокисиз муҳокама ҳам қилинмайди ёки унинг ижозатисиз ҳал ҳам қилинмайди. Гарчи бу тўғрида ошкора гапирилмаса-да, бу хомхаёлга бошқа бир нуқтаи назар қўшилиб кетди. Бу нуқтаи назарга кўра, Марказий Оврўпа мамлакатлари қай бир йўсинда бўлмасин, сиёсий жиҳатдан Россияга жуда яқин минтақа бўлиб қолмоқлари ёки қолишга қарор қилмоқлари керак бўлади. Варшава шартномасининг ва ЎИЁҚнинг тарқатиб юборилиши уларнинг собиқ аъзоларини НАТОга ёки фақат Оврўпа Иттифоқига жалб бўлишларига олиб келмаслиги зарур.

Бу орада Ғарбнинг Россия ҳукуматига берадиган ёрдами мамлакат ичкарасида ислоҳатлар ўтказишга, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигига, демократик институтларни мустаҳкамлаш учун шароит яратиб беришга имкон беради. Россия томонидан иқтисодиётнинг тикланиши, Американинг тенг ҳуқуқли шериги сифатидаги маҳсус мақоми ва унинг шунчаки жозибадорлиги яқинда ташкил топган мустақил давлатларни Россия билан яқиндан мулоқотда бўлишига ундайди. Бу давлатлар ўзларининг хавфсизликларига таҳдид солмаётгани учун Россиядан миннатдор. Улар Россия билан иттифоқда бўлишнинг фойдали томонларини тобора кўпроқ англаб борадилар. Шунинг учун ҳам у билан иқтисодий муносабатга киришадилар, кейин эса сиёсий интеграция ҳам амалга оширилади. Шу тариқа бу мамлакатнинг ҳудудлари кенгайиб боради ва унинг қудрати янада кучаяди.

Масалага бундай ёндашувнинг муаммоли жиҳати шундаки, у ташқи сиёсий ва ички сиёсий реализмдан маҳрум. Гарчи “етук стратегик шерикчилик” концепцияси қулоққа яхши эшитилиб, кўзга ёқимли кўринса-да, аслида, у кишини алдаб қўйиши мумкин. Америка ҳеч қачон курраи за-

миндаги ҳукмдорликни Россия билан баҳам кўриш ниятида бўлган эмас, мабодо буни хоҳлаганда ҳам бундай қила олмас эди. Янги Россия ҳаддан зиёд заиф эди. У 75 йиллик коммунистик бошқарув оқибатида ҳаддан зиёд талон-торож бўлган ва ижтимоий жиҳатдан ҳаддан зиёд қолоқ бир аҳволда эди. Шунинг учун у Американинг дунёдаги ҳамкори бўла олмайди. Вашингтоннинг фикрича, Германия, Япония ва Хитой ҳам кам даражада аҳамиятли эмас. Қолаверса, Оврўпада, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқда Американинг миллий манфаатлари ҳудудига кирадиган баъзи бир марказий геостратегик масалалар бўйича Америка ва Россиянинг интилишлари бир-биридан анча узоқ туради. Сиёсий қувват соҳасидаги, молиявий сарф-харажатлар, технологик янгиликлар ва маданий жозибадорлик бора-сидаги тафовутлар сабабли муқаррар тарзда ихтилофлар чиқа бошлаши биланоқ “етук стратегик шерикчилик” ғояси сунъий ва шиширилган бўлиб кўрина бошлади ва бу Россияни алдаш учун атайин ўйлаб чиқарилган деб ҳисоблай бошлашди.

Эҳтимол, бундай кўнгилсизликларни четлаб ўтиш ҳам мумкин эди, аммо бунинг учун Америка аввалроқ — Америка-Россия муносабатларининг “асал ойи” кечаётган даврда НАТОни кенгайтириш концепциясини қабул қилмоғи керак эди ва муайян тарзда Россияга шундай бир битишувни таклиф қилмоғи шарт эдики, “ундан воз кечишнинг сира иложи бўлмасин”, яъни Россия билан НАТО ўртасида алоҳида ҳамкорлик муносабатларини жорий қилмоғи шарт эди. Агар Америка аниқ-равшан тарзда қатъият билан альянсни кенгайтириш концепциясини қабул қилса ва бунда Россиянинг ҳам қай бир тарзда шу жараёнга жалб қилинишини таъкидлаганида, афтидан, кейинчалик Москвада пайдо бўлган “етук шерикчилик” ғоясидан кўнгилсизлик туйғусини четлаб ўтиш, шунингдек, Кремлдаги “ғарбпарастлар” сиёсий мавқеларининг тобора заифлашиб бораётганини олдини олиш мумкин бўларди.

Бундай қилишнинг энг қулай вақти 1993 йилнинг иккинчи ярими эди. Ўшанда август ойида Ельцин Польшанинг трансатлантик альянсга қўшилишга интилиши “Россия манфаатлари”га зид келмайди деган фикрни баён этганди. Ўшанда темирни қизиғида босиш ўрнига Клинтон маъмурияти ҳамон “Россияни афзал кўриш” сиёсатини олиб боришда давом этди ва яна икки йил давомида тараддудланиб юрди, бу вақт ичида эса Кремль “қўшиғини ўзгартириб олди” ва НАТОни кенгайтириш борасидаги Американинг энди туғилиб келаётган, лекин ҳали унча қатъий бўлмаган ниятларини тобора кучлироқ тарздаги душманлик руҳи билан қарши ола бошлади. 1996 йилда Америка НАТОни кенгайтиришни янада йирикроқ ва янада хавфсизроқ евроатлантик ҳамжамият барпо қилиш борасидаги ўз сиёсатининг марказий вазифасига айлантиришга қарор қилди. Руслар бунга ўта нохушлик билан қарши олишди. Бинобарин, 1993 йилни бой берилган тарихий имкониятлар йили деб ҳисоблаш мумкин.

Россиянинг НАТОни кенгайтириш борасидаги ҳамма хавотирлари ҳам қонуний асослардан маҳрум эмаслигини тан олмаслик мумкин эмас. Бундай муносабат ҳамма вақт ҳам Россиянинг ғайирлигидан туғилган эмас. НАТОни кенгайтириш ғоясининг баъзи бир душманлари ўз-ўзидан аёнки, айниқса, Россиянинг ҳарбий доираларидаги одамлар совуқ уруш даврининг менталитетидан фойдаланишди ва НАТОнинг кенгайтирилишини Оврўпа тараққиётининг ажралмас қисми сифатида қабул қилишмади, балки Америка раҳбарлигидаги ва ҳамон душманлик руҳидаги альянснинг Россия ҳудудларига яқинлашиши деб қарадилар. Россиянинг ташқи сиёсат соҳасидаги раҳбариятининг баъзи бир вакиллари (уларнинг кўпчилиги аслида собиқ шўролар давридаги мансабдор одамлар эди) бир замонлардаги геостратегик нуқтаи назарга ёпишиб олганлар. Бу нуқтаи назарга кўра, Евросиёда Америкага ўрин йўқ ва НАТОни кенгайтириш кўп жиҳатдан Американинг

Ўз таъсир доирасини кенгайтириш хоҳиши билан боғлиқ. Қай бир даражада уларнинг муҳолифлиги кўнгилларидаги бир орзу-умид билан боғланган. Бу орзу шундан иборатки, Россия “тузалиб қолганда”, Марказий Осиёнинг ҳеч ким билан боғлиқ бўлмаган мамлакатлари бир кун келиб Москванинг геополитик таъсири доирасига қайтади.

Бироқ Россиянинг кўпгина демократлари, шунингдек, НАТОнинг кенгайтирилиши Россиянинг Оврўпадан ташқарида қолишини англатади, Россия сиёсий жиҳатдан ёлғизланиб қолади ва уни Оврўпа цивилизацияси институтларига аъзо бўлишга арзитишмайди деб хавотир олишди. Маданий хавфсизликнинг йўқлиги сиёсий хавотирларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Натижада НАТОнинг кенгайиши ғарбнинг Россияга нисбатан юритган сиёсатининг авж нуқтасидай қилиб кўрсатди. Маълумки, бу сиёсат Россияни ёлғизлантириб қўйишга ва шу йўл билан уни турли-туман душманлари қаршисида ожизлантириб қўйишга йўналтирилган эди. Бундан ташқари Россия демократлари на Марказий Оврўпа аҳолисининг Москванинг ярим асрдан ортиқроқ давом этган ҳукмронлигидан норозилигини, на уларнинг йирикроқ Евроатлантик тизимнинг узвий қисми бўлиш хоҳишини тушунмади.

Бошқа томондан олганда, Россия “ғарбпарастлари”нинг на кўнгиллари қолишининг, на заифлашишининг олдини олиб бўлмас эди. Ўз-ўзича олганда унча аҳил бўлмаган Россиянинг янги элитаси ва қатъий геостратегик раҳбарликни таъминлашга қодир бўлмаган президент билан унинг ташқи ишлар вазири янги Россиянинг Оврўпада нима исташини аниқ-равшан белгилай олмади, худди шунингдек, Россиянинг заифлиги билан боғлиқ бўлган маҳдудликларни ҳам ҳаққоний тарзда баҳолай олмади. Узлуксиз сиёсий олишувлар билан банд Россия демократлари демократик Россиянинг трансатлантик демократик ҳамжамиятининг кенгайтирилишига қарши эмаслигини ва ўзи ҳам унга кириш истагида эканини дадиллик билан

баралла айтишга ўзини ўзи мажбур қила олмади. Дунёда Америка билан бир хил мақомга эга бўлиш иштиёқи сиёсий элитанинг бир ғоядан воз кечишини қийинлаштирди. Бу нафақат собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида, балки Марказий Оврўпанинг собиқ сателлит давлатларига нисбатан ҳам Россиянинг имтиёзли геополитик ҳолати ҳақидаги ғоя эди.

Шароитнинг бундай тус олиши миллатчиларга ва милитаристларга қўл келиб қолди.

1994 йилда яна миллатчиларнинг овози кўтарилиб қолди, милитаристлар эса бу вақтга келиб, мамлакат ичкарисида Ельциннинг муҳим танқидий тарафдорлари бўлиб олишганди. Уларнинг Марказий Оврўпа мамлакатлари орзу-умидларига муносабати борган сари кескинлашиб, таҳдидли тус ола бошлади. Бу эса собиқ сателлит мамлакатларнинг қарорини янада мустаҳкамлади. Улар ўзларининг Россия ҳукмронлигидан вақтинчагина халос бўлишганини яхши билишади ва шунинг учун НАТО қаноти остида беҳатарроқ паноҳ топишни орзу қилишарди.

Москва билан Вашингтон ўртасидаги жарлик Кремнинг Сталин томонидан фатҳ этилган ҳамма ҳудудлардан воз кечишни истамаганлиги янада чуқурлаштирди. Ғарб жамоатчилигининг афкор оммаси ва, айниқса, Скандинавия мамлакатларидаги, шунингдек, Қўшма Штатлардаги жамоатчилик фикри Болтиқбўйи республикаларига нисбатан Москванинг мужмал муносабати вазидан анча ташвишда эди. Россия раҳбарияти уларнинг мустақиллигини тан олди ва уларни МДҲга аъзо бўлишга мажбур қилмади. Аммо Россиянинг демократик кайфиятдаги раҳбарлари ҳам Сталин ҳукмронлик қилган замонларда бу мамлакатларга атайин олиб бориб жойлаштирилган кўп-лаб рус аҳолиси учун турли имтиёзларга эришмоқ мақсадида вақти-вақти билан дўқ-пўписалар қилишдан ўзларини тиймадилар. Кремл Германия билан Совет Иттифоқи ўртасида 1939 йилда тузилган махфий битимни бекор қи-

лишни истамаганини атайин ҳаммага кўз-кўз қилди ва бу шароитни янада мушкуллаштиришга олиб келди. Бу махфий шартнома Болтиқбўйи республикаларини мажбурий тарзда Совет Иттифоқиға қўшиб олишға йўл очган эди.

Шўродан кейинги Россия элитаси очиқдан-очиқ Ғарбнинг шўродан кейинги ҳудудда Россиянинг етакчилик ролини тиклашға ёрдам беради ёки жилла бўлмаса, бунга халақит бермайди деб кутган кўринади. Шунинг учун ҳам шўро замонидан кейин яқинда мустақиллик олган мамлакатларға ўзларининг янгича тарздаги сиёсий ҳаётларида барқарор оёққа туриб олишларига Ғарбнинг ёрдам бермоқчи бўлгани Россия элитасини дарғазаб қилди. Ҳатто “Қўшма Штатлар билан ошқора низолардан қочган маъқул”, деб огоҳлантирганда ҳам АҚШнинг олий сиёсати масалалари билан шуғулланувчи юксак рутбали Россия сиёсатчилари бир нарсани исбот қилишға уринишади. Уларнинг фикрича, “Қўшма Штатлар жамики Евросиё бўйлаб давлатлараро муносабатларни қайта ташкил қилишға эришмоқни кўзлайди... Бунинг оқибатида улар қитъада бирорта ҳам етакчи давлат бўлмаслигини, аксинча, кўпгина ўртача, нисбатан барқарор ва қуввати ҳам ўртамиёна давлатлар бўлмоғини хоҳлашади. Бироқ бу давлатлар алоҳида олганда ҳам, ҳаммасини қўшиб олганда ҳам, албатта, Қўшма Штатларға қиёсан олганда анча заифроқ бўлмоқлари шарт”. Бундай мулоҳазаларни олға сурадиган Россия сиёсатчилари ҳаммавақт ҳам хато қилган, деб бўлмайди.

Бу жиҳатдан Украина бениҳоя муҳим аҳамиятға эга бўлди. АҚШнинг Америка-Украина муносабатларига алоҳида устувор характер беришға мойиллиги ва яқинда эришган миллий эркинлигини сақлаб қолишға ёрдам беришға интилиши Москвадаги кўпгина сиёсатчилар томонидан ва ҳатто “Ғарбпарастлар” томонидан ҳам Россия учун ҳаёт-момот аҳамиятиға молик бўлган, охир-пировардида Украинани умумий ётоққа қайтариш билан боғлиқ

бўлган манфаатларга дахл қилувчи сиёсат сифатида қаралди. АҚШнинг бундай майллари, айниқса, 1994 йилга келганда анча кучайган эди. Вақти-соати келиб, Украина қай бир тарзда бўлмасин яна “асл аҳволига қайтади” деган ишонч Россиянинг кўпгина юксак мартабали сиёсатчиларининг бугунги эътиқодларида марказий ўрин тутди. Украинанинг мустақил мақоми масаласидаги Россиянинг геополитик ва тарихий шубҳа-гумонлари оқибатида АҚШнинг империалистик майлларга эга бўлган Россия демократик мамлакат бўла олмайди, деган нуқтаи назари билан тўқнаш келди.

Бундан ташқари соф ички далиллар ҳам бор. Эдики, уларнинг натижасида иккита “демократия” ўртасидаги “етук стратегик шериклик” хомхаёл бўлиб чиқди. Коммунистик бошқарув оқибатида Россия ҳаддан зиёд заифлашиб қолган ва талон-тарож қилинган эди. Шунинг учун у Қўшма Штатларнинг яшашга қобил демократик шериги бўлишга ярамас эди. Ва бу асосий ҳақиқатни шерикчилик ҳақидаги баландпарвоз сафсаталар яшириб кета олмас эди. Бундан ташқари шўролардан кейинги Россия ўтмиш билан алоқасини қисмангина узган эди, холос. Россиянинг деярли ҳамма “демократик” етакчилари — ҳатто улар ўтмишдаги шўролар тузумидан чин юракдан кўнгилсиз бўлиб қолган бўлсалар-да, нафақат совет тузумида тарбия кўриб кетишган, балки ўтмишда ҳукмрон элитанинг юксак мартабали аъзолари бўлган одамлар ҳам эди. Улар ўтмишда худди Польша ёхуд Чехия республикасидаги каби диссидентлар бўлган эмас. Шўро ҳокимиятининг руҳан пароканда аҳволдаги коппумпия ботқоғига ботган ҳамма муҳим институтлари гарчи заифроқ шаклда бўлса-да, сақланиб қолди. Бу воқеликнинг рамзи, коммунистик ўтмишнинг исканжалари ҳамон улоқтириб ташланмаганининг рамзи — Москванинг тарихий марказидир. У ерда ҳамон Ленин мавзолейи қимир этмасдан ўз ўрнида турпти. Баайни қиёс қилингки, нацистлардан халос бўлган

Германияда ўрта бўғинга мансуб собиқ нацист “гауляйтер”лари ҳукмронлик қилади, улар оғизларини тўлдириб, демократик шиорларни айтишади ва айнаи чоғда Берлиннинг қоқ ўртасида Гитлернинг мавзолейи қандай турган бўлса, шундай тураверади.

Россиядаги иқтисодий таназзул кўланкаларининг ўзи янги демократик элитанинг заифлигини янада кучайтирди. Иқтисодиётдан давлатни мосуво қилиш йўлида кенг ислохотлар ўтказиш зарурияти Ғарбдан, айниқса, АҚШдан бериладиган ёрдамга ҳаддан ташқари катта умид боғлашга олиб келди. Айниқса, Германия ва АҚШ томонидан берилган ёрдам аста-секин ҳар қанча катта харжларни ташкил қилмасин, ҳатто жуда қулай шароитлар бўлган тақдирда ҳам, барибир, иқтисодий кўтарилишнинг тез суръатларини таъминлай олмас эди. Натижада юзага келган ижтимоий норозилик ҳафсаласи пир бўлган танқидчилар доирасининг кенгайишида қўшимча омил бўлди. Улар Қўшма Штатлар билан шерикчилик алдовдан ўзга нарса эмас эди, у АҚШ учун фойдали бўлган, Россияга эса катта зарар келтирган, дея жар сола бошлашди.

Хуллас, Совет Иттифоқи емирилган дастлабки йилларда глобал тарздаги самарали шерикчилик учун на объектив, на субъектив шароит йўқ эди. Демократик кайфиятдаги “Ғарбпараст”лар жуда кўп нарсани хоҳлар эдилар-у, лекин қўлларидан жуда оз нарса келди. Улар АҚШ билан тенгҳуқуқлилиқ асосида шерикчилик қилишни истар эдилар; улар МДХ ичида нисбатан эркин ҳаракат қилишни хоҳлашарди ва геополитик нуқтаи назардан “ҳеч кимга қарашли бўлмаган” Марказий Оврўпада ҳам бемалол ҳаракат қилмоқни орзу қилишарди. Аммо совет тарихига мужмал муносабат, глобал ҳоқимиятга қарашда реализмининг йўқлиги, иқтисодий таназзулнинг чуқурлиги ва жамиятнинг ҳамма табақаларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги уларнинг барқарор ва том маънодаги демократик Россияни барпо эта олмасликларидан дало-

лат берарди. Ҳолбуки, “тенгҳуқуқли шериклик” концепцияси айни ана шундай Россия мавжуд бўлишини тақозо қилади. Россия узоқ давом этадиган сиёсий ислоҳотлар жараёнини бошидан кечирмоғи керак, кейин демократиянинг барқарорлашиши жараёнидан ўтмоғи лозим — бу жараён ҳам анча давомли бўлади, шундан сўнг янада давомлироқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига ўтилиши лозим. Шундан кейин империяпарастлик тафаккуридан миллий тафаккур томон анча жиддий қадам қўймоққа жаҳд қилмоқ зарур. Бу миллий тафаккур нафақат Марказий Оврўпадаги, балки собиқ Россия империяси ҳудудидаги янги геополитик воқеликни ҳам ҳисобга олмоғи лозим.

Ана шундан кейингина Америка билан шерикчилик қилиш шароит ривожининг чиндан-да амалга оширса бўладиган геополитик вариантга айланади. Бундай шароитда “яқин хориж”га муносабатнинг устувор қўйилиши ғарбпараст кучларнинг танқидидаги асосий унсур, шунингдек, илк ташқи сиёсат бобида бир муҳим йўл бўлиб қолганида ҳайрон қоладиган ҳеч нарса йўқ эди. У шундай бир далилга асосланадики, унга кўра, “шерикчилик” концепцияси Россия учун ўта муҳим бўлган бир ҳолатга, аниқроқ айтганда, унинг собиқ совет республикалари билан муносабати масаласига эътиборсиз қарайди. “Яқин хориж” муайян сиёсатни ҳимоя қилувчи мухтасар ибора бўлиб қолди. Бу сиёсатда асосий эътибор бир вақтлар Совет Иттифоқи эгаллаб турган ҳудуддаги геополитик майдон доирасида бошида Москва турган ва қарорлар қабул қилишга қодир бўлган яшовчан тизим яратиш заруриятига қаратилган. Ана шу дастлабки шарт-шароитни инобатга олиб, жамиятнинг кенг қатламлари бир тўхтама келишди. Бунга кўра, ҳамма диққатни Ғарбга ва, айниқса, АҚШга қаратиш сиёсати кам фойда келтиради, ҳолбуки, жуда қиммат туради. У Ғарб учун Совет Иттифоқининг емирилиши билан вужудга келган имкониятлардан фойдаланишни энгиллаштиради.

Аммо “яқин хориж” концепцияси шундай бир соябон эдики, унинг тагига бир қанча турфа хил геополитик концепциялар тўпланиши мумкин эди. Бу концепция ўз байроғи остига бир қанча иқтисодий функционализм ва детерминизм тарафдорларини тўплади. Улар орасида “ғарбпарастлар” ҳам бор эди. Улар МДХ Оврўпа Иттифоқининг Москва раҳбарлигидаги варианты томон юксалишига ишонар эдилар. “Яқин хориж” концепцияси байроғи остига иқтисодий интеграцияда империяни тиклаш қуролинигина кўрадиганлар ҳам йиғилган эди. Бу қурол ё МДХ “соябони” остида ишлаши мумкин эди ёхуд 1996 йилда Россия билан Белоруссия, сўнгра Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган махсус битимлар доирасида фаолият кўрсатмоғи мумкин эди. Бунга романтик-славянпарастлар ҳам тарафдор эдилар. Улар Россия, Украина ва Белоруссия ташкил қиладиган “Славян иттифоқи”ни ёқлаб чиқишган. Ниҳоят, яна бир гуруҳ бор эдики, улар қай бир даражада милтиқ характерга эга бўлган тасаввурлар тарафдори эдилар. Бу тасаввурларга кўра, Евросиёлик Россиянинг доимий тарихий миссиясидаги асосий белгилардан бирини ташкил қилади.

Унинг энг тор маъносида “яқин хориж”га муносабатдаги устуворлик жуда маъқул таклифларни ўз ичига оларди. Россия аввал яқинда ташкил топган мустақил давлатларга муносабат масалаларида ўз хатти-ҳаракатларини жамламоғи керак. Бунинг алоҳида сабаби шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзаро иқтисодий қарамликларини рағбатлантирувчи совет сиёсати томонидан махсус қўллаб-қувватланган ишлар орқали Россияга боғлиқ ҳолатда қолиб келмоқда эди. Бу ҳам иқтисодий, ҳам геополитик маънога эга. Россиянинг янги раҳбарияти тез-тез тилга олиб турадиган “умумий иқтисодий муҳит” шундай бир амалий иш эдики, яқинда ташкил топган мустақил давлатларнинг бошлиқлари унга беписанд қарашлари мумкин эмас эди. Кооперациялашиш ва ҳатто қай бир даражадаги интегра-

циялашиш жуда қатъий иқтисодий зарурат эди. Шундай қилиб, МДХ мамлакатлари учун муштарак институтлар барпо этишга ёрдам бериш, шу тариқа Совет Иттифоқининг сиёсий емирилиши туфайли туғилган иқтисодий дезинформация ва иқтисодий парчаланиш жараёнига тўсиқ қўйиш шунчаки нормал бир ҳол эмас, балки анча-мунча зарурат ҳам эди.

Шу тариқа баъзи бир руслар учун иқтисодий интеграцияга кўмаклашиш рўй берган ҳодисага функционал таъсирчан ва сиёсий жиҳатдан масъулиятли реакция эди. Тез-тез Европа иттифоқи билан СССР емирилгандан кейинги вазият ўртасида таққослар қилиб турилди. Иқтисодий интеграциянинг энг муътадил тарафдорлари томонидан империяни тиклаш ғоялари қатъиян рад этилди. Масалан, 1992 йилнинг август ойидаёқ Ташқи ва мудофаа кенгаши томонидан эълон қилинган “Россия учун стратегия” деган муҳим докладда бир гуруҳ таниқли шахслар ва юксак мартабали давлат арбоблари “маърифатли постимпериалистик интеграция”ни анча-мунча пухта далиллар билан постсовет иқтисодий муҳити учун энг тўғри ҳаракат дастури сифатида ҳимоя қилган эдилар.

Бироқ “яқин хориж”га урғу бериш минтақавий иқтисодий ҳамкорликда сиёсий жиҳатдан беозор доктрина бўлган эмас. Унинг геополитик мазмуни замирида империяпарастлик майли бор эди. Ҳатто 1992 йилда қилинган анча-мунча муътадил бўлган маърузада ҳам қаддини тиклаб олган Россия ҳақида гапирилади. Бу Россия, дейилади маърузада, охир-пировардида ғарб билан стратегик шериклик ўрнатади, бу шерикликда “Россия “Шарқий Оврўпадаги, Ўрта Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги шароитни бошқариб боради. Бу устувор тамойилнинг бошқа тарафдорлари анча беҳаёроқ чиқиб қолишди. Улар уялмай-нетмай, очикчасига постсовет муҳитида Россиянинг “фавқулодда роли” тўғрисида жар солдилар ва ғарбни Россияга қарши сиёсат юритишда айблашди. Ғарб бу сиёсатни Украинага

ва яқинда ташкил топган бошқа мустақил давлатларга ёрдам бериш йўли билан амалга ошираётган экан.

Гарчи унчалик ғалвали бўлмаса-да, бунинг типик мисолини Ю.Анбарцумовнинг мулоҳазаларида кўриш мумкин. 1993 йилда у ташқи ишлар бўйича парламент қўмитасининг раиси эди. Ўша кезларда у шериклик ғоясининг устуворлиги тарафдори эди. У собиқ совет ҳудуди фақат ва фақат Россиянинг геополитик таъсир доирасини ташкил қилади, деб астойдил исботлашга уринди. Авваллари ғарб билан шерикчилик устуворлигининг ғайратли тарафдори, Россиянинг ташқи ишлар вазири Андрей Козирев 1994 йилнинг январиди уни қўллаб-қувватлади. У шундай деди: “Россия юз йиллар мобайнида ўзининг таъсир доирасида бўлиб келган минтақаларда ҳарбий кучларини сақлаб қолмоғи керак”. Дарҳақиқат, 1994 йилнинг 8-апрелида “Известия” газетаси Россия яқинда мустақиллик касб этган давлатлар ҳудудида камида 28 та ҳарбий базасини сақлаб қолишга муваффақ бўлгани тўғрисида хабар беради. Шунингдек, газетадаги мақолада Калининград вилояти, Молдова, Қрим, Арманистон, Тожикистон ва Қурим оролларидаги ҳарбий базаларнинг харитада туташган чизиғи собиқ Совет Иттифоқининг чегара чизиғига мос келиши маълум қилинган.

1995 йилнинг сентябрида президент Ельцин Россиянинг МДҲга нисбатан юритадиган сиёсати тўғрисида расмий ҳужжат эълон қилди. Унда Россиянинг мақсадлари шундай тасниф қилинган:

“МДҲга нисбатан Россия сиёсатининг асосий вазифаси иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бирига интеграция қилинган давлатлар ҳамжамиятини барпо этиш бўлмоғи керак. У жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллаш учун даъвогарлик қилишга қодир бўлмоғи керак. Шунингдек, шўролардан кейинги ҳудудда давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришда Россия етакчи рол ўйнайдиган куч бўлмоғи керак.



Совет добридоги Россия харбий кучлари жойлашган манзиллар

● Совет чегараларидаги базалар

Бу интилишларнинг сиёсий кўламини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда алоҳида ҳуқуққа эга бўлган субъект кўрсатилган. Бу субъект жаҳон тизимида ўзининг ўрнига даъвогарлик қилади, ана шу янги ҳуқуқ субъектнинг ичи-

да Россиянинг етакчилик ролини ўйнашига даъво қилади. Шунга мувофиқ, Москва Россия билан янги ташкил топган МДХ ўртасида сиёсий ва ҳарбий алоқаларни мустаҳкамлашни талаб қилди, ҳатто ягона ҳарбий қўмондонлик тузиш зарурлигини, МДХ давлатларининг ҳарбий кучлари ўзаро расмий шартнома билан боғлиқ бўлиши кераклигини, МДХнинг “ташқи” чегаралари марказлашган назорат (“Москва назорати” деб ўқиса ҳам бўлаверади) остида бўлмоғи жоизлигини, Россия қўшинлари МДХ мамлакатлари ичидаги исталган тинчликпарварлик операцияларида ҳал қилувчи рол ўйнамоқлари шарт эканини, МДХ давлатларининг муштарак ташқи сиёсати шакллантирилиши зарурлигини, унинг институтлари аввал 1991 йил сентябрида ҳал қилинганидек, Минскда эмас, Москвада жойлаштирилмоғи лозимлигини, ва ниҳоят, Россия президенти МДХ томонидан олий даражада ўтказиладиган ҳамма учрашувларда раислик қилмоғи шартлигини баён қилди.

Буниси ҳали ҳолва экан. 1995 йил сентябрдаги ҳужжатда шундай деб айтилган:

“Яқин хориж” мамлакатларида Россия телевиденияси ва радиоси дастурларининг тарқатилиши кафолатланган бўлмоғи керак. Шунингдек, минтақаларда Россиядаги нашрларнинг тарқалишига ҳар томонлама кўмак берилиши шарт. Россия МДХ мамлакатлари учун миллий кадрлар тайёрлаб бермоғи лозим.

Постсовет ҳудудида Россиянинг асосий маърифий марказ сифатида қайта тикланишига алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Бунда МДХ мамлакатларида ёш авлодни Россияга нисбатан дўстлик руҳида тарбиялаш зарурлигини эътиборга олмақ лозим”.

Шундай кайфиятларни акс эттирган Россиянинг Давлат думаси бу масалаларда шу қадар чуқурлашиб кетдики, ҳатто 1996 йилнинг бошида Совет Иттифоқининг тугатилиши юридик жиҳатдан ноқонуний ҳаракат бўлган, деб эълон қилди. Бундан ташқари ўша йилнинг баҳорида Россия

МДХнинг гапга кўнадиган баъзи бир мамлакатлари билан яқинроқдан, иқтисодий ва сиёсий интеграцияни таъминловчи битимлар имзолади. Битимлардан бири жуда катта дабдаба-ю асъасалар билан имзоланган бўлиб, Россия билан Белоруссия ўртасида иттифоқ тузишни назарда тутган эди. Бу иттифоқ “Суверен республикалар ҳамжамияти” доирасида бўлмоғи лозим эди (Бу иборанинг русчасидаги сўзларнинг қисқартилишидан “ССР” деган сўз келиб чиқади, у эса ўз навбатида маънодорлик билан “СССР” сўзини эслатиб туради). Иккинчи битим Россия, Қозоғистон, Белоруссия ва Қирғизистон томонидан имзоланган бўлиб, келажакда “Бирлашган давлатлар ҳамжамияти”ни тузишни назарда тутар эди. Ҳар икки ташаббусда ҳам Россиянинг МДХ давлатлари ичида бирлашишнинг секин суръатлар билан бораётганидан норозилиги ва бирлашиш жараёнига кўмаклашишга қатъий қарор қилгани акс этган эди.

Шу тариқа “яқин хориж”да МДХдаги марказий механизмларни кучайтиришга берилган урғуда объектив иқтисодий детерминизмга боғлиқликнинг баъзи бир унсурлари билан анчагина кучли субъектив империяпарастлик майллари бирлашиб кетди. Аммо на биринчи битим, на иккинчи битим “Россия нимадир ва унинг ҳақиқий вазифаси қандай, ҳақиқий ҳудудлари қанақа?”, деган фалсафийроқ саволга жавоб бермади ва лоақал бирор бир тузукроқ геополитик маслаҳат ҳам чиқмади.

Бу ҳамон ўша эски бўшлиқ эди. Бу бўшлиқни жозибадорлиги борган сари ортиб бораётган Евросиёчилик назарияси тўлдиришга ҳаракат қиларди, фақат энди бу назариянинг дикқат-эътибори марказида “яқин хориж” турарди. Бу мўлжални белгилаб берувчи атамалар кўпроқ маданият соҳаси ва ҳатто мистика билан боғлиқдир. Унинг бошланғич нуқтаси муайян бир қарашда ифодаланган. Бу қарашга кўра, геополитик ва маданий жиҳатлардан олганда Россия тўлалигича Оврўпа мамлакати эмас ва тўлалигича Осиё мамлакати ҳам эмас. Шунинг учун ҳам уни бус-бутун

қолда Евросиё давлати деб қараган маъқул. Бу хусусият фақат унга хос. Бу Марказий Оврўпа билан Тинч океан оралиғидаги жуда катта ҳудуд устидан ғоятда ноёб назоратнинг Россияга мерос бўлиб қолганидир. Бу назоратни Москва ўзининг тўрт аср мобайнида шарққа силжиши натижасида барпо этган. Ана шу силжиш оқибатида Россия қўпдан-қўп рус бўлмаган ва оврўпали бўлмаган халқларни ўзига сингдириб олди ва бу йўл билан сиёсий ва маданий жиҳатдан яхлит индивидуаллик касб этди.

Евросиёчилик назария сифатида Совет Иттифоқининг емирилиши билан пайдо бўлган эмас. У биринчи марта XIX асрда пайдо бўлган эди, лекин XX асрда совет коммунизмига қарши аниқ шаклга кирган альтернатив сифатида ва гўёки ғарбнинг таназзулига реакция сифатида анча кенг тарқалди. Рус муҳожирлари, айниқса, шўро йўлига альтернатив сифатида бу назарияни фаоллик билан тарқатган эдилар. Улар Совет Иттифоқидаги рус бўлмаган халқларнинг миллий уйғониши миллийликдан юқори турадиган кенг қамровли назария талаб қилишини яхши тушунишган. Фақат шу йўл билангина коммунизмнинг узил-кесил ҳалокати Умумроссия империясининг емирилиб кетишига олиб келмаслигини улар билишган.

Ўтган асрнинг 20-йиллари ўртасидаёқ Евросиёчилик ғоясининг атоқли намояндаси Н.С.Трубецкий томонидан бу фикр жуда аниқ ифодалаб берилган эди. У шундай деб ёзади:

“Коммунизм аслини олганда европоизмнинг бўзилган бир нухасидир. У рус жамиятининг маънавий асосларини ва миллий ноёблигини барбод қилади, унда моддиюнлик меъёрларининг кенг тарқалишига йўл очади. Айни ана шу моддиюнлик меъёрлари амалда Оврўпани ҳам, Американи ҳам бошқариб туради.

Бизнинг вазифамиз буткул янги маданият яратишдир. Бу маданият ўзимизга хос ва ўзимизга мос маданият бўлмоғи керак. У Оврўпа цивилизациясига ўхшамаган бўлиши

шарт. Шундагина Россия ортиқ Оврўпа цивилизациясининг айниган инъикоси бўлмади, шундагина у яна қайтадан ўзлигини касб этади. Россия-Евросиё бўлиб қолади, Чингизхоннинг онгли меросхўри ва унинг улуғ меросини ўзига сингдириб олган вориси бўлиб қолади”.

Бу нуқтаи назар ўта чалкаш постсовет шароитида жуда яхши кутиб олинди. Бир томондан, коммунизм рус проваслав руҳонийлигига ва алоҳида мистикага яқин турувчи “рус ғояси”га сотқинлик, хиёнат сифатида қораланган эди, иккинчи томондан эса “ғарбпарастлик” ҳам рад этилган эди. Ғарб маданияти нуқтаи назаридан чириган ва аксилрус йўналишга эга деб қараларди, шунингдек, у Россиянинг Евросиё ҳудудларини назорат қилишга бўлган тарихан ва жўғрофий жиҳатдан асосланган даъволарини рад қилишга мойил деб ҳисобланарди.

Асарларидан тез-тез ва кўплаб иқтибос олиб туриладиган тарихчи, географ ва этнограф Лев Гумилев евросиёчилик концепциясига академик жило берди. У ўзининг “Ўрта асрлар Россияси ва Улуғ Дашт”, “Евросиё ритмлари” ва “Тарихий даврда этнос жўғрофияси” деган асарларида Евросиё алоҳида рус этноси учун табиий жўғрофий муҳит ҳисобланади, бу муҳит рус халқи билан дала-даштарда яшайдиган рус бўлмаган халқларнинг тарихан қоришиб кетуви (симбиоз) натижасида вужудга келган, бу қоришув охир-оқибатда ғоятда ноёб Евросиё маданияти ва маънавиятини вужудга келтирган, деган қарашларга жуда бақувват назарий замин яратиб берди. Гумилев Ғарбга мослашиш рус халқини ўз “этносидан ва қалбидан маҳрум бўлиш хавфига дучор қилмоғи мумкин” деб огоҳлантирган эди.

Гарчи Гумилевдан анча жўнроқ бўлсада бу қарашларни Россиянинг турли-туман миллатчи сиёсатбозлари такрорлашди. Масалан, собиқ вице-президент Александр Руцкой шундай деган эди: “Мамлакатимизнинг жўғрофий аҳволи шунга тақозо қиладики, Россия Осиё билан Оврўпа-

ни туташтириб турувчи ягона кўприқдир. Бу ҳудуднинг хўжайини бўлган одам бутун дунёнинг хўжайини бўлади”. 1996 йилдаги президент сайловларида Ельцинга рақиблик қилган Геннадий Зюганов марксизм-ленинизм тарафдорлигига қарамай, Евросиёнинг бепоён ҳудудларида рус халқининг алоҳида маънавий ва миссионерлик роли масаласида евросиёчиликка берилаётган мистик урғуни қўллаб-қувватлади. Зюганов шу тариқа Россия зиммасига жаҳонда раҳбарлик мавқеига эга бўлмоқ учун ғоятда ноёб маданий рол юкланган, шунингдек, унга бағоят қулай жўғрофий вазият ато қилинган, дея исбот қилмоқчи бўлади.

Евросиёчиликнинг бундан кўра ишончлироқ ва амалийроқ варианты Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев томонидан олға сурилди. Назарбоев ўз мамлакатида туб аҳоли бўлмиш қозоқлар билан кўчириб келтирилган руслар ўртасидаги нифоққа дуч келди. Улар сон жиҳатидан деярли тенг эди. Назарбоев Москванинг сиёсий интеграцияга йўналтирилган тазйиқини бирор даражада бўлса ҳамки бўшаштириш учун туссиз ва самарасиз МДҲга муқобил вариант сифатида “Евросиё иттифоқи” концепциясини олдинга сурди. Тўғри, унинг вариантыда Евросиё борасидаги бундан кўра анъанавийроқ қарашларга хос бўлган мистика йўқ эди ва унга асос қилиб русларнинг Евросиёдаги алоҳида етакчилик роли ҳақидаги қараш асос қилиб олинмаган эди. У бошқа бир нуқтаи назарга асосланган эди. Бу нуқтаи назарга кўра, жўғрофий жиҳатдан Совет Иттифоқининг аввалги ҳудудларига мос келадиган ҳудудлар доирасида белгиланадиган Евросиё яхлит бир организм бўлмоғи керак ва у сиёсий ўлчовларга ҳам эга бўлмоғи шарт.

Россиянинг геополитик тафаккурида “яқин хориж”га олий мақом беришга уриниш маълум даражада ўринли эди. Постимпериалистик Россия билан яқинда мустақилликка эришган давлатлар ўртасида қай бир даражада тар-

тиб ва мураса ўрнатиш хавфсизлик ва иқтисодиёт нуқтаи назаридан мутлақо зарур эди. Аммо бу мунозаранинг кўпгина қисми муайян даражада сюрреалистик жилоларга эга бўлди. Бунга сабаб собиқ империянинг “бирлашиши” тўғрисидаги анчадан бери давом этиб келаётган эски тасаввурлар бўлди. Бунга кўра, бундай бирлашиш ихтиёрий (иқтисодий сабаблар важдан) бўлганида ёки Россиянинг Евросиёдаги ёхуд славян дунёсидаги алоҳида роли тўғрисида гапирмаганда ҳам, унинг бой берилган қудратини тиклашнинг пировард натижаси бўлганида “бирлашиш”ни амалга ошириш анча осон кўчар ва маъқулроқ бўларди.

Бу жиҳатдан Оврўпа иттифоқи билан тез-тез қилиниб туриладиган таққосларда жуда муҳим бир тафовут инobatга олинмайди: Оврўпа Иттифоқида гарчи Германиянинг алоҳида таъсири сезилиб турса-да, унда бирорта давлат устуворлик қилмайди. Бирорта давлат Оврўпа Иттифоқининг ҳамма аъзоларининг ўрнини боса олмайди. Оврўпа Иттифоқи бирор бир миллий империянинг вори си ҳам эмаски, унинг озодликка чиққан аъзолари “интеграция” деганда бу сўзнинг замирида тобеликни қайта тиклаш ётипти, деб шубҳа қилишсин. Бу ҳолда осон тасаввур қилиш мумкин, агар Германия расмий равишда унинг вазифаси Оврўпа Иттифоқидаги раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборатдир, деб эълон қилса, Оврўпа мамлакатларининг муносабати шубҳасиз салбий бўлар эди. Ҳолбуки, 1995 йилда Россиянинг расмий баёнотида унинг МДХдаги роли тўғрисида худди шу гап аниқ айтилган. Буни биз юқорида келтирган иқтибосдан очиқ кўришимиз мумкин.

Оврўпа Иттифоқи билан таққослаганда яна бир нуқсон бор. Ҳарбий Оврўпа мамлакатларининг очиқ ва нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган тузумлари демократик интеграцияга тайёр эдилар ва ҳарбий оврўпаликларнинг кўпчилиги бунақа интеграциянинг сиёсий ва иқтисодий

фойдаларини аниқ сезиб туришарди. Ғарбий Оврўпанинг нисбатан камроқ даражадаги бой давлатлари ҳам катта-катта дотациялардан анча фойда кўришлари мумкин эди. Бунга қарама-қарши ўлароқ яқинда мустақилликка эришган давлатлар Россиянинг сиёсий жиҳатдан барқарор эмаслигини кўриб туришарди. Ҳали ҳам бошқаларга хўжайинлик қилиш иштиёқида юрган Россия иқтисодий нуқтаи назардан қараганда уларнинг жаҳон иқтисодиётида иштирок этишга ва улар учун ўта зарур бўлган хорижий инвестицияларга эришишда тўсиқ бўлиши мумкин эди.

Москваининг “интеграция” соҳасидаги ғояларига нисбатан муҳолифлик, айниқса, Украинада кучли эди. Унинг раҳбарлари бунақа “интеграция”, айниқса, Россиянинг Украина мустақиллиги масаласидаги тархашлигини инобатга олса, охир-пировардида Украинанинг миллий суверенитетидан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин эди. Бундан ташқари янги Украина давлати билан муносабатда Россиянинг беписандлиги, унинг Украина чегараларини тан олишни истамаётгани, Украинанинг Қримга ҳақ-ҳуқуқи масаласидаги иккиланишлари, унинг Севастополь устидан якка ўзи назорат ўрнатишни талаб қилиб туриб олгани буларнинг ҳаммаси Украина уйғонган миллий туйғуларга ошқора аксилрус йўналишини берди. Шу тариқа янги украин давлатининг шаклланишида энг оғир босқичда ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнида анъанавий аксилполяк ёки аксилрумун мавқеидан Россиянинг исталган таклифларига қарши туриш мавқеига ўтиб олди. Украина раҳбарияти МДҲ давлатларини кўпроқ интеграция қилишга йўналтирилган, алоҳида славян ҳамжамиятини (Россия ва Белоруссия билан биргаликда) барпо этишни кўзда тутган ёки Евросиё иттифоқини тузишга ундовчи ҳар қандай таклифини Россиянинг империяпарастлик бобидаги тактик усуллари сифатида фош қилиб борди.

Украинанинг ўз мустақиллигини сақлаб қолиш бора-

сидаги қатъияти хориждан кўмак топди. Тўғри, аввалига фарб ва, айниқса, Қўшма Штатлар мустақил Украина давлатининг мавжудлиги геополитика нуқтаи назаридан ғоятда муҳим аҳамиятга эга эканини тан олишга кечикишди, аммо 90-йилларнинг ўртасига келиб, АҚШ ҳам, Германия ҳам Киев мустақиллигининг қатъий тарафдорлари бўлиб қолишди. 1996 йилнинг июнида АҚШнинг мудофаа вазири шундай деган эди: “Мен бутун Оврўпанинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун Украинанинг мустақил давлат сифатида мавжудлигини жуда катта аҳамиятга эга деб биламан”. Ўша йилнинг сентябрида эса Германиянинг канцлери Ельцинни ҳар қанча қўллаб-қувватлашига қарамай, бу масалада янада кескинроқ фикр айтди. У “Украинанинг Оврўпадаги мустақкам ўрни ортиқ ҳеч ким томонидан шубҳа остига олиниши мумкин эмас. Ортиқ ҳеч ким Украинанинг мустақиллиги ва ҳудудларининг бутунлигига эгри кўз билан қарай олмайди”, деди. АҚШ сиёсатини шакллантирувчи одамлар ҳам Украина-Америка муносабатларини “стратегик шерикчилик” деб атай бошладилар. Улар бу масалада онгли равишда Америка-Россия муносабатларини белгиловчи ибораларни қўллай бошладилар.

Юқорида қайд қилинганидек, Украинасиз империяни тиклаш иши на МДХ заминида ва на евросиёчилик заминида амалга ошмоғи жуда қийин иш эди. Украинасиз империя шундай маънони англатадики, Россия яна кўпроқ даражада Осиё давлати бўлиб қолади ва у Оврўпадан яна кўпроқ узоқлашади. Бундан ташқари евросиёчилик ғоясини шунингдек, яқиндагина мустақилликка эришган Ўрта Осиё давлатларининг фуқаролари ҳам унча хушламадилар. Фақат улардан айримларигина Москва билан иттифоқ тузишни хоҳладилар. Ўзбекистон Украинанинг МДХни ҳамма миллатлар устидан турадиган бир ташкилотга айлантиришга ва умуман, Россиянинг МДХни кучайтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббусига қарши туришини қатъий равишда қўллаб-қувватлади.

МДХнинг бошқа аъзолари ҳам Москванинг ниятларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлдилар ва Ўзбекистон билан Украина теварагида жипслашишга мойиллик кўрсатдилар. Шу тарзда улар Москванинг сиёсий ва ҳарбий интеграцияни янада жисплаштириш йўлидаги уринишларига қарши турдилар ва унинг тазйиқини четлаб ўтдилар. Бундан ташқари мустақилликка янги эришган давлатларнинг деярли ҳаммасида миллий онг туйғуси чуқурлашди. Унинг диққат марказида ўтмишдаги мустамлака шароитидаги тобеликни қоралаш ва эски даврнинг ҳар қандай меросини тубдан суғуриб ташлашга интилиб турарди. Моҳиятан олганда, 90-йилларнинг ўртасида Россиянинг МДХдан сиёсий интеграция соҳасида бир қурол сифатида фойдаланишга қаршилиқ кўрсатувчи норасмий бир блок юзага келди. Бу блокнинг бошида Украина турар, унинг аъзолари эса Ўзбекистон, Туркменистон ва Озарбайжон, баъзан эса Қозоғистон, Грузия ва Молдова эди.

Украинанинг чекланган ва асосан иқтисодий масалалар борасидаги интеграция учун қатъий туриши “Славян иттифоқи” деган тушунчани ҳар қандай маънодан маҳрум қилди.

Баъзи бир славян нофинлар томонидан тарғиб қилинган ва Александр Сольженициннинг қўллаб-қувватлаши туфайли бирмунча шуҳрат қозонган ғоя Украина томонидан рад қилиниши биланоқ, ўзининг геополитик маъносини ўз-ўзидан йўқотди-қўйди. Бу Белоруссия билан Россия икковларини ёлғизлантириб қўйди, шунингдек, бунда Қозоғистоннинг парчаланиб кетиш хавфи ҳам майдонга келди. Негаки, унинг руслар кўп яшайдиган шимолий қисмлари потенциал жиҳатдан бу иттифоқнинг бир қисми бўлиб олиши мумкин эди. Бундай вариант, табиийки, Қозоғистоннинг янги раҳбарларига маъқул бўлолмас эди. У қозоқларнинг миллий онгидаги аксилрус йўналишини кучайтирди, холос. Белоруссия учун Украинасиз “Славян иттифоқи” Белоруссияни тўғридан-тўғри Россия таркиби-

га қўшиб олишни англатарди, холос. Бу эса миллатчиларнинг норозилигини туғдиришдан нари ўтмади.

“Яқин хориж” масаласидаги сиёсат борасидаги ташқи тўсиқлар анча-мунча даражада жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички чекловчи омиллар — рус халқининг кайфияти туфайли ҳам вужудга келди. Собиқ империя ҳудудида Россиянинг алоҳида вазифаси тўғрисидаги сафсаталар ва сиёсий элитанинг ҳовлиқишларига қарамай, рус халқи қисман ҳаддан зиёд толиққани учун ва айнаи чоғда соғлом ақлга амал қилиб империяни тиклаш дастурига нисбатан унчалик завқ-шавқ билан муносабатда бўлмади.

Руслар чегараларни очиб қўйишни, савдо-сотик ва одамларнинг ҳаракат эркинлигини, рус тилининг алоҳида мақомини маъқуллади, лекин сиёсий интеграция, айнаиқса, у маблағ сарфлаш ёки қон тўкилиши билан боғлиқ бўлса, унчалик маъқул бўлмади. Анжуман аҳли Иттифоқнинг тарқаб кетганига таассуф билдиришди, уни тиклашга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишди, аммо Чеченистондаги урушга жамоатчиликнинг муносабати шуни кўрсатдики, иқтисодий имкониятлардан ортиқча бирон нарсани қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай сиёсат ёки сиёсий босим халқнинг маъқуллашига сазовор бўлмаслиги аён бўлиб қолди.

Хулласи калом, “яқин хориж”га мўлжал қилишнинг устуворлиги геополитик жиҳатдан ночор аҳволда эди. Бу шунда кўринар эдики, Россия ўз иродасини мажбуран ўтказмоқ учун сиёсий жиҳатдан етарли даражада бақувват эмас эди, янги давлатларни ўзига жалб қилмоқ учун эса иқтисодий жиҳатдан етарли даражада жозибадор эмас эди. Россия томонидан кўрсатилган босим кўпроқ хориж билан биринчи навбатда Ғарб билан ва баъзи ҳолларда ҳатто Хитой билан ва жанубдаги ислом давлатлари билан алоқа ўрнатишга ундади. НАТОни кенгайтириш ғоясига жавобан Россия “ҳарбий блок” тузамиз деган дағдаға билан жавоб берганида, ўз-ўзига “ким билан?” деган алам-

ли савол берган ва унга “Белоруссия ва Тожикистондан бошқа ҳеч ким йўқ” деган янада аламлироқ жавоб олган.

Агар истасангиз, янги давлатлар тобора кўпроқ даражада Россия билан интеграциянинг авваллари ўзини оқлаган ва зарур бўлган шаклларига ҳам ишонмасликка мойиллик билдирмоқдалар, негаки, улар сиёсий оқибатлар рўй берганидан қўрқишади. Айни чоғда гўёки Россияга хос бўлган евросиёчилик миссияси ва славянча сирлилик ҳақидаги гап-сўзлар Россияни Оврўпадан ва яхлит олганда бутун Ғарбдан янада кўпроқ ажратиб ташлади. Шу тарзда постсовет даврининг таназзули анча чўзилиб кетди ва рус жамиятини зарурий тарзда модернлаштириш ва вестернлаштириш ишини анча тўхтатиб қўйди. Ҳолбуки, Камол Отатурк Туркияда Усмонийлар салтанати қулагандан кейин худди шу йўлдан борган эди. Шундай қилиб, “яқин хориж”га урғу бериш Россия учун масалани геополитик ҳал қилиш эмас, балки геополитик адашиш бўлди.

1996 йилнинг бошида Ельцин ўзининг Ғарбнингetagидан тутган ташқи ишлар вазири Козиревни тажрибаси анча бой, лекин ортодоксалроқ Евгений Примаков билан алмаштирди. Собиқ Коминтерн бўйича мутахассис бўлган бу одамнинг манфаатлари кўпдан бери Эрон ва Хитой билан боғлиқ эди. Баъзи бир Россия ижрочиларининг тахминига кўра, Примаковнинг бу мамлакатларга мойиллиги янги “аксилгегемонистик” коализияни тузишга уринишларни тезлаштириб юбормоғи керак эди. Бундай коалиция ана шу учта мамлакат атрофида бўлиб АҚШнинг Евросиёдаги жуда катта таъсирини чеклашга қаратилган жуда улкан геополитик мўлжалга эга бўларди. Примаковнинг баъзи бир дастлабки сафарлари ва шарҳлари бундай таассуротни кучайтиргандай бўлди. Бундан ташқари Хитой билан Эрон ўртасида қурол савдоси соҳасида мавжуд бўлган алоқалар, шунингдек, Эроннинг атом энергиясига кўпроқ эришиш борасидаги уринишларига ёрдам беришга Россиянинг мойиллиги, бир қарашда, янада яқинроқ

сиёсий мулоқотлар олиб боришга ва охир-пировардида, альянс тузишга жуда ажойиб имкониятлар яратиб берадигандай кўринган эди. Бунинг натижасида лоақал назарий жиҳатдан олганда дунёдаги етакчи славян давлатининг, дунёдаги энг жангари ислом давлати, аҳолисининг сонига кўра дунёдаги энг йирик ва Осиёдаги энг бақувват давлатнинг бошлари бир-бирига қўшилмоғи ҳамда шу тарзда қудратли бир коалиция майдонга келмоғи мумкин эди.

Бунга ўхшаш истаган аксилальянсни барпо этишнинг бошланиш нуқтаси икки томонлама Россия-Хитой муносабатларини қайтадан тиклаш бўлмоғи лозим эди. Бунга эса ҳар иккала давлат олий доираларининг АҚШнинг дунёда ягона ўта қудратли давлат бўлиб олганидан норозиликлари асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. 1996 йилнинг бошида Ельцин Пекинга давлат ташрифи билан борди ва у ерда декларацияга имзо чеқди. Унда глобал “гегемонистик” тенденциялар очиқ-ойдин қораланган эди. Шу тариқа бу декларацияда Россия билан Хитой Қўшма Штатларга қарши иттифоққа киришишлари назарда тутилган эди. 1996 йилнинг декабрида Хитой бош вазири Ли Пен жавоб ташрифи билан Москвага келди ва ҳар иккала томон “битта давлат устуворлик қиладиган халқаро тизимларга қарши эканликларини яна бир бор тасдиқладилар. Лекин улар бу билангина чекланиб қолмасдан, мавжуд альянсларни ҳам маъқуллашларининг кучайтирилишини ҳам таъкидладилар. Россиянинг шарҳловчилари воқеаларнинг бундай ривожини жуда маъқулладилар, улар бунинг НАТОнинг кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаётган Қўшма Штатларга қарши муносиб жавоб ва кучларнинг глобал нисбатини сақлашда ижобий бурилиш сифатида қарадилар. Баъзилар ҳатто Россия-Хитой альянси Қўшма Штатларга берилган муносиб зарба бўлди деб жуда хурсанд бўлдилар.

Аммо Россиянинг Хитой ва Эрон билан коалициясининг бир вақтда пайдо бўлиши ўнча осон эмас. Бунинг

учун Қўшма Штатлар узоқни кўролмайдиган сиёсат юри-тишлари ва Хитой билан Эронда бир вақтнинг ўзида ўз-ларига қарши антогонизм туғдиришлари керак бўлади. Албатта, бунақа имкониятни истисно қилиб бўлмайди ва АҚШнинг 1995-1996 йиллардаги ҳаракати Қўшма Штатлар Техрон билан ҳам, Пекин билан ҳам антогонистик муноса-батларга киришмоққа деган фикрни деярли оқлади. Аммо на Эрон, на Хитой ўз тақдирларини глобал ва заиф Россия билан боғлашга тайёр эмас эдилар. Ҳар иккала давлат ҳам яхши билар эдиларки, муайян мақсадларни кўзда тутган тактик кўламдан жиндай четга чиқишлари биланоқ, улар-нинг анча ривожланган мамлакатлар билан муносабатла-ри хавф остида қолади. Бу давлатлар фавқулодда катта инвестицион имкониятларга эга, уларда юсак технологи-ялар бор, булар Эронга ҳам, Хитойга ҳам жуда зарур. Бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Аксилгегемонистик йўналишга эга бўлган коалицияда чинакамига муносиб шерик бўлмоқ учун Россиянинг имкониятлари жуда кам эди.

Муштарак мафкурадан маҳрум бўлган ва фақат “ак-силгегемонистик” туйғулар важдангина бирлашган бундай коалиция моҳиятан “учинчи давлатлар”нинг энг ривожланган давлатларга қарши йўналтирилган альянсининг бир қисмигина бўлади, холос. Бунақа коалициянинг бирорта ҳам аъзоси дурустроқ натижага эриша олмайди. Хитой эса, айниқса, дарёдай оқиб келаётган инвестиция-лар оқимидан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Россия учун ҳам худди шундай. Бундай иттифоқ оқибатда унинг ҳамма иштирокчиларини — улар иккита бўладими, учта бўладими, бундан қатъи назар, узоқ муддатга дунёдан ажралиб, яққаланиб қолишга ва улар учун муштарак қо-лоқликка маҳкум этади.

Бундан ташқари, бунақа “антигегемонистик” коали-ция тузиш борасидаги Россиянинг ҳар қандай уринишида Хитой етакчи шерик бўлиб олади. Хитойнинг аҳолиси сон

жиҳатидан кўпроқ, саноат масаласида у кўпроқ тараққий этган новаторлик йўлидан боради, ич-ичидан эса Россияга нисбатан муайян территориал режалари ҳам йўқ эмас. Шундай бўлгандан кейин Хитой муқаррар тарзда Россияни кичкина шерик мақомига тушириб қўяди, айна чоғда, Россияга унинг қолоқлигини енгиб ўтишга ёрдам учун воситачини намойиш этади. Шундай қилиб, Россия кенгайиб бораётган Оврўпа билан иштаҳаси зўр Хитой ўртасида бир ҳалқа ҳолига тушиб қолади.

Ваниҳоят, яна бир муҳим гап: халқаро ишлар бўйича баъзи бир россиялик экспертлар ҳамон бир нарсадан умидвор бўлишда давом этиб келмоқдалар. Оврўпа интеграцияси боши берк кўчага кириб қолган. Бунга, эҳтимол, НАТОнинг келажакдаги модели бўйича Ғарб давлатлари ўртасида мавжуд бўлган ички ихтилофларни ҳам қўшмоқ жоиздир.

Буларнинг бари охир-пировардида Россиянинг Германия ёхуд Франция билан “ошначилик” қилмоғи учун лоақал тактик имкониятларнинг вужудга келишига имкон туғдириши мумкин, лекин ҳар нима бўлганда ҳам бу Оврўпа билан АҚШ ўртасидаги трансатлантик алоқаларга мутлақо халал бермайди.

Шундай қилиб, бундай истиқбол алланечук кутилмаган бир янгилик бўлиши амримаҳол эди, негаки, бутун совуқ уруш йиллари мобайнида Москва вақти-вақти билан француз ёки герман картасини ўйинга солишга ҳаракат қилиб келган. Шунга қарамай, Москвадаги баъзи бир геополитиклар бир масалада ҳақли қарашга эга эдилар. Улар Оврўпа ишларининг боши берк кўчага кириб қолгани шундай бир қулай тактик шароитлар яратмоғи мумкинки, улардан АҚШнинг зарарига фойдаланса бўлади деб ҳисоблайдилар. Аммо бу — соф тактик вариантлардан ўзга нарса эмас. Германия ёки Франция АҚШ билан алоқаларидан кечиши мумкин деб ўйлаш эҳтимолдан хийла узоқ. Кейинчалик бўлажак муайян “ошна-оғайнигарчиликлар”-

ни, айниқса, Франция билан бирор-бир торроқ масала юзасидан битишувга келишни истисно қилиб бўлмайди, албатта, аммо альянслар қурилмасини геополитик жиҳатдан ўзгартирмақ учун аввал Оврўпа ишларида кенг кўламда тўнтариш юз бермоғи, Оврўпа бирлиги ва трансатлантик алоқалар барбод бўлмоғи керак. Бироқ шунда ҳам Оврўпа мамлакатларининг йўлини йўқотиб қўйган Россия билан чиндан-да жуда кенг кўламдаги геополитик иттифоққа кириш ниятини изҳор қилмоғи ғоятда эҳтимолдан узоқдир.

Шундай қилиб, яқиндан синчиклаб қараганда, аксилальянс вариантларидан биронтаси ҳам муқобил вариант сифатида яшашга қобил бўлиб чиқмайди. Россиянинг геополитик дилеммаси на аксилальянсда, на АҚШ билан тенгхуқуқли стратегик шериклик тўғрисидаги хомхаёлда, на собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидаги бирор-бир янги сиёсий ёки иқтисодий “интеграллашган” қурилмада ўзининг ечимини топа олади. Уларнинг ҳеч қайсисида Россиянинг ихтиёрида мавжуд бўлган ягона ечим инobatга олинмайди.

### **ЯГОНА МУҚОБИЛ ЧОРА ДИЛЕММАСИ**

Россия учун ягона геостратегик чора бор. Фақат ана шу бирдан-бир чора оқибатидагина у халқаро майдонда реал рол ўйнай олади ва ўз жамиятининг шаклини ўзгартириш ҳамда модернлаштириш борасида энг юксак даражадаги имкониятларга эга бўла олади. Бу — Оврўпадир. Оврўпа бўлганда ҳам, шунчаки аллақандай Оврўпа эмас, балки ўзининг кенгайиб бораётган Оврўпа Иттифоқига ва НАТОсига эга бўлган трансатлантик Оврўпадир. Бундай Оврўпа борган сари сезиладиган шаклга кириб бораётир ва бундан ташқари у аввалгидай Америка билан яқиндан боғлиқ бўлишда давом этади. Россия геополитик жиҳатдан хатарли яқаланиб қолиш хавфидан қутулишни истаса, ана шундай Оврўпа билан муносабатга киришишга

тўғри келади.

Америка билан шерикчилик қилмоқ учун Россия ҳали бағоят даражада заиф, лекин шунчаки унинг садақаси билан кун кўрадиган даражада ҳам эмас. Кўпроқ шундай бир вазиятнинг вужудга келиш эҳтимоли бор: Агар Америка бирор мавқени ишлаб чиқиб, унинг ёрдамида русларни уларнинг мамлакати учун энг яхши йўл трансатлантик Оврўпа билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш эканига ишонтира олмаса, Россия Америка учун муаммага айланади. Гарчи узоқ муддатли Россия-Хитой ва Россия-Эрон шартномаларининг стратегик иттифоқи тузилишининг эҳтимоли кам бўлса-да, Америка учун Россиянинг диққатини зарур бўлган геополитик танловдан чалғитадиган сиёсатни четлаб ўтиш ғоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам имкони бор қадар Американинг Хитой ва Эрон билан муносабатлари шакллантирилар экан, бунда русларнинг геополитик ҳисоб-китобларига таъсирларини ҳам инобатга олмоқ керак. Улуғ стратегик вариантлар ҳақидаги хомхаёлларнинг сақланиб қолиши оғир хасталиқдан қутулиш учун руслар амалга ошириши лозим бўлган тарихий танловни орқага суриб юбориши мумкин, холос.

Оврўпанинг хоҳ иқтисодий аснода бўлсин, хоҳ геополитик аснода бўлсин, янги реалликларини қабул қилишни истаган Россия Оврўпанинг савдо-сотик, коммуникация, сармоя ётқизиш ва таълим соҳаларида тобора кенгайиб бораётган қитъалараро ҳамкорлигидан халқаро устунликларга эришмоғи мумкин. Шунинг учун Россиянинг Оврўпа Иттифоқида иштирок этмоғи жуда тўғри йўналишда қўйилган қадамдир. У янги Россиянинг кенгайиб бораётган Оврўпа билан бўлғуси қўшимча институцион алоқаларидан дарак беради. Бу яна шундай маънони билдирадики, у Россия агар шу йўлни танлайдиган бўлса, охир-пировардида унинг Усманийлар салтанати қулагандан кейин Туркия танлаб олган йўлдан боришдан ўзга чораси қолмайди. Маълумки, ўшанда Туркия ўзининг империяпарастлик

даъволаридан кечиб, ҳамма нарсани синчиклаб ҳисоблаб кўриб, жамиятни модернлаштириш, оврўпалаштириш ва демократлаштириш йўлига кирган эди.

Америка билан боғлиқ бўлган замонавий, бадавлат, демократик Оврўпадан бошқа ҳеч нарса Россия қарши-сида зарур устунликларни намоён қила олмайди. Бошқа давлатларга кўз олайтириб қарамайдиган демократик давлат бўлган Россия учун Оврўпа билан Америка ҳеч қанақа таҳдид туғдирмайди. Уларнинг Россияга ҳеч қандай ҳудудий даъволари йўқ. Гўзал кунлардан бирида бундай даъво Хитойда пайдо бўлиб қолиши мумкин. Америка билан Оврўпа, шунингдек, Россия билан унча мустаҳкам бўлмаган, бир кун эмас бир кун портлаши мумкин бўлган муштарак чегараларга эга эмас. Ҳолбуки, Россия жанубдаги мусулмон давлатлари билан этник ва ҳудудий жиҳатдан олганда мужмал чегараларга эга. Аксинча, Оврўпа учун ҳам, Америка учун ҳам миллий ва демократик Россия геополитик нуқтаи назардан жуда маъқул субъектдир, ўзгарувчан Евросиё ҳудудида барқарорлик манбаидир.

Бинобарин, Россия иккита имконият қаршисида турибди — сезиларли устунликларга эга бўлиш мақсадида Америка ва Оврўпа сари олиб борадиган йўл танланса, бу биринчи навбатда ўтмишдаги империяпарастликдан сўзсиз воз кечишни талаб қилади; иккинчидан эса, Оврўпанинг хавфсизлик ва сиёсат бобида Америка билан кенгайиб борадиган муносабатлари масаласида ҳеч қанақа мужмаллик бўлмаслиги керак. Биринчи талаб — собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида тарқалган геополитик плюрализмга кўнишни тақозо этади. Бундай розилик иқтисодий ҳамкорликни истисно қилмайди — бу ҳамкорлик эски Оврўпа зонасидаги эркин савдо-сотик модели асосида содир бўлса маъқулроқ бўлар эди. Лекин бу ҳамкорлик янги давлатларнинг сиёсий суверенитетини қай бир даражада чеклашни ўз таркибига ололмайди. Бунинг сабаби жуда оддий — улар буни истамайди. Бу жиҳатдан Украинанинг

алоҳида мавжудлигини, унинг чегаралари ва миллий ўзига хослигини Россия томонидан аниқ-равшан ва сўзсиз тан олинishi ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи талабга кўниш, эҳтимол, янада қийинроқ бўлар. Трансатлантик ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилишни бир принцип асосига қуриб бўлмайди, яъни Россиянинг хоҳиши билан ҳамжамиятнинг аъзоси бўлишни истаган Оврўпанинг демократик мамлакатларини кўкракларидан итариб, четга чиқариб қўйиб бўлмайди. Бу ҳамжамиятнинг кенгайтирилишида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди ва табиийки, аксилроссия мавзусидан фойдаланган ҳолда бунини қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Бироқ бу жараёни сиёсий буйруқлар йўли билан тўхтатиш асло мумкин эмас ва тўхтатишнинг кераги ҳам йўқ. Сиёсий буйруқлар хавфсизлик борасида Оврўпа муносабатларидаги эски тушунчаларни ўзида акс эттиради. Оврўпанинг кенгайтириши ва демократлаштириши жараёни муддатсиз тарихий жараён бўлмоғи керак ва сиёсий жиҳатдан ҳар хил жуғрофий чеклашлар унга зўрма-зўракилик билан сингдирилмаслиги керак.

Кўпгина руслар учун бу ягона муқобил чоранинг икки муаммоси келгусида аввалига маълум вақт мобайнида ҳал қилиниши ҳаддан ташқари қийин бўлиб кўриниши мумкин. Бунинг учун жуда катта сиёсий ирода талаб қилинади. Бунинг учун, эҳтимол, шу йўлни танлашга қодир бўлган ва демократик миллий том маънодаги замонавий ва оврўпача Россияни қандай кўришини ифодалаб бера оладиган бақувват раҳбар ҳам керак бўлар. Бунинг яқин ўртада рўй бериши амримаҳол. Посткоммунистик ва империяпарастликдан кейинги таназзулни енгиб ўтиш учун Марказий Оврўпада посткоммунистик қайта қуришга кетгандан кўра кўпроқ вақт талаб қилинади. Бундан ташқари, узоқни кўра оладиган, барқарор раҳбарият ҳам пайдо бўлмоғи керак. Ҳозирги пайтда ўфқда ҳеч қанақа рус Отатурки кўринаётгани йўқ. Шунга қарамай, руслар охир-оқи-

батда Россиядаги миллий саришталаниш — таслим бўлиш эмас, халос бўлиш йўлидаги қадам эканини тан олиш керак бўлади. Уларга Ельциннинг 1990 йилда Киевда сўзлаган Россиянинг келажаги империяпарастликдан холи бўлажаги ҳақидаги нутқи мутлақо жоиз эканини маъқуллашга тўғри келади. Том маънода империяпарастликдан холи бўлган Россия улуф давлат бўлиб қолаверади ва улуф давлат сифатида Евросиёни бирлаштириб туради. Евросиё эса ҳамон дунёдаги энг катта ҳудудий бирлик бўлиб қолади.

Ҳарҳолда “Россия нимадир ва Россия қайдадир?” деган саволларга жавоб излаш жараёни, афтидан, аста-секин содир бўлади ва бунинг учун Ғарб жуда доно ва қаттиқ мавқеда турмоғи зарур бўлади. Америка ва Оврўпа Россияга ёрдам бермоғи зарур. Улар Россияга махсус битим тузишни ёки НАТО билан харитани имзолашни таклиф қилиш билан чекланиб қолмасликлари шарт, айти пайтда улар Россия билан биргалиқда келажакда амалга ошиши аҳтимол бўлган ҳамкорлик ва хавфсизлик қитъалараро тизимнинг бўлғуси шаклларини ўрганиш жараёнини бошлаб юбормоқлари жоиз. Бу тизимнинг кўлами анча-мунча даражада Оврўпа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг ноаниқ доираларидан ташқарида яшайди. Агар Россия ўзининг ички демократик институтларини муштаҳамласа ва эркин бозор иқтисодиётидан сезиларли ривожланишга эришса, унда Россиянинг НАТО ва Оврўпа Иттифоқи билан яна-да яқинроқдан ҳамкорлик қилиш имконини соқит қилиш керак эмас.

Айни вақтда Ғарб учун ва, айниқса, Америка учун Россияга ягона муқобил чора дилеммасининг ҳеч қачон йўқолиб кетмаслигига йўналтирилган сиёсат юргизиш постсовет даврида пайдо бўлган давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлашуви Россиянинг тарихан ўз-ўзини қайта баҳолашини заруриятга айлантирувчи асосий омилдир. Бинобарин, собиқ совет империяси до-

ирасида геополитик плюрализмни таъминлаш учун янги давлатларга мадад бериб туриш Россияни аниқ-таниқ Оврўпанинг этагидан ушлашга ундашга йўналтирилган сиёсатнинг таркибий қисми бўлмоғи лозим. Бу давлатлар ичида уч мамлакат: Озарбайжон, Ўзбекистон ва Украина алоҳида аҳамиятга эга.

Мустақил Озарбайжон Ғарб учун энергетик ресурсларга бой Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиёга олиб борадиган йўлак бўлмоғи мумкин. Ва аксинча, Озарбайжон муте бўлса, бу Ўрта Осиёни ташқи дунёдан ажратиб қуйишга имкон туғдирар эди. Россия Ўрта Осиёни қайтадан қўшиб олиш мақсадида босим ўтказадиган бўлса, бу таҳдид қаршисида у сиёсий жиҳатдан анча заифлашиб қоларди. Миллий нуқтаи назардан Ўрта Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат бўлган Ўзбекистон Россия томонидан минтақада назоратни тиклаш йўлидаги энг асосий тўсиқдир. Ўзбекистоннинг мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари у Россия учун босим ўтказишга энг қийин давлатдир.

Лекин ҳаммасидан кўра Украина кўпроқ аҳамиятга эга. Оврўпа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайтирилиши билан боғлиқ равишда охир-пировардида Украина у ёки бошқа ташкилотнинг бир қисми бўлмоқни истайдими-йўқми буни ўзи ҳал қилмоғи мумкин. Ўзининг алоҳида мақомини кучайтириш учун Украина ҳар иккала ташкилотга бирваракайига кирмоғи ҳам мумкин, негаки, улар Украина билан чегарадош. Шуниси ҳам борки, Украина ўзида содир бўлаётган ички ўзгаришлар оқибатида бу ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Лекин бунинг учун муайян вақт талаб қилинади. Киев билан иқтисодиёт ва хавфсизлик борасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан шуғулланадиган Ғарб Украинани юқоридаги ташкилотларга аъзо қилишни маъқул муддати сифатида 2005-2015 йиллар орасидаги ўн йиллик давр деб кўрсат-

са, бу фарб учун унчалик эрта муддат бўлмайди. Бунинг натижасида Украин халқида Оврўпанинг кенгайтирилиши Польша-Украина чегарасига келиб тўхтаб қолиши мумкин, деган хавотирнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Норозиликларга Россия дамини ичига ютиб, 1999 йилда НАТОнинг кенгайтирилишига кўнса керак ва Марказий Оврўпа мамлакатларидан бир қаторининг НАТО таркибига киришига индамаса керак. Коммунизм йиқилгандан бери ўтган вақт ичида Марказий Оврўпа мамлакатлари билан Россия ўртасидаги маданий ва ижтимоий айирманинг кенгайгани шундай қилишга имкон туғдиради. Ва, аксинча, Украинанинг НАТОга киришига Россиянинг розилик бериши беқиёс даражада қийин бўлади, чунки бунга рози бўлиш Украинанинг тақдири Россиянинг тақдири билан ортиқ чамбарчас боғлиқ эмас, деган омилни тан олиш билан баробардир. Бироқ Украина ўз мустақиллигини сақлаб қолишни истаса, унга Евросиёнинг эмас, Марказий Оврўпанинг бир қисми бўлишга тўғри келади ва агар борди-ю у Марказий Осиёнинг бир қисми бўлишни истаса, у Марказий Осиёнинг НАТО ва Оврўпа Иттифоқи билан алоқаларида тўла-тўқис иштирок этишга тўғри келади. Шунда бу алоқалар Россия томонидан қабул қилинса, бу Россиянинг ҳам Оврўпанинг қонуний қисми бўлмоққа қарор қилишини белгилаб берарди. Россиянинг бундан воз кечиши эса Оврўпадан воз кечиш билан баробар бўларди ва Россиянинг ўз қобиғига биқиниб олган “евросиёча” мустақиллик ҳамда ҳаммадан ажралган ҳолда ҳаёт кечириш йўлига юз бурганидан далолат берарди.

Масаланинг қуйидаги асосий нуқтасини назарда тутмоқ керак: Россия Украинасиз Оврўпа таркибида бўла олмайди. Украина ҳам Оврўпа таркибига кирмоғи керак. Лекин Украина Россиясиз ҳам Оврўпа таркибига кирмоғи мумкин. Украина учун Россиянинг Оврўпа таркибига кирмоғи шарт эмас. Агар Россия ўз тақдирини Оврўпа билан боғлаш тўғрисида бир қарорга келди, деб фараз қилсак,

бундан кенгайиб бораётган Оврўпа тизимларига Украинанинг қўшилиши охир-пировардида Россиянинг туб манфаатларига мос келади деган хулоса келиб чиқади. Дарҳақиқат, Украинанинг Оврўпага муносабати Россиянинг ўзи учун бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бироқ бу яна шундай маънони ҳам билдирадики, Россия билан Оврўпа ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг руҳини белгилаш-аввалгидек келажакнинг иши бўлиб қолмоқда. Бу ўринда “белгилаш” шу маънода қўлланыптики, Украинанинг Оврўпа этагидан маҳкам тутиши — Россия томонидан унинг тарихий ривожининг навбатдаги босқичига тааллуқли қарорлар қабул қилишни диққат марказига чиқариб қўяди, яъни Россия ё Оврўпанинг бир қисми бўлмоғи керак, ёхуд Евросийенинг бир қисми сифатида аройўлда қолиб кетавермоғи лозим, яъни том маънода на Оврўпага, на Осиёга мансуб бўлади-да, “яқин хориж” мамлакатлари билан низолар ботқоғига ботиб қолаверади.

Умид қилиш мумкинки, кенгайиб бораётган Оврўпа билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари икки томонлама расмий алоқалар доирасидан чиқиб, иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизлик борасидаги жуда маънодор ва масъулиятли вазифалар даражасига кўтарилади. Шу тариқа, навбатдаги асрнинг дастлабки йигирма йили мобайнида Россия ўз ичига нафақат Украинани қамраб олган, балки йўли ўролгача етиб борган ва ҳатто ундан ҳам нарига ўтиб кетган Оврўпага тобора фаол интеграллашиб боради. Россиянинг Оврўпа ва трансатлантик тизимларга қўшилиши ва ҳатто уларга аъзоликнинг муайян шакллари ўз навбатида учта Закавказия мамлакатини учун бу тизимларга кириш йўлини ланг очиб берарди. Маълумки, бу мамлакатлар жон-жаҳдлари билан Оврўпага қўшилиш иштиёқида юрипти.

Бу жараён қанчалик тез содир бўлишини олдиндан айтиб бериб бўлмайди, лекин бир нарса аён: агар геопולי-

тик вазият тезроқ бир шаклга тушса ва Россиянинг бошқа томонларга чалғимай, шу йўналишдаги силжишларини рағбатлантириб турса, жараён тезлашиб кетади. Россия Оврўпа томон қанча тез ҳаракат қилса, тобора замонавийлашиб ва демократия принципларидан кўпроқ баҳраманд бўлиб бораётган жамият Евросиёдаги “қора ўпқон”-ни шунча тез тўлдиради. Ва чиндан ҳам, Россия учун ягона муқобил чора дилеммаси ортиқ геополитик йўл танлаш муаммоси бўлмай қолади. Бу масала омон қолишнинг ғоятда муҳим эҳтиёжидир.


## БЕШИНЧИ БОБ

### “ЕВРОСИЁ БОЛҚОНЛАРИ”

**О**врўпада “Болқон” деган сўз дарҳол этник ихтилофлар манзараларини кўз олдингизга келтиради ва сиз бу минтақадаги улуғ давлатларнинг ўзаро можароларини эслаб кетасиз. Евросиё ҳам ўзининг “Болқонлари”га эга, бироқ “Евросиё Болқонлари” ҳажмига қараганда анча катта, аҳолиси янада қалин ва этник жиҳатдан турфа хилдир. Улар жуда катта ҳудудга жойлашган бўлиб, глобал беқарорликнинг марказий зонасини ташкил қилади ва ўз ичига Жануби-Шарқий Оврўпа районларини, Ўрта Осиёни, Жанубий Осиё қисмларини, Форс қўлтиғи ва Яқин Шарқни олади.

“Евросиё Болқонлари” жуда катта ҳудуднинг ички марказини ташкил қилади. Бу ҳудуд ташқаридан қараганда узунасига чўзилиб кетган шаклга эга. У ҳудудни қуршаб олган ташқи зонадан анча кескин фарқ қилади. Ўзини олиб қарасангиз, қандайдир кучлар йиғилиб ётган бўшлиққа ўхшайди. Гарчи Форс қўлтиғи ва Яқин Шарқда жойлашган кўпчилик давлатларда барқарорлик етишмаса-да, бу минтақада америкаликлар ҳакамлик қилади. Ташқи зонанинг беқарор минтақаси шу тариқа ягона бир куч гегемонлик қиладиган бир жойдир ва шу гегемон куч уни ўз қарамоғида тутиб туради. Аксинча, “Евросиё Болқонлари” ҳақиқатан ҳам Жануби-Шарқий Оврўпадаги анча кўҳна ва дурустроқ таниш бўлган Болқонларни эслатади. Ундаги сиёсий субъектларда нафақат беқарор вазиятларни кузатиш мумкин, балки уларнинг ўзи бақувватроқ қўшниларини доимо жалб қилиб турадилар. Бу қўшниларнинг ҳар қайсиси бу

минтақада устуворлик қилувчи кучга эгаликни кўрсатиш иштиёқига тўла бўлади. Айти ана шу аллақандай куч ётадиган бўшлиқ билан кучнинг сўриб олинишининг чатишиб кетгани “Евросиё Болқонлари” деган атамани оқлайди.



Анъанавий Болқонлар Оврўпада ҳукмронлик қилиш учун курашда даъвогарлик қиладиганларга потенциал геополитик объект бўлиб хизмат қилар эди. “Евросиё Болқонлари” муқаррар тарзда майда келадиган темир йўл тармоғининг ҳар икки томонида жойлашган. Бу темир йўл тармоғи Евросиёнинг энг бой ва Ғарбнинг саноати жуда ривожланган районларини Шарқдаги энг чекка нуқталар билан энг қисқа тўғри йўл орқали бирлаштирмоғи керак эди. Шундоқ бўлгач, унинг икки чекасида жойлашган “Евросиё Болқонлари” ҳам геополитик нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга молиқдирлар. Шуниси ҳам борки, “Евросиё Болқонлари” тарихий даъволар ва хавфсизлик даъволари нуқтаи назаридан ҳам лоақал учта энг бевосита ва энг қудратли қўшнилари ўртасида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Булар: Россия, Туркия ва Эрондир. Лекин Хитой ҳам бу минтақага қизиқиши тобора кучайиб бораётганини ўқтин-ўқтин намоиш қилиб туради. Бироқ “Евросиё Болқонлари” потенциал иқтисодий имкониятлар маскани сифатида ҳам беқиёс аҳамиятга эг. Бу минтақада олтин ва бошқа фойдали қазилмалар билан бир қаторда жуда катта миқдорда табиий газ ва нефт захиралари ҳам мавжуд.

Келгуси йигирма-ўттиз йил ичида бутун дунёда энергия истеъмол қилиш анча-мунча кўпайиши кутилади. АҚШ Энергетика вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича 1993-2015 йиллар оралиғида жаҳонда энергетикага талаб 50 фоиздан ортиқроққа кўпайиши керак. Бунда энергетикага эҳтиёж, айниқса, Узоқ Шарқда жуда катта миқдорда ортади. Осиёнинг иқтисодий ривожига кўтарилиш янги энергия манбаларини қидириб топиш ва эксплуатация қилиш борасида аллақачон жуда катта босимни туғдирамоқда. Ҳолбуки, Марказий Осиё минтақаси захиралари-

да ва Каспий денгизи ҳавзасида шунақа кўп табиий газ ва нефть захиралари сақланмоқдаки, улар Қувайт, Мексика қўлтиғи ва Шимолий денгиз захираларидаги газ ва нефтдан кўплик қилади.


Бу бойликларга эришиш ва уларнинг тақсимоотида иштирок этиш иштиёқи натижасида шунақа мақсадлар майдонга келадики, улар миллий даъволарни жунбушга келтиради, корпоратив манфаатларга жон ато қилади, яна янгидан тарихий даъволарни ўт олдиради, империяпарастлик орзуларини қайта тирилтиради ва халқаро рақобатларни авж олдиради. Вазият борган сари беқарорроқ бўла боради. Бундай бўлишига сабаб минтақанинг бағрида алланечук қудрат яширинган вакуум эканлигидагина эмас. Унда ички беқарорлик ҳам мавжуд. Ҳар қайси мамлакат жуда жиддий ички муаммолар исканжасида қийинчилик тартади. Уларнинг ҳаммасида шундай чегаралар борки, уларга ё қўшнилари даъвогарлик қилади ёки бу чегаралар ҳудудида турли-туман этник хафагарчиликлар, гина-кудуратлар йиғилиб қолган, жуда камдан-кам чегараларида миллий таркиби нуқтаи назаридан якраглик мавжуд, баъзи бирларида эса аллақачон ҳудудий, этник ва диний тартибсизликлар жўш урмоқда.

### **ЭТНИК ЗИДДИЯТЛАР ҚОЗОНИ**

“Евросиё Болқонлари” тўққизта мамлакатни ўз ичига олади — улар юқорида келтирилган таъриф-тавсифларга мос келади. Бундан ташқари яна иккита мамлакат бор — улар потенциал номзодлардир. Бу тўққиз мамлакатга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон (авваллари буларнинг ҳаммаси собиқ Совет Иттифоқи таркибига

кирган) ва, шунингдек, Афғонистон киради. Бу рўйхатга кириши мумкин бўлган мамлакатлар қаторида Туркия билан Эронни кўрсатиш мумкин. Бу икки мамлакат бошқалари билан сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан таққослаганда яшашга кўпроқ қобилдирлар, икковлари ҳам минтақа миқёсида “Евросиё Болқонлари”га таъсир кўрсатмоқ учун фаол кураш олиб борадилар ва шунинг учун ҳам бу минтақада муҳим геостратегик ўйинчилар ҳисобланади. Айни чоғда ҳар иккала мамлакат ҳам ички этник ихтилофлари жиҳатидан олиб қараганда анчагина ожизликларга эга. Агар бу мамлакатларнинг бирида ёхуд икковларида бирваракайига тўсатдан вазият беқарор бўлиб қоладиган бўлса, минтақанинг ички муаммолари назорат остидан чиқиб кетмоғи мумкин, Россиянинг минтақада ўз ҳукмронлигини тиклаш борасидаги уринишлари эса ҳатто бефойда бўлиб чиқмоғи мумкин.

Кавказортидаги учта давлат — Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон тўғрисида эса шуни айтиш мумкинки, бу уч давлат том маънода тарихан шаклланган миллатлар асосида ташкил қилинган. Бунинг оқибатида уларнинг миллатчилиги тарқалиш тамойилига ҳам, кучайиш тамойилига ҳам эга, ташқи ихтилофлар эса уларнинг тинчини бузадиган жуда муҳим муаммолар бўлиб қолиши мумкин. Аксинча. Ўрта Осиёнинг бешта янги давлати ҳали миллатни барпо қилишнинг муайян босқичида туришибди, шуниси ҳам борки, уларда ҳамон уруғчилик билан ва этник мансублик билан боғлиқ кайфиятлар устунлик қилади, бунинг натижасида эса ички зиддиятлар асосий муаммолар сифатида намоён бўлади. Истаган типдаги давлатда бу заифликлардан империяпарастлик даъволаридан воз кечмаган кучлироқ қўшни бемалол фойдаланиши мумкин.



Марказий Осиёдаги  
асосий этник гуруҳлар

- Ўзбек
- Қозоқ
- Тожиқ
- Рус ва Украин
- Туркман
- Қирғиз

“Евросиё Болқонлари” этник жиҳатдан қараганда мозаикага ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг чегаралари 20-30-йилларда совет хариталарини тузган мутахассислар томонидан ўзлари хоҳлаган ва кўнгилларига келган тарзда белгилаб кетаверилган. Ўша кезларда Ўрта Осиёда совет республикалари тузилмоқда эди. (Ҳеч қачон Совет Иттифоқи таркибига кирмаган Афғонистон бундан мустаснодир.) Бу давлатларнинг чегаралари асосан, этник принципларга асосланиб белгиланган эди, бироқ Кремль бу республикаларда ички зиддиятларнинг сақланиб қолишидан манфаатдор эди. Шу йўл билан Россия империясининг жанубий минтақасини тобеъликда тутиб туриш осонроқ кўчарди. Ўшанда белгиланган чегараларда Россиянинг ана шу манфаатдорлиги яққол акс этган.

Шунга мувофиқ равишда Москва Ўрта Осиё миллатчиларининг (уларнинг кўпчилиги ҳали миллатчилик нима эканини тузукроқ англаб ҳам етган эмас эди) Ўрта Осиёнинг турли халқларини сиёсий жиҳатда яхлит қилиб, масалан, “Туркистон” деган ном остида бирлаштириш ҳақидаги таклифларини рад этди. Бунинг ўрнига Москва бешта мустақил республика тузишни маъқул кўрди. Буларнинг ҳар қайсиси уни бошқалардан ажратиб турадиган номга ва жимжимадор чегараларга эга эди. Афтидан, Кремль айна ана шундай мулоҳазаларни инобатга олиб, ягона Кавказорти федерациясини тузиш режаларидан ҳам воз кечган бўлса керак. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи қулагандан кейин Кавказнинг учта давлатидан биттаси ҳам ва Ўрта Осиёнинг бешта давлатидан биронтаси ҳам янги мустақиллик мақомини қабул қилишга тўла равишда тайёр бўлмаганидан, шунингдек, зарур бўлган минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга астойдил киришмаганидан ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Кавказда тўрт миллиондан камроқ аҳолига эга бўлган Арманистон ва саккиз миллиондан ортиқроқ аҳолига

эга бўлган Озарбайжон Тоғли Қорабоғнинг мақоми учун дарҳол ошкора уруш бошлаб юбордилар. Тоғли Қорабоғ Озарбайжон территориясида жойлашган эди, бироқ у ерда, асосан, арманлар истиқомат қилар эди. Бу ихтилоф оқибатида кенг кўламда этник тозалашлар ўтказилди, юз минглаб қочоқлар ва ўз юртидан қувилган одамлар эса турли томонларга тирқираб қочиб кетди. Арманлар христиан, озарбайжонлар мусулмон эканини ҳисобга олганда, ихтилоф диний рангларга ҳам эга бўлганди. Иқтисодиёт учун ҳалокатли таъсир кўрсатган уруш бу мамлакатларнинг бақувват мустақил давлатлар сифатида шаклланишини анча қийинлаштирди. Арманистон кўпроқ Россиянинг ёрдамига таянишга мажбур бўлди, Россия унга анча-мунча ҳарбий ёрдам берди. Ҳолбуки, Арманистон ўзининг мустақиллиги ва барқарорлиги учун Тоғли Қорабоғни бериб қўйиши мумкин эди.

Озарбайжоннинг заифлиги минтақа учун анча жиддий оқибатларга олиб келмоғи мумкин эди. Негаки, ўзининг жуғрофий жойлашган ўрнига кўра Озарбайжон геополитик таянч нуқта ҳисобланади. Озарбайжонни Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиё бойликлари солинган “шиша”нинг оғзидаги “тиқин”га қиёслаш мумкин. Бу жиҳатдан у ҳаёт-мамонт аҳамиятига эга. Мустақил туркийзабон Озарбайжон ҳудудидан нефть қувурлари ўтади. Улар қўшни Туркия томон чўзилиб кетган. Туркия эса шунчаки қўшни эмас. Унинг тил ва дин жиҳатидан Озарбайжонга яқин қариндошлиги ҳам бор ва унга сиёсий жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Бу омил Россиянинг минтақада яқка ўзи даври даврон суришига жиддий халақит берган бўларди ва шу тарзда уни Ўрта Осиёдаги янги давлатлар сиёсатига таъсир кўрсатишда муҳим сиёсий омилдан маҳрум этарди. Шунга қарамай, Озарбайжон шимол томондан қудратли Россия томонидан, жануб томондан эса Эрон томонидан кўрсатиладиган босим қаршисида анчагина ночор

аҳволда қолади. Эроннинг шимоли-ғарбида Озарбайжоннинг ўз территориясидагига қараганда икки бараваридан кўпроқ Озарбайжонлар истиқомат қилади (баъзи бир ҳисоб-китобларга қараганда 20 миллион кишига яқин). Бу Эронни ўз ҳудудида яшаб турган озарбайжонлар ўртасида сепаратизм хуружлари намоён бўлиши хавфидан қўрқишга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам Эронда Озарбайжоннинг мустақил мақомига нисбатан мужмал бир муносабат шаклланди, ҳолбуки, Эронда ҳам, Озарбайжонда ҳам муслмон аҳоли истиқомат қилади. Шунинг учун Озарбайжоннинг ғарб билан амалий иш муносабатларини чеклаш мақсадида Россия ҳам, Эрон ҳам унга қаттиқ босим кўрсата бошладилар.

Озарбайжон ва Арманистондан фарқ қилароқ (ҳар иккала давлат ҳам этник жиҳатдан етарли даражада якраңг кўринишга эга) 6 миллион кишилиқ аҳолига эга бўлган Гуржистон халқининг 30 фоизини майда миллатлар ташкил қилади. Буниси ҳам етмагандай, ана шу унча катта бўлмаган, турмуш тарзига кўра кўпроқ қабилага ўхшаб кетадиган жамоалар грузинларнинг ҳукмронлигига қарши кескин норозилик билдира бошладилар. Совет Иттифоқи қулагандан сўнг осетинлар билан абхазлар Гуржистондаги ички сиёсий курашдан фойдаланмоқчи бўлдилар ва Гуржистон давлати таркибидан чиқмоққа уриниб кўрдилар. Россия эса Гуржистонни ўзининг босимларига ён беришга мажбур қилмоқ ва унинг МДХ таркибида қолишига эришмоқ учун (аввалига Гуржистон МДХ таркибидан буткул чиқиб кетмоқчи эди) киши билмас тарзда осетин ва абхазларни қўллаб-қувватлаб турди. Унинг бундан кўзлаган яна бир мақсади бор эди — бу йўл билан Россия Гуржистон ҳудудидаги ўз ҳарбий базаларини сақлаб қолиш учун руҳсатга эришмоқчи ва шу тариқа Туркиянинг Гуржистонга олиб келадиган йўлини ёпиб қўймоқчи эди.

Ўрта Осиёда беқарорликни вужудга келтиришда ички

омилларнинг аҳамияти янада каттароқ бўлди. Маданият ва тил нуқтаи назардан қараганда Ўрта Осиёдаги бешта янги мустақил бўлган давлатнинг тўрттаси туркийзабон дунёнинг бир қисмини ташкил қилади. Лингвистик ва маданий нуқтаи назардан қараганда Тожикистонда форсийлар устуворлик қилади. Ҳолбуки, Афғонистонда (собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида) этник жиҳатдан ранг-баранг манзарага дуч келамиз. Бу ранг-барангликни патонлар, пуштунлар, тожиклар ва бошқалар ташкил қилади. Олти мамлакатнинг ҳаммаси — мусулмон мамлакати. Узоқ вақтлар мобайнида уларнинг баъзилари Эрон, Туркия ва Россия империясининг вақтинча таъсирида бўлган. Бироқ бу таъриба уларда минтақадаги манфаатлар муштараклиги руҳини мустаҳкамламади. Аксинча, этник таркиби турли-туман бўлгани учун улар ички ва ташқи ихтилофларда ожизликлари билиниб қолади, бу эса, охир-пировардида, баъзи бир қудратли қўшнилари-нинг тажовузкорлик борасидаги иштаҳаларини қўзғатиб туради.

Ўрта Осиёдаги янги ташкил топган бешта мустақил давлатдан Ўзбекистон билан Қозоғистон энг муҳим рол ўйнади. Минтақада уйғониб келаётган турфа хил миллий туйғулар учун Қозоғистон — қалқон, Ўзбекистон жон бўлди. Қозоғистон ўзининг жўғрофий жойлашиши ва кўлами билан бошқа мамлакатларни Россия томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган бевосита жисмоний босимдан ҳимоя қилади. Негаки, фақат Қозоғистонгина Россия билан бевосита чегарадош. Бироқ Қозоғистоннинг аҳолиси масаласига келадиган бўлсак, у 18 миллион кишини ташкил қилади, унинг тахминан 35 фоизи руслардан иборат (мамлакатда рус аҳолисининг сони тобора қисқариб бормоқда). 20 фоизи эса қозоқлардан таркиб топган. Бунинг натижасида янги қозоқ ҳукмдорлари этник ва лингвистик асосда миллатни барпо этиш сиёсатини амалга оширишда

тобора қийналмоқдалар. Шунинг учун уларнинг ўзлари борган сари кўпроқ даражада миллатчилик мавқеига оғиб кетишяпти, лекин, барибир, мамлакат аҳолисининг тахминан ярминигина вакили бўла оладилар, холос.

Табиийки, янги давлатда истиқомат қилаётган руслар янги қозоқ раҳбариятидан хафа бўлади. Бироқ улар собиқ мустамлакачи ҳукмдор синфга мансубдилар, бинобарин, уларнинг маълумотлари ҳам юқорироқ, жамиятда яхшироқ мавқега эга бўлганлар. Шунинг учун улар ўзларининг имтиёзларидан маҳрум бўлишдан кўрқишади. Қолаверса, улар янги қозоқ миллатчилигига ўзларининг маданий юксакликларидан туриб, менсимай қарашларини яширишга кўп ҳам мойил эмаслар. Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий минтақаларида бир вақтлар кўчириб келтирилган руслар анча-мунча даражада устувор бўлганлари учун агар Қозоғистон ва Россия муносабатлари жиддий равишда ёмонлашадиган бўлса, шимолий қисмда истиқомат қилувчи аҳоли мамлакат ҳудудининг муайян қисмини ажратиб олиш хавфини ҳам туғдирмоғи ҳеч гап эмас.

Айни чоғда қозоқлардан бир неча юз минг киши давлат чегарасининг Россияга тегишли томонида истиқомат қилади, яна бир қанчалари шарқи-шимолий Ўзбекистонда яшайди. Бу давлатни қозоқлар Ўрта Осиёда етакчилик учун курашда ўзларининг асосий рақиблари деб ҳисоблайдилар.

Амалда Ўзбекистон Ўрта Осиёда минтақавий етакчилик ролига асосий номзод ҳисобланади. Гарчи Ўзбекистон ҳудудлари жиҳатидан кичикроқ бўлса-да ва унинг табиий бойликлари Қозоғистонникичалик кўп бўлмаса-да, унинг аҳолиси кўпроқ — 25 миллион киши атрофида. Лекин бундан ҳам муҳими шундаки, бу аҳоли Қозоғистон аҳолисига қараганда анча ортиқ даражада яқрагидир. Ўзбекларда бола туғилишининг суръатлари каттароқ эка-

нини ва авваллари устувор ўрин тутган русларнинг мамлакатдан аста-секин чиқиб кетаётганларини ҳисобга олсак, яқин орада мамлакат аҳолисининг 75 фоизини ўзбеклар ташкил қилади деб бемалол айтиш мумкин бўлади. Шуниси ҳам борки, бу ерда озчиликни ташкил қилувчи кам миқдордаги русларгина қолади. (Улар, асосан, мамлакат пойтахти Тошкентда қолган)

Қолаверса, бу мамлакатнинг янги сиёсий элитаси янги давлатни атайин онгли равишда Соҳибқирон Амир Темури (1336-1404-й.) Ўрта асрларда барпо этган улкан империянинг бевосита вориси деб эълон қилмоқдалар. Амир Темури давлатининг пойтахти Самарқанд дини ислом, илми нужум ва санъатларни ўрганиш бобида машҳур минтақавий марказга айланган эди. Бугунги Ўзбекистондаги ўзбекларни ўзининг тарихий меросхўр эканини чуқур ҳис этиш ва қўни-қўшниларига нисбатан диний даъваткорлик вазифаларини бажариб келганини англаш туйғуси қўллаб-қувватлаб турибди. Ҳақиқатан ҳам, баъзи бир ўзбек йўлбошчилари Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги ягона мустақил қурилманинг миллий дунёси деб ҳисоблайдилар. Тошкентни эса унинг пойтахти, деб қарайдилар. Ўрта Осиёдаги бошқа ҳар қандай давлатга қараганда ортиқроқ даражада ўзбек сиёсий элитаси ва унга қўшилиб, аллақачондан бери миллатчи давлат муваффақиятларини баҳам кўраётган унинг халқи ҳам ортиқ ҳеч қачон мустамлака мақомига қайтмаслик фикрига тўла-тўқис қўшиладилар.

Шу ҳолат туфайли Ўзбекистон постэтноик даврдаги миллатчилик туйғуларини тарбиялашда етакчилик ролини ҳам ўйнайди, айни чоғда, қўшниларида муайян хавотирлик туйғусини ҳам уйғотади. Гарчи ўзбек йўлбошчилари миллатни барпо этишда суръатни юқори олган бўлсалар-да ва ўз-ўзини таъминлашда минтақа имкониётларидан кенгроқ фойдаланиш ғояларини фаол тарғиб қилаётган бўлсалар-да, мамлакатнинг нисбатан ортиқроқ

даражада миллий яқранглиги ва миллий ўз-ўзини англашнинг фаолроқ намоён бўлаётгани Туркменистон, Қирғизистон ва ҳатто Қозоғистон ҳукмдорларини тобора кўпроқ хавотирга солмоқда. Минтақадаги Ўзбекистоннинг йўлбошчилиги унинг ҳукмронлигига айланиб кетмаса эди, деб қўрқишади. Бу ташвиш янги ташкил топган мустақил давлатлар ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўл қўймаётир. Табиийки, бундай ҳамкорликни руслар маъқул кўришмайди, чунки унинг йўқлиги минтақага доимий ожизлик бахш этиб туради.

Аммо бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам этник муносабатларда қисман бўлса-да, кескинлик мавжуд. Жанубий Ўзбекистоннинг бир қисмида, айниқса, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий ва маданий марказлар теварагида тожиклар зич жойлашган бўлиб, улар Москва белгилаб берган чегаралардан норози бўлишда давом этмоқдалар. Вазиятни яна-да кескинлаштирадиган бир ҳолат шундаки, Тожикистоннинг ғарбида ўзбеклар яшайди, шунингдек, Фарғона водийсида иқтисодий жиҳатдан Қирғизистон учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган жойларда ўзбеклар билан тожиклар яшайди (бу жойларда сўнги йилларда этник заминда қонли тўқнашувлар содир бўлди). Ўзбекларнинг шимолий Афғонистонда ҳам мавжудлигини айтмай қўя қолса ҳам бўлади.

Россиянинг мустамлакачилик бошқарувидан халос бўлган Ўрта Осиёнинг Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон каби учта бошқа давлатидан фақат биттасигина нисбатан этник жиҳатдан яқрангдир. Унинг 4,5 миллионлик аҳолисининг тахминан 75 фоизи туркманлардир, руслар билан ўзбеклар эса ҳар қайсилари умумий аҳоли сонининг 10 фоизини ташкил қилади. Туркменистон жўғрофий жиҳатдан муҳофазаланган: у Россиядан нисбатан олис масофада жойлашган. Ўзбекистон билан Эрон бу мамлакатнинг келажаги учун каттароқ геополитик рол ўйнайди.

Бу район ҳудудидан нефтепровод ўтказилиши биланоқ Туркманистоннинг том маънодаги улкан газ заҳиралари халқнинг фаровонлигини таъминлайди.

Қирғизистон аҳолиси (унинг сони 5 миллион кишидан иборат) этник жиҳатдан анча-мунча ранг-барангдир. Қирғизларнинг ўзи бутун мамлакат аҳолисининг 55 фоизини ташкил қилади. Ўзбеклар — 13 фоиз, рус аҳолисининг сони 20 фоиздан кейинги пайтларда 15 фоиздан сал ортиқроққа тушиб қолди. Мамлакат мустақиллик олмасдан аввал руслар, асосан, инженер-техник зиёлилар таркибига кирар эди. Уларнинг кетиб қолиши мамлакат иқтисодиётига катта зарба бўлди. Гарчи Қирғизистон қазилма бойликларга ғоятда бой бўлса-да ва унинг табиати ғоятда хушманзара ва гўзал бўлса-да, (Қирғизистонни Ўрта Осиёнинг Швейцарияси деб аташлари бежиз эмас, шу вайдан келажакда бу ерда янги туристик марказ ташкил қилиш ҳам мумкин) ўзининг геополитик ҳолатига кўра, Хитой билан Қозоғистон орасида сиқилиб қолган, унинг мустақилликни сақлаб қолиши кўп жиҳатдан Қозоғистоннинг муваффақиятларига боғлиқ.

Тожикистон этник жиҳатдан жиндай якрангроқ, холос. Тожикистоннинг 6,5 миллионлик аҳолисидан кам деганда учдан икки қисми тожик ва 25 фоиздан кўпроғи ўзбеклардир (тожиклар ўзбекларга биров душманлик кўзи билан қарайдилар). Бу мамлакатда руслар эса бор-йўғи 3 фоизни ташкил қилади, холос. Бироқ бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани каби ҳатто устувор этник жамоа ҳам қайси қабила ва уруғга мансублиги жиҳатидан бир-биридан кескин ажралган, бу масалада ҳатто зўравонлик ҳоллари ҳам учраб туради. Шуниси ҳам борки, ҳозирги замон миллатчилиги шаҳарда сиёсий элита ўртасида тарқалган. Бунинг оқибатида мустақиллик нафақат шаҳарларда кескинликни туғдирди, Россия учун ўз армиясини мамлакатдан олиб чиқиб кетмаслик учун қулай баҳона ҳам бўлди. Мамлакат

чегараларидан ташқаридаги районларда Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида тожикларнинг кўплиги этник вазиятни янада кескинлаштиради. Амалда Тожикистонда қанча тожик яшаса, Афғонистонда ҳам шунча этник тожик аҳолиси истиқомат қилади. Бу — минтақадаги барқарорликни сусайтирадиган яна бир омилдир.

Гарчи Афғонистон ортиқ совет республикаси бўлма-са-да, ундаги ҳозирги бошбошдоқлик шўроларнинг меросига ўхшайди. Советлар истилоси ва унга қарши олиб борилган узоқ муддатли партизан уруши оқибатида алоҳида-алоҳида қисмларга ажратиб ташланган Афғонистон ҳозир фақат қоғоздагина миллий давлат сифатида мавжуддир, унинг 22 миллионли аҳолиси эса этник жиҳатдан кескин тарзда ажратиб ташланган. Шунинг ҳам айтмоқ керакки, бу мамлакатда истиқомат қиладиган пуштунлар, тожиклар ва хазарлар ўртасидаги ихтилофлар тобора кучайиб бормоқда. Айни чоғда, рус босқинчиларига қарши эълон қилинган жиҳод динни мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги устувор омилга айлантирди. Бу омил шундоқ ҳам жуда кескин тус олган зиддиятларни диний эҳтирослар ёрдамида янада аланга олдирди. Шундай қилиб, Афғонистонни Ўрта Осиёдаги этник муаммоларнинг бир қисми сифатидагина қараш керак эмас, балки у, шунингдек, сиёсий жиҳатдан қараганда кўп томондан “Евросиё Болқонлари”нинг ҳам бир қисмига тўғри келади.

Собиқ Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида, шунингдек, Озарбайжонда ҳам, асосан, мусулмон аҳоли истиқомат қилади, лекин шундай бўлса-да, уларнинг асосан шўро даврининг маҳсулоти бўлмиш сиёсий элитаси диний қарашларни қўллаб-қувватлашмайди ва бу давлатлар расман дунёвий давлатлардир. Аммо уларнинг аҳолиси бирламчи қавмчилик ва қабилавий онгдан ҳозирги даврдаги кўлами анча кенгроқ миллий онгга ўтаётган экан, бу, афтидан, чуқурлашиб бораётган исломни англашдан

илҳом олади. Исломнинг қайта уйғонишига ташқаридан нафақат Эрон, балки Саудия Арабистони ҳам фаол ёрдам бермоқда. Бу ҳол амалда миллий мустақиллик иштиёқида кучайиб бораётган интилишларга янада кучли туртки бўлиши ҳам турган гап. Бундай интилиш тарафдорлари истаган шаклдаги Россия назоратининг қайта тикланишига, бинобарин, кофирлар назоратига тушиб қолишга тиш-тирноқлари билан қаршидирлар.

Дарҳақиқат, исломлаштириш жараёни Россиянинг ўзида истиқомат қилувчи мусулмон аҳолисига ҳам жуда кучли таъсир ўтказмоғи мумкин. Улар 20 миллион киши атрофида. Улар Ўрта Осиёнинг мустақил давлатларида яшашда давом этаётган ва у ерлардаги янги тартиблардан норози бўлган руслардан (9,5 миллион киши) икки барабар кўпдирлар. Шундай қилиб, Россиядаги мусулмонлар мамлакат умумий аҳолисининг 13 фоизини ташкил қилади. Шундай бўлгандан кейин, диний ва сиёсий ўзига хослик борасида уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қатъийроқ талаб қилиб чиқишлари мутлақо муқаррар бир ҳолдир. Ҳатто Чеченистонда бўлгани каби бу интилишлар тўла мустақиллик учун кураш йўлларини қидириш тусини олмаса-да, улар Россия учун муайян муаммоларни туғдирмаслиги мумкин эмас. Россиянинг яқин ўтмишдаги империяпарастлик кайфиятларини ва янги давлатларда озчиликни ташкил қилувчи рус қатламлари мавжудлигини эътиборга олганда, бундай муаммолар ҳозир ҳам Россия олдида кўндаланг бўлиб турипти.

“Евросиё Болқонлари”даги беқарорликнинг кучая боришига ва вазият борган сари хатарли тус олиб бораётганига сабаб шуки, бир-бирига қўшни иккита йирик давлат (улар минтақада тарихий жиҳатдан олганда империяпарастлик, маданий, диний ва иқтисодий манфаатларга эга), аниқроқ айтганда, Туркия билан Эрон ўзларининг геополитик мўлжалларида муқим бир нуқтада турмайдилар

ва ички жиҳатдан олганда муайян заифликка эгадирлар. Агар борди-ю, ана шу икки давлатда вазият беқарорлашса, бутун минтақа оммавий тартибсизликлар ичида қолиши мумкин. Шуниси ҳам борки, унда-бунда кўриниб қоладиган этник ва ҳудудий можаролар назорат остидан чиқиб, минтақадаги зўр-базўр эришилган кучлар мувозанати бузилади. Бинобарин, Туркия ва Эрон геостратегик жиҳатдан нафақат муайян фаолият эгаларидир, балки улар шундай геополитик марказлардирки, уларнинг ички вазиятлари минтақа тақдири учун бағоят муҳимдир. Ҳар иккала давлат ҳам кўламларига қараганда ўртача давлатдир, лекин уларнинг минтақавий иштиёқлари жуда зўр ва тарихда ўйнаган роллари учун ғурурлари ҳам ғоятда баланд. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакатнинг геополитик мўлжаллари қандай бўлиши ва ҳатто уларнинг миллий жипслашув борасидаги ишлари қандай бўлиши маълум эмас.

Туркия ҳали ҳам ўз мақсадлари ва унга олиб борадиган йўлни аниқлаш жараёнини бошидан кечираётган давлатдир. Бу давлатни уч томонга тортқилашяпти. Модернчилар бу давлат тимсолида оврўпача давлатни кўрмоқчи бўлишади, бинобарин, улар Ғарбга кўз тикишади, Исломпарастлар кўпроқ Яқин Шарққа ва мусулмон ҳамжамиятига мойиллик кўрсатадилар, бинобарин, улар Жанубга қарашади, тарихга муккасидан кетган миллатчилар эса Каспий денгизи ҳавзасидаги ва Ўрта Осиёдаги туркий халқлари минтақадаги зиммаларига юкланган янги вазифалар тўғрисида гапирадилар, бинобарин, улар Шарққа қарашади. Бу истиқболларнинг ҳар қайсиси ҳар хил стратегик мақсадлар теварагида гирдикапалак бўлиб турибди ва Мустафо Камол инқилоби давридан бери бундай қарашлар тарафдорлари ўртасидаги тўқнашувлар биринчи марта Туркиянинг минтақадаги роли масаласида шубҳа-ғумон туғдирмоқда.

Қолаверса, Туркиянинг ўзи тўла даражада бўлмаса ҳамки, лоақал қисман даражада минтақавий этник ихтилофларнинг қурбони бўлиши мумкин. Гарчи 65 миллионлик Туркия аҳолисининг асосий қисми турклардан иборат бўлса-да, унинг 80 фоизи туркларга тўғри келади (бу ҳисобга черкаслар, албанлар, боснийлар, болгарлар ва араблар ҳам киради), 20 фоизини ёки ундан ортиқроғини эса курдлар ташкил қилади. Асосан, мамлакатнинг шарқий минтақаларида яшайдиган курдларнинг Эрон ва Ироқ курдлари ўзлари олиб борадиган миллий озодлик ҳаракатига фаол жалб қилишади. Туркияда давлатни умумий бошқариш масаласида юзага келадиган ҳар қандай кескинлик, шак-шубҳасиз, курдларни алоҳида миллат мақомини олиш мақсадидаги босимларини янада шиддатлироқ қилишга ундайди.

Эроннинг келгусидаги йўналиши қандай бўлиши янада мужмалроқ кўринади. 70-йилларнинг охирида ғалаба қозонган фундаменталистик шиалар инқилоби “термодориан” босқичга кўтарилган кўринади ва бу ҳолат Эроннинг геостратегик роли масаласида муайян дудмалликни туғдиради. Бир томондан, дахрий Совет Иттифоқининг қулаши Эроннинг шимолдаги янги мустақиллик олган қўшнилари учун бошқа динни қабул қилиш имконини яратди, иккинчи томондан эса, Эроннинг АҚШга нисбатан душманлиги Техронни лоақал тактик жиҳатдан Москвага мойиллик мавқеини эгаллашга ундади. Бундан ташқари, Озарбайжоннинг мустақиллик олиши Эроннинг ички аҳволига муайян таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам Техронни шундай йўл тутишга рағбатлантирди.

Бу хавотир Эроннинг этник ихтилофлар нуқтаи назаридан заифлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг 65 миллионлик аҳолисидан (Эрон билан Туркия деярли бир хил миқдордаги аҳолига эга) яримидан жиндай ортиқроғина форслар, холос. Аҳолининг салкам тўртдан бир қисмини озарбайжонлар ташкил қилади, қолган аҳоли таркибига эса курдлар, балучилар, туркманлар, араблар ва

бошқа халқлар киради. Курдлар билан озарбайжонларни мустасно қилганда, ҳозирги пайтда бошқа халқлар Эроннинг территориал яхлитлигига таҳдид солмайдилар. Ҳатто форсларнинг жуда юксак даражадаги миллий онглилигини ва онг қатларида ётган империяпарастлик туйғуларини ҳисобга олганда ҳам, юқоридаги хатар мавжуд деб айтиб бўлмайди. Бироқ Эроннинг сиёсатида янги таназзул юз берадиган бўлса, бундай вазият жуда тез ўзгариб қолиши мумкин.

Бундан сўнг ҳозирги пайтда бу бир қатор янги мустақил давлат мавжудлигининг ўзи ва миллион кишилик чеченларнинг ўз сиёсий орзу-ҳавасларини ҳимоя қила билганлари шак-шубҳасиз курдларга таъсир қилади, шунингдек, Эрондаги бошқа ҳамма майда миллатларни ҳаракатга ундайди. Агар Озарбайжон ўзининг барқарор сиёсий ва иқтисодий ривожланишида муваффақиятларга эришадиган бўлса, афтидан, Эрон Озарбайжонлари ўртасида Катта Озарбайжонни барпо этиш ғояси мустаҳкамлана борса керак. Бинобарин, Техрондаги сиёсий беқарорлик ва ихтилофлар Эрон давлатининг жипслигига раҳна солувчи муаммога айланиши мумкин. Бу билан “Евросиё Болқонлари”нинг ҳудуди яна-да кенгайди ва унда содир бўлаётган воқеаларнинг аҳамияти яна-да ортади.

### **КЎПТОМОНЛАМА РАҚОБАТ**

Анъанавий тарзда “Евросиё Болқонлари” деб аталадиган ҳодиса учта империя — Усманийлар империяси, Австро-Венгрия империяси ва Россия ўртасидаги бевоқиф тўқнашувлар оқибатида юзага келган эди. Бундан ташқари бу курашда яна учта бавосита иштирокчи бор эди. Улар катта империялардан қайси бири муваффақиятга эришганда ҳам ўзларининг Оврўпадаги манфаатлари зарар кўришидан хавотирланар эдилар. Германия Россиянинг қудратидан қўрқарди, Франция Австро-Венгрияга қарши турарди, Буюк Британия эса Болқон устидан на-

зорат ўрнатишда бошқа рақибларидан бирортасининг иштирок этишидан кўра, Дарданелл бўғози устидан назорат ўрнатишда Усманийлар империясининг заифлашганини кўрмоқни афзал билади. XIX асрда бу давлатлар қолган рақибларининг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда Болқонда ихтилофларни жиловлаб ола билдилар, аммо 1914 йилга келганда улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Можаронинг зўрайиши эса ҳаммалари учун жуда катта вайронагарчиликлар келтирди.

“Евросиё Болқонлари” учун ҳозирги кунда бораётган рақобат ҳам учта қўшни давлатни бевосита бир-бирига боғлаб қўйди. Булар Россия, Туркия ва Эрондир. Аммо бу можароларда охир-пировардида асосий иштирокчилардан бири Хитой ҳам бўлиб қолиши мумкин. Бу рақобатга бироз олисроқдан туриб бўлса-да, Украина, Покистон, Ҳиндистон ва улардан анча олисда жойлашган Америка ҳам жалб қилинган. Бу масала билан ошкора тарзда боғлиқ рақибларнинг ҳар қайсиси нафақат геополитик ва иқтисодий устунликларни қўлга киритиш иштиёқида ҳаракат қилмоқда, балки уларни жуда кучли тарихий сабаблар ҳам рағбатлантириб турибди. Уларнинг ҳар қайсиси ўз вақтида минтақада сиёсат ва иқтисодиёт масалаларида устуворлик қилган. Уларнинг ҳар қайсиси бир-бирига гумонсираб қарайди. Гарчи уларнинг орасида бевосита қуролли тўқнашувлар бўлиши эҳтимолдан узоқ бўлса-да, улар ўртасидаги низоларнинг ўзиёқ минтақада юзага келган бошбошдоқликни яна-да чуқурлаштириши мумкин.


Россияга келсак, унинг Туркияга душманлик руҳидаги муносабати йўрғакда теккан дардга ўхшаб кетади. Россия матбуоти туркларни минтақа устидан назорат ўрнатишга интиладиган одамлар сифатида, Россияга қаршилик кўрсатишга ундовчи ифвогарлар тарзида (Чеченистон воқеалари буни қисман тасдиқлайди) ва Россиянинг умумий хавфсизлигига таҳдид солувчи кучлар сифатида тасвирлайди. Матбуот тасвирида бу таҳдид шу даражага етказиб қўйилганки, у Туркиянинг ҳақиқий имкониятларига

мутлақо тўғри келмайди. Турклар ҳам шунга яраша жавоб беришади — улар ўзларини қардош биродарларини узоқ давом этган Россия зулмидан озод этувчи халоскор сифатида кўрсатмоқчи бўлдилар. Турклар билан эронликлар (форслар) ҳам тарихан бу минтақада бир-бирларига қарши туриб келганлар. Сўнгги йилларда бу ихтилоф шундай бир шароитда қайта тикландики, бу шароитда Туркия ислом жамиятининг эронча талқинига доимий душман сифатида намоён бўлмоқда.

Гарчи бу рақибларнинг ҳар бири тўғрисида у ўз таъсир доирасига эга бўлмоқчи деган гапни айтиш мумкин бўлса-да, шунга қарамай, Москванинг даъволари анча кенг кўламга эга. Айниқса, империя сифатидаги назорат ҳақида хотиралар ҳали унча эскирмаганини, бу минтақада бир неча миллион руслар истиқомат қилишини ва Кремлнинг Россияга глобал кўламдаги йирик давлатлардан бири сифатидаги мақомини қайтариш борасидаги иштиёқларини ҳисобга олганда бу янада очиқ намоён бўлади.

Россиянинг ташқи сиёсат бобидаги баёнотлари шундан далолат берадики, у собиқ Совет Иттифоқининг ҳамма ҳудудида ўзининг алоҳида геостратегик манфаатлари мавжуд деб ҳисоблайди ва бу ерда ташқаридан ҳеч қандай сиёсий ва ҳатто иқтисодий таъсирга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас деб билади.

Бундан фарқли ўлароқ Туркиянинг минтақавий таъсир кўрсатишга интилишлари олис ўтмишдаги империя-парастлик туйғуларининг муайян қолдиқларига эга бўлса-да (Усманийлар империяси ўз ривожининг энг юксак нуқтасига 1590 йилда эришган эди, ўшанда у Кавказ билан Озарбайжонни босиб олганди, лекин унинг таркибига Ўрта Осиё кирган эмас), Туркия мазкур минтақадаги туркий халқлар билан қариндошлик қилмоқ учун этнолингвистик нуқтаи назардан чуқурроқ илдизларга эга.



Туркия этник-лингвистик гоьлар  
ривожланган қисмлари

Агар Туркиянинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ҳозиргидан кўра анча чекланганроқ бўлганида у ҳеч қанақа сиёсий таъсир доирасига мутлақо эриша олмаган бўларди. Аксинча, Туркия ўзини туркий тилда гаплашадиган мамлакатларнинг муҳим ҳамжамиятида потенциал етакчи ролида кўради ва бунда у ўзининг анча жозибадор ва


нисбатан замонавий ривожланиш даражасини, тилининг бирлигини, ўз иқтисодий имкониятларини рўқач қилади. Бу имкониятлар минтақада содир бўлаётган миллатларнинг шаклланиш жараёнида энг кучли таъсир кучига эга бўлган етакчи куч бўлишига йўл қўяди.

Эроннинг иштиёқлари ҳозирча унча аниқ эмас, лекин келажакда улар Россиянинг даъволарига таҳдид солувчи қудрат касб этишлари мумкин.

Форсларнинг аҳмонийлар давлати жуда катта ҳудудларни эгаллаган эди. Жуда қадим замонларда пайдо бўлган ва ўз ривожининг энг юксак нуқтасида (тахминан милоддан аввалги 500 йил) бу давлат ҳозирги учта Кавказ давлатининг, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари ҳудудини, шунингдек, Афғонистон, Туркия, Ироқ, Сурия, Ливан ва Исроил ҳудудларини эгаллаган эди.

Гарчи Эроннинг бугунги геополитик интилишлари Туркияникига нисбатан торроқ бўлса-да ва улар, асосан, Озарбайжон ҳамда Афғонистонга йўналтирилган бўлса-да, шунга қарамай минтақанинг мусулмон аҳолиси ва ҳатто Россиянинг мусулмон аҳолиси ҳам Эроннинг минтақавий манфаатлари учун объект бўлиб хизмат қилади. Чиндан-да, Ўрта Осиёда исломни қайта тиклаш ҳозирги Эрон ҳукмдорлари интилишларининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Туркия, Эрон, Россия манфаатлари бир-бирларига зиддир.



Россиянинг геополитик манфаатлари аниқ жанубга — Озарбайжон ва Қозоғистонга йўналтирилган, Туркияники Озарбайжон ва Каспий денгизи орқали Ўрта Осиёга йўналтирилган, Эронники эса шимолда Озарбайжонга, шимол-шарқда Туркменистон, Афғонистон ва Тожикистонга қаратилган. Бу манфаатлар бир-бирлари билан шунчаки кесишибгина қолмайди, балки улар бир-бирлари билан тўқнашмоқлари ҳам мумкин.

Ҳозирги босқичда Хитойнинг роли анча-мунча чекланган, мақсадлари эса аён кўриниб турмайди. Ўз-ўзидан равшанки, Хитой Ғарбда ўз қаршисида Россия империясини эмас, унинг ўрнида бир нечта мустақил давлатларни кўришни афзал билади. Мустақил давлатлар ҳеч бўлмаганда оралиқдаги бир тўсиқ бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга Хитой, барибир, бир ҳолатдан ташвишланишда давом этмоқда: Синцзян вилоятида Хитойга қарам туркий қавмга мансуб қашқар миллати яшайди — янги Ўрта Осиё давлатлари улар учун ибратли ўрнак бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун Хитой Қозоғистондан хорижий майда миллатларнинг фаоллигининг бостирилиши масаласида кафолатлар олишга интилмоқда. Охир-пировардида, биз текшираётган минтақанинг энергоресурслари Пекиннинг алоҳида манфаатлари доирасига кирмоғи лозим ва Москванинг ҳеч қандай назоратсиз уларга эришиш Хитойнинг асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. Шундай қилиб, Хитойнинг умумий манфаатлари Россиянинг устуворлик родини ўйнашга интилишлари билан тўқнашувга киришув тамойилига эга ва Туркий ҳамда Эроннинг интилишларига қўшимча бўлади.

Украина масаласига келадиган бўлсак, унинг учун асосий муаммо МДҲнинг келгусида қандай характерда бўлиши ва энергия манбаларига ҳозиргидан кўра эркинроқ эришиш имконларини қўлга киритишдир. Бу эса ўз навбатида Украинанинг Россияга қарамлигини анча заифлаштиради. Шунинг учун Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон билан яна-да яқиндан алоқа ўрнатиш ва уларни ривожлантириш Киев учун жуда муҳим аҳамият касб этади, мустақиллик кайфиятлари кучлироқ бўлган давлатларни қўллаб-қувватлаш эса Украина учун Москвадан мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги уринишларига қўшимча бўлади. Шунга мувофиқ равишда Украина Гуржистоннинг Озарбайжон нефти Ғарбга Гуржистон ҳудуди орқали ўтиши керак, деган хоҳишини қўллаб-қувватла-

ди. Бундан ташқари Украина Туркия билан ҳамкорликка киришди. Бундан кўзланган мақсад — Россиянинг Қора денгиздаги таъсирини заифлаштириш эди, шунингдек, Ўрта Осиёдан келадиган нефт оқимини Туркия терминалларига йўллаш борасидаги хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Покистон билан Ҳиндистон ҳозирча бу жараёнга жалб қилингани йўқ — бу кейинроқ бўладиган иш, аммо бу мамлакатлардан ҳеч қайсиси “Евросиё Болқонлари”да содир бўладиган воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. Покистон биринчи навбатда геостратегик жиҳатдан муштақамланиб олишдан манфаатдор. Бунинг учун у Афғонистонга сиёсий таъсир кўрсатмоғи лозим (шу йўл билан Эрон томонидан Афғонистон ва Тожикистонга кўрсатиладиган босимнинг олди олинади). Шу тариқа Покистон Ўрта Осиёни Араб денгизи билан боғлайдиган бирор-бир қувур қурилишидан ўзига тегишли фойдани чиқариб олади. Ҳиндистон Покистоннинг бу уринишларига жавобан ва эҳтимолки, минтақада Хитойнинг гегемон бўлиб қолишидан хавотирланиб, Эроннинг Афғонистондаги таъсирига ва собиқ СССРнинг бу ерларга яқин ҳудудларида Россиянинг туришига анча-мунча рўйхушлик билан қарайди.

Гарчи Қўшма Штатлар олисда жойлашган бўлса-да, минтақада уларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани яққол сезилиб туради. Аввало АҚШ пост-совет Евросиёсида ҳамisha геополитик кескинлик сақланиб туришини хоҳлайди. Шунинг учун у бу минтақадаги жараёнларда бавосита иштирокчи шахс сифатида қатнашади ва нафақат минтақадаги бойликларни тақсимлашда ўз улушини қўлдан чиқаришни истайди, балки минтақанинг геополитик ҳудудида ёлғиз Россиянинг ўзининг устуворлик қилишига йўл қўймаслик тадоригини ҳам кўради. Шу тариқа ҳаракат қилган Америка нафақат Евросиёдаги кенг қўламли стратегик мақсадларини, балки ўзининг ўсиб борувчи иқтисодий манфаатларини ҳам намоиш этади, шунингдек, Ов-

рўпа билан Узоқ Шарқ ҳам шу пайтга қадар ёпиқ бўлган районга чекланмаган тарзда киришдан манфаатдор эканини кўрсатади.

Шундай қилиб, бошни қотирувчи бу катта ўйинда довга геополитик қудрат, потенциал бойликларни қўлга киритиш имконияти, миллий (ёки диний) мақсадларга эришув ҳамда хавфсизликни таъминлаш қўйилган. Шундай бўлишига қарамай, талашиб-тортишувларга сабаб бўлаётган биринчи нарса минтақага кириш имкониятини қўлга киритишдир. Совет Иттифоқи емирилганига қадар бу ерларга келиб-кетиш фақат Москванинг ижозати билан бўлар эди. Жаъмики темир йўлларда юриш ва юк жўнатиш, қувурлар орқали нефт ва газ маҳсулотларини узатиш ва ҳатто самолётларда у ердан бу ерга учиб боришлар ҳам марказнинг рухсати орқали амалга оширилар эди. Россия геополитиклари ҳамма нарсани аввалгидек қолдиришни исташарди, негаки, улар яхши тушунишадики, бу минтақага келиб-кетиш масаласида ким устуворлик қилса, геополитик ва иқтисодий жиҳатдан ўша ютиб чиқади.

Айни ана шундай мулоҳазалар Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиё нефт ёки газ қувури ўтказиш масаласини минтақанинг келажаги учун жуда муҳим аҳамиятга эга масала қилиб қўяди. Агар минтақадаги қувур йўллари ҳамон аввалгидек Россия ҳудуди орқали ўтиб, Қора денгиз бўйидаги Новороссийск терминалларига бориб қўйилса, унда Россия томонидан ҳеч қанақа куч намойиш қилмасданоқ бунинг сиёсий оқибатлари кўринади-қолади. Минтақа Москвага сиёсий қарамлигича қолаверади, минтақанинг янги бойликларини қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилар экан, Москванинг мавқеи ҳаминша кучли бўлаверади. Аксинча, агар яна битта қувур йўли Каспий денгизи орқали Озарбайжонга ва ундан ўтиб, Туркия орқали Ўрта денгизга етиб борса, иккинчиси Афғонистон орқали Араб денгизи томон қурилса, бу минтақага эгалик қилиш масаласида ҳеч қандай якка ҳокимлик бўлмайди.

Россиянинг сиёсий элитасида шундай одамлар борки, улар агар минтақа бойликларига қўллари етмаса ва ўзлари тўла назорат қила олмасалар уларни умуман, қазиб олинмаслигини афзал кўришгандай ҳаракат қилишади. Бу ҳол ташвишлантирмай қўймайди. Агар Россиянинг Россияга муқобил равишда хорижий инвестициялар бошқа давлатларнинг иқтисодий эҳтиёжларини, бинобарин, сиёсий манфаатларини ҳам бевосита қондиришга олиб келадиган бўлса, минтақа бойликлари қайта ишланмасдан қолиб кетавергани маъқул. Бундай хусусий мулкчилик характеридаги ёндашув тарихда ўз илдизларига эга ва уларни ўзгартирмоқ учун вақт ва ташқаридан босим керак бўлади.

Кавказ ва Ўрта Осиёни босиб олиш учун чор Россияси тахминан уч аср мобайнида кураш олиб борди, лекин унинг қулаши жуда тез ва қўққисдан рўй берди. Усманийлар империясининг қуёши сўна боргани сари Россия империяси жанубга — Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб Эрон томонга кенгайиб борди. 1556 йилда бу империя Астрахан хонлигини ютиб юборди ва 1607-йилда Эронга етиб борди. 1774—1784 йиллар мобайнидаги уруш натижасида Қрим босиб олинди, сўнгра 1801 йилда Гуржистон подшолиги қўлга киритилди. XIX асрнинг иккинчи яримида эса Россия Кавказ тизма тоғларининг ҳар иккита томонидаги қабилалар ва қавмлар қаршилигини бартараф қилди (фақат чеченларгина ҳайрон қоладиган матонат билан қаршилик кўрсатди). 1878 йилда эса Арманистон босиб олинди.

Ўрта Осиёни босиб олишда рақобатлашувчи империягина доғда қолдирилгани йўқ, балки дунёдан ажралиб қолган ва ярим ибтидоий шароитда ҳаёт кечирувчи хонликлар ва амирликларни забт этмоқ керак эди. Улар тузукроқ қаршилик кўрсатишга лаёқатли эмас, фақат айрим жойлардагина матонат билан кураша олар эдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон 1801-1881 йиллар давомида амалга оширилган бир нечта ҳарбий юришлар оқибати-

да забт этилди. Туркменистонни эса 1873 йилдан 1886 йилгача бўлган даврдаги ҳарбий муҳорабалар оқибатида қўлга киритишди. Шундай бўлса-да, 1850 йилга келганда Ўрта Осиёнинг асосий қисми босиб олиниб бўлинган эди. Тўғри, айрим жойларда қаршиликлар кўрсатиб турилди. Бундай қаршиликлар ҳатто совет даврида ҳам рўй бериб турарди.

Совет Иттифоқининг емирилиши натижасида воқеаларнинг ҳайрон қоладиган даражадаги тескари оқими бошланиб кетди. Бор-йўғи бир неча ой мобайнида Ўрта Осиёдаги Россия территориясини ташкил қилувчи жойлар кутилмаганда тахминан 20 фоизга қисқариб кетди, Россия ҳукмронлиги остидаги Ўрта Осиёда яшайдиган аҳолининг сони 75 миллион кишидан тахминан 30 миллион кишига қисқарди, бундан ташқари яна Кавказда истиқомат қилувчи 18 миллион одам Россиядан ажралиб қолди. Воқеаларнинг бундай тус олиши Россия сиёсий элитасининг онгига янада қаттиқроқ ботди, чунки бу районларнинг иқтисодий потенциали хорижий мамлакатлар манфаатларининг объектига айланиб қоларди. Инвестициялар учун уларнинг молиявий имкониятлари каттароқ эди, ҳолбуки, яқин замонларгача уларнинг бойликларидан фақат Россиягина истифода қилиб келарди.

Шундай бўлса-да, Россия бир дилемма қаршисида турипти: бу минтақани ташқи кучлар учун ёпиб қўяй деса, бунга сиёсий жиҳатдан ожизлик қилади, бу вилоятлардаги бойликларни фақат ўз кучи билан қайта ишлай деса, ўзи ҳаддан ташқари қашшоқ. Қолаверса, Россиянинг соғлом фикрлайдиган етакчилари тушунадикки, ҳозирги пайтда янги давлатларда содир бўлаётган демографик жараён жуда муҳим бир жиҳатга эга: уларнинг иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашдаги муваффақиятсизликлари Россиянинг бутун жанубий чегаралари бўйлаб вазиятни ғоятда кескинлаштириб, портловчи аҳволга келтириб қўйиши мумкин. Айниқса, бир замонлар мазлум бўлган

халқлар ўртасида миллатчилик ва исломпарварликнинг қайта уйғонаётгани ҳисобга олинса, Қора денгиздан Мўғулистонгача бўлган чегара бўйлаб, янги Афғонистон ва Чеченистоннинг пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агарда Россия Туркия ва Эрон таъсир доирасининг кенгайишига тўсиқ қўйишни истаса, янги давлатларнинг ўзларининг асосий рақибларига мойилликларини чегараламоқчи бўлса, Ўрта Осиёда чиндан-да мустақил бўлган бирон-бир ҳамкорликнинг пайдо бўлишини хоҳламаса, Американинг геополитик таъсир доирасини янги мустақил давлатларнинг пойтахтлари билангина чеклаб қўйишни хоҳласа, унда қандайдир тарзда бўлмасин постимперия даврининг воқелигига мослашмоғи керак бўлади. Шундай қилиб, гап ортиқ империяни тиклаш тўғрисида бориши мумкин эмас, бу ҳаддан ташқари серчиқим иш ва бу жуда кескин қаршиликка учраши турган гап — аксинча, ўзаро муносабатларнинг янги тизимини барпо этишни тақоза этади. Бу тизим эса янги давлатларни жиловлаб турмоғи ва Россияга геополитик ва иқтисодий масалаларда устувор мавқеини сақлаб туриш имконини бермоғи керак.

Бу вазифани ҳал қилишда асосий восита сифатида МДҲ танлаб олинди, бироқ баъзи бир ҳолларда Россия томонидан қуролли кучларнинг ишлатилиши ва “парчалаб ташлаб ҳукмронлик қил” принципининг усталик билан татбиқ қилиниши ҳам Кремль манфаатларига яхши хизмат қилди. Москва ўз воситалари тизимидан фойдаланиб, янги давлатларнинг “ҳамжамият”даги ўсиб бораётган “интеграция” тўғрисидаги ўз тасаввурлари максимал даражада мос келишларига эришмоқчи бўлди ва МДҲ ташқи чегараларининг марказдан туриб бошқариладиган назорат марказини барпо қилиш учун хатти-ҳаракатларини аямади, шундай қилинса, муштарак ташқи сиёсат борасида ҳарбий соҳадаги интеграцияни мустаҳкамлаш мумкин бўлади деб ўйлашди. Шу йўл билан Россияни чет-

лаб ўтувчи бирор-бир янги қувур йўлини қурмасдан мавжуд қувурлар тармоғини (аслида совет даврида қурилган) кенгайтириш мумкин деб режалар қурдилар. Россиянинг стратегик таҳлиллари ошкора тарзда шундан далолат берадики, Москва бу минтақани ўзининг алоҳида геополитик ҳудуди деб ўйлайди, ҳолбуки, бу ҳудудлар ортиқ собиқ империянинг таркибий қисми бўлмади қолган.

Россиянинг геополитик интилишларини тушуниб олишга ёрдам берадиган бу омил шундаки, Кремль жуда катта қатъият билан янги давлатлар ҳудудидаги ўзининг ҳарбий кучларини жой-жойида қолдиришга уринди. Абхазиядаги сепаратистик ҳаракатдан жуда усталлик билан фойдаланган Москва Гуржистонда ҳарбий базалар қуриш ҳуқуқини қўлга киритди, арманлар Озарбайжон билан урушда мадад излашга мажбур эканини рўқач қилиб, Арманистонда ҳарбий кучларини сақлашни қонунлаштирди. Қозоғистонда ўзининг ҳарбий базаларини барпо этишга рухсат олмоқ учун Қозоғистонга сиёсий ва молиявий босим кўрсатди. Бундан ташқари, Тожикистондаги фуқаролар уруши у ерда собиқ Совет Армияси қисмларини доимий олиб қолишга ёрдам берди.

Ўзининг сиёсий йўналишини аниқлар экан, Москва бир нарсани кутишга ўтди — унинг тахминича, Ўрта Осиё билан ўзаро муносабатларда барпо этаётган янги империяпарастлик тизими аста-секин бир-биридан ажралган ва заиф давлатларнинг суверенитети моҳиятини сўраб олмоғи керак эди. Бунинг оқибатида улар “интеграллашган” МДХнинг қўмондонлик марказига қарам бўлиб қолмоқлари керак эди. Бу мақсадга эришмоқ учун Россия янги давлатларни ўз қуроли кучларини барпо этишдан қайтармоққа уринди, уларни она тилларини тикламасликка уринди, ташқи дунё билан яқиндан алоқа қилмасликни маслаҳат беришди ва тўғридан-тўғри Араб денгизи ва Ўрта денгиз соҳилларидаги терминалларга бориб уланадиган янги қувурлар қуриш ниятларидан қайтармоқчи

бўлди. Бу сиёсат муваффақиятлироқ бўлганида Россия уларнинг ташқи сиёсатлари бобида устуворлик қилар ва даромадларни тақсимлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлур эди.

Бу сиёсатга амал қилувчи Россия сиёсатчилари тез-тез Оврўпа Иттифоқини мисолга олиб турадилар. Аммо амалда эса Россия сиёсатчиларининг Ўрта Осиё ва Кавказга муносабатлари фарангизабон Африка мамлакатлари ҳам-жамиятидаги вазиятни эслатади. У ерда француз ҳарбий контингентлари ва французлар бериб турган молиявий маблағлар француз тилида гаплашадиган постколониал Африка давлатларининг сиёсий ҳаётини ва сиёсий йўналишини белгилаб туради.

Агар Россия томонидан минтақадаги сиёсий ва иқтисодий таъсирини имкон даражасида максимал қайта тиклаш умумий вазифа бўладиган бўлса ва МДХ эса бу вазифани бажаришда асосий восита бўлса, Москванинг ўзига тобеъ қилиш борасидаги биринчи мўлжаллари Озарбайжон ва Қозоғистон бўлмоғи керак. Россиянинг қарши ҳужуми муваффақиятли чиқмоғи учун Москва нафақат бу минтақага кириб-чиқишни батамом тўхтатмоғи керак, балки унинг жўғрофий тўсиқларини енгиб ўтмоғи ҳам лозим.

Озарбайжон Россия учун устувор мақсадга айланмоғи керак. Уни бўйсундира олиш Ўрта Осиёни ғарбдан ва, айниқса, Туркиядан ажратиб қўйишга ёрдам берган бўларди, бу эса Россиянинг бўйсунмаган Ўзбекистон ва Туркманистонга таъсир кўрсатишдаги воситаларини янада кучайтирар эди. Бу жиҳатдан олганда Каспий денгизининг тубида нефт қудуқларини кавлаш бўйича концепсияларни тақсимлаш каби мураккаб масалаларда Эрон билан тактик ҳамкорлик қилиш жуда муҳим мақсадга эришишга хизмат қилади — шу йўл билан Бокуни Москванинг хоҳишларига кўндириш осонроқ кечади. Озарбайжоннинг ялтоқланиши Россиянинг Гуржистон ва Арманистондаги устувор мавқеини ҳам мустаҳкамлар эди.

Қозоғистон ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган жозибадор мақсадни ташкил қилади, негаки, унинг этник жиҳатдан заифлиги ҳукуматни Москва билан очиқ-часига ихтилофга киришишга йўл қўймайди. Москва, шунингдек, Хитойнинг кучайиб бораётган фаоллиги муносабати билан Қозоғистоннинг кўнглидаги хавотирликдан ва қўшни Синцзян вилоятида ўтказилаётган хитойлаштириш сиёсатининг кўламадан Қозоғистоннинг ранжиётганидан ҳам фойдаланиб қолиши мумкин. Қозоғистонни аста-секин тобе қилиб олиш охир-оқибатда шунга олиб келиши мумкин эдики, Қирғизистон билан Тожикистонни автоматик тарзда Москванинг назорат доирасига жалб қилиб олиш учун геополитик имконият туғилар эди. Бу эса Ўзбекистон билан Туркменистонни заифлаштириб, уларга Россия томонидан ошкорароқ босим ўтказишга йўл очарди.

Аммо Россиянинг стратегияси “Евросиё Болқонлари”да жойлашган деярли ҳамма мамлакатларнинг интилишларига зид бўлмоқда. Уларнинг янги сиёсий элитаси мустақиллик тўғрисида қўлга киритган ҳокимият ва имтиёزلардан ўз ихтиёрлари билан воз кечмайдилар. Маҳаллий руслар ўзлари илгари эгаллаб турган имтиёзли мансабларни бўшата борганлари сари янги ташкил топаётган элита дарҳол ҳаракатчан ва ижтимоий жиҳатдан юқумли жараён бўлмиш суверенитетга қонуний қизиқиш билан қарай бошлайди. Бундан ташқари, бир вақтлар сиёсий жиҳатдан пассив бўлган аҳоли (Гуржистон билан Арманистондан ташқари) кўпроқ даражада миллатчиरोқ бўла борадилар ва ўзларининг исломга мансуб эканликларини чуқурроқ идрок эта бошлайдилар.

Ташқи сиёсат масаласига келадиган бўлсак, Гуржистон билан Арманистон ҳам (Арманистоннинг Озарбайжонга қарши курашида, Россиянинг мададидан қарамлигига қарамай) аста-секин Оврўпа билан кўпроқ яқинлашишни истайдилар. Ресурсларга бой бўлган Ўрта Осиё давлатлари, улар билан бирга Озарбайжон ҳам ўз ҳудудларида аме-

рика, оврўпа, япон, яқиндан бери эса корейс сармояларининг иқтисодий фаолиятини имкон қадар кенгайтириб, уларнинг ёрдамида ўзларининг иқтисодий ривожланишларини анчагина тезлаштиришга ва мустақилликларини мустаҳкамлашга умид боғламоқдалар. Бу жиҳатдан улар Туркия билан Эроннинг роли кучайиб бораётганини жуда маъқуллайдилар, негаки, уларнинг сиймосида Россиянинг қудратига қарши турадиган кучни ва Жанубга — улкан ислом дунёсига олиб борадиган кўприкни кўрадилар.

Масалан, Туркия ва Америка томонидан рағбатлантириб турилган Озарбайжон нафақат унинг ҳудудида ҳарбий-база қуриш тўғрисидаги Россиянинг таклифини рад этди, балки Қораденгиз даги Россия портига биргаликда битта нефт қувури ўтказиш ҳақидаги таклифига ошкора тарзда бепарво қаради, бунинг ўрнига у тортиша-тортиша бошқа бир ечимнинг — Туркияга Гуржистон ҳудуди орқали иккинчи нефть қувури қуриш тўғрисидаги вариантнинг қабул қилинишига эришди. (Жанубга Эрон орқали нефт қувури қуриш тўғрисида ҳам таклиф бор эди. Бу қурилишни молиявий жиҳатдан америкаликлар таъминламоғи керак эди. Бироқ АҚШ томонидан Эрон билан ҳар қандай олди-бердиларга эмбарго қўйилганини инобатга олиб, бу вариант рад этилди.) 1995 йилда карнай-сурнай садолари остида тантанали равишда Туркманистон билан Эронни боғлайдиган янги темир йўл линияси қурилди. Бунинг оқибатида Оврўпа Ўрта Осиё темир йўл орқали Россия ҳудудини четда қолдириб, савдо қилиш имконига эга бўлди. Бу аснода Россия ортиқ Ўрта Осиёни Россиядан ажратиб қўйишга қурби етмай қолган бир шароитда қадимги “ипак йўли” тиклангани муносабати билан рамзий маънодаги драматизм кўринишлари ҳам содир бўлди.

Россиянинг “интеграция” бобидаги интилишларига қарши Ўзбекистон ҳам тобора кўпроқ даражада ўз муҳолифлигида қатъийлашиб бормоқда. 1996 йилнинг августида унинг ташқи ишлар вазири жуда қатъий оҳангда:

“Ўзбекистон бошқарувни марказлаштирувчи восита сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган МДХнинг миллатлар устидан турувчи институтларининг тузилишига қаршидир”, деган эди. Очиқ кўриниб турган бу миллатпарастлик руҳидаги мавқе Россия матбуотида дарҳол Ўзбекистон шаънига кескин фикр-мулоҳазаларнинг ўрин олишига олиб келди:

“Ўзбекистон иқтисодиёти ошкора тарзда ғарбпарастлик йўлини тутмоқда. У МДХ доирасида интеграцион битимлар тузишни кескин танқид остига олмоқда. У ҳатто Божхона иттифоқига киришдан ҳам кескин бош тортди. Ўзбекистонда изчил равишда русларга қарши миллатчилик сиёсати юритилмоқда (ҳатто рус тилидан фойдаланадиган болалар боғчалари ҳам ёпилмоқда). Осиё минтақасида Россияни заифлаштиришга йўналтирилган сиёсат олиб бораётган Қўшма Штатлар учун бунақа мавқе маъқул келмаслиги мумкин эмас”.


Ҳатто Қозоғистон ҳам Россиянинг босимига жавобан Россия ҳудудини четлаб ўтадиган қўшимча нефт қувури қурилишини табриклаб чиқди — ўзининг табиий бойликларини четга етказишда Қозоғистон ҳам бу қувурдан фойдаланмоғи мумкин эди. Қозоғистон Президентининг маслаҳатчиси Умирсерик Касенов шундай дейди:

“Қозоғистоннинг муқобил қувур қурилиши борасидаги изланишлари туғилишига Россиянинг ҳаракатлари сабаб бўлди. Россия Қозоғистон нефтининг Новороссийска етиб боришини чеклаб қўйди, Тюмень нефтининг Павлодар нефтни қайта ишлаш заводига етиб келишини камайтириб қўйди. Туркманистоннинг Эронда нефт қувури қуриши йўлидаги уринишларининг боиси қисман шуки, МДХ мамлакатлари жаҳон баҳосининг 60 фоизинигина тўлайдилар ёки бутунлай тўламайдилар”.

Туркманистон ҳам ўша мулоҳазалардан келиб чиқиб, Афғонистон ва Покистон орқали Араб денгизи соҳиллари томон янги қувур қурилиши масаласини фаоллик билан

Ўрганди. Бу қувур — Туркманистонни шимолда Қозоғистон ва Ўзбекистон билан, жанубда эса Эрон ва Афғонистон билан боғлайдиган темир йўл қурилишига қўшимча бўлмоғи керак эди. Дастанлар музокаралар Қозоғистон, Хитой ва Япония ўртасида ҳам олиб борилди. Бу музокараларда Ўрта Осиёдан Жанубий Хитой денгизи соҳилларига етиб борадиган янги қувур қурилишининг илк лойиҳалари муҳокама қилинди. Нефт-газ соҳасига нисбатан узоқ муддатли инвестицион мажбуриятлар Озарбайжонда тахминан 13 миллиард долларга етади. Қозоғистонда эса улар 20 миллиард доллардан анча ошиб кетади (1996 йил рақамлари). Агар улар амалга ошса, Россия томонидан кўрсатиладиган глобал иқтисодий босим шароитида ва Россиянинг молиявий имкониятлари чекланганини инобатга олганда бу минтақани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яқкалаб қўйиш масаласи ўз-ўзидан тушиб қолади.

Россия билан боғлиқ бўлган хавотирлар Ўрта Осиё давлатларини янада яқинроқдан минтақавий ҳамкорлик қилишга ундади. 1993 йилнинг январиди барпо этилган Ўрта Осиё иқтисодий Иттифоқи аввалига ҳаракатсиз турди-да, аста-секин фаоллашиб кетди. Ҳатто Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам аввалига “Евросиё Иттифоқи”ни тузишга қаттиқ тарафдор бўлиб турди-да, кейинчалик Ўрта Осиёда жипсроқ ҳамкорлик қилиш ғояси тарафдорлари қаторига ўтди. У ҳатто минтақа давлатлари орасида кўпроқ даражада мувофиқлашган ҳарбий ҳамкорликка тарафдор бўлди. Каспий ва Қозоғистон нефтини Туркия орқали нефт қувурлари ёрдамида олиб ўтиш масаласида Озарбайжонни қўллаб-қувватлади, Россия ва Эроннинг баъзи бир уринишларига нисбатан биргаликда муҳолиф мавқеини эгаллашга рози бўлди.



### Каспий-Уртаер нефть экспорт магистральлари

..... Кўриб чиқиш ёки қурилишдаги йўналишлар

Бу уринишлар Каспий денгизи тубидаги нефть ва бошқа табиий бойликлар захираларини соҳил бўйидаги давлатлар ўртасида секторларга ажратиб олишга қарши йўналтирилган эди.

Мазкур минтақадаги тузумлар кучли авторитаризмга мойиллигини эътиборга олганда, айрим раҳбарлар ўртасида шахсий муросаи-мадора муаммоси янада каттароқ аҳамият касб этади. Ҳаммага маълумки, Қозоғистон, Ўз-

бекистон ва Туркменистон президентларининг ўзаро муносабатлари унчалик илиқ ва дўстона эмас эди (улар бу тўғрида хориждан келган меҳмонларга ошкора тарзда гапирган эдилар). Шахсий низолар азал-азалдан Кремлга жуда қўл келиб келган — Кремль ундан фойдаланиб, бир-бирларига қарши гижгижлатиш билан шуғулланган. 90-йилларнинг ўрталарига келганда уларнинг ҳар қайсиси улар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун зарур эканини англаб етдилар ва ҳаммага гўё қалин дўстона муносабатлари бордай қилиб кўрсата бошладилар. Шундай қилар эканлар, бундан буён ташқи сиёсат борасидаги ишларини ҳам мувофиқлаштириб олиб боришларини маълум қилишди.

Бироқ бундан ҳам муҳимроқ ҳодиса шу бўлдики, МДХ ичида Украина ва Ўзбекистон бошчилигида норасмий коалиция юзага келди. Ўзбекистон “интеграциялашган” ҳамкорликни эмас, “кооператив” ҳамкорликни маъқул кўрарди. Шу мақсадларда Украина Ўзбекистон, Туркменистон ва Гуржистон билан ҳарбий битим имзолади. 1996 йилнинг сентябр ойида эса Украина ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари бениҳоя юксак даражада рамзий маънога эга бўлган бир ишни қилишди — улар биргаликда Декларация эълон қилишди. Бу декларация эълон қилинган пайтдан бошлаб бундан кейин ҳамиша МДХ аъзолари бўлмиш мамлакатлар вакилларининг олий даражадаги йиғилишлари фақат Россия президенти раислик қилмаслигини, балки МДХга аъзо бўлган ҳамма мамлакатларнинг президентлари навбатма-навбат раислик қилишини талаб қилдилар.

Украина ва Ўзбекистон ҳатто Москванинг марказий ўринни эгаллашга бўлган интилишларига эҳтиром билан қаровчи раҳбарларга ҳам ибрат бўлди. Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев ва Гуржистон раҳбари Эдуард Шеварднадзе “бизнинг республикаларимиз мустақиллигига жиндай таҳдид туғиладиган бўлса, биз МДХ аъзо-

лигидан чиқамиз” дедилар. Кремль, айниқса, шу гапни эшитгандан кейин жуда ташвишга тушиб қолган бўлиши керак. Ўрта Осиё давлатлари ва Озарбайжон МДХга қарама-қарши ҳаракат ўлароқ Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига фаолиятларини бир даражада юқори кўтардилар. Минтақадаги ислом давлатларининг ҳали ҳам нисбатан эркин бўлган бу уюшмаси ўз ичига Туркия, Эрон ва Покистон каби давлатларни ҳам олар ҳамда ўз ишини уюшма аъзолари ўртасида молиявий, иқтисодий ва транспорт алоқаларини кенгайтириш вазифасига бағишлаган эдилар. Москва бу ташаббусни очиқчасига қоралаб чиқди. Уни МДХ давлатларининг аъзолигига путур етказувчи ҳодиса сифатида баҳолади. Москва ўзининг бу баҳосида ҳақ эди.

Ана шу тарзда аста-секин Туркия билан ва камроқ даражада Эрон билан алоқалар мустақамланди ва кенгайиб борди. Туркийзабон мамлакатлар Туркиянинг янги миллий зобитлар корпусини тайёрлашда ҳарбий кўмак бериш ва 10 мингга яқин талабани ўқишга қабул қилиш ҳақидаги таклифини хурсандлик билан қабул қилдилар. Туркийзабон давлатлар вакилларининг Туркиянинг яқиндан кўмагида тайёрланган ва 1991 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ўтган юқори доиралардаги тўртинчи учрашуви асосан ўзининг эътиборини транспорт алоқаларини ва савдо-сотиқни кенгайтиришга, шунингдек, маориф масаласида муштарак меъёрларни ишлаб чиқишга, шунинг баробарида, Туркия билан маданий ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратди. Туркия ҳам, Эрон ҳам янги давлатларга ўзларининг телевизион дастурлари билан ёрдам беришни бўйниларига олдилар ва шу йўл билан кенг оммага бевосита таъсир кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Қозоғистон пойтахти Олмаотада 1996 йил декабрда ўтказилган маросимлар Туркиянинг минтақа давлатларининг мустақиллигига муносабатини намойиш қилишда бағоят даражада рамзий маънога эга бўлди. Қозоғистон

мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан 28 метрлик зарҳалланган обиданинг очилиш маросими бўлди. Унда президент Назарбоевнинг ёнида Туркия президенти Сулаймон Демирэл турди. Тантаналарда Қозоғистон вакиллари “Қозоғистоннинг мустақил давлат сифатидаги ривожланишининг ҳар босқичида Туркия унинг ёнида тургани учун” Туркияни кўкларга кўтариб мақтадилар, бунга жавобан Туркия Қозоғистонга 300 миллион доллар миқдорда қарз берди. Бу даврда Қозоғистон хусусий тадбиркорлар томонидан ётқизилган сармоя 1,2 миллиард долларга етиб қолган эди.

Гарчи на Туркия, на Эрон Россияни минтақадаги таъсиридан маҳрум этишга қодир бўлмасалар-да, юқоридаги каби ҳаракатлар билан Туркия ва (камроқ даражада) Эрон янги давлатларнинг шимолдаги қўшнилари ва собиқ хўжайинлари билан қайтадан интеграциялашишга қаршилиқ қилишга тайёрликларига ва бу борадаги имкониятларига ёрдам беришди. Бу эса — шак-шубҳа йўқки, минтақанинг геополитик келажагини очик сақлаб қолишга ёрдам беради.

### **НА ДОМИНИОН, НА ОРҚАДА ҚОЛГАН**

Америка учун қандай геостратегик оқибатлар бўлиши аён. Американинг жуда олислиги унинг Евросиёда устувор бўлишига имкон бермайди. Лекин у ҳаддан ташқари қудратли, шунинг учун бу минтақадаги ҳодисаларга аралашмай тамошабин бўлиб қололмайди. Минтақанинг ҳамма давлатлари Американинг иштирокига ўзларининг яшаб қолмоқлари учун зарур ҳодиса деб қарашади. Россия ҳаддан ортиқ даражада заиф — у минтақада аввалгидек империя сифатидаги устуворлигини тиклашга ожизлик қилади. Ёки унинг тақдирида иштирок этаётган бошқа кучларни минтақадан чиқариб юборишга ҳам кучлари етмайди. Бироқ у анча яқин жойда жойлашган ва заиф бўлса ҳамки, ҳали етарли кучга эга. Шунинг учун унга эъти-

бор бермасликнинг ҳам иложи йўқ. Туркия ва Эрон таъсир кўрсатмоқ учун етарли кучга эга, аммо уларнинг ўзларининг заифликлари минтақага бир вақтнинг ўзида ҳам Шимолдан бўладиган таҳдидни, ҳам минтақанинг ички зиддиятларини бартараф қилишнинг уддасидан чиқа олмайди. Хитой жуда кучли, шунинг учун Россия билан Ўрта Осиё давлатлари ундан хавфсирамай тура олмайдилар, аммо шунга қарамай, унинг шу ерда ҳозирлиги ва иқтисодий фаоллиги Ўрта Осиё давлатларининг жаҳон майдони-га янада кенгроқ кўламда чиқишларига бўлган интилишларини рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

Бундан фақат битта хулоса келиб чиқади: Американинг биринчи даражали манфаати шуниси тақоза қиладики, у муайян бир вазиятни вужудга келтирмоққа ёрдам бермоғи керак. Бу вазият шундай бўлмоғи керакки, унда бирорта ҳам давлат мазкур геополитик ҳудудни ўз назорати остига ола билмасин, жаҳон ҳамжамияти эса бу ерда бемалол, ҳеч қандай тўсиқсиз молиявий ва иқтисодий иш юритиш имконига эга бўлсин. Нефт қувурлари ва темир йўл тармоқлари бу минтақани бевосита Ўрта денгиз ва Араб денгизи орқали, шунингдек, қуруқлик орқали жаҳон иқтисодий фаолиятининг йирик марказлари билан боғлаган тақдирдагина геополитик плюрализм барқарор реалликка айланиб қолади. Бинобарин, Россиянинг бу ерларга келиб-кетишни монополиялаштириш борасидаги хатти-ҳаракатларига минтақадаги барқарорликка зарар етказувчи ҳаракатлар сифатида зарба бериш-керак.

Бироқ Россияни минтақадан мосуво қилиш унча маъқул эмас ва бу амалга ошадиган иш ҳам эмас. Айни чоғда, мазкур минтақадаги янги давлатлар билан Россия ўртасидаги зиддиятларни пуфлаб шиширишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Дарҳақиқат, минтақани ривожлантириш ишларида Россиянинг фаол иқтисодий иштироки бу ҳудуддаги барқарорлик учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Россиянинг ҳамма нарсага бош-қош бўлишга интиладиган хўжайин

сифатида эмас, балки шерик сифатидаги иштироки ҳам жуда муҳим иқтисодий фойдалар бермоғи турган гап. Минтақа ҳудудида юзага келадиган мустаҳкам барқарорлик ва юксак даражадаги фаровонлик бевосита Россиянинг ҳам фаровонлигига ёрдам берар ва “МДХ” деган қисқартирилган сўз ёрдамида ваъда қилинган “ҳамкорлик”ка чинакам маъно бахш этган бўларди. Аммо шуҳрат-парастлик йўлида тузилган ва аллақачон тарихан эскириб қолган бир қатор режалар бор. Улар Болқон масаласида тузилган дастлабки режаларни эслатиб, дилни хира қилиб туради. Бу режалар муваффақият билан рад этилгандан кейингина ана шундай кооператив йўл Россиянинг сиёсатида айлланиши мумкин.

Америка томонидан жуда кучли геополитик мадад беришга арзийдиган давлатлар Озарбайжон, Ўзбекистон ва мазкур минтақадан ташқарида Украинадир. Уларнинг ҳаммалари геополитик марказлардир. Украина Россиянинг келгусидаги эволюциясига дахлдор давлатдир. Шунинг ўзи Украинанинг фавқулудда аҳамиятга молик бўлган давлат сифатида роли бениҳоя катталигини далиллайдиган омиллардан биридир. Айни чоғда, Қозоғистон ҳам (унинг кўламини, иқтисодий имкониятларини ва ҳудудининг жўғрофий жиҳатдан муҳим жойда жойлашганини эътиборга олиб) оқилона халқаро мадад беришга ва узоқ муддатли иқтисодий ёрдам кўрсатишга арзийдиган давлатдир. Аммо этник нифоқлар туфайли вужудга келган жарликлар бу Ўрта Осиё қалқонини Россия босими қаршисида анча заиф қилиб қўяди. Шоядки, вақт-соати келиб Қозоғистондаги иқтисодий ўсиш шу жарлик устидан кўприк қуришга ёрдам берса...

Мазкур минтақада Америка нафақат барқарор, ғарб-параст Туркия билан, балки Эрон ва Хитой билан ҳам муштарак манфаатларга эга. Америка муносабатларининг аста-секин яқинлашиб бориши мазкур ҳудудга келиб-кетишни глобал тарзда кенгайтиришга ёрдам берган

бўлур эди ва агар янада аниқроқ айтсак, Озарбайжоннинг яшашига хавф соладиган таҳдидларни анча камайтирган бўлур эди. Минтақанинг иқтисодий ҳаётида Хитой иштирокининг кенгаётгани ва унинг регионал мустақиллигини қўллаб-қувватлаётгани ҳам Американинг манфаатларига мос келади. Покистоннинг Афғонистондаги хатти-ҳаракатларининг Хитой томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам ижобий ҳодисадир, негаки, Покистон-Афғонистон муносабатларининг янада жипслашиши Туркманистонга бориб келадиган халқаро кучларнинг ишини янада енгиллаштирар эди. Шунинг билан бирга (агар Қозоғистон иккиланмаса) бу давлатни ҳам, Ўзбекистонни ҳам мустақамланишига анча ёрдам берарди.

Кавказ давлатларининг келажагида, афтидан, Туркиянинг эволюцияси ва қандай йўлни танлаб олиши муайян аҳамиятга эга бўладиганга ўхшайди. Агар Туркия Оврўпа сари ўз йўлини матонат билан ўтса ва Оврўпа унинг юзига эшигини ёпиб қўймаса, Кавказ давлатлари ҳам Оврўпа орбитасига тортиладиганга ўхшайдилар, улар эса айни ана шу истиқболга эришмоқни жон-жаҳдлари билан истайдилар. Бироқ ички ёки ташқи сабабларга кўра, Туркияни оврўпалаштириш муваффақиятсиз чиқса, унда Гуржистон билан Арманистонда Россиянинг манфаатларига мослашишдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолда уларнинг келажаги Россиянинг тобора кенгайиб бораётган Оврўпа билан муносабатларига боғлиқ бўлиб қолади.

Эроннинг роли масаласи янада чалкашроқ бўладиганга ўхшайди. Ғарбпарастлик мавқеига қайтилса, шубҳасиз, бу минтақадаги барқарорликни таъминлаган бўларди, ундаги кучларнинг жипслашувига ҳам йўл очарди, шунинг учун стратегик нуқтаи назардан Америка учун Эроннинг хатти-ҳаракатларидаги бундай бурилишга ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо бу рўй бермагунга қадар Эрон, ҳар ҳолда, салбий рол ўйнашда давом этса керак. У Озарбайжоннинг истиқболига анчагина номақбул

таъсир кўрсатишда давом этади. Ўрта Осиёда диний меросни идрок этиш жараёнини кучайтирувчи бугунги фундаментализмнинг мавжудлигига қарамай, Эрон қолган жаҳон учун Туркманистонни очиб беришга ўхшаган ижобий қадамлар қўяётган бўлса-да, аҳвол унча ўзгаргани йўқ.

Охир-пировардида Ўрта Осиёнинг келажаги янада мураккаброқ вазиятлар ичида шаклланидиган кўринади. Бунда Ўрта Осиё давлатларининг шаклланишига ва тақдирига Россия, Туркия, Эрон ва Хитой манфаатларининг ўзаро чатишиб кетган муносабатлари таъсир кўрсатади. Табиийки, Қўшма Штатлар Россияга муносабатларини унинг янги мустақил давлатларга ҳурмати даражасига нечоғлиқ боғлиқ қилиб қўйиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Бундай ўзаро алоқаларнинг чинлиги ҳар қандай манфаатдор геостратегик сиймо томонидан империя ёки монополияни муҳим геостратегик мақсад сифатида танлаб олишни соқит қилади. Бунинг ўрнига бошқа бир танлов кўндаланг бўлмоғи мумкин. Бу — бир томондан, омонатгина минтақавий мувозанат (бу мувозанат мазкур минтақани аста-секин туғилиб келаётган глобал иқтисодиёт қаторига жалб қилиши мумкин, бу вақт мобайнида эса минтақадаги давлатлар тобора жипслаша бормоқлари ва ҳатто борган сари аниқ ифодаланидиган исломий белгилар касб этиб бормоғи мумкин), иккинчи томондан, этник конфликтлар, сиёсий парчаланишлар ва ҳатто Россиянинг жанубий чегаралари бўйлаб ошкора тўқнашувлардир. Ана шу минтақавий мувозанатга эришиш ва уни мустаҳкамлаш АҚШнинг Евросиёга нисбатан кенг қамровли геостратегиясининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### УЗОҚ ШАРҚДАГИ КУЧЛИ НУҚТА

**А**мериканинг Евросиёга нисбатан самарали сиёсати Узоқ Шарқда ўз ўрнини муқим эгаллаши билан белгиланади. Агар Америка Осиё қитъасидан чиқариб юборилса ёки ўзи ундан чиқса, бу эҳтиёж қондирилмайди. АҚШнинг минтақавий сиёсати учун денгиз кучлари Япония билан яқин муносабатлар муқим аҳамият касб этиб, шу билан бирга, Америка Евросиё геостратегияси учун Хитой материги билан самарали ҳамкорликка муҳтож. Бу вазиятнинг ҳақиқатан ҳам мумкин бўлган оқибатларини ёдда тутиш керакки, ҳозирги вазиятда Узоқ Шарқда учта асосий ўзаро таъсир мавжуд: Америка, Хитой ва Япония потенциал хавfli минтақавий можарони яратади ва деярли катта геосиёсий ўзгаришларни келтириб чиқариши муқаррар.

Тинч океани бўйлаб жойлашган Хитой учун Америка табиий иттифоқчи бўлиши керак. Зеро Осиё қитъасига нисбатан режаларга эга бўлмаган Америка заиф Хитойга тажовузкор бўлган Япония ва Россияга тарихдан қаршилик кўрсатиб келган. Япония Хитойга ўтган аср давомида асосий душман эди. Хитой ҳар доим «оч ҳудуд» (хитой тилида) ҳисобланмиш Россияга ишонмаган; Ҳиндистон айна пайтда унинг учун потенциал рақибга айланмоқда. Шундай қилиб, «қўшнимнинг қўшниси менинг иттифоқчим» тамойили Хитой ва Америка ўртасидаги геосиёсий ва тарихий муносабатларга жуда мос келади.

Бироқ Америка энди Япониянинг океан ортидаги

рақиби бўлмай, аксинча, Япония билан яқин иттифоқчилик алоқаларини сақлайди. Америка Тайван ва жануби-шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари билан ҳам мустақкам алоқаларга эга. Бундан ташқари, хитойликлар Америка доктринасида амалдаги Хитой режимининг ички характери ҳақидаги мулоҳазаларига нисбатан сезгир. Шундай қилиб, Америка Хитойнинг нафақат дунё устидан, балки минтақада ҳам ҳукмронлик қилиш истагига катта тўсиқ сифатида қарайди. Натижада АҚШ ва Хитой ўртасидаги тўқнашув муқаррар бўлиб қоладими?

Япония учун Америка «соёбон» вазифасини ўтади, унинг соёси остида мамлакат ҳалокатли мағлубиятдан сўнг хотиржам тикланди, иқтисодий ривожланиш суръатини олди ва шу асосда аста-секин дунёнинг етакчи давлатларидан бирига айланди. Бироқ бу соёнинг мавжудлиги ҳақиқатда Япониянинг ҳаракат эркинлигини чеклаб қўяди. Бу эса жаҳон даражасидаги куч бир вақтнинг ўзида кимнингдир ҳимоячиси бўлганида парадоксал ҳолатни келтириб чиқаради. Япония учун айнан Америка унинг халқаро лидерга айланишида муҳим шериги бўлиб қолмоқда. Бироқ Япония ҳали ҳам миллий хавфсизлик мустақиллигига эга эмаслигининг асосий сабаби ҳам айнан Америкадир. Бу ҳолат қанча давом этиши мумкин?

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, яқин келажакда Американинг Евросиё Узоқ Шарқидаги роли асосий аҳамиятга эга ва бу бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган иккита геосиёсий муаммо билан белгиланади:

1. Америка нуқтаи назаридан, Хитойнинг ҳукмрон минтақавий кучга айланиши амалий жиҳатдан қанчалик мақбул ва унинг жаҳон қудрати мақомига бўлган интилиши қанчалик реалдир?

2. Япониянинг ўзи жаҳонда глобал рол ўйнашга интилаётган бир пайтда, муқаррар равишда Америка протекторати мақомини қабул қилишни истамаслигининг минтақавий оқибатларини Америка қандай ҳал қила олади?

Шарқий Осиёдаги геосиёсий вазият ҳозирги вақтда мамлакатлар ўртасидаги барқарор муносабатлар билан ажралиб туради. Барқарорлик нисбатан кам эгилувчанлик билан ташқи барқарорлик ҳолатини таъминлайди ва бу жиҳатдан пўлатдан кўра темирга хослиги характерланади. У кучли, ўткир зарба натижасида вайрон қилувчи занжирли реакцияга қарши ҳимоясиз. Узоқ Шарқ бугунги кунда сиёсий ноаниқлик кучайиши билан бир қаторда ғайриоддий иқтисодий динамизм даврини бошдан кечирмоқда. Осиёнинг иқтисодий тараққиёти ноаниқликни келтириб чиқариши мумкин, чунки иқтисодий фаровонлик минтақанинг сиёсий заифлигини, айниқса, миллий амбицияларини кучайтириб, юқори ижтимоий умидларга олиб келади.

Шуни қайд этиш керакки, Осиё бутун инсоният тарихида бўлмаган иқтисодий муваффақиятларга эриша олди. Бу ҳақиқатни яққол кўрсатадиган баъзи асосий статистик маълумотлар бор: бундан қирқ йил камроқ вақт олдин Шарқий Осиёнинг (Япония билан бирга) улуши жаҳон ялпи ички маҳсулотининг атиги 4 фоизини ташкил қилган. Бу вақтда Шимолий Америка дунёда етакчи ўринни эгаллаб, унинг улуши ЯИМнинг 35-40 фоизини ташкил қилган; 90 йилларнинг ўрталарига келиб, ҳар иккала минтақада ҳам бир хил натижаларга эришилди (тахминан 25 фоиз атрофида). Бундан ташқари, Осиё тарихда мисли кўрилмаган ўсиш суръатларига эришди. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, саноатлаштиришнинг дастлабки кунларида жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш учун Буюк Британияга 50 йилдан кўпроқ, Америкага 50 йилдан камроқ вақт кетган бўлса, бу даражага Хитой ва Жанубий Корея тахминан ўн йил ичида эришди. Агар минтақада қандайдир катта ғалаён бўлмаса, Осиё чорак аср ичида ЯИМ бўйича Шимолий Америка ва Европани ортда қолдириши мумкин.

Бироқ Осиёни дунёнинг иқтисодий тортишиш марказига айланганидан ташқари, сиёсий вулқонга ҳам ўхша-

тиш мумкин. Осиё иқтисодий тараққиётда Европани ортда қолдирган бўлса-да, минтақавий сиёсий ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлса, ниҳоятда орқада. Унда кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари йўқ. Бу ҳамкорлик тузилмалари Европанинг сиёсий ландшафтани белгилайди ва энг аъъанавий ҳисобланган ҳудудий, этник ва миллий низоларини сусайтиради, ўзлаштиради ва ўз ичига олади. Осиёда Европа Иттифоқи ёки НАТОга ўхшаш тузилма йўқ. Учта минтақавий ташкилотлардан ҳеч бири ASEAN (жануби-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси), ARF (Осиё минтақавий форуми, ASEAN сиёсати ва хавфсизлиги бўйича мулоқот платформаси) ва АПЕС (Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик гуруҳи) ҳатто Европани бирлаштирадиган кўп томонлама ва минтақавий ҳамкорлик алоқалари тармоғига ҳам яқинлашмайди.

Бошқа томондан, бугун Осиё яқинда уйғонган ва тобора фаоллашаётган оммавий миллатчиликнинг тўпланиш жойига айланган. Оммавий коммуникацияларнинг тўсатдан кириб келишидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий фаровонликнинг ошиши, шунингдек, ижтимоий мақом тенгсизлигининг ортиши натижасида пайдо бўлган ижтимоий умидларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши, аҳолининг тез ўсиши ва урбанизация туфайли сиёсий сафарбарликка кўпроқ мойил бўлиб бормоқда. Бу омиллар Осиёда қурол-яроғ йиғиш миқёси туфайли янада даҳшатли кўринишга келмоқда. 1995 йилда Халқаро стратегик тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, минтақа дунёдаги энг йирик қурол импортчиси бўлиб, бу борада Европа ва Яқин Шарқни ортда қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқий Осиё шу пайтга қадар минтақадаги жадал иқтисодий тараққиёт орқали тинч йўл билан олиб борилаётган кучли фаолият билан машғул. Агарда уларни бирор бир воқеа, ҳеч бўлмаганда нисбатан аҳамиятсиз бўлган ҳодиса қўзғатса, маълум бир вақтда хавфсизлик тиқини эркинликка томон интилган сиёсий қўрқувлар босиб кетиши мумкин. Бундай ҳодисанинг по-

тенциали кўплаб мунозарали масалаларда яширинган, уларнинг ҳар бири демагогик мақсадларда ишлатилиши мумкин ва шунинг учун ҳам портловчи аҳамиятга эга:

- Хитойнинг ўз мавқеини мустаҳкамланиши шароитида тобора гуллаб-яшнаётган Тайван расмий давлат мақомидан миллий давлат сифатида фойдалана бошлагач, унинг мустақил мақомидан норозилиги ошади.


- Жанубий Хитой денгизидаги Парасел ва Спретли ороллари Хитой ва жануби-шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ўртасида денгиз тубининг потенциал қимматли энергия манбаларига кириш учун тўқнашув хавфини туғдиради, Хитой Жанубий Хитой денгизини ўзининг қонуний миллий давлат мулки деб ҳисоблайди.

- Сенкаку ороллари Япония ва Хитой орасида баҳсли (рақиблар Тайван ва Хитой материки бу борада ягона нуқтаи назарни қаттиқ ҳимоя қиладилар) Япония ва Хитой ўртасидаги минтақа ҳукмронлиги учун тарихий рақобати бу масалани ҳам рамзий маънога эга эканлигини кўрсатади.

- Кореянинг бўлиниши ва Шимолий Кореяга хос бўлган беқарорлик, шунингдек, Шимолий Кореянинг ядровий давлат бўлишга интилиши натижасида янада хавфлироқ кўриниш олиб, тўсатдан тўқнашув бўлиши ярим оролни урушга олиб келиши хавфини туғдиради, бу ўз навбатида, АҚШни ва билвосита Японияни можарога жалб қилади.

- 1945 йилда Совет Иттифоқи томонидан бир томонлама равишда тортиб олинган Курил тизмасининг энг жанубий ороллари масаласида ҳали-ҳануз Россия-Япония муносабатларининг фалажланиши ва заҳарланиши давом этмоқда.

- Бошқа яширин ҳудудий-этник можароларга Хитой-Россия, Хитой-Вьетнам, Япония-Корея ва Хитой-Ҳиндистон чегара муаммолари киради. Шинжондаги этник тартибсизликлар ва океан чегаралари бўйича Хитой-Индонезия низолари ҳам мавжуд.



Минтақадаги кучлар тартиботи ҳам мувозанатсиз. Хитой ўзининг ядровий арсеналига ва улкан ҳарбий кучларига эга. У шубҳасиз ҳукмрон ҳарбий кучдир (Жадвалга қаранг). Хитой ҳарбий-денгиз кучлари «фаол қирғоқ мудо-

фааси» стратегик доктринасини қабул қилиб, келгуси 15 йил ичида «биринчи ороллар занжири ичида денгизларни самарали назорат қилиш» учун океан имкониятларини қўлга киритмоқчи, яъни Тайван бўғози ва Жанубий Хитой денгизини. Шубҳасиз, Япониянинг ҳарбий салоҳияти ҳам ўсиб бормоқда ва қурол сифати жиҳатидан бу минтақада тенги йўқ. Ҳозирги вақтда, япон армияси Япония ташқи сиёсатининг воситаси эмас ва асосан АҚШ минтақадаги ҳарбий қисмларининг бир бўлаги сифатида қаралади.

### Осиё давлатлари қуролли кучлари

	Шахсий таркиб	Қирувчи	Танки	Сувости кемалари	Сувости қайиқлари
	Жами	Жами	Жами	Жами	Жами
Хитой	3030000	9400(500)*	5224 (124)	57 (40)	53 (7)
Покистон	57700	1890(40)	336 (160)	11 (8)	6 (6)
Ҳинди-стон	1100000	3500(2700)	700 (374)	21 (14)	18 (12)
Таиланд	295000	633(313)	74 (18)	14 (6)	0 (0)
Сингапур	55500	350(0)	143 (6)	0 (0)	0 (0)
Шимолий Корея	1127000	4200(2225)	730 (136)	3 (0)	23 (0)
Жанубий Корея	633000	1860(450)	334 (48)	17 (9)	3 (3)
Япония	237700	1200(929)	324 (231)	62 (40)	17 (17)
Тайван	442000	1400(0)	460 (10)	38 (11)	4 (2)
Ветнам	857000	1900(400)	240 (0)	7 (5)	0 (0)

Малай-зия	114500	26(26)	50 (0)	2 (0)	0 (0)
Филиппин	106500	41(0)	7 (0)	1 (0)	0 (0)
Индонезия	270900	235(110)	54 (12)	17 (4)	2 (2)

Хитой ўз позициясини мустаҳкамлаши билан жану-би-шарқий Осиёдаги қўшнилари аллақачон унинг манфатларига алоҳида ҳурмат билан қарай бошлашди. Шуни таъкидлаш керакки, 1996 йил бошидаги Тайван билан боғлиқ кичик инқироз пайтида (Хитой маълум даражада ҳарбий маневрлар билан таҳдид қила бошлаган ва Тайван яқинидаги ҳаво ва денгиз йўлларини тўсиб қўйган ва шу тариқа АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг намойишкорона жойлашишига сабаб бўлди). Таиланд Ташқи ишлар вазири бундай ҳаракатлар нормал эканлигини дарҳол эълон қилди, унинг индонезиялик ҳамкасби бу фақат Хитой масаласи эканлигини таъкидлади, Филиппин ва Малайзия бу борада бетарафлик сиёсатини эълон қилди.

Минтақадаги кучлар мувозанати, илгари бир-биридан жуда эҳтиёткор бўлган Австралия ва Индонезияни ҳарбий соҳада фаолроқ ҳамкорликни бошлашга мажбур қилди. Иккала давлат ҳам Хитойнинг минтақадаги ҳарбий ҳукмронлигининг узоқ муддатли истиқболлари ва АҚШнинг минтақадаги хавфсизликни кафолатловчи ҳарбий кучларининг сақлаб қолиниши зарурлигидан ўз хавотирларини яширишмади. Бу хавотирлар, шунингдек, Сингапурни ушбу давлатлар билан хавфсизлик соҳасида яқинроқ ҳамкорликка ундади. Амалда бутун минтақада стратеглар сўрайдиган асосий, аммо ҳали жавобсиз саволи мавжуд: «Қачонгача юз минглаб америкалик аскарлар дунёнинг энг гавжум ва қуролланаётган минтақасида тинчликни таъминлай олади ва улар қачонгача минтақада қолади?»

Миллатчилик, аҳоли сонининг кўпайиши, фаровонликнинг ошиши, ҳокимиятга бўлган умид ва рақобатнинг кучайиши билан ажралиб турадиган бу беқарор муҳитда, Шарқий Осиёнинг геосиёсий ландшафтида ҳақиқатан ҳам тектоник ўзгаришлар юз бермоқда:

- Хитой, унинг истиқболи қандай бўлишидан қатъи назар, пайдо бўлаётган ва потенциал ҳукмрон кучдир.
- Американинг хавфсизлик роли Япония билан ҳамкорликка боғлиқ.
- Япония аниқроқ ва мустақилроқ сиёсий ролни таъминлаш имкониятларини қидирмоқда.
- Россиянинг роли сезиларли даражада камайди, бир пайтлар руслар ҳукмрон бўлган Марказий Осиё халқаро рақобат объектига айланди.
- Кореянинг бўлиниши кучсиз ҳолга келмоқда, натижада унинг келгуси йўналиши асосий қўшнилариининг геостратегик қизиқишини оширади.

Бу катта ўзгаришлар боб бошидаги иккита асосий масалани ёритиб беради.

### **ХИТОЙ: ГЛОБАЛ ЭМАС, МИНТАҚАВИЙ КУЧ**

Хитой тарихи миллий буюкликнинг бир мисолидир. Хитой халқининг ҳозирги фаол миллатчилигини фақат унинг ижтимоий тарқалиши маъносида янгилик деб аташ мумкин. Бу эса хитойликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ҳиссиётлари билан боғлиқ. Миллатчилик энди бу асрнинг бошларида Гоминдан ва Хитой коммунистик партияларининг олдинги аъзоларига айланган талабалар орасида кенг тарқалган ҳодиса эмас. Хитой миллатчилиги ҳозирги кунда дунёдаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлатнинг менталитетини белгилайдиган оммавий ҳодисадир.

Бу муносабатлар чуқур тарихий илдишларга эга. Тарих Хитой элитасини Хитойни дунёнинг табиий маркази деб билишга ундади. Хитой тилида Хитой (Чунг-куо ёки «Ўрта

қироллик») сўзи ўзининг дунё сиёсатидаги марказий мавқеини билдиради ва миллий бирлик аҳамиятига эътибор беради. Бу шунингдек, таъсирнинг марказдан периферияга иерархик равишда тарқалишини назарда тутаяди ва шу тариқа Хитой марказ сифатида бошқа мамлакатлар томонидан алоҳида ҳурмат ва эътибор кутади.

Қолаверса, қадим замонлардан буён кўп сонли аҳолиси бўлган Хитой ўзига хос ва мавқели цивилизацияга эга эди. Барча соҳалар яхши ривожланган: фалсафа, маданият, санъат, ижтимоий одатлар, техник зукколик ва сиёсий ҳокимият. Хитойликлар хотирлашадики, улар тахминан 1600 йилгача қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги, саноат инновациялари ва турмуш даражаси бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган. Аммо 75га яқин мамлакатлар пайдо бўлган Европа ва ислом тамаддунларидан фарқли ўлароқ ўз тарихининг кўп қисмида Хитой ягона бирлашган давлат бўлиб қолди. У ҳали Америка мустақиллиги эълон қилинган даврда 200 миллиондан зиёд аҳолига эга бўлиб, дунёдаги етакчи саноат қудрати бўлган эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хитойнинг ўз буюклигини йўқотиши охириги 150 йиллик сарсон-саргардонликлари туб бурилиши бўлиб, Хитойнинг алоҳида мавқеини камситилиши ва ҳар бир хитойликнинг шахсий ҳақорат қилинишига тенг ҳодисадир. Бундай ҳолат бўлмаслиги керак ва унинг айбдорлари тегишли жазога лойиқдир. Бу айбдорлар, ҳар хил даражада, биринчи навбатда Буюк Британия, Япония, Россия ва Америка ҳисобланади: Буюк Британия «афюн» урушлари ва ундан кейинги Хитойнинг шармандали таҳқирланиши туфайли; Япония ўтган аср давомида тўхтамаган ва хитой халқига даҳшатли (ҳали ҳам йўқолмаган) азоб-уқубатларни келтирган урушлар туфайли; Россия Хитойнинг шимолий ҳудудларига узоқ вақт бостириб киргани, шунингдек, Сталиннинг Хитойнинг қадр-қимматига бепарволиги туфайли; ва ниҳоят, Амери-

канинг Осиёда мавжудлиги ва Японияни қўллаб-қувватлаши Хитойнинг ташқи интилишларини амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Хитой нуқтаи назаридан бу тўрт ҳокимиятнинг иккитаси аллақачон ўз жазосини олган: Буюк Британия империяси барҳам топди ва Гонконгда “Union Jack” байроғининг туширилиши Хитой тарихидаги ушбу оғриқли бобни абадий ёпди. Россия ўз позициясини, обрўсини ва ҳудудини сезиларли даражада йўқотган бўлса-да, ҳали ҳам яқин ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Хитой учун энг жиддий муаммолар Америка ва Япония бўлиб, Хитойнинг минтақавий ва глобал роли, асосан, шу давлатлар билан ўзаро алоқада аниқланади.

Бироқ бу таъриф, биринчи навбатда, Хитойнинг ўзи қандай ривожланишига, у қанчалик кучли иқтисодий ва ҳарбий қудратга айланишига боғлиқ. Бу кўрсаткич бўйича Хитой учун прогнозлар, асосан, истиқболли, гарчи бу ерда ҳеч қандай муҳим шартлар ва ноаниқликлар бўлмаса ҳам. Хитойнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳам, хорижий инвестицияларнинг миқёси ҳам дунёдаги энг юқори кўрсаткичлар Хитой тахминан йигирма йил ичида АҚШ ва Европага тенг келадиган глобал кучга айланишини анъанавий башорат қилиш учун статистик асосни тақдим этади (агар охиригиси ҳам бирлашса ва янада кенгайса). Бу вақтга келиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Хитой Японияни анча ортда қолдириши мумкин ва у аллақачон Россиядан анча олдинда. Бу иқтисодий туртки Хитойга шундай даражадаги ҳарбий кучга эга бўлишга имкон берадики, у барча қўшниларига, эҳтимол Хитойнинг интилишларига географик жиҳатдан узоқроқ бўлган рақибларига ҳам таҳдид солиши мумкин. Гонконг ва Макаонинг қўшилиши ва эҳтимол, Тайваннинг сиёсий бўйсунуши, Хитойнинг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олишига, нафақат Узоқ Шарқнинг ҳукмрон давлатига, балки биринчи даражали

жаҳон кучига айланишига имкон беради.

Бироқ «Ўрта қироллик» нинг марказий жаҳон қудрати сифатида муқаррар равишда қайта тикланиши ҳақидаги ҳар қандай башоратда камчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг яққоллари статистик прогнозга механик боғлиқликдир. Айнан мана шу хато кўп йиллар олдин Япония АҚШни ортда қолдириб, иқтисодий жиҳатдан ривожланган етакчи давлат сифатида ва янги супер кучга айланиши ҳақида прогноз қилганлар томонидан бўлган. Бу нуқтаи назар Япониянинг иқтисодий заифлигини ҳам, сиёсий ўзлуксизлик муаммосини ҳам оқламади ва Хитойнинг муқаррар равишда жаҳон қудратига айланиши ҳақида эълон қилганлар (ва бундан қўрққан ҳолда) худди шу хатони такрорлайдилар.

Биринчидан, Хитой келгуси йигирма йил ичида кучли ўсишни сақлаб қолиши талаб этилмайди. Иқтисодий ривожланиш суръатларининг пасайиш эҳтимолини истисно қилиб бўлмайди ва бу ўз-ўзидан прогноз ишончилигини пасайтиради. Аслида, бу тезликни тарихдан узоқ вақт давомида сақлаб қолиш учун самарали миллий етакчилик, сиёсий барқарорлик, ички ижтимоий интизом, юқори даражадаги жамғарма, жуда юқори хорижий сармоя ва минтақавий барқарорликнинг ғайриоддий муваффақиятли комбинацияси талаб қилинади. Бу ижобий омилларнинг узоқ вақт сақланиб қолиши муаммоли.

Бундан ташқари, Хитойнинг кучли иқтисодий ўсиши, унинг ҳаракат эркинлигини чеклаши мумкин бўлган сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хитойнинг энергия истеъмоли аллақачон маҳаллий ишлаб чиқариш қувватидан анча юқори тезликда ўсиб бормоқда. Бу фарқ барибир кенгайди, лекин Хитойнинг иқтисодий ўсиши жуда юқори даражада қоладиган бўлса, у тезлашади. Худди шундай ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам содир бўлди. Ҳатто демографик ўсишнинг пасайишига қарамай, Хитой

аҳолиси мутлақ ўсишда давом этиб, озиқ-овқат импорти мамлакат фаровонлиги ва сиёсий барқарорлик учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Импортга қарамлик нафақат нархларнинг кўтарилиши орқали Хитойнинг иқтисодий ресурсларига босимни кучайтиради, балки уни ташқи босимларга нисбатан ҳимоясиз қилади.

Ҳарбий жиҳатдан Хитойни қисман жаҳон қудрати деб аташ мумкин. Чунки иқтисодиётининг кенг кўлами ва юқори ўсиш суръатлари раҳбариятга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг муҳим қисмини қуролли кучларни сезиларли даражада кенгайтириш ва модернизация қилишга йўналтириш, шу жумладан, стратегик ядро арсеналини янада кучайтиришга имкон бериши керак эди. Аммо агар ҳаракат ҳаддан ташқари кўп бўлса ва баъзи ғарб ҳисоб-китобларига кўра, 90-йилларнинг ўрталарида Хитой ялпи ички маҳсулотининг қарийб 20 фоизи шу эҳтиёжларга тўғри келган бўлса, худди Совет Иттифоқининг АҚШ билан қуролланиш пойгасида рақобатлашишга уриниши унинг иқтисодиётига таъсир кўрсатгани каби бу Хитойнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, Хитойнинг бу соҳадаги фаоллиги, эҳтимол, Япониянинг жавоб қуроллари тўпланишини тезлаштиради ва шу тариқа Хитойнинг ўсиб бораётган ҳарбий устунлигининг сиёсий афзалликларини камайтиради. Шунини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, Хитой ядровий кучлари бундан мустасно, эҳтимол, бир мунча вақт ўз ҳудудидан ташқарида ҳарбий таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлмайди.

Хитой ичидаги кескинликлар, асосан, қирғоқ бўйидаги давлатларнинг афзалликларидан чексиз фойдаланиш орқали вужудга келган ва унга кўра тезлаштирилган иқтисодий ўсишнинг муқаррар равишда нотекис табиати натижасида ортиши мумкин. Хитойнинг қирғоқ бўйидаги жанубий ва шарқий ҳудудлари, шунингдек, йирик шаҳар

марказлари хорижий сармоялар ва ташқи савдо Хитойнинг таъсирчан иқтисодий ўсишида муҳим рол ўйнади. Бундан фарқли ўлароқ ички қишлоқ хўжалиги ҳудудлари ва баъзи олис ҳудудлар умуман ривожланишда орқада қолмоқда (уларда қишлоқ хўжалигида 100 миллионга яқин ишсизлар бор ва бу рақам ўсишда давом этмоқда).

Турли соҳалардаги тенгсизликдаги норозиликларни, ижтимоий тенгсизликдаги норозиликлар босиб кетиши мумкин. Хитойнинг жадал ривожланиши ижтимоий тенгсизликни кучайтирмоқда. Қачондир ҳукумат бу тенгсизликни чеклашга уриниши мумкинлиги ёки пастдан ижтимоий норозиликнинг намоён бўлиши, айрим ҳудудлар ривожланишидаги ва турмуш даражасидаги тенгсизлик, ўз навбатида, мамлакатдаги сиёсий барқарорликка таъсир қилиши мумкин.

Кейинги чорак асрда Хитой дунё сиёсатида ҳукмрон кучга айланади, дея кенг тарқалаётган прогнозга ҳушёрлик билан шубҳа билдиришининг иккинчи сабаби, бу – Хитойнинг кейинги сиёсий ривожланишининг узоққа боришини англатади. Хитой иқтисодий ўзгаришининг динамик табиати, шу жумладан унинг дунёнинг қолган қисмига ижтимоий очиқлиги, узоқ муддат давомида нисбатан ёпиқ ва бюрократик бўлган қаттиқ коммунистик диктатурага зид кела бошлайди. Бу диктатуранинг эълон қилинган коммунистик мақсадлари борган сари мафкуравий мажбуриятдан воз кечиб, тобора бюрократик аппаратнинг мулкий манфаатлари масаласига айланиб бормоқда. Хитойнинг сиёсий элитаси ҳанузгача автоном, қатъий, интизомли ва монополистик, тоқат қилмайдиган иерархия сифатида ташкил этилган бўлиб, ҳанузгача ўз кучини оқлайдиган, лекин ўша элита ижтимоий жиҳатдан мажбурламайдиган догмага содиқлигини эълон қилмоқда. Хитойнинг сиёсий ҳаёти аста–секин иқтисодиётнинг ижтимоий мажбуриятларига мослаша бошламаса, ҳаётнинг бу икки ўлчови фронтал тўқнашувга учрайди.

Демак, Хитой агарда бирданига 1474 йилдаги каби қарорни қабул қилмаса, яъни Шимолий Корея каби қайсидир даражада ўзини дунёдан яққалаб қўймаса, демократлаштириш масаласини абадий четлаб ўтиш мумкин бўлмайди. Бунинг учун Хитой ҳозирда Америкада таҳсил олаётган юз мингга яқин талабаларини чақариб олиши, чет эллик ишбилармонларни ҳайдаб чиқариши, компьютерларини ўчириб қўйиши ва миллионлаб хитойлик ўйлардан сунъий йўлдош антенналарини олиб ташлашлари керак бўлади. Бу ақлдан озиш, яъни ўтган асрнинг 60-йилларидаги хитойча “маданий инқилоб”ни эслатган бўларди.

Қандайдир қисқа вақт ичида ҳокимиятнинг догматик қаноти учун ички курашлар бўлиши билан Хитой Коммунистик партияси ўз позициясини йўқотиб қўйиши, Шимолий Кореядан ўртак олишга ҳаракат қилиши мумкин. Лекин бу фақат қисқа бир эпизод сифатида намоён бўлиши мумкин. Катта эҳтимол билан бу иқтисодий турғунлик ва охир-оқибат сиёсий портлашга сабаб бўларди.

Қандай бўлмасин, ўз-ўзини изоляция қилиш Хитойнинг нафақат жаҳон қудратига айланиш, балки минтақада етакчи ўринлардан бирини эгаллаш ҳақидаги жиддий умидларига барҳам беради. Бундан ташқари, мамлакат дунёга кириб боришни давом эттиришдан жуда манфаатдор ва бу дунё 1474 йилги дунёдан фарқли ўлароқ ундан муваффақиятли ажралиб чиқиш учун жуда тажовузкор. Натижада, Хитой дунёга очиклигини сақлаб қолишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва сиёсий жиҳатдан муқобилига деярли эга эмас.

Демак, Хитойни демократлаштириш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Бу жараёндан ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолардан узоқ вақт қочишнинг иложи йўқ. Хитойнинг келажакдаги тараққиёти ва дунёнинг асосий кучларидан бирига айланиши кўп жиҳатдан унинг

хукмрон элитаси ўзаро боғлиқ бўлган иккита муаммони моҳирлик билан ҳал қила олишига боғлиқ бўлади, яъни ҳокимиятни ҳозирги авлод бошқарувидан ёш жамоага ўтказиш муаммоси ва мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тизимлари ўртасидаги тобора кучайиб бораётган қарам-қаршилиқни ҳал қилиш муаммоси.

Хитой раҳбарлари жуда чекланган сайлов авторитаризмига секин ва босқичма-босқич ўтиши, баъзи паст даражадаги сиёсий танловларга бағрикенглик билан ва шундан кейингина ҳақиқий сиёсий плюрализмга қадам қўйиши мумкин. Шу жумладан, конституциявий бошқарувга катта эътибор қаратиш лозим. Бундай назоратдаги ўтиш, партиянинг ягона сиёсий ҳокимият монополлигини сақлаб қолишдан кўра очиқ иқтисодиётнинг талабларига кўпроқ мос келади.

Бундай бошқарувдаги демократлаштиришни амалга ошириш учун Хитойнинг сиёсий элитаси ўта моҳир раҳбарлик, прагматик ақл, нисбий бирдамлик ва ҳокимият (ва шахсий имтиёз) монополиясидан воз кечишга тайёр бўлиш керак, шу билан бирга, оддий аҳоли сабрли бўлиши ва ортиқча талабчан бўлмаслиги керак. Бундай қулай шароитларнинг комбинациясига эришиш қийин. Тажриба шунни кўрсатадики, сиёсий жиҳатдан ўзини ночор ҳис қилганлардан (зиёлилар ва талабалар) ёки иқтисодий эксплуатациядан (янги шаҳар ишчилар синфи ва қишлоқ камбағаллари) пастдан демократлаштириш талаби ҳукмдорларнинг муросага келиш истагидан устун туради. Қачондир сиёсий ва ижтимоий муҳолифат демократияни, сўз эркинлигини ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб қиладиган кучларни бирлаштириши эҳтимолдан йироқ эмас. Бу 1989 йилда Тиананмен майдонида кузатилмаган, лекин кейинги сафар содир бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Хитой сиёсий беқарорлик босқичидан қочиб қутула олмайди. Мамлакатнинг катталиги, минтақа-

вий қарама-қаршиликлар ўсишининг ҳақиқий эҳтимоли ва қарийб 50 йиллик догматик диктатуранинг меросини ҳисобга олсак, бу босқич ҳам сиёсат, ҳам иқтисодийёт нуқтаи назаридан ҳалокатли бўлиши мумкин. Ҳатто Хитой раҳбарларининг ўзи ҳам шунга ўхшаш нарсани кутишмоқда, чунки 1990 йилларнинг бошларида Хитой коммунистик партияси томонидан ўтказилган тадқиқот жиддий сиёсий тартибсизликлар бўлишини тахмин қилганди. Баъзи хитойлик экспертларнинг тахмин қилишича, Хитой тарихий ички парчаланиш доираларидан бирида бўлиши, бу эса охир-оқибат буюклик сари боришни тўхтатиши мумкин. Бироқ воқеаларнинг бундай кескин бурилиши, эҳтимолий оммавий миллатчилик ва замонавий коммуникацияларнинг икки томонлама таъсири тўфайли камаяди, чунки иккаласи ҳам ягона Хитой давлати учун ишлайди.

Ниҳоят, Хитойнинг кейинги йигирма йил ичида ҳақиқатан ҳам қудратли ва баъзи америкалик тадқиқотчилар фикрига кўра, аллақачон хавfli бўлган, жаҳон қудратига айланиши мумкинлигига шубҳа билан қарашнинг учинчи сабаби бор. Ҳатто Хитой катта сиёсий инқирозлардан қутулса ҳам ва чорак аср давомида қандайдир ҳолатда иқтисодий ўсишнинг жуда юқори суръатларини сақлаб тура олса ҳам, бу шартларнинг иккаласини бажариш қийин бўлган тақдирда ҳам мамлакат бошқа давлатларга қараганда жуда қашшоқ бўлиб қолади. Хитой халқининг катта қисми қашшоқлигини инobatга олмаганда, ялпи ички маҳсулот 3 баробар ошган тақдирда ҳам, Хитой аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича жаҳон давлатларининг охириги қаторида қолади. Аҳоли жон бошига телефонлар, автомобиллар ва компьютерлардан фойдаланишнинг таққослаш даражаси истеъмол товарларини ҳисобга олмаганда, жуда паст бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, 2020 йилларга келиб, ҳатто энг қулай шароитда ҳам, Хитой асосий кўрсаткичлар бўйича

ҳақиқий глобал кучга айланиши эҳтимолдан йироқ эмас. Аммо бу вазиятда ҳам мамлакат Шарқий Осиёда ҳукмрон минтақавий кучга айланиш учун муҳим қадамлар ташламоқда. Хитой аллақачон материкда геосиёсий жиҳатдан энг нуфузли давлат. Унинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини Ҳиндистондан ташқари бошқа энг яқин қўшниларининг имкониятлари билан солиштириб бўлмайди. Шу сабабли Хитой ўзининг тарихи, географияси ва иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, минтақадаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бориши табиий.

Хитойлик талабалар тарихдан биладиларки, 1840 йилларда Хитой империяси Малакка бўғози бўйлаб, жануби-шарқий Осиёга, шу жумладан, Бирма (ҳозирги Бангладеш) ҳудудлари, шунингдек, Непал (ҳозирги Қозоғистон) ҳудудлари бўйлаб чўзилган, бутун Мўғулистон ва бошқа (Бу минтақа энди Амур океани билан туташадиган жойнинг шимолида Россия Узоқ Шарқи деб аталадиган (1-бобнинг 3-харитасига қаранг) ҳудудлар ё Хитой назорати остида ёки Хитойга ўлпон тўлашарди. 1885-1895 йилларда француз-инглиз мустамлакачилигининг кенгайиши Хитойнинг жануби-шарқий Осиёдаги таъсирини заифлаштирди, 1858 ва 1864 йилларда Россия томонидан тузилган шартномалар шимоли-шарқда ва шимоли-ғарбда ҳудудий йўқотишларга олиб келди. 1895 йилда Хитой-Япония урушидан кейин Тайванни ҳам бой берди.

Тарих ва география, албатта, вақт ўтиши билан хитойликларни Тайванни материк Хитой билан бирлаштириш зарурати тўғрисида тобора қаттиқроқ ва ҳатто ҳиссий жиҳатдан мажбурлаб қўяди.

Гонконгнинг иқтисодий қарам қилиниши ва сиёсий «ҳазм қилиниши»дан сўнг Хитой ўз қудрати ошгани сайин, буни кейинги асрнинг биринчи ўн йиллигининг асосий вазифасига айлантиради, деб тахмин қилиш ўринли бўлади. Балки тинч бирлашиш, айтайлик, «бир миллат

бир неча тизимлар» формуласига кўра 1984 йилда Ден Сяопин илгари сурган шиорнинг варианти: «бир мамлакат икки тизим» Тайван учун жозибали бўлади ва агар Хитой иқтисодий ўсишни сақлаб қололса ва муҳим демократик ислохотларни амалга оширса, Америка томонидан этироз билдирилмайди. Акс ҳолда, минтақадаги ҳукмрон Хитой ҳам ўз ҳарбий воситаларини сафарбар қилолмайди, айниқса АҚШнинг қаршиликка қарши, бу ҳолда муаммо Хитой миллатчилигини кучайтириб, АҚШ-Хитой муносабатларини заҳарлайди.

Яна бир географик фактор Хитойнинг Покистон билан иттифоқ тузиши ва Бирмада ҳарбий иштирокини таъминлашдан манфаатдорлиги Хитой учун муҳим таркибий қисмдир. Иккала ҳолатда ҳам Ҳиндистон геостратегик мақсад ҳисобланади. Хитойнинг Покистон билан яқин ҳарбий ҳамкорлиги Ҳиндистоннинг хавфсизлик муаммоларини мураккаблаштиради ва унинг Жанубий Осиёда етакчи ва Хитойнинг геосиёсий рақиби бўлиш имкониятини чеклайди. Бирма билан ҳарбий ҳамкорлик, Ҳинд океанидаги бу давлатнинг бир неча қирғоқ оролларидаги ҳарбий объектларга киришга сўнгги имконни ва шу орқали унга умуман жануби-шарқий Осиёда ва хусусан, Малакка бўғозида янги стратегик дастакларни тақдим этади. Агар Хитой Малакка бўғози ва Сингапурдаги геостратегик “артерия”ни назорат қилса, Япониянинг Яқин Шарқ нефти ва Европа бозорларига бўлган муносабатини ўз назорати остида ушлаб турарди.

Тарих билан тасдиқланган географик омил Хитойнинг Кореяга бўлган қизиқишини белгилайди. Бир пайтлар Хитойга ўлпон тўловчи давлат бўлган бирлашган Корея-Америка таъсир зонаси сифатида (ва билвосита японларнинг ҳам) Пекин учун чидаб бўлмас зарба бўлади. Ҳеч бўлмаганда, бирлашган Корея Хитой ва Япония ўртасида нейтрал тампон бўлиши керак. Бундан ташқари, Хитой Коре-

янинг Японияга нисбатан тарихий душманлигига таяниб, Кореяни ўз таъсир доирасига тортади. Ҳозирча бўлиниб кетган Корея Хитойга кўпроқ мос келади ва шунинг учун ҳам Хитой Шимолий Корея режимини сақлаб қолиш тарафдори бўлиши мумкин.

Иқтисодий мулоҳазалар, шунингдек, амбицион минтақавий дизайнларнинг фаол намоён бўлишига таъсир қилади. Шу муносабат билан янги энергия манбаларига бўлган эҳтиёжнинг тез ўсаётганлиги Хитойни, Жанубий Хитой денгизидаги конларни минтақа давлатлари томонидан эксплуатация қилишда етакчи ўринни эгаллашга мажбур қилди. Худди шу сабабга кўра, Хитой ресурсларга бой Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигига тобора кўпроқ қизиқа бошлади. 1996 йил апрелда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегара ва хавфсизлик тўғрисида қўшма битим имзоладилар ва ўша йилнинг июл ойида Қозоғистонга ташрифи чоғида раис Сзын Сземин Хитой «Қозоғистоннинг ўз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш ҳаракатларини» қўллаб-қувватлашини кафолатлаган. Юқоридагилар Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсатга фаоллик билан аралашаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Тарих ва иқтисод, бундан ташқари, минтақавийлашган Хитойнинг Россиянинг Узоқ Шарқига бўлган қизиқишини кучайтиради. Расмий чегара Россия ва Хитойни ажратиб тургандан бери бу қизиқиш биринчи маротаба анча динамик ва сиёсий жиҳатдан кучлироқ. Хитойлик муҳожирлар ва савдогарларнинг Россиянинг Узоқ Шарқига кириб бориши аллақачон сезиларли даражада тус олди ва Хитой, Япония ва Корея ҳам муҳим рол ўйнаётган Шимолий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Бу ҳамкорликда ҳозирда Россия анча заиф мавқега эга, Россия узоқ шарқи эса Хитой Манчжурияси билан алоқаларни мустаҳкамлашга тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Худди шу иқтисодий кучлар энди Россиянинг иттифоқчиси бўлмаган ва расмий мустақиллигини Хитой ўзи истамаган ҳолда тан олган Мўғулистон билан муносабатларининг моҳиятини белгилайди.

Хитойнинг минтақавий таъсир доираси бошланғич босқичда. Бироқ унинг таъсир доирасини эксклюзив сиёсий ҳукмронлик зонаси билан, Совет Иттифоқининг Шарқий Европа билан бўлган муносабатларининг табиати билан адаштирмаслик керак. Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан, бу таъсир эркинроқ, сиёсий жиҳатдан эса камроқ монополиядир. Шунга қарамай, турли давлатлар ўз сиёсатини ишлаб чиқишда, минтақадаги ҳукмрон кучларнинг манфаатлари, фикрлари ва қабул қилинган реакцияларини ҳурмат қиладиган географик макон сифатида рол ўйнайди. Мухтасар қилиб айтганда, Хитой таъсир доирасини, аниқроқ қилиб айтганда «ҳурмат соҳаси» деб аташ мумкин. Ҳар қандай муаммо юзага келганда, ушбу ҳудуддаги мамлакатлар пойтахтларида биринчи савол бериладиган майдон тахминан шундай бўлади: «Пекин бу ҳақда нима деб ўйлайди?»

Қуйидаги харитада кейинги чорак асрда Хитойнинг минтақавий устунлик зоналари кўрсатилган, шунингдек, агар Хитой ички ва ташқи тўсиқларга қарамай ўз позициясини ушлаб тура олса, жаҳон қудрати сифатида устунлигини сақлаб қолади. Буюк Хитой минтақада ўзининг таъсири билан Тайван ва Гонконгни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, Сингапур, Бангкок, Куала-Лумпур, Манила ва Жакартадаги ўта бой ва иқтисодий жиҳатдан кучли диаспорасини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ва Марказий Осиёга ҳам, Россиянинг узоқ шарқига ҳам кириб бориши мумкин эди.



Хитой империяси қулашидан тахминан 150 йил олдин ва ҳатто Покистон билан иттифоқ тузиш натижасида ҳам геосиёсий зонасини кенгайтирган бўларди. Хитойнинг қудрати ва обрўси ошгани сайин бошқа мамлакатлардаги бой хитойлар ўз манфаатларини Хитойнинг интилишлари билан белгилайдилар ва шу тариқа Хитой империяси ҳужумининг кучли авангардига айланадилар. Жануби-шарқий Осиё давлатлари Хитойнинг сиёсий ҳис-туйғула-

ри ва иқтисодий манфаатларини ҳисобга олишни оқилона деб билишади ва уларни тобора кўпроқ қабул қилмоқда. Худди шундай, Марказий Осиёнинг ёш давлатлари ҳам Хитойни ўз мустақиллигида ва Хитой-Россия ўртасидаги муносабатларда буфер ролини ўйнайдиган давлат сифатида кўришади.

Хитойнинг жаҳон қудрати сифатида таъсир доираси асосан жанубга чўзилиши мумкин ва Индонезия ҳам, Филиппин ҳам Хитой флотининг Жанубий Хитой денгизидаги ҳукмронлиги билан келишишга мажбур. Бундай даражадаги Хитой Тайван муаммосида АҚШнинг позициясини эътиборсиз қолдирган ҳолда куч билан ҳал қилиш васвасасига тушиши мумкин. Ғарбда Россиянинг собиқ мулкига тажовуз қилишига қаршилик кўрсатишда қатъийлигини кўрсатаётган Марказий Осиё давлати Ўзбекистон Хитойнинг кучлар мувозанатини тенглаштиришини қўллаб-қувватлаши, Туркманистон ҳам худди шундай позицияни эгаллаши мумкин. Хитой, шунингдек, этник жиҳатдан бўлинган ва шунинг учун этник муносабатлар соҳасида янада заиф бўлган Қозоғистонда ўзини кўпроқ ишончли ҳис қилиши мумкин. Ҳақиқий сиёсий ва иқтисодий гигантга айланиб, Хитой Россиянинг Узоқ шарқда ҳам очикроқ сиёсий таъсир кўрсатиши мумкин бўлади ва шу билан бирга, Кореянинг ўз ҳомийлигида бирлашишини қўллаб-қувватлайди (юқоридаги харитага қаранг).

Бироқ Хитойнинг бундай тарқалиши кучли ташқи мухолифатни юзага келтириши мумкин. Олдинги харита шунини кўрсатадики, ғарбда Россия ҳам, Ҳиндистон ҳам Хитойни ўз даъволаридан воз кечишга мажбурлаш учун иттифоқ тузишда етарли геосиёсий сабабларга эга бўлади. Кўриниб турибдики, улар ўртасидаги ҳамкорликка қизиқиш, асосан, Хитой таҳдид солаётган Марказий Осиё ва Покистон минтақаларидан келиб чиқади. Жанубда энг катта қаршилик Ветнам ва Индонезия томонидан бўлади (Эҳтимол Австралиянинг ёрдами билан). Шарқда, эҳти-

мол, Америка Япониянинг ёрдамида Хитойнинг Кореяда устунликка эришиш ва Тайванни куч билан қўшиб олишга уринишларига, Американинг Узоқ Шарқдаги сиёсий мавжудлигини заифлаштирадиган, уни Япониядаги потенциал беқарор ва ягона форпост билан чеклайдиган ҳаракатларига салбий муносабатда бўлади.

Охир-оқибат хариталарда акс эттирилган юқоридаги сценарийларни тўлиқ бажарилиш эҳтимоли нафақат Хитойнинг ривожланишига, балки кўп жиҳатдан АҚШнинг ҳаракатларига ва унинг мавжудлигига боғлиқ. Бизнесдан четда қолган Америка воқеаларни иккинчи сценарийга мувофиқ ишлаб чиқиши мумкин эди. Лекин биринчи сценарийни тўлиқ амалга ошириш учун Қўшма Штатлардан мослашиши ва ўзини тута билиши талаб қилинади. Хитойликлар буни билишади ва шунинг учун Хитой сиёсати биринчи навбатда Қўшма Штатларнинг ҳаракатларига таъсир ўтказишга қаратилган бўлиши керак ва айниқса, АҚШ ва Япония ўртасидаги ўта муҳим алоқаларга, шу билан бирга, Хитойнинг бошқа давлатлар билан муносабатларидаги тактика бу стратегик манфаатларга қараб ўзгариши керак.

Хитой Американи ёқтирмаслигининг асосий сабаби АҚШнинг ҳатти-ҳаракати билан эмас, балки Америка бугун қандай ва қаерда эканлиги билан боғлиқ. Хитой замонавий Американи глобал гегемон деб билади, унинг Япониядаги обрўсига асосланиб, минтақада мавжудлиги Хитой таъсирининг кенгайишига тўсқинлик қилмоқда. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги тадқиқот департаменти ходимининг сўзларига кўра: «АҚШнинг стратегик мақсади глобал ҳукмронликка интилишдир ва улар Европа ёки Осиё қитъасида бошқа йирик давлат пайдо бўлишини қабул қила олмайди. Сабаби бу уларнинг етакчи мавқеига таҳдид солади. Демак, Қўшма Штатлар ўзи ва ривожланиш даражасида бўлгани учун Хитойнинг табиий иттифоқчиси бўлиш ўрнига беихтиёр душманига айланади.

Шу сабабли Хитой сиёсатининг вазифаси Сун Цзининг қадимий стратегик фикрига мувофиқ, Япониянинг яширин минтақавий интилишларини уйғотмасдан, Америка кучидан фойдаланиб, унинг минтақадаги гегемонлигини тинч йўл билан «мағлуб этиш»дир. Охир-оқибат Хитойнинг геостратегияси бир вақтнинг ўзида иккита мақсадни кўзлаши керак, у 1994 йил августда Ден Сяопин томонидан бироз махфий тарзда белгилаб қўйилган: «Биринчиси, гегемонизм ва ҳокимият сиёсатига қарши туриш ва тинчликни ҳимоя қилиш; иккинчиси, янги халқаро сиёсий ва иқтисодий тартибни яратиш». Биринчи мақсад аниқ АҚШ манфаатларига қарши ва Американинг устунлигини камайтиришга қаратилган, шу билан бирга, Хитойнинг иқтисодий қудрати сари олға боришини тўхтатадиган ҳарбий қарама-қаршиликдан сақланиш; иккинчи вазифа Евросиёнинг ғарбий қисмида Европанинг (ёки Германиянинг) ва Узоқ шарқдаги Япониянинг қўллаб-қувватлашига эришиш билан АҚШ бошчилигидаги ҳозирги норасмий иерархияга эга бўлган энг ривожланган давлатларнинг норозилигидан фойдаланиб, дунёдаги кучлар мувозанатини қайта кўриб чиқиш.

Хитойнинг иккинчи мақсади Пекиннинг минтақавий устунликка эришиш йўлларини излашда давом этар экан, энг яқин қўшнилари билан ҳар қандай жиддий можаролардан тийилишдир. Бу, айниқса, Хитой-Россия муносабатларини ўз вақтида йўлга қўйиш демакдир, хусусан, Россия ҳозирги пайтда Хитойдан заифроқ. Шу муносабат билан 1997 йил апрелда иккала давлат ҳам «гегемонизм»ни қоралади ва НАТОнинг кенгайишини «йўл қўйиб бўлмайдиган» деб атади. Бироқ Хитой АҚШга қарши узоқ муддатли ва кенг қамровли Россия-Хитой иттифоқига жиддий ёндашмаса керак. Бу Хитой аста-секинлик билан бўзмоқчи бўлган АҚШ-Япония иттифоқининг чуқурлашишига ва кенгайишига хизмат қилади, шунингдек, Хитойни замонавий технологиялар ва капиталнинг муҳим манба-

ларидан узиб ташлайди.

Россия-Хитой муносабатларида бўлгани каби Хитой учун Покистон ва Бирма билан яқин ҳарбий ҳамкорликни сақлаб турганда ҳам, Ҳиндистон билан ҳар қандай тўғридан-тўғри қарама-қаршилиқдан қочиш қулайдир. Очиқ антагонизм сиёсати Ҳиндистонни Америка билан ҳамкорликни кенгайтиришга ундаб, Россия билан яқинлашишнинг тактик афзалликларини мураккаблаштиради. Ҳиндистон ҳам глобал «гегемония» мавжудлигига қарши чуқур илдиз отган ва маълум даражада ғарбга қарши кайфиятда бўлганлиги сабабли Хитой-Ҳиндистон муносабатларидаги кескинликни пасайтириш ҳам кенгроқ геостратегик спектрга мос келади.

Худди шу мулоҳазалар, одатда, Хитойнинг жануби-шарқий Осиё билан ҳозирги муносабатларига ҳам тегишли. Ҳатто бир томондан Жанубий Хитой денгизига даъволарини эълон қилиш билан бирга, хитойликлар бир вақтнинг ўзида жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари раҳбарлари билан муносабатларни сақлаб қолишади (тарихан Хитойга душман Вьетнамдан ташқари), сўнгги йилларда Малайзия ва Сингапур раҳбарлари томонидан намоиш қилинган ғарбга қарши энг очиқ фикр-мулоҳазалардан (хусусан, ғарб қадриятлари ва инсон ҳуқуқлари масаласида) фойдаланиши мумкин. Улар, айниқса, Малайзия Бош вазири Дотук Маҳатҳирнинг 1996 йил май ойида Токиода бўлиб ўтган форумда очиқчасига АҚШ-Япония хавфсизлик шартномаси зарурлигини оммавий равишда шубҳа остига қўйиш, альянс қайси душмандан ҳимояланиш ниятида эканлигини сўраб, Малайзияга иттифоқчилар керак эмаслигини таъкидлагани ва америкаликларга қарши йўналтирилган очиқдан-очиқ фикрларини мамнуният билан кутиб олишди. Хитойликлар АҚШ позицияси заифлашиши натижасида бу давлатларнинг минтақадаги таъсири автоматик равишда ошишини кутишади.

Худди шундай доимий босим Хитойнинг ҳозирги Тай-

ванга нисбатан сиёсатининг асосий сабабидир. Тайваннинг халқаро мақомига нисбатан муросасиз позицияни эгаллаш шу даражадаки, у барчани Хитой бу масалада жиддий муносабатда эканлигига ишонтириш учун халқаро кескинликни атайлаб кучайтиришга тайёр. 1996 йил мартдаги каби Хитой раҳбарлари ҳозирги вақтда ҳали ҳам ўзларига мос келадиган ечим топа олмаётганликларини англаб етгандек. Улар тушунадиларки, Америка билан куч орқали ҳисоб-китоб қилиш, ўзини ўзи йўқ қиладиган тўқнашувга олиб келади, шу билан бирга АҚШнинг минтақадаги тинчлик гарови ролини кучайтиради. Бундан ташқари, хитойликларнинг ўзлари ҳам тан олишадики, биринчи қадам Гонконгнинг Хитойга қўшилиши бу Буюк Хитойнинг яратилиши ҳақиқатга айланиб кетишини кўп жиҳатдан ҳал қилади.

Хитойнинг Жанубий Корея билан муносабатларида юз бераётган яқинлашиши ҳам асосий кучларни марказий йўналишда жамлай олиш учун қанотлар бўйлаб бирлашиш сиёсатининг бир қисми эканлигини англатади. Хитойнинг тарихи ва оммабоп кайфиятини ҳисобга олсак, Хитой-Корея яқинлашувининг ўзи Япониянинг минтақада ўйнаши мумкин бўлган ролини заифлаштиришга ёрдам беради ва Хитой-(қайта бирлашган ёки ҳали ҳам бўлинган) Корея ўртасидаги анъанавий муносабатларнинг қайта тикланишига йўл очади.

Хитойнинг минтақадаги мавқеини тинч йўл билан муштаҳамлаш орқали мақсадга эришишини енгиллаштириши жуда муҳим, қадимги хитойлик стратег Сун Цзи шундай таърифлаган: *“Американинг минтақадаги кучини шу даражада таназзулга учратиш керакки, заифлашган Америка минтақадаги Хитойни ўз иттифоқчисига айлантириш зарурлигини ва вақт ўтиши билан жаҳоннинг нуфузли давлатига айланган Хитойга шерик бўлишини ҳис қилсин. Бу мақсадни Америка-Япония иттифоқининг мудофаа кўламини кенгайтиришга туртки бермасдан*

*ёки Американинг минтақадаги таъсирини японларга алмаштиришга ундамайдиган тарзда амалга ошириш керак!”*

Асосий мақсадга эришиш учун Хитой АҚШ-Япония му-дофаа ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Хитой 1996 йилнинг бошида АҚШ-Япония ҳамкорлигининг янада тор «Узоқ Шарқ»дан кенгроқ «Осиё -Тинч океани минтақаси» доирасига кенгайиб бораётганидан хавотирда эди. Бун-да нафақат уларнинг манфаатларига тўғридан-тўғри таҳ-дид, балки Қўшма Штатлар ҳомийлигида Хитойни ушлаб туришга қаратилган Осиё хавфсизлик тизимини яратиш учун бошланғич нуқтани кўрди. (Бунда Япония етакчи рол ўйнайди, худди Германиянинг “совуқ уруш” даврида НАТОдаги роли каби). Келишув икки томондан Пекинда Япониянинг келгусида йирик ҳарбий кучга айланишига кўмаклашиш воситаси сифатида қаралди. Эҳтимол у ҳал қилинмаган иқтисодий ва денгиз келишмовчиликлари-ни мустақил равишда бартараф этиш учун кучга таяниши мумкин. Шундай қилиб, Хитой, АҚШни тўхтатиш ва Япо-нияни қўрқитиши, эҳтимол, Осиёда ҳали ҳам кучли бўлган Япониянинг минтақадаги ҳарбий роли ҳақидаги қўрқуви-ни кучайтириши мумкин.

Бироқ узоқ келажакда, Хитойнинг стратегик ҳисоб-ки-тобларига кўра, Америка гегемонлиги ўзини сақлаб қололмайди. Айрим хитойликлар, хусусан, ҳарбийлар Американи муросасиз душман сифатида кўришга мойил бўлса-да, Пекин Америка Японияга ҳаддан ташқари та-яниб, минтақада янада яккаланиб қолишига, шу билан бирга, АҚШ-Япония қарама-қаршиликлари ва америка-ликларнинг япон милитаризмидан қўрқишлари кучайи-шидан ҳам умид қилишмоқда. Бу Хитойга худди аввалги-дек, АҚШ ва СССРни бир-бирига қарши қўйгандек, АҚШ ва Японияни бир-бирига қарши қўйиш имкониятини беради. Пекинга кўра, Америка Осиё-Тинч океани минтақасида ўз

таъсирини сақлаб қолиш учун материк Осиёдаги табиий шеригига мурожаат қилишдан бошқа иложи йўқлигини тушунадиган вақт келади.

### **ЯПОНИЯ: МИНТАҚАВИЙ ЭМАС, ЖАҲОНИЙ КУЧ**

Шундай қилиб, Америка-Япония муносабатларининг қандай ривожланиши Хитой геосиёсий келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 1949 йил Хитой фуқаролар уруши тугагандан сўнг Американинг Узоқ Шарқдаги сиёсати Японияга асосланганди. Аввалига Америка ҳарбий оккупацияси учун макон эди. Эндиликда вақт ўтиши билан, Япония Осиё-Тинч океани минтақасида Америка ҳарбий-сиёсий иштироки учун замин бўлиб келмоқда ва Американинг марказий муҳим глобал иттифоқчиси, айти вақтда эса хавфсизлик протектаратига айланди. Лекин Хитойнинг пайдо бўлиши ўзгарувчан минтақавий вазиятда Америка-Япония яқин муносабатлари қандай давом этади ва нима билан якун топади, деган саволни туғдирди. Япониянинг Хитойга қарши иттифоқдаги роли аниқ бўлиши мумкин эди, лекин Хитой юксалишининг ҳар қандай тарзда таъминланиши, ҳаттоки, Американинг минтақадаги устунлигини камайтирса, бунда Япониянинг роли қандай бўлиши керак?

Хитой сингари Япония ҳам ўзига хос хусусияти ва махсус мақоми чуқур сингдирилган миллий давлатдир. Унинг ажралмас тарихи, ҳаттоки империал мифологияси юқори даражадаги меҳнатсевар ва интизомли япон халқини ўзига хос ва юксак турмуш тарзига эга бўлишга мажбур қилиб қўйди. XIX асрда дунё уни Осиё қитъасида ўз ягоналигини яратишда Европа империяларига тақлид қилишга мажбур қилганда, Япония ажойиб изоляция орқали ҳимояланган. Иккинчи жаҳон уруши ҳалокатидан сўнг япон халқи иқтисодий тикланишнинг бир ўлчовли мақсадига эътибор қаратди, лекин бу ҳам уларга ўз мамлакатининг кенгроқ вазифаси тўғрисидаги мавҳумликлар ноаниқликни келти-

риб чиқарди.

Ҳозирги ҳукмрон Хитойдан америкаликнинг қўрқуви Япония ҳақидаги американча параноясига бирмунча ўхшаб кетади. Японофобия энди синофобияга йўл бўшатди. Атиги ўн йил олдин дунёнинг супер давлати сифатида Япония муқаррар ва яқинлашиб келаётган кўриниши ҳақидаги башоратлар, нафақат, Американи ағдариб ташлашга (ҳатто уни сотиб олишга), балки Америка шархловчиқлар ва сиёсатчилари ўртасидаги ҳақиқий ишлаб чиқариш котежи бўлган “Рах Nirronica” нинг қандайдир бир турини қабул қилдиришга тайёр эди. Аммо бу фикр фақатгина америкаликлар ўртасида эмасди. Кўп ўтмай японларнинг ўзлари ғайратли тадқиқотчиларга айландилар, Япония АҚШ билан юқори технологияли рақобатда устунликка эга бўлиши ва Япония тез орада ахборот империясининг марказига айланиши ҳақидаги тезиснинг энг кўп сотилган серияларини илгари сурдилар, шу вақт мобайнида Америка тарихий йўқотиш ва ўзбошимчалик туфайли гўеки таназулга юз тутди.

Бу юзаки таҳлиллар Япониянинг қанчалик даражада заиф давлат бўлиб қолганлигини яширди. Умуман олганда, глобал барқарорликни эслатиб ўтмаса ҳам, тартибли глобал ресурслар ва савдо оқимининг энг кичик ўзилишларига қарши ҳимоясиздир ва бу ички заифликлар демографик, ижтимоий ва сиёсий заифликларни юзага келишига олиб келди. Япония бир вақтнинг ўзида бой, фаол ва иқтисодий жиҳатдан кучли бўлишига қарамай, минтақавий изоляция қилинган ва сиёсий чегаралангандир. Сабаби унинг хавфсизлиги Япониянинг асосий иқтисодий рақиби сифатида глобал барқарорликнинг асосий сақловчиси бўлган кучли иттифоққа боғлиқлигидир.

Япониянинг ҳозирги позицияси бир томондан дунё миқёсида ҳурматга сазовар иқтисодий куч маркази сифатида бошқа томондан Америка қудратининг геосиёсий ўзайтирилиши сифатида Япония янги авлодлари учун

мақбул бўлиб қолаверади. Энди Иккинчи жаҳон урушидан хавотирланмаган ва уялмаган ҳам тарихий, ҳам ўзини-ўзи ҳурмат қилиш сабабларига кўра, Япония глобал статус-кводан тўлиқ қониқмайдиган давлатдир, гарчи Хитойга қараганда анча пастроқ бўлса ҳам. У ўзини жаҳон қудрати сифатида расман тан олиш ҳуқуқига эга эканини, лекин минтақадаги хавфсизлик (ва Осиёдаги қўшинларига ишонтириш) Америкага боғлиқлиги ва эътиборга тўсқинлик қилаётганини билади.

Бундан ташқари, Хитой Осиё қитъасида кучайиши ва унинг таъсири яқин орада Япония учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлган денгиз ҳудудларига тарқалиши эҳтимоли билан бирга Япониянинг геосиёсий келажаги ҳақида ноаниқлик ҳиссини кучайтиради. Бир томондан, Япония Хитой билан кучли, маданий ва ҳиссий ўзига хосликка эга, шунингдек, умумий Осиё ўзига хослигининг яширин ҳисси ҳам мавжуд. Баъзи японлар кучли Хитойнинг пайдо бўлиши Американинг минтақадаги устуворлиги пасайган сари АҚШ учун Япониянинг аҳамиятини оширади, деб ўйлашлари мумкин. Бошқа томондан, Хитой кўпчилик японлар учун анъанавий рақиб, собиқ душман ва минтақадаги барқарорликка потенциал кучдир. Ҳаттоки бу баъзи кўпгина миллатчи японларнинг Япониянинг сиёсий ва ҳарбий мустақиллигига таъсир ўтказадиган чекловлардан норозилигини кучайтирса ҳам, Америка билан хавфсизлик ришталарини ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ қилади.

Евросиёнинг Узоқ Шарқдаги Япония позицияси билан унинг узоқ Ғарбдаги Германия позицияси ўртасида юзаки ўхшашлик бор. Иккаласи ҳам АҚШнинг асосий минтақавий иттифоқчилари ҳисобланади. Дарҳақиқат, Европа ва Осиёдаги Америка қудрати бу 2 давлат билан яқин иттифоқнинг бевосита натижасидир. Иккаласи ҳам муҳим ҳарбий кучларга эга, аммо бу борада ҳеч бири мустақил эмас: Германия НАТО интеграцияси билан боғланган, Япония эса ўзининг (Америка томонидан ишлаб чиқилган

бўлса ҳам) конституциявий чекловлари ва АҚШ-Япония Хавфсизлик шартномаси билан чекланган. Иккаласи ҳам минтақада ҳукмрон бўлган савдо ва молиявий куч марказларидир ҳамда жаҳон миқёсида устундир. Иккаласини ҳам ярим глобал кучлар деб таснифлаш мумкин ва иккаласи ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги доимий ўринлари орқали уларни расмий эътироф этишдан бош тортаётганидан норози.

Лекин уларнинг тегишли геосиёсий шароитлардаги фарқлари потенциал муҳим оқибатларга олиб келади. Германиянинг НАТО билан фаол муносабатлари ўзини асосий Европа иттифоқчилари билан тенглаштиради ва Шимолий Атлантика шартномасига биноан Германия АҚШ билан ўзаро мудофаа мажбуриятларини олади. АҚШ-Япония Хавфсизлик шартномасида Америкага Японияни ҳимоя қилиш мажбурияти белгиланган, аммо у Американи ҳимоя қилишда Япония ҳарбий кучларидан фойдаланишни (ҳатто расмий равишда) назарда тутмайди. Шартнома амалда ҳимоя муносабатларини кодификация қилади.

Бундан ташқари, Германиянинг Европа Иттифоқи ва НАТОга фаол аъзолиги тўғрисида ўтмишда унинг тажовузи қурбонига айланган қўшнилари энди уни ўзлари учун таҳдид деб ҳисобламайдилар, аксинча, иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида тан оладилар. Баъзилар ҳатто Германия бошчилигидаги Миттле-Европанинг яширин тарзда пайдо бўлишини маъқуллайдилар, Германия эса хавфсиз минтақавий куч сифатида кўрилади. Бу Иккинчи жаҳон уруши мобайнида Японияга нисбатан узоқ вақт душманлик қилаётган Япониянинг Осиёдаги қўшнилари билан бўлган вазиятдан узоқдир. Қўшнилари ўртасида норозиликка сабаб бўлаётган омил иена курсининг қайта тикланиши бўлиб, бу нафақат аччиқ шикоятларни келтириб чиқармоқда, балки Япониянинг узоқ муддатли қарзининг 30 фоизи иенада бўлган Малайзия, Индонезия, Филиппин ва ҳатто Хитой билан ҳам ярашишга тўсқинлик қилмоқда.

Япониянинг ҳам Осиёда Франциянинг Германиядагидек шериги, яъни ҳақиқий ва озми-кўпми тенг ҳуқуқли минтақавий ҳамкори Хитойдир. Шубҳасиз, Хитойга нисбатан кучли маданий жозиба бор, эҳтимол, айбдорлик туйғуси билан аралашиб кетган, аммо бу тортишиш сиёсий жиҳатдан ноаниқдир, чунки ҳеч бир томон бир-бирига ишонмайди ва ҳеч бири иккинчисининг минтақавий етакчилигини қабул қилишга тайёр эмас. Японияда Германия Польшасига тенг келадигани йўқ, яъни заифроқ, лекин геосиёсий жиҳатдан муҳимроқ қўшни, у билан муроса ва ҳатто ҳамкорлик ҳақиқатга айланиб бормоқда. Эҳтимол Корея, айниқса, келажакда қайта бирлашгандан сўнг бу тенгликка айланиши мумкин, аммо Япония-Корея муносабатлари фақат расмий жиҳатдан яхши, чунки Кореянинг ўтмишдаги ҳукмронлиги ҳақидаги хотиралари ва Япониянинг маданий устунлик ҳисси ҳақиқий ярашишга тўсқинлик қилади. Ниҳоят, Япониянинг Россия билан муносабатлари Германия-Россия муносабатларига қараганда анча совуқроқ бўлди. Россия Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида босиб олган жанубий Курил оролларини ҳамон куч билан сақлаб қолмоқда ва шу тариқа Россия-Япония муносабатларини музлатиб қўйган. Мухтасар қилиб айтганда, Япония ўз минтақасида сиёсий жиҳатдан изоляция қилинган, Германия эса йўқ.

Шунингдек, Германия ўз қўшнилари билан умумий демократик тамойилларни ва Европанинг кенгроқ христиан меросини баҳам кўради. У ўзини маъмурий бирлик ва умумий иш доирасида ўзидан анча каттароқ, яъни Европада аниқлашга ва ҳатто юксалтиришга интилади. Бундан фарқли ўлароқ бу ерда таққосланадиган Осиё йўқ. Дарҳақиқат, Япониянинг ўтмиши ва ҳаттоки ҳозирги демократик тизими, сўнгги йилларда баъзи Осиё мамлакатларида демократик давлатлар пайдо бўлишига қарамай уни минтақанинг қолган қисмидан ажратиб туради.

Кўпгина осиеликлар Японияни нафақат миллий худ-

бин, балки Ғарбга ҳаддан ташқари тақлид қилувчи, инсон ҳуқуқлари ва индивидуализмнинг аҳамияти ҳақидаги Ғарб қарашларига қарши чиқишда уларга қўшилишни истамайдилар. Шундай қилиб, Япония осиеликлар томонидан ҳақиқий Осие давлати сифатида қабул қилинмайди. Ғарб баъзида Япония ҳақиқатан қай даражада Ғарб давлатига айланганига ҳайрон бўлади.

Аслида Япония Осиеда жойлашган бўлса ҳам қулай Осие давлати эмас. Бу ҳолат унинг геостратегик имкониятларини анча чеклайди. Ҳақиқатан ҳам минтақавий танлов Хитойга соя соладиган минтақавий ҳукмрон Японияни танлаш, ҳатто Япония ҳукмронлигига эмас, балки Япония бошчилигидаги самарали минтақавий ҳукмронликка асосланган бўлса ҳам жиддий тарихий, сиёсий ва маданий сабабларга кўра ҳаётини кўринмайди. Бундан ташқари, Япония Америка ҳарбий ҳимояси ва халқаро ҳомийларга қарамлигича қолмоқда. АҚШ-Япония Хавфсизлик шартномасини босқичма-босқич бекор қилиш Японияни минтақавий ёки глобал тартибсизликларнинг жиддий намоён бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган қулашдан доимий ҳимоясиз қолдиради. Бошқа ягона муқобил вариант: ё Хитойнинг минтақавий ҳукмронлигига рози бўлиш ёки кенг ва нафақат қиммат, балки жуда хавфли ҳарбий қуролланиш дастурини амалга ошириш.

Тушунарлики, кўпгина японияликлар ўз мамлакатининг ҳозирги позициясини хавфсизлик нуқтаи назаридан ғайритабиий глобал куч ва протекторат сифатида билишади. Аммо мавжуд тузилманинг муҳим ва ҳаётини муқобиллари аниқ эмас. Агар Хитойнинг миллий мақсади, хитойлик стратегларнинг муайян масалалар бўйича хилма-хиллигига қарамасдан етарлича аниқ ва Хитойнинг геостратегик амбицияларининг минтақавий йўналишини нисбатан башорат қилиш мумкин, деб айтиш мумкин бўлса, Япониянинг геостратегик концепцияси нисбатан ноаниқ кўринадиган ва япон жамоатчилигининг кайфияти анча

ноаниқдир.

Аксарият японияликлар стратегик муҳим ва курснинг кескин ўзгариши хавfli бўлиши мумкинлигини тушунадилар. Япония ҳали ҳам душманлик нишонида бўлган ва Хитойнинг минтақада ҳукмрон куч сифатида пайдо бўладиган минтақавий кучига айлана оладими? Шунга қарамай, Япония Хитойнинг ролини қабул қилиши керакми? Япония Америка қўллаб-қувватлашини хавф остига қўймасдан (барча кўринишдаги) ҳақиқатдан ҳам улкан глобал кучга айлана оладими? Америка ҳар қандай ҳолатда ҳам Осиёда қоладими ва агар шундай бўлса Хитойнинг кучайиб бораётган таъсирига муносабати шу пайтгача АҚШ-Япония алоқаларига берилган устуворликка қандай таъсир қилади? “Совуқ уруш”нинг узоқ даврида бу саволлар ҳеч қачон кўтарилмаган. Бугунги кунда улар стратегик аҳамият касб этиб, Японияда тобора қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

1950 йиллардан бошлаб Япония ташқи сиёсати урушдан кейин Бош вазир Шегиру Ёшида томонидан эълон қилинган 4 та асосий тамойилга асосланади. Ёшида доктринаси қуйидагиларни эълон қилади: 1) Япониянинг асосий мақсади иқтисодий ривожланиш бўлиши керак; 2) Япония энгил қуроолланган бўлиши ва халқаро низоларга аралашмаслиги керак; 3) Япония АҚШнинг сиёсий раҳбариятига эргашиши ва АҚШдан ҳимояни қабул қилиши керак; 4) Япония дипломатияси ғоявий бўлмаслиги ва халқаро ҳамкорликка устувор аҳамият бириши керак. Бироқ аксарият японияликлар Япониянинг “совуқ уруш”даги иштироки даражасидан хавотирда бўлганлиги сабабли ярим бета-рафлик уйдурмасини бир вақтнинг ўзида юзага келтирди. Дарҳақиқат, 1981 йилда ташқи ишлар вазири Масаёши Ито АҚШ Япония муносабатларини тасвирлаш учун “бирлашма” (домеф) атамасини ишлатгани учун истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Энди бу ўтмишда қолди. Япония ўша вақтда қайта

қуриш жараёнида эди. Хитой ўзини изоляция қилди. Евросиё қарама-қарши лагерларга бўлинди. Бундан фарқли ўлароқ Япониянинг сиёсий элитаси дунёда иқтисодий жиҳатдан тараққий этган бой мазкур мамлакатнинг халқаро низоларни келтириб чиқармасдан ўзини ўзи бойитишни марказий миллий мақсад сифатида белгилай олмаслигини энди ҳис қилмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий жиҳатдан қудратли Япония, айниқса, Америка учун рақобатлашувчи, бир вақтнинг ўзида ҳар қандай халқаро жавобгарликдан қочган ҳолда Америка ташқи сиёсатининг кенгайтмаси бўла олмайди. Сиёсий жиҳатдан анча нуфузли Япония, айниқса, жаҳон миқёсида тан олинишга интилаётган (масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий ўрин эгаллаш учун) жаҳон тинчлигига таъсир этувчи энг муҳим хавфсизлик ёки геосиёсий масалалар бўйича маълум бир позицияни эгалламасдан қолмайди.

Натижада сўнги йилларда Япониянинг турли давлат ва хусусий ташкилотлари томонидан кўплаб махсус тадқиқотлар ва ҳисоботлар, шунингдек, “совуқ уруш”дан кейинги даврда Япония учун янги муаммоларни кўрсатувчи таниқли сиёсатчилар ва профессорларнинг кўпинча мунозарали китоблари кўплиги билан ажралиб турди. Уларнинг кўпчилиги АҚШ-Япония хавфсизлик иттифоқининг давомийлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўйлашди ҳамда япон дипломатиясини, айниқса, Хитойга нисбатан фаолроқ ёки япон армиясининг минтақадаги ролини қўллаб-қувватладилар. Агар Америка-Япония алоқалари ҳолатини жамоатчилик мулоқоти асосида баҳо берадиган бўлсак, 1990 йилларнинг ўрталарига келиб икки давлат ўртасидаги муносабатлар муҳим босқичга кирди, деган хулосага келиш ўзини оқлаган бўларди.

Бироқ давлат сиёсати даражасида жиддий муҳокама қилинган тавсиялар, умуман олганда, нисбатан юмшоқ, ўлчовли ва мўътадил бўлди. Тўғридан-тўғри тинчликсе-

варлик (АҚШга қарши тусга эга) ёки бир томонлама ва катта-қайта қуролланиш (конституцияни қайта кўриб чиқишни талаб қиладиган Америка ва минтақавий салбий реакцияга қарамасдан амалга ошириладиган) экстремал вариантлар кам сонли тарафдорларни топди. Сўнги йилларда пасифизмнинг оммавий жозибадорлиги пасайиб кетди ва бир томонламалик милитаризм ҳам, бир қатор қизғин ҳимоячиларнинг тарғиботига қарамай, жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмади. Кенг жамоатчилик, ва албатта, нуфузли ишбилармон доираларнинг ҳеч бири ҳақиқий сиёсий танловни таъминламаслигини ва аслида Япониянинг фаровонлигига хавф туғдириши мумкинлигини ҳис қилади.

Жамоатчиликнинг сиёсий мунозаралари дастлаб Япониянинг халқаро позициясига урғу бериш, шунингдек, геосиёсий устуворликларни ўзгартиришдаги баъзи бир кичик нуқталар бўйича тортишувларга олиб келди. Кенг маънода 3 та асосий йўналишни ва катта эҳтимол билан унчалик аҳамиятли бўлмаган 4-сини ажратиб кўрсатиш мумкин: “Америка биринчилари”, умумий маркентилистлар, фаол реалистлар ва халқаро кузатувчилар. Бироқ якуний таҳлилда тўрталаси ҳам бир хил умумий мақсадни бирлаштиради ва бир хил асосий ташвишларга эга: Япониянинг жаҳон миқёсида тан олиниши учун АҚШ билан махсус муносабатлардан фойдаланиш, шу билан бирга, Америка душманлигидан ва Америка хавфсизлик соябонини муддатидан олдин хавф остига қўймасдан қочиш.

Биринчи йўналиш ўзининг бошланғич нуқтаси сифатида мавжуд (ва албатта, ассимметрик) АҚШ-Япония муносабатларини сақлаб қолиш Япония геостратегиясининг ўзаги бўлиб қолиши керак, деган тахминни олади. Унинг тарафдорлари, кўпчилик японияликлар сингари Япониянинг халқаро миқёсда тан олинишини ва иттифоқда тенг ҳуқуқли бўлишини хоҳлашади. Уларнинг асосий тамойили

1993 йил январ ойида Бош вазир Киичи Миязаша айтганидек: “Дунёнинг истиқболи ўзгариб бормоқда. XXI аср кўп жиҳатдан Япония ва Қўшма Штатлар умумий қарашлар остида мувофиқлаштирилган етакчиликни таъминлай оладими ёки йўқлигига боғлиқ бўлади”. Хитойнинг минтақавий роли ва Американинг Кореядаги мавжудлиги ҳақидаги асосий геостратегик масалалар бўйича Қўшма Штатлар томонидан қўллаб-қувватланади. Американинг Хитой билан қарама-қаршилигини жиловлашда ҳам ўз ролини бажаради. Дарҳақиқат, ҳатто бу гуруҳ ҳам Хитой-Япония муносабатларини яқинроқ ўрнатиш зарурлигини таъкидлаб, уни аҳамиятли жиҳатдан Америка алоқаларидан бироз пастроқ қилиб қўйишга мойил бўлмоқда.

Иккинчи тенденция Япония сиёсатининг Америка сиёсати билан геостратегик ўхшашлигига қарши эмас, лекин у Япониянинг биринчи навбатда иқтисодий куч эканлигини очиқ тан олиш ва қабул қилиш орқали япон манфаатларини кўради. Бу нуқтаи назар кўпинча ХССВ (Халқаро савдо ва саноат вазирлиги)нинг аънавий таъсирчан бюроси ва мамлакатнинг савдо ва экспорт бизнеси раҳбарияти билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Япониянинг нисбий димилитаризацияси тежашга арзийдиган капиталдир. Америка мамлакат хавфсизлигини кафолатлаганлиги сабабли Япония глобал иқтисодий мажбуриятлар сиёсатини олиб боришда эркиндир, бу эса аста-секин дунёда ўз мавқеини мустаҳкамлайди.

Идеал дунёда иккинчи йўналиш ҳеч бўлмаганда нейтраллик сиёсатини қўллаб-қувватлашга мойил бўлади. Америка Хитойнинг минтақавий қудратини қоплайди ва шу тариқа Тайван ва Жанубий Кореяни ҳимоя қилади, шу билан Япония материк ва жануби-шарқий Осиё билан яқинроқ иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга имкон беради. Лекин ҳозирги сиёсий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, глобал меркантилизм тизимининг тарафдор-

лари АҚШ-Япония иттифоқини Япония қуролли кучлари учун нисбатан камтарона бюджет ҳаражатларини (ҳали ҳанузгача мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1 фоизидан кўп эмас) ҳисобга олган ҳолда зарурий келишув сифатида қабул қиладилар, лекин улар иттифоққа минтақавий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай моддани киритишни хоҳламайдилар.

Учинчи гуруҳ фаол реалистлар, сиёсатчилар ва геосиёсий мутафаккирларнинг янги тоифасини ифодалайди. Уларнинг фикрича, бой ва ривожланган давлат сифатида Япония “совуқ уруш”дан кейин дунёда ҳақиқий ўзгаришларни амалга ошириш учун ҳам салоҳиятга, ҳам мажбуриятга эга. Шундай қилиб, у тарихан дунёдаги санокли чинакам буюк давлат орасида иқтисодий жиҳатдан қудратли куч сифатидаги жаҳон тан олишига ҳам эриша олади. Ушбу кучли япон позицияси 1980 йилларда Бош вазир Ясухиро Накасоне томонидан башорат қилинганди. Аммо бу истиқболнинг энг машҳур экспозицияси 1994 йилда нашр этилган Озава қўмитасининг мунозарали ҳисоботида мавжуд бўлиб, у “Янги Япония лойиҳаси: миллатни қайта кўриб чиқиш” деб номланган.

Комиссия раиси, тез ўсиб бораётган марказчи сиёсий лидер Ичиро Озава номи билан аталган ҳисобот мамлакатнинг иерархик сиёсий маданиятини демократик ратификация қилишни ва Япониянинг халқаро позициясини қайта кўриб чиқишни қўллаб-қувватлади. Японияни “оддий мамлакат” бўлишга ишонтирган ҳисоботда АҚШ-Япония хавфсизлик алоқаларини сақлаб қолиш, айниқса, халқаро тинчликпарвар операцияларда катта рол ўйнаши, шу мақсадда ҳисоботда япон қўшинларини хорижга жўнатиш бўйича конституциявий чекловларни бекор қилиш тавсия этилган.

“Оддий мамлакат”га айланиш зарурлигига урғу, шунингдек, Америка “хавфсизлик қалқони”дан кўпроқ гео-

сиёсий озод бўлишни назарда тутган. Ушбу нуқтаи назар тарафдорлари, глобал аҳамиятга эга бўлган масалаларда Япония Американинг йўриқларига автоматик равишда мойил эдилар. Бироқ улар Хитойнинг ўсиб бораётган минтақавий роли ёки Кореянинг келажаги каби нозик масалаларда унчалик фарқ қилмайдилар. Шундай қилиб, минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан улар Япония сиёсий қарашларида ҳар иккала масалани Америка ихтиёрида қолдириш тенденциясига эга. Япониянинг роли эса шунчаки Американинг ҳаддан ташқари ғайратини сақлаб туришдир.

1990 йилларнинг иккинчи ярмига келиб, жуда фаол реалистик йўналиш жамоатчилик тафаккурида ҳукмронлик қила бошлаб, Япония ташқи сиёсатининг ўзгаришига таъсир кўрсатди. 1996 йилнинг биринчи ярмида Япония ҳукумати гарчи доимо эҳтиёткор бўлган Япония ташқи ишлар “профаол дипломатия” вазирлиги иборани ноаниқ (у Америкага камроқ кўрсатилган) деб таржима қилишни танлаган бўлса ҳам, Япониянинг “мустақил дипломатияси” (жишу гаико) ҳақида гапира бошлади.

Тўртинчи тенденция, яъни халқаро утопикларнинг йўналиши, аввалгиларидан камроқ таъсирга эга, аммо у баъзан япон нуқтаи назарига идеалистик риторика қўшиш учун ишлатилади. Бу кўпинча Сони компаниясидан Акио Морито каби таниқли шахслар билан боғланади, улар Япония учун ахлоқий жиҳатдан орзу қилинган глобал мақсадларга кўргазмали садоқат муҳимлигини шахсан намойиш этадилар. Кўпинча “янги глобал тартиб” концепциясига мурожаат қилиб, утопиклар Японияни геосиёсий мажбуриятлар билан боғланмаганлиги сабабли жаҳон ҳамжамиятига чинакам инсонпарварлик дастурини ишлаб чиқиш ва илгари суришда глобал лидер, деб аташади.

Тўрт йўналишнинг барчаси битта муҳим минтақавий масала бўйича ҳамфикрдир: Осиё-Тинч океани минтақа-


сидаги кўп томонлама ҳамкорлик Япония манфаатларига мос келади. Бундай ҳамкорлик вақт ўтиши билан учта ижобий оқибатга олиб келиши мумкин: бу Хитойни жалб қилишга ёрдам беради (шунингдек, уни юмшоқ тарзда ушлаб туриши мумкин); бу Американи Осиёда сақлаб қолишга ёрдам бериши мумкин, ҳаттоки унинг устунлигини аста-секин камайтиради ва бу Японияга қарши норозиликни юмшатишга ёрдам беради ва шу билан Япониянинг таъсирини оширади. Япониянинг минтақавий таъсир доирасини яратиши даргумон бўлса-да, айниқса, Хитойнинг ўсиб бораётган қудратидан хавотирга тушиши мумкин бўлган очиқ денгиз мамлакатларида Японияга маълум даражада минтақавий ҳурматга эга бўлиши мумкин.

Тўртта нуқтаи назар ҳам Американинг Хитойни тўғридан-тўғри тўсиб қўйишга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларидан кўра Хитойни эҳтиёткорлик билан ушлаб туриш афзалроқ эканлигига қўшилади. Аслида Америка бошчилигидаги Хитойни ушлаб туриш стратегияси ёки ҳатто Япония ва Америка томонидан қўллаб-қувватланадиган Тайван, Филиппин, Бруней ва Индонезия орол давлатлари билан чегараланган норасмий мувозанатни сақлаш коалицияси ғояси Япония ташқи сиёсати учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Япония нуқтаи назаридан бу каби ҳар қандай саъй-ҳаракатлар нафақат Япония ва Кореяда номаълум ҳамда йирик Америка ҳарбийларининг мавжудлигини талаб қилади, балки Хитой ва Америка-Япония минтақавий манфаатлари ўртасида қизғин геосиёсий мослашувни келтириб чиқаради (қуйидаги харитага қаранг) ва Хитой билан тўқнашувнинг ўзини-ўзи тўлдирадиган башоратига айланиши мумкин. Натижада Япониянинг эволюцион озод бўлишига тўсқинлик қилади ва Узоқ Шарқнинг иқтисодий фаровонлигига таҳдид солади.

Худди шу нуқтаи назардан Япония ва Хитой ўртасидаги қарама-қаршилик асносида катта ярашиш тарафдо-

ри. Алянсдаги бундай классик ўзгаришларнинг минтақавий оқибатлари жуда хавотирли бўларди: Американинг минтақадан чиқиб кетиши, шунингдек, Тайван ва Корейанинг тезда Хитойга бўйсунishi Японияни Хитойнинг раҳм-шафқатига дучор қилади. Россия геосиёсий жиҳатдан нейтралланган ва тарихан нафратланган ҳолда Америка билан Япониянинг асосий ҳаётий чизиғи бўлиб қолиши ҳақидаги консенцусга муқобил йўқ. Бусиз Япония ўзини нефт билан барқарор таъминлай олмайди. Ягона амалий сиёсат масаласи Япония манфаатларини таъминлаш учун Америка алоқасини қандай бошқаришдир.

Шунга кўра, японлар Америка-Япония ҳарбий ҳамкорлиги “Узоқ Шарқдан кенгроқ Осиё-Тинч океани формуласи”га қадар кенгайтирилган кўринишни ўз ичига олган Америка истаклари билан боғлиқ. Шунга мувофиқ, 1996 йилнинг бошида Япония-АҚШ мудофаа йўналишлари, деб аталадиган йўл-йўриқларни кўриб чиқишда Япония ҳукумати “Узоқ Шарқдаги фавқулодда вазият” иборасини “Япониянинг қўшни минтақалардаги фавқулодда ҳолати”га ўзгартириб, Япония мудофаа кучларидан фойдаланиш мумкин бўлган ҳаволани кенгайтирди. Япониянинг бу масалада Америкага ёрдам беришга тайёрлиги, шунингдек, Осиёда узоқ вақтдан бери Американинг қудрати мавжудлигига оид маълум шубҳалар, Хитойнинг юксалиши ва Американинг бу борадаги ташвиши Японияга келажакда қабул қилиб бўлмайдиган танловни қўйиши мумкинлиги ҳақидаги хавотирлардан келиб чиқади: Америка билан Хитойга қарши туриш ёки Америкасиз Хитой билан иттифоқ тузиш.



Япония учун бу асосий иккиланиш тарихий императивни ҳам ўз ичига олади: ҳукмрон минтақавий кучга айланиш ишончсиз бўлганлиги ва минтақавий базасиз ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани қамраб олувчи глобал кучга эга бўлиши ҳақиқатга тўғри келмаганлиги сабабли Япония жаҳон миқёсида тинчликни сақлаш ва иқтисодий ри-

вожланишда фаол иштирок этиш орқали жаҳон етакчиси мақомига эришиши мумкин. Узоқ Шарқ барқарорлигини таъминлаш учун Америка-Япония ҳарбий иттифоқидан фойдаланиш, аммо унинг Хитойга қарши коалициясига айланишига йўл қўймасдан чинакам халқаро ва янада самарали институционаллашган ҳамкорликнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Япония Канаданинг анча қудратли ва глобал миқёсда таъсир этувчи эквивалентига айланиши мумкин: ўз бойлиги ва қудратидан конструктив фойдаланиш учун ҳурматга сазовор бўлган, лекин қўрқмайдиган ва норози бўлмайдиган давлат.

### **АМЕРИКАНИНГ ГЕОСТРАТЕГИК АДАПТАЦИЯСИ**

Япония бундай танловни амалга ошириши ва Хитойнинг минтақавий устунлиги, Шарқий Осиё кучларининг барқарор уч томонлама мувозанатига тўсқинлик қилмаслигига ишонч ҳосил қилиш Америка сиёсатининг вазифаси бўлиши керак. Япония ва Хитойни бошқаришга ҳамда Американи ўз ичига олган уч томонлама барқарор муносабатни сақлашга уриниш Америка дипломатик кўникмалари ва сиёсий тасаввурига жиддий зарар етказди. Япониянинг иқтисодий юксалишидан келиб чиқадиган таҳдидни аниқлаш ва Хитойнинг сиёсий қудратидан қўрқиш пухта ўйланган стратегик ҳисоб-китобларга асосланган сиёсатдаги реализмни кучайтиришга ёрдам бериши мумкин. Бунда халқаро йўналишдаги Япония кучини қай тарзда мувофиқлаштириш ва минтақадаги Хитой қудратини қандай назорат қилиш каби саволлар юзага келади.

Шундагина Америка Евросиёнинг шарқий қисмида, шунингдек, Европанинг Евросиёни ғарбий чеккасидаги, яъни умумий манфаатларга асосланган минтақавий ҳокимият тузилишидаги ролига тенг геосиёсий жиҳатдан мос келувчи эквивалентни қура олади. Бироқ Европадан фарқли ўлароқ шарқий минтақада демократик ҳолат тез орада пайдо бўлмайди. Бунинг ўрнига Узоқ Шарқда Япо-

ния билан қайта ўрнатилган иттифоқ, шунингдек, Американинг минтақавий жиҳатдан устун бўлган Хитой билан мослашишига асос бўлиши керак.

Америка учун ушбу бобнинг олдинги иккита бўлимидаги таҳлиллардан бир қанча муҳим геостратегик хулосалар келиб чиқади:

Хитой кейинги глобал куч эканлиги ҳақидаги концепция Хитой ҳақида параноялар (ваҳималар) туғдириш ва унинг доминантлик қилишини тарғиб қилиш ҳисобланади. Агрессив ва душманлик руҳидаги Хитойдан қўрқиш яқин орада кейинги глобал кучга айланиши: энг яхшиси бу тартибсиз бўлиши ва энг ёмони улар ўз-ўзидан амалга ошадиган башоратга айланиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, Хитойнинг глобал қудрат даражасига кўтарилишини ўз ичига оладиган коалиция тузиш самарасиз бўлади. Бу фақат минтақавий нуфузга эга Хитойнинг душманга айланишини таъминлайди. Шу билан бирга, бундай тарздаги ҳар қандай ҳаракат Америка-Япония муносабатларига жиддий путур етказиши мумкин. Сабаби кўпчилик японияликлар бундай коалицияга қарши чиқишлари мумкин. Шунга кўра, Америка Қўшма Штатлари Японияни Осиё-Тинч океани минтақасида муодофаа масъулиятини ўз зиммасига олишга мажбурлашдан воз кечиши керак. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Япония ва Хитой ўртасида барқарор муносабатларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши мумкин, шу билан бирга Японияни минтақада янада изоляция қилади.

Аммо шуниси аниқки, Хитой глобал куч сифатида тез орада пайдо бўлмаслиги мумкин ва шунинг учун Хитойни минтақавий қамал қилиш сиёсатини олиб бориш оқилона иш эмас, балки бунинг ўрнига Хитойга глобал миқёсда муҳим ўйинчи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Хитойни кенгроқ халқаро ҳамкорликка жалб қилиш ва унга мақом бериш, Хитойнинг миллий амбицияларидаги манфаатларининг камайишига таъсир ўтказиши мумкин. Бу

Йўналишдаги муҳим қадам Хитойни ҳар йили G-7 (“еттилик гуруҳи”) деб аталадиган дунёнинг етакчи давлатлари саммитига қўшиш бўлади, бу борада Россиянинг ҳам бу гуруҳга таклиф қилинганлиги мақсадга мувофиқдир.

Хитой аслида тасаввурда кўринганидек катта стратегик имкониятларга эга эмас. Хитойнинг давом этаётган иқтисодий муваффақияти кўп жиҳатдан Ғарб капитали ва технологияларининг кириб келишига ҳамда ташқи бозорларга чиқишга боғлиқ бўлиб қолмоқда ва бу Хитойнинг имкониятларини кескин чеклайди. Беқарор ва қашшоқ Россия билан иттифоқ Хитойнинг иқтисодий ёки геосиёсий истиқболини оширмайди (ва Россия учун бу Хитойга бўйсуннишни англатади). Шундай қилиб, бу ғоя Хитой ва Россия учун тактик жиҳатдан таҳликага соладиган бўлса ҳам, геостратегик вариант сирасига кирмайди. Хитойнинг Эрон ва Покистонга кўрсатаётган ёрдами Хитой учун кўпроқ минтақавий ва геосиёсий аҳамиятга эга, аммо бу глобал куч мақомига жиддий интилиш учун чиқиш нуқта-си дегани эмас. Агар Хитой ўзининг миллий ёки минтақавий интилишлари Қўшма Штатлар томонидан (Япония кўмагида) тўсқинлик қилаётганини ҳис қилса, “антигегемоник” коалиция охириги чора бўлиши мумкин. Аммо бу камбағалларнинг коалицияси бўлиши мумкин, улар кейинчалик анча вақт давомида умумий камбағал бўлиб қолишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Буюк Хитой минтақада ҳукмрон куч сифатида пайдо бўлмоқда. Шундай қилиб, у ўзини қўшниларига минтақавий беқарорликка олиб келадиган тарзда куч ишлатишга ёки ўтган императорлик тарихига мос равишда ўз таъсирини кўпроқ билвосита амалга оширишдан таъб тортмаслиги мумкин. Хитой таъсир доирасининг гегемонлик қилиши, қисман Хитой режими қанчалик шафқатсиз ва авторитар бўлиб қолаётганига ва шунингдек, қисман асосий ташқи ўйинчилар, хусусан Америка ва Япониянинг бу жараёнга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ бўлади.

Оддий тинчлантириш сиёсати Хитойнинг янада қатъий позициясини рағбатлантириши, аммо Хитойнинг пайдо бўлишига шунчаки тўсқинлик қилиш сиёсати ҳам худди шундай натижа бериши мумкин. Бу жараён баъзи масалаларда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва турли хилдаги хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида ўз навбатида бошқа кучларнинг фаолиятини чеклаб қўйишни талаб этиши мумкин.

Ҳар ҳолда, Евросиёнинг баъзи ҳудудларида Буюк Хитой барқарор, аммо сиёсий жиҳатдан плюралистик Евросиёда Американинг буюк геостратегик манфаатларига мос келадиган геосиёсий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Хитойнинг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётгани муқаррар равишда Россиянинг Москва назорати остидаги минтақанинг сиёсий реинтеграциясининг ҳар қандай шаклига эришиш йўлидаги ҳаракат эркинлигини чеклайди. Ушбу муносабат ҳамда Форс кўрфази билан боғлиқ ҳолда Хитойнинг энергияга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши Америка билан нефт қазиб олувчи минтақаларга эркин кириш ва сиёсий барқарорликни сақлашдан умумий манфаатдорликни талаб қилади. Худди шунингдек, Хитойнинг Покистонни қўллаб-қувватлаши Ҳиндистоннинг бу давлатни бўйсундириш интилишларини чеклайди ва Ҳиндистоннинг Афғонистон ва Марказий Осиё бўйича Россия билан ҳамкорлик қилиш истагини юзага келтиради. Ниҳоят, Хитой ва Япониянинг Шарқий Сибирни ривожлантиришдаги иштироки ҳам минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин. Бу умумий манфаатлар барқарор стратегик мулоқот орқали ўрганилиши керак.

Хитой амбициялари Америка (шунингдек, Япония) манфаатларига тўқнаш келиши мумкин бўлган соҳалар ҳам бор, айниқса, бу манфаатлар тарихан таниш бўлган кучли қурол тактикаси орқали амалга оширилса юзага чиқади. Булар, асосан, жануби-шарқий Осиё, Тайван ва Кореяга тегишлидир.

Жануби-шарқий Осиё потенциал жиҳатдан жуда бой, географик жиҳатдан жуда кенг ва ҳатто қудратли Хитой томонидан осонликча бўйсунуш учун жуда катта. Аммо бу ҳудуд Хитой учун ҳеч бўлмаганда рақобатни юзага келтириш учун жуда заиф ва сиёсий жиҳатдан парчаланган. Бу минтақадаги барча мамлакатларнинг молиявий ва иқтисодий иштироки билан боғлиқ Хитойнинг минтақавий таъсири унинг қудрати ошгани сайин ўсиб боради. Кўп нарса Хитойнинг бу кучни қандай қўллашига боғлиқ. Аммо шу ўринда Америка унга тўғридан-тўғри қаршилиқ кўрсатишдан ёки Жанубий Хитой денгизи баҳси каби масалаларга аралашидан алоҳида манфаатдор эканлигининг мавҳумлигини эслатиш керак. Хитойликлар тенг бўлмаган муносабатларни синчковлик билан бошқаришда катта тарихий тажрибага эгалар. Хитой империализмининг минтақавий қўрқувини олдини олиш учун ўзини тутиб туриш унинг ўз манфаатларига мувофиқ келади. Ушбу қўрқув минтақавий аксилхитой коалициясини яратиши мумкин. (Бунинг баъзи жабҳаларини янги пайдо бўлган Индонезия-Австралия ҳарбий ҳамкорлигида кўриш мумкин). Бу ҳолат кейинчалик АҚШ, Япония ва Австралиядан ёрдам сўрашга олиб келиши мумкин.

Буюк Хитой Гонконг масаласини ҳал қилгандан сўнг Тайваннинг материк билан бирлашишига эришиш учун кўпроқ ҳаракат қилади. Хитой Тайваннинг чексиз мустақил бўлинишига ҳеч қачон рози бўлмаганини таъкидлаш муҳимдир. Шу боис бир нуқтада бу масала Америка-Хитой тўқнашувига олиб келиши мумкин. Бунинг оқибатлари барча манфаатдорлар учун энг зарарлиси бўлади. Бу ҳолда Хитойнинг иқтисодий истиқболлари орқага сурилиши, Американинг Япония билан алоқалари кескинлашиши, Шарқий Евросиёда барқарор кучлар мувозанатини яратишга қаратилган Америка ҳаракатлари издан чиқиши мумкин.

Шунга кўра, бу масалада ўзаро муқим аниқликка эри-

шиш ва уни сақлаб қолиш зарур. Яқин келажақда Хитой Тайванни самарали равишда ўз таъсирига олиш воситаларидан маҳрум бўлса ҳам, Пекин ҳарбий кучдан фойдаланиш орқали Тайванни мажбуран қайта интеграция қилишга уринишда Американинг розилигини англаши ва бунга ишончли тарзда амин бўлиши керак. Американинг Узоқ Шарқдаги мавқеи шунчалик ҳалокатлики, агар Тайван ўзини ҳимоя қила олмаса, ҳарбий кучлардан фойдаланиш Америкага қимматга тушиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, Америка алоҳида Тайван учун эмас, балки Американинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги геосиёсий манфаатлари учун ҳам бунга аралашиши керак. Бу муҳим фарқ. Қўшма Штатлар фақатгина Тайванга алоҳида қизиқиш билдирмайди. Аслида унинг расмий позицияси фақат битта Хитой билан боғлиқ бўларди. Аммо Хитойнинг қайта бирлашишга интилиши Американинг манфаатларига таъсир қилиши мумкин ва хитойликлар буни аниқ билишлари керак.

Тайван масаласи, шунингдек, Америкага Хитой билан муносабатларида Хитойнинг ички ишларига аралашиш айбловини оқламай туриб, инсон ҳуқуқлари масаласини кўтариш учун қонуний асос беради. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, Хитой янада гуллаб-яшнаган ва демократикроқ бўлгандагина қайта бирлашиш амалга ошади. Фақат шундай Хитой Тайванни ўзига жалб қила олади ва уни “бир давлат, бир нечта тизим” тамойилига асосланган конфедерация бўлишга тайёр бўлган Катта Хитой доирасида жалб этади. Ҳар ҳолда, Тайван туфайли инсон ҳуқуқларига ҳурматни кучайтириш Хитойнинг манфаатларига мос тушади. Айна вазиятда Америка бу масалани ҳал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, АҚШ Хитойга берган ваъдасига биноан, Тайван мақомининг ҳар қандай халқаро даражадаги кўтарилишини тўғридан-тўғри ёки билвосита қўллаб-қувватламаслиги керак. 90-йилларда АҚШнинг баъзи Тайван

расмий алоқалари Қўшма Штатлар Тайванга алоҳида давлат сифатида муносабатда бўла бошлагандек таассурот қолдирди ва хитойликларнинг бу масала бўйича ғазаби тушунарли эди. Тайван расмийларининг бу борада уринишларини кучайтирганидан норозилиги, унинг алоҳида мақомининг халқаро ҳамжамият томондан эътироф этилишини Хитой ҳазм қила олмайди. Айни шу сабаб Қўшма Штатлар Хитойга берган ваъдасига мувофиқ Тайван мақомини халқаро миқёсда оширишни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлашдан тийилиши керак. 1990 йилларда АҚШ ва Тайван ўртасидаги баъзи расмий алоқалар Қўшма Штатлар Тайванга алоҳида давлат сифатида муносабатда бўла бошлаганига нисбатан Хитойнинг ғазабини тушуниш мумкин эди. Шу сабабли Қўшма Штатлар Тайванга бўлган муносабатларида Тайваннинг Хитой-Тайван муносабатларини тартибга солувчи узоқ вақтдан бери мавжуд тушунмовчиликларини ўзгартиришга уринишлари салбий таъсир кўрсатишини очиқ айтишдан тортинмаслиги керак. Бундан ташқари, агар Хитой гуллаб-яшнаса ва демократлашса ҳамда унинг Гонконгни ўзлаштириши фуқаролик ҳуқуқлари бўйича ретрогрессияга (олдинги ҳолатга қайтиш жараёни) олиб келмаса, Американинг охир-оқибат қайта бирлашиш шартлари бўйича муносабатларни рафбатлантириши ҳам мамлакат ичида демократлаштиришни кучайтириш учун босим яратишга ёрдам беради. Хитой шу маънода Қўшма Штатлар ва Буюк Хитой ўртасида кенг-роқ стратегик жойлашувни қўллаб-қувватламоқда.

Шимолий-шарқий Осиёдаги геосиёсий жиҳатдан ҳал қилувчи давлатлардан бири ҳисобланган Корея яна Америка ва Хитой ўртасидаги қарама-қаршилик манбасига айланиши мумкин. Кореянинг келажаги ҳам Америка-Япония муносабатларига бевосита таъсир қилади. Корея бўлинган ва беқарор. Бундан ташқари шимол ҳамда тобора бой бўлиб бораётган жануб ўртасида уруш чиқиши эҳтимоли бор экан, Америка ҳарбий кучлари ярим орол-

да қолиши керак бўлади. АҚШнинг бир томондан чиқиб кетиши нафақат янги урушни келтириб чиқариши, балки Американинг Япониядаги ҳарбий иштироки тугашини ҳам англатиши мумкин. Американинг Жанубий Кореядан воз кечиши эвазига японияликлар АҚШнинг Япония тупроғида доимий жойлаштирилишига таянишда давом этишини тасаввур қилиш қийин. Япониянинг тезкор қайта қуролланиши бутун минтақада беқарорлаштирувчи оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кореянинг қайта бирлашиши ҳам жиддий геосиёсий қарама-қаршиликларни келтириб чиқариши тайин. Агар Америка қўшинлари қайта бирлашган Кореяда қолса, уларнинг бу хатти-ҳаракати муқаррар равишда хитойликлар томонидан Хитойга қарши қаратилган, деб баҳоланади. Аслида, бундай шароитда хитойликларнинг қайта бирлашишга рози бўлишлари шубҳали. Агар бу қайта бирлашиш босқичма-босқич амалга оширилса, Хитой бунга сиёсий тарзда тўсқинлик қилади, Шимолий Кореяда бирлашишга қарши бўлган ташвиқотларни келтириб чиқаради ва уларни қўллаб-қувватлайди. Агар бу қайта бирлашиш шиддатли тарзда Шимолий Кореянинг “ҳалокатли қулаши” билан содир бўлса, ҳатто Хитойнинг ҳарбий аралашувини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хитой нуқтаи назаридан, агарда минтақада Америка ҳокимиятини (плацдарм сифатида орқа фонда Япония билан) тўғридан-тўғри кенгайтириш, деб ҳисобланмаган тақдирда қайта бирлашган Корея Хитой томонидан қабул қилиниши мумкин.

Бироқ ўз тупроғида АҚШ қўшинлари бўлмаган ҳамда қайта бирлашган Корея, аввало Хитой ва Япония ўртасидаги бетараф ҳудудга айланиши, сўнгра аста-секинлик билан ҳали ҳам аксиляпон туйғулари туфайли Хитойнинг икки томонлама манфаатларига ҳам мойил бўлиши мумкин. Ушбу вазиятда Япония ҳали ҳам Америка кучлари учун ягона Осиё базаси бўлиб хизмат қилишга тайёрми ёки йўқми, деган табиий савол туғилади. Ҳеч бўлмаганда,

бу масала Япониянинг ички сиёсатида зиддиятли бўлиши мумкин. АҚШнинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий имкониятларидан чекиниши ёки воз кечиши, ўз навбатида, Евросиё кучларининг барқарор мувозанатини сақлаб қолишни қийинлаштиради. Эътироф этиш керак, бу мулоҳазалар Корея борасида Америка ва Япониянинг манфаатларини кучайтиради ва агар бу ҳолат ўзгартирилиши керак бўлса, у жуда секинлик билан амалга ошади ҳамда бу Америка ва Хитойнинг минтақавий манфаатларига боғлиқ бўлади.

Ушбу вазиятда Япония-Корея муносабатларининг яқинлашуви ҳар қандай ҳолатда минтақавий барқарорликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшади. Кореянинг қайта бирлашиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган турли халқаро можаролар Япония ва Корея ўртасидаги ярашув орқали юмшатилади. Натижада бу икки давлат ўртасида тобора ҳамкорлик ва сиёсий муносабатлар пайдо бўлади. Қўшма Штатлар бу ярашувни илгари суришда муҳим рол ўйнаши мумкин. Аввалига Европада немис-француз ярашувини, кейинроқ Германия ва Польша ўртасидаги (масалан, қўшма университет дастурларидан тортиб, бирлашган ҳарбий тузилмаларгача) илгари сурилган кўплаб аниқ қадамлар бу ҳолатга мослаштирилиши мумкин. Кенг қамровли ва минтақавий барқарорлаштирувчи Япония-Корея ҳамкорлиги, ўз навбатида, Корея бирлашгандан кейин ҳам Американинг Узоқ Шарқда мавжуд бўлиб туришига ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония билан яқин сиёсий муносабатлар ўрнатиш Американинг глобал геостратегик манфаатларига мос келиши маълум ҳодиса. Келажакда Япониянинг Америка вассалига, рақибига ёхуд шеригига айланиш ёки айланмаслиги бу икки мамлакатнинг халқаро майдонда мақсадларининг муштарак эканлигига боғлиқ, шунингдек, Япониянинг Узоқ Шарқ минтақасида ўзининг таъсир доирасини яратишга интилиши ҳам бу жараёнга таъсир кўрсатиши мумкин. Японияда

ташқи сиёсат борасида ички мунозаралар мавжуд бўлишига қарамасдан, Америка билан халқаро йўналишдаги муносабатлар ҳали ҳам ўзининг асосий ролига эгалигича қолмоқда. Қайта қуролланишга ёки Хитой билан алоҳида муносабатларни олиб боришга интилаётган Япония Американинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги ролини тугатиши ҳам мумкин. Бу ҳолат Америка, Япония ва Хитой иштирокидаги минтақавий барқарор учбурчак келишувининг пайдо бўлишини тўхтатади ва бутун Евросиёда Америка томонидан бошқариладиган сиёсий мувозанатни шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, муқояса қилинса ўз йўналишини йўқотган Япония қирғоққа чиқиб қолган китга ўхшайди: ёрдамга муҳтож, аммо ҳали ҳамон ўзининг хавфлилигини йўқотмаган. Шу ҳолатдаги вазият Осиёни беқарорлаштирувчи омилга ўхшайди. Аммо бу ҳолат Америка, Япония ва Хитой ўртасида керакли барқарорлаштирувчи мувозанатга муносиб муқобил ярата олмади. Фақат Япония билан яқин иттифоқ тузиш орқали Америка Хитойнинг минтақавий интилишларига қарши туриши ва унинг минтақада ўзбошимчалик билан иш олиб боришини чеклаши мумкин. Фақат шу асосда мураккаб уч томонлама мувозанат Американинг глобал қудрати, Хитойнинг минтақавий устунлиги ва Япониянинг халқаро етакчилигини ўз ичига олган мураккаб ҳолатни яратиш мумкин.

Ушбу чигал ҳолатдан келиб чиқиб, яқин келажакда АҚШ қўшинларининг Япониядаги (шунингдек, Кореяда ҳам) миқдорини ва ҳажмини қисқартириш кўзда тутилмаган. Шу билан бирга, геосиёсий миқёсдаги ҳар қандай сезиларли ўсиш ва Япония ҳарбий ҳаракатларининг ҳақиқий ҳажми ҳам назарда тутилмаган. АҚШ қўшинларининг сезиларли даражада олиб чиқиб кетилиши стратегик йўналиш бузилиши, Япониянинг йирик қурол-яроғ дастурини ишга туширишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса АҚШнинг Японияга катта ҳарбий ролни ўз зиммасига олиши учун бо-

сим ўтказиши минтақавий барқарорлик истиқболларига фақат зарар етказади, каттароқ ҳарбий куч билан кенгроқ минтақавий келишувга тўсқинлик қилади. Хитой Япониянинг янада конструктив халқаро миссиясини ўз зиммасига олишига ҳалал беради ва шу билан бутун Евросиёда барқарор геосиёсий плюрализмни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни мураккаблаштиради.

Бундан ташқари, Япония агар у ўз юзини дунёга қаратиб, Осиёдан узоқлашмоқчи бўлса, унинг миллий манфаатларига яхши хизмат қилиш учун мазмунли рағбат ва алоҳида мақом берилиши керак. Аввал минтақавий кучга айланиш орқали глобал кучга интилиши мумкин бўлган Хитойдан фарқли ўлароқ Япония минтақавий кучга интилишдан қочиб, глобал таъсирга эга бўлиши мумкин. Аммо бу Япония учун ўзини Американинг иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлганидек сиёсий жиҳатдан ҳам глобал жараёнда алоҳида ҳамкори эканлигини ҳис қилиши янада муҳимроқлигини англатади. Шу мақсадда Қўшма Штатлар Америка-Япония эркин савдо шартномасини қабул қилишни кўриб чиқса ва шу билан умумий Америка-Япония иқтисодий маконини яратса маъқул бўларди. Икки мамлакат иқтисодиёти ўртасидаги ўсиб бораётган алоқани расмийлаштириши мумкин бўлган бундай қадам Американинг Узоқ Шарқда узоқ муддат мавжуд бўлиши учун ҳам, Япониянинг глобал конструктив иштироки учун ҳам геосиёсий асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Америка учун Япония тобора ҳамкорлик қилувчи ва кенг тарқалган глобал ҳамкорлик тизимини қуришда унинг ҳаётий ва асосий ҳамкори бўлиши керак, лекин ўз навбатида Хитойнинг минтақавий устунлигига қарши курашиш учун мўлжалланган ҳар қандай минтақавий келишувда ҳарбий иттифоқчиси бўлмаслиги лозим. Аслида, Япония дунё тартиботининг янги кун тартибини ҳал қилишда Американинг глобал ҳамкори бўлиши керак. Минтақавий куч маркази бўлган Хитой сиёса-

тининг келгуси босқичи учун Американинг Узоқ Шарқдаги лангарига айланиши, бу билан Евросиё кучлари мувозанатини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак. Евросиё шарқидаги Буюк Хитой бу жиҳатдан Евросиёнинг ғарбида кенгаяётган Европа ролига мос келади.

## ХУЛОСА

.....

АҚШ учун бутун Евросиёга нисбатан комплекс, кенг қамровли ва узоқ муддатли геостратегияни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш вақти етиб келди. Бу зарурият икки фундаментал реалликнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқади: Америка айни дамда дунёдаги ягона супер куч ҳисобланади, Евросиё эса дунёнинг марказий майдони. Шундан келиб чиқиб, Евросиё материгидаги кучлар мувозанатининг ўзгариши Американинг дунёдаги ҳукмронлиги ҳамда унинг тарихий мероси учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Американинг дунёдаги етакчилиги ўзининг кўлами ва алоҳида хусусияти билан такрорланмасдир. Бу Америка демократик тизимига хос бўлган бир қанча қирраларни акс эттирувчи янги турдаги гегемония: у плюралистик, мукамал ва мослашувчандир. Бу гегемония бир асрдан кам бўлган муддатда шаклланди ва унинг асосий геосиёсий намоён бўлиши, шу кунгача дунё етакчилигига даъво қилган барча кучлар етишиб чиққан Евросиё материгидаги Американинг мисли кўрилмаган роли мисолида кўрилади. Бугунги кунда Америка Евросиё учун ҳакам ролини бажармоқда. Яъни, бугун Евросиёда Америка иштирокисиз ҳал этиладиган ёки унинг манфаатларига зид равишда ечим топадиган бирорта муаммо йўқ.

Қўшма Штатлар Евросиё шахмат тахтасидаги асосий геостратегик фигураларни қай тарзда бошқараётгани ва жойлаштираётгани ҳамда Евросиёнинг асосий геосиёсий марказларига қай тарзда раҳбарлик қилаётгани Американинг дунёдаги узоқ ва барқарор етакчилиги учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, Франция ва Германия Европада асосий вазифани олиб борувчи субъектлар

бўлиб қолади. Американинг асосий вазифаси эса Ғарбий Европа чегараларида мавжуд демократик плацдармни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришидан иборат.

Катта эҳтимол билан Евросиёнинг Узоқ Шарқида Хитойнинг роли кун сайин ошиб боради. Хитой билан геостратегик келишувга эришилмагунча АҚШ учун Осиё материгида сиёсий таянч пункти бўлмайди. Евросиё марказида кенгайиб бораётган Европа ва минтақавий даражада таъсирга эга бўлиб бораётган Хитой ўртасидаги макон геосиёсий жиҳатдан “қора тўйнуқ” бўлиб сақланиб қолади. Бу жараён камида Россияда постимпериалистик ўз-ўзини англаш масаласи атрофидаги ички курашлар якунланмагунча давом этади. Бу пайтда Россиядан жанубда жойлашган “Евросиё Болқони” этник можаролар ва етакчи кучлар рақобати майдонига айланиши хавфи ҳамиша мавжуд.

Бундай шароитда маълум муддат давомида 30 йилдан кўп даврда Американинг дунёда биринчи рақамли давлат мақомини ҳеч ким муҳокама ҳам қилмаса керак. Ҳеч бир давлат ёки миллатнинг Америка билан жамланмаси халқаро масштабда ҳал қилувчи сиёсий таъсирни аниқлаб берадиган куч-қудратнинг тўрт асосий омили (ҳарбий, иқтисодий, техник ва маданий) бўйича тенглаша олмайди. Американинг онгли равишда ёки кутилмаганда ўз мақомидан воз кечиши яқин келажақда Америка етакчилигига ягона реал муқобил ечим – фақатгина халқаро миқёсдаги анархия бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда президент Билл Клинтоннинг “Америка дунё учун зарур давлатга айлагани” ҳақидаги таъкиди ҳақиқатга жуда мос бўлиб чиқади.

Бундай заруратнинг мавжудлиги дунёда анархия тарқалишининг реал имкониятлари мавжудлиги фактлари билан изоҳланади. Демографик портлаш, миграция, қашшоқлик, радикал урбанизация ҳамда бошқа этник ва диний адоватлар, шунингдек, оммавий қирғин қуроллари

тарқалишининг вайронкорона оқибатлари ёки элементар геосиёсий барқарорликка таянувчи асосий мавжуд структураларнинг парчаланиши натижасида дунё бошқариб бўлмайдиган даражага етиб келиши мумкин. Американинг доимий ва йўналтирилган иштироки бўлмаганда дунёда беқарорлик келтириб чиқаришга қодир бўлган кучлар аллақачон дунё майдонида етакчилик қилаётган бўлардилар. Бундай структуралар қулашининг эҳтимоли нафақат замонавий Евросиёда, балки бутун дунёдаги геосиёсий таранглик билан боғлиқ.

Бунинг оқибатида дунё барқарорлиги учун хавф пайдо бўлиши эҳтимоли кучли. Тобора салбийлашиб бораётган инсоният мавжудлиги шароитларида бу хавф келажакда янада кучайиши мумкин. Хусусан, камбағал мамлакатлардаги демографик портлаш ва шу билан бир вақтдаги аҳоли урбанизацияси нафақат камбағаллар сонининг кескин ошишига, балки миллионлаб ишсизларнинг ҳамда тушкунлик кайфияти жадаллик билан ошиб бораётган норози ёшларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Замонавий алоқа воситалари улар ва анъанавий ҳокимият ўртасидаги масофани узоқлаштиряпти, шу билан бир пайтда, ёшлар онгида уларда ғазаб ҳиссини уйғотувчи, дунёда адолатсизлик ҳукмрон деган тушунчани борган сари шакллантиряпти. Айни шу боис бундайлар экстремизм ғояларини тез қабул қилувчилар ва улар сафини тўлдирувчи қатламдир. Бир томондан, аллақачон ўн миллионлаб одамни қамраб олган жаҳон миқёсидаги аҳоли миграцияси каби ҳодиса вақтинча суғурта клапани бўлиб хизмат қилиши мумкин, бироқ бошқа томондан, айнан миграция бир қитъадан бошқа қитъага этник ва ижтимоий низоларни кўчириш воситаси бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Натижада эҳтимолий келиб чиқадиган тартибсизликлар, таранглик ва гоҳида учраб турган зўравонлик ҳодисалари Америка мерос қилиб олган дунё етакчилигига зарба бериши мумкин. Америка гегемонияси томонидан

яратилган ва унга кўра, “уруш таҳдиди мавжуд эмас” деб таъкидланган ягона комплекс дунё тартиби, Америка қудрати демократик ижтимоий-сиёсий тизимлар ва мукаммалаштирилган кўп қиррали ташқи стурктуралар воситасида ўрнатиладиган дунё қисмларига эмас, балки Америка томонидан бошқариладиган бошқа ҳудудларга ҳам тарқалади.

Шундай қилиб, Американинг Евросиёга нисбатан геостратегияси турбулентлик кучлари билан рақобатлашишга мажбур бўлади. Европада интеграция ҳамда кенгайишга нисбатан интилиш сусаётгани белгилари кўриниб борапти ва натижада тез орада яна анъананий талқиндаги Европа миллатчилари уйғониши мумкин. Хорижликларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотадиган кенг масштабли ишсизлик, ҳатто энг фаровон Европа мамлакатларида ҳам сақланиб қолиши мумкин. Бу эса Франция ва Германия сиёсатида сезиларли даражада сиёсий экстремизм ва ичкарига қаратилган шовинизм томон силжишга олиб келиши эҳтимоли юқори. Ҳатто ҳақиқий инқилоболди ҳолати юзага келиши мумкин. 3-бобда тавсифланган Европадаги тарихий воқеалар ривожини фақатгина Қўшма Штатлар нафақат Европа бирлашишини рағбатлантиришлари, балки Европани бунга амалий йўналтиришлари ортидангина амалга ошиши мумкин.

Бундан-да катта ноаниқлик Россия келажаги масаласида мавжуд. Бу ерда ижобий ривожланиш истиқболлари анчагина ноаниқ. Шундан келиб чиқиб, Америка учун Россиянинг Европа ҳамкорлиги доирасида кенгайиб бораётган ассимиляциясига ижобий таъсир кўрсатадиган ва Россиянинг янги суверен қўшнилари ўз кучларига таяна оладиган даражадаги мустақилликка эришишга имкон берувчи геостратегик муҳитни яратиш зарур. Бироқ агар Американинг эътибори Европадаги янги ички инқироз, Туркия ва Европа ўртасидаги узоклашаётган масофа ёки Америка-Эрон муносабатларидаги душманчилик кайфи-

ятининг ошиши каби бошқа муаммоларга қаратиладиган бўлса, Украина ва Ўзбекистоннинг (этник жиҳатдан иккига бўлиниб бўлган Қозоғистонни айтмаса ҳам бўлади) ҳаётийлик қобиляти сўроқ остида қолади.

Хитой билан муносабатларни жиддий равишда тартибга солиш имконияти Тайван билан боғлиқ келажақдаги эҳтимолий инқироз, агрессив ҳамда Америкага нисбатан душманчилик кайфиятидаги режимни ўрнатилишига олиб келиши мумкин бўлган Хитой ички сиёсатининг ривожига ёки бўлмасам, Америка-Хитой муносабатларининг шунчаки бузилиши натижасида амалга ошмай қолиши мумкин. Хитой бундай шароитда Америка-Япония муносабатларида улкан таранглик ҳосил қилиб ва катта эҳтимол билан Япониянинг ўзида ҳалокатли геосиёсий дисориентация келтириб чиқариб, дунёда ўта беқарорлаштирувчи кучга айланиб қолиши мумкин. Бундай шароитларда жанубий-шарқий Осиёдаги барқарорлик хавф остида қолиши муқаррар ва воқеаларнинг бундай бориши Жанубий Осиё барқарорлиги учун жуда муҳим рол ўйновчи мамлакат бўлмиш Ҳиндистоннинг позицияси ва бирлигига қандай таъсир қилишини фақатгина тахмин қилиб кўриш мумкин.

Бу изоҳлар на давлат-миллат зиммасига (компетенсиясига) кирмайдиган янги глобал муаммолар, на хавотир келтириб чиқарувчи, балки анъанавий геосиёсий масалаларда агар дунё ҳокимиятининг асосий геосиёсий структураси парчаланишни бошласа, ҳал етиб бўлмаслиги ҳақида эслатма бўлиб хизмат қилади. Европа ва Осиё осмонида фаол сигналлар пайдо бўлган бир шароитда Америка сиёсати муваффақиятли бўлиши учун диққат марказини бутун Евросиёга қаратиши ва аниқ геостратегик режа билан бошқарилиши лозим.

### **ЕВРОСИЁ УЧУН ГЕОСТРАТЕГИЯ**

Ҳозирги вақтда жаҳон воқеаларининг геосиёсий ҳолатини белгилаб берувчи керакли сиёсатни амалга оши-

ришнинг бошланғич нуқтаси учун учта шартни ақл билан англаш лозимдир: 1) тарихда биринчи марта битта давлат чинакам жаҳон кучига айланди; 2) глобал миқёсда ҳаммадан устун бўлган давлат бу- Евросиёда бўлмаган давлат; 3) дунёнинг марказий майдони Евросиё Евросиё бўлмаган давлат таъсири остида.

Шундай бўлишига қарамасдан Евросиё бўйича кенг қамровли ва мувофиқлаштирилган геостратегия Американинг самарали таъсири чегараларини тан олиш ва вақт ўтиши билан бу таъсирнинг муқаррар равишда торайиши билан боғлиқ бўлиши керак. Юқорида таъкидланганидек, Евросиёнинг кенг кўлами ва хилма-хиллиги, шунингдек, ундаги айрим давлатларнинг потенциал имкониятлари Америка таъсирининг чуқурлигини ва воқеалар ривожини устидан назоратни чеклайди. Бундай вазият геостратегик идрокнинг намоён бўлишини ва улкан Евросиё шахмат тахтасида Америка ресурсларидан пухта ва танлаб фойдаланишни талаб қилади. Американинг мисли кўрилмаган таъсири вақт ўтиши билан камайиб борар экан, у Американинг дунёдаги ҳукмронлигига таҳдид солмайдиган йўналишда ҳаракатланиши учун бошқа минтақавий кучларнинг ўсишини кузатишга устувор аҳамият бериш керак.

Шахматда бўлгани каби (ва шахматчилар сингари), дунё муаммолари билан шуғулланувчи америкалик стратеглар (глобал режалаштирувчилар) ҳам мумкин бўлган қарши (жавоб) ҳаракатларни олдиндан кўра билиб, бир нечта ҳаракатларини олдиндан ўйлашлари лозим. Шундай қилиб, барқарор геостратегия қисқа муддатли (кейинги беш ёки ундан кўпроқ йил), ўрта муддатли (йигирма ёки ундан кўп йилгача) ва узоқ муддатли (йигирма йилдан ортиқ) истиқболларга йўналтирилган бўлиши керак. Бундан ташқари, бу босқичларни бир-биридан бутунлай ажратилган ҳолда эмас, балки ягона тизимнинг қисмлари сифатида кўриш керак. Биринчи босқич муаммосиз ва

изчил равишда иккинчисига ўтиши лозим (албатта, бу олдиндан белгиланган мақсад бўлиши керак), мос равишда иккинчи босқич ҳам учинчи босқичга ўтиши керак.

*Америка қисқа муддатда Евросиё харитасида ҳукм сураётган геосиёсий плюрализмни мустаҳкамлаш ва давом эттиришдан манфаатдордир. Бу охир-оқибат Американинг устуворлигига қарши чиқишга интилиши мумкин бўлган душман коалицияси пайдо бўлишининг олдини олиш учун манёвр ва манипуляцияга юқори баҳо қўяди. Ҳар қандай давлат буни амалга ошириши эҳтимолдан йироқ эмас. Ўрта муддатли истиқболда, юқорида айтилганлар Америка раҳбариятининг ташаббус билан кўпроқ ҳамкорлик қилувчи транс-Евросиё хавфсизлик тизимини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин бўлган тобора муҳим, аммо стратегик жиҳатдан мос шерикларнинг пайдо бўлишига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Ва ниҳоят, узоқ муддатли истиқболда юқорида айтилганларнинг барчаси босқичма-босқич ҳақиқатан ҳам умумий сиёсий масъулиятнинг жаҳон марказини шакллантиришга олиб келиши керак.*

Бевосита муаммо шундаки, ҳеч бир давлат ёки давлатлар гуруҳи Қўшма Штатларни Евросиёдан чиқариб юбориш ёки ҳатто унинг жаҳон ҳаками сифатидаги ҳал қилувчи ролини сезиларли даражада камайтириш имкониятига эга эмаслигига ишонч ҳосил қилишдир. Трансконтинентал геосиёсий плюрализмни мустаҳкамлашга ўз-ўзидан мақсад сифатида эмас, балки фақат Евросиёнинг асосий минтақаларида ҳақиқий стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш бўйича ўрта муддатли мақсадга эришиш воситаси сифатида қараш керак. Демократик Америка ҳар қандай кучнинг минтақавий ҳукмронлигини олдини олиш учун Америка ҳарбий ресурслари томонидан қўллаб-қувватланадиган доимий манипуляция ва манёврлар орқали Евросиёни бошқаришдек қийин, ўзига жалб қиладиган ва қиммат вазифа билан доимий шуғулланишни хоҳла-

маслиги даргумон. Бу Евросиёда муҳим ролга эга бўлиш учун потенциал минтақавий даъвогарларнинг ҳаётий манфаатларига таҳдид солмайди, бундай чақирув қанчалик қимматга тушиши мумкин, аммо Американинг фойдали гегемонлиги бошқаларни нафақат ўзига қарши курашаётганини кўрсатибгина қолмай, балки эътироз билдиришдан қайтаради. Шунинг учун биринчи босқич мантиқий ва ўйланган ҳолда иккинчисига ўтиши керак.

Ўрта муддатли мақсад ҳақиқий ҳамкорликни ривожлантириш, улар орасида етакчи ўринни янада бирлашган ва сиёсий жиҳатдан расмийлаштирилган Европа ва минтақавий даражада бошқа мамлакатлардан устун турадиган Хитой билан, шунингдек (умид қилиш мумкин), пост-император ва Европага марказлашган Россия билан муносабатларга асосланган ҳақиқий шерикликни ривожлантиришдир. Евросиёнинг жанубий чеккасида демократик Ҳиндистон билан ҳамкорлик минтақада барқарорлаштирувчи рол ўйнайди. Бироқ Европа ва Хитой билан кенгроқ стратегик муносабатларни ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги Россиянинг роли учун ижобий ёки салбий шартларни шакллантиради.

Бундан келиб чиқадики, кенгайган Европа ва НАТО АҚШ сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради. Катта Европа Америка таъсир доирасини кенгайтиради ва Марказий Европага янги аъзоларни қабул қилиш орқали Европа кенгашларида америкапараст бўлган давлатлар сонини кўпайтиради, бир вақтнинг ўзида сиёсий жиҳатдан шу қадар интеграциялашган Европани яратмасдан, у тез орада унга қарши курашиши мумкин. Қўшма Штатлар бошқа жойларда, хусусан, Яқин Шарқда Америка учун муҳим бўлган геосиёсий масалалар ва сиёсий жиҳатдан аниқланган Европа Россиянинг глобал ҳамкорлик тизимига изчил сингиб кетиши учун ҳам зарурдир. Россиянинг жаҳон ҳамкорлиги

тизимига изчил сингиб кетиши учун сиёсий жиҳатдан шаклланган Европа ҳам зарур.

Айталик, Америка бундай бирлашган Европани мустақил равишда ярата олмайди (бу европаликларнинг, айниқса, француз ва немисларнинг иши), аммо Америка шундай бирлашган Европанинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши мумкин. Ва бу Евросиёдаги барқарорликка ва шунинг билан бирга, Американинг шахсий манфаатларига зарар етказиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам Европа бирлашмаса, яна парчаланиб кетиши мумкин. Демак, аввал айтиб ўтганимиздек, Америка сиёсий жиҳатдан баркамол Европани, яъни Америка Қўшма Штатлари билан алоқаларни давом эттирадиган ва демократик халқаро тизимни кенгайтирувчи Европани яратиш учун ҳам Франция ва Германия билан яқиндан ҳамкорлик қилиши муҳим. Франция ва Германия ўртасида танлов қилиш муаммо эмас. Франциясиз ҳам, Германиясиз ҳам Европа бўлмаганидек, Европасиз ҳам Трансевросиё тизими бўлмайди.

Амалий нуқтаи назардан юқорида айтилганларнинг барчаси НАТО доирасида қўшма раҳбарликка босқич-ма-босқич ўтишни, Франция Европанинг нафақат Африкадаги, балки Яқин Шарқдаги роли ҳақидаги хавотирларини кўпроқ тан олишни, ҳатто Европа Иттифоқининг шарққа кенгайиш жараёнини янада қўллаб-қувватлашни талаб қилади ва бунинг натижасида Европа Иттифоқи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил глобал кучга айланади. Атлантика блокининг бир қатор таниқли раҳбарлари томонидан ҳимояланган трансатлантик эркин савдо келишуви ҳам бирлашган Европа Иттифоқи ва Қўшма Штатлар ўртасидаги иқтисодий рақобатнинг кучайиш хавфини камайтириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Европада асрлар давомида мавжуд бўлган миллатчилик қарама-қаршилигини йўқ қилиши мумкин бўлган Европа Иттифоқининг муваффақияти унинг бутун дунё учун ҳалокатли оқибатлари билан бирга Американинг Евросиёнинг

ҳозирги ҳаками сифатидаги ҳал қилувчи ролини аста-секин заифлаштириштира олади.

НАТО ва Европа Иттифоқининг кенгайиши Европа учун ўзининг тақдири қанчалик заифлашиб бораётганлигини билишда восита бўлиб хизмат қилиши, шу билан бирга, Америка ва Европа манфаати учун “совуқ уруш”нинг муваффақиятли якунланиши натижасида қўлга киритилган демократик позицияларни мустаҳкамлаши мумкин. Бу саъй-ҳаракатлардан манфаатдорлик Европанинг ўзи билан узоқ муддатли муносабатларгина эмас. Янги Европа ҳали ҳам шаклланмоқда ва агар у геосиёсий жиҳатдан «Евроатлантика макони»нинг бир қисми бўлиб қолса, НАТОнинг янада кенгайиши зарурияти туғилади. Қолаверса, НАТОнинг кенгайишини амалга оширмаслик мажбуриятлари аллақачон қабул қилинган бўлса-да, Европанинг кенгайиши концепциясини йўқ қилиши ва Марказий Европа мамлакатларини руҳий тушкунликка тушириши мумкин. Бу эса ҳатто Россиянинг Марказий Европада яширин ёки ўлиб бораётган геосиёсий интилишлари қайта тикланишига олиб келиши мумкин.

Дарҳақиқат, АҚШ бошчилигидаги НАТОни кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатлари муваффақиятсизликка учрагани Россиянинг янада улғувор истакларини жонлантириши мумкин. Тарихий фактлар Россия сиёсий элитаси Европани Американинг кучли, доимий сиёсий ва ҳарбий иштирокига интилишларини баҳам кўриши ҳали аниқ эмаслигини ҳам кўрсатади. Бинобарин, Россия билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, албатта, мақсадга мувофиқ бўлса-да, Америка учун глобал устуворликлари ҳақида очиқ бўлиши муҳим. Агар каттароқ Евро-Атлантика тизими ва Россия билан муносабатларни яхшилаш ўртасида танлов қилиш керак бўлса, биринчиси Америка учун анча юқори аҳамиятли бўлиши керак.

Шу сабабли НАТОни кенгайтириш бўйича Россия билан ҳар қандай яқинлашиш Россиянинг альянснинг қарор

қабул қилувчи аъзосига айланишига олиб келмаслиги керак. Бундай ҳолат НАТОнинг алоҳида Евроатлантика характерини пасайтиради, шу сабабли иттифоққа янги қабул қилинган давлатларни иккинчи даражали давлатлар мавқеига туширади. Бу Россия учун нафақат Марказий Европада таъсир доирасини қайта тиклаш, балки Американинг Европа ишларидаги ролини камайтириш учун НАТОга аъзолигидан Америка-Европа келишмовчилигида келтириб чиқариш учун имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, Марказий Европанинг НАТОга қўшилиши муносабати билан Россияга минтақа бўйича берилган ҳар қандай хавфсизлик кафолатлари ҳақиқатан ҳам ўзаро ишонч ҳосил қилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо булар Россиянинг потенциал стратегик хавф туғдирувчи Калининград ҳудудини демилитаризация қилиш бўйича носимметрик кафолатлари ҳамда НАТО ва Европа Иттифоқининг бўлажак янги аъзолари чегаралари яқинида асосий қўшинларни жойлаштириш чекловлари билан мос келиши керак. Россиянинг мустақилликка эришган барча ғарбий қўшилари Россия билан барқарор ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан хавотирда. Демак, Россия билан тенг ҳуқуқли НАТО-Европа Иттифоқи келишувининг пайдо бўлиши барча европаликлар томонидан ниҳоят Европа фойдасига кўп орзу қилинган постимперал танловни амалга ошираётганининг белгиси сифатида қабул қилинади.

Бу танлов Россиянинг мавқеи ва ҳурматини мустаҳкамлаш учун кенгроқ саъй-ҳаракатларга йўл очиши мумкин. G7га расмий аъзолик, ЕХХТ механизмининг ролини ошириш, (унинг ичида АҚШ, Россия ва Европанинг бир қанча нуфузли давлатлари вакилларида иборат махсус хавфсизлик қўмитаси тузилиши мумкин) Россияга Европанинг сиёсий чегараларини ва унинг хавфсизлик зоналарини расмийлаштириш жараёнида конструктив иштирок этиши учун имкониятлар очади. Ғарбнинг Россияга давом этти-

раётган молиявий ёрдами янада кўпайтирилади, янги автомагистрал ва темир йўл тармоқлари орқали Россияни Европа билан янада яқинроқ боғлашнинг анча улғувор схемаларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, Россиянинг Европа фойдасига қабул қилаётган қарорлари сезиларли даражада олдинга силжиши мумкин.

Россиянинг Евросиёда узоқ муддатли истиқболи учун йўнайдиган роли кўп жиҳатдан Россия ўз тақдирини ўзи белгилаш бўйича, эҳтимол, шу ўн йил ичида қилиши керак бўлган тарихий танловларга боғлиқдир. Ҳатто Европа ва Хитой минтақавий таъсир доирасини оширса ҳам, Россия дунёдаги энг катта кўчмас мулк учун масъул бўлиб қолаверади. Бу улуш 10та соат минтақасини қамраб олади ва унинг ўлчами Америка Қўшма Штатлари ёки Хитой майдонидан 2 баравар кўпдир, ҳатто кенгайган Европадан ҳам. Бинобарин, ҳудудларни йўқотиш Россия учун асосий муаммо эмас. Тўғрироғи, улкан Россия Европани ҳам, Хитойни ҳам иқтисодий жиҳатдан аллақачон қудратлироқ эканлигини ва бундан ташқари, Хитойнинг жамиятни модернизация қилиш йўлида Россияни четлаб ўтиш хавфи борлигини тўғридан-тўғри тан олиши ва ундан керакли хулосалар чиқариши керак.

Бундай шароитда, Россия сиёсий элитасининг фикрича, Россия биринчи навбатда глобал куч сифатида аввалги мақомини қайтариш учун беҳуда ҳаракатлар билан шўғullanмасдан, ўзини модернизация қилиши янада аниқроқ бўлиши керак. Мамлакатнинг улкан миқёси ва турфа хиллигини ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиётига асосланган марказлашмаган сиёсий тизим, эҳтимол, рус халқининг ижодқорлигини ва унинг бой табиий ресурсларини очиб беради. Ўз навбатида, бундай марказлашмаган Россия ягона империяга бирлашиш чақириқларини унчалик қабул қилмайди. Агар Россия унинг Европа қисми, Сибир Республикаси ва Узоқ Шарқ Республикасини ўз ичига олган эркин конфедерация тамойили асосида ташкил

этилган бўлса эди, Европа, Марказий Осиё ва Шарқнинг янги давлатлари билан яқинроқ иқтисодий алоқаларни ривожлантириш осонроқ бўларди ва бу Россиянинг ривожланишини тезлаштиради. Конфедерация уч аъзосининг ҳар бири асрлар давомида Москва бюрократиясининг оғир қўли билан бостирилган маҳаллий ижодкорликдан фойдаланиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади.

Россия империяни қайтаришдан кўра Европани афзал кўриши эҳтимоли юқори бўлган вазиятда АҚШ Россияга нисбатан ўз стратегиясининг иккинчи муҳим қисмини муваффақиятли оширади, яъни постсовет ҳудудида ҳукмрон бўлган геосиёсий плюрализм тенденцияларини кучайтиради. Ушбу тенденцияларни кучайтириш империяга қайтиш васвасасини камайтиради. Империядан кейинги ва Европага йўналтирилган Россия бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва янги потенциал беқарор жанубий чегараларида можаролар хавфини камайтиришга ёрдам сифатида кўриши керак. Бироқ геосиёсий плюрализмни мустаҳкамлаш сиёсати фақат Россия билан яхши муносабатлар мавжудлиги билан изоҳланмаслиги керак. Бундан ташқари, агар бу муносабатлар ривожланмаса ҳам, бу жуда муҳим, чунки бу ҳар қандай чинакам хавfli рус империя сиёсатининг тикланишига тўсиқлар яратади.

Бундан келиб чиқадики, мустақилликка эришган асосий мамлакатларга сиёсий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш бепоён Евросиё стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳозирда ўзини Марказий Европа давлати деб ҳисоблай бошлаган ва бу минтақа билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган суверен Украинани мустаҳкамлаш ушбу сиёсатнинг ўта муҳим таркибий қисми, шунингдек, Марказий Осиёни очишга қаратилган кенгроқ саъй-ҳаракатлардан ташқари (Россия томонидан яратилган тўсиқларга қарамай) глобал иқтисодиёт учун Озарбайжон ва Ўзбекистон каби стратегик жиҳатдан муҳим давлатлар билан яқин

алоқаларни ривожлантирмоқда.

Каспий-Марказий Осиё минтақасига кенг кўламли халқаро инвестициялар нафақат янги давлатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, балки пировард натижада пост-императорлик демократик Россияга фойда келтиради. Минтақанинг энергия ва минерал ресурсларидан фойдаланишга киришиш фаровонликка олиб келади, ҳудудда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизлик ҳиссини яратиш билан бир вақтда, эҳтимол, Болқондаги каби можаролар хавфини камайтиради. Ташқи инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган минтақавий жадал ривожланишнинг афзалликлари, қоида тариқасида, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган Россиянинг чегарадош ҳудудларига тааллуқлидир. Бундан ташқари, минтақаларнинг янги ҳукмрон элиталари Россия ушбу ҳудудларни жаҳон иқтисодиётига қўшишга розилигини англаши биланоқ улар Россия билан яқин иқтисодий алоқаларнинг сиёсий оқибатларидан камроқ қўрқишади. Вақт ўтиши билан империя амбицияларига эга бўлмаган Россия империя ҳукмдори сифатида ҳаракат қилмаса ҳам энг қулай иқтисодий шерик сифатида тан олиниши мумкин бўларди.

Барқарорликни таъминлаш, жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллигини мустаҳкамлаш учун Қўшма Штатлар Туркияни бегоналаштирамасликдан эҳтиёт бўлиши ва АҚШ-Эрон муносабатларини яхшилаш имкониятларини ўрганиши керак. Ўзини Европадан четланган деб ҳис қилган ва қўшилишга интилаётган Туркия янада исломий давлатга айланади. НАТОнинг кенгайишига қарамай вето қўйиш эҳтимоли кўпроқ бўлса, дунёвий Марказий Осиёни барқарорлаштириш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш йўлида ғарб билан ҳамкорлик қилиш эҳтимоли камроқ.

Шунга кўра, Америка Европадаги таъсиридан Туркиянинг Европа Иттифоқига қабул қилинишини вақт ўтиши

билан тарғиб қилиш учун фойдаланиши ва Туркиянинг ички сиёсатида исломий йўналишга кескин бурилиш қилмаслик шарти билан Туркияга Европа давлати сифатида қарашга алоҳида эътибор бериши керак. Осиё келажаги бўйича Анқара билан мунтазам маслаҳатлашувлар мамлакатга АҚШ билан стратегик шерикликни ҳис қилишга ёрдам беради. Америка Туркиянинг Ўрта Ер денгизи соҳилида Каспий денгизи ҳавзасининг энергия манбаларига асосий кириш бўлиб хизмат қилувчи Бокудан Жайхунгача бўлган нефт қувурини қуришга интилишларини ҳам фаол қўллаб-қувватлаши керак.

Қолаверса, Америка-Эрон муносабатларида адоватни абадий сақлаб қолиш Америка манфаатларига мос келмайди. Келажакдаги ҳар қандай яқинлашув Эроннинг ҳозирда беқарор минтақавий муҳитини барқарорлаштиришдан ўзаро стратегик манфаатдорликни тан олишга асосланиши керак. Албатта, бу мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай мурося ҳар икки томондан тенг амалга оширилиши керак, зеро бир томон иккинчисига яхшилик қилаётгандек кўринмасин. Қўшма Штатлар кучли, ҳатто диний йўналишдаги, лекин мутаассиб бўлмаган, ғарбга қарши Эрондан манфаатдор ва натижада ҳатто Эрон сиёсий элитаси ҳам бу ҳақиқатни тан олиши мумкин. Шу билан бирга, Американинг узоқ муддатли манфаатлари Туркиянинг Эрон билан яқинроқ иқтисодий ҳамкорлиги, айниқса, янги нефт қувурлари қурилиши, Эрон, Озарбайжон ва Туркменистон ўртасидаги бошқа алоқаларни ривожлантириш борасидаги эътирозларидан воз кечиши Евросиё учун яхши хизмат қилади. Бундай лойиҳаларни молиялаштиришда АҚШнинг узоқ муддатли иштироки ҳам Америка манфаатларига хизмат қилади.

Гарчи Ҳиндистон ҳозирда Евросиё саҳнасида нисбатан пассив акторлардан бўлса ҳам унинг потенциал ролини ҳам таъкидлаш керак. Геосиёсий жиҳатдан Ҳиндистон Хитой ва Покистон коалицияси томонидан ушлаб турилган

айни вақтда заиф Россия эса унга ўтмишда кўрсатган сиёсий ёрдамни таклиф қила олмайди. Бироқ унинг демократиясини сақланиб қолиши муҳим аҳамиятга эга, чунки у инсон ҳуқуқлари ва демократия Ғарбга хос деган тушунчани кўп академик мунозараларга қараганда кучлироқ рад эта олиши билан ўзига хос аҳамиятга эга. Ҳиндистон Сингапурдан Хитойгача бўлган мамлакатлар вакиллари томонидан илгари сурилаётган антидемократик “Осиё кадриятлари” шунчаки антидемократикдир, аммо Осиё учун хос бўлиши шарт эмас, деб таъкидлайди. Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг муваффақиятсизлиги демократия истиқболларига зарба беради ва айниқса, Хитойнинг геосиёсий ҳукмронлиги кучайиб бораётганини ҳисобга олсак, Осиё саҳнасида катта мувозанатга ёрдам берадиган кучни саҳнадан олиб ташлайди. Бундан келиб чиқадикки, Америка ва Ҳиндистон мудофаа ҳамжамиятлари ўртасида тўғридан-тўғри икки томонлама алоқаларни ривожлантиришни назарда тутмаган ҳолда Ҳиндистоннинг минтақавий барқарорликка, айниқса Марказий Осиё келажагига оид мунозараларда изчил иштирок этиши ўз вақтида бўлмоқда.

Евросиёда геосиёсий плюрализмга умуман эришиб бўлмайди ва Америка ҳамда Хитой ўртасида стратегик масалалар бўйича ўзаро тушунишни чуқурлаштирмасдан туриб барқарор бўлмайди. Бундан келиб чиқадикки, Хитойни стратегик масалалар бўйича жиддий мулоқотга, пировардида, эҳтимол, уч томонлама саъй-ҳаракатларга, жумладан, Японияга жалб қилиш сиёсати Хитойнинг Америка билан муроса қилишдан манфаатдорлигини оширишда зарурий биринчи қадам бўлиб, бу геосиёсий манфаатларни акс эттиради (хусусан, Шимолий-шарқий ва Марказий Осиёда), бу икки давлат учун ҳақиқатан ҳам умумийдир. Бундан ташқари, Америка Тайван муаммосини, айниқса Гонконг Хитой томонидан ютиб юборилганидан кейин кескинлаштирмаслик учун АҚШнинг ягона Хитой сиёсати-

га содиқлиги ҳақидаги ҳар қандай ноаниқликни бартараф этиши керак. Қолаверса, ушбу воқеани ҳатто Буюк Хитой ҳам ўзининг ички сиёсий келишувларида кўпроқ хилма-хилликка тоқат қилиши ва кафолатлаши мумкинлиги тамойилининг муваффақиятли намойишига айлантириш Хитойнинг ўз манфаатларига мос келади.

4 ва 6-бобларда муҳокама қилинган бўлса-да, Америкага қарши Хитой-Россия-Эрон коалицияси тактик сабабларга кўра вақтинчалик кўринишдан нарига ўтмаса ҳам, Қўшма Штатлар Пекинни у томонга суриб қўймаслик учун Хитой билан муносабатларини шу тарзда қуриши муҳим. Ҳар қандай «гегемонизмга қарши» иттифоқда Хитой асосий кучга айланади. Бу энг кучли, энг динамик бўлгани учун етакчи компонент бўлиши мумкин. Бундай коалиция фақат норози, умидсизликка учраган ва душман Хитой атрофида пайдо бўлиши мумкин эди. Россияда ҳам, Эронда ҳам бундай коалициянинг оғирлик марказига айланиш учун зарур маблағ йўқ.

Шунинг учун Америка ва Хитой ўртасида ҳар икки давлат бошқа гегемон давлатлар ҳукмронлигидан озод бўлишни истаган соҳаларда тегишли стратегик масалалар бўйича мулоқот зарур. Бироқ муваффақиятга эришиш учун мулоқот узоқ ва жиддий бўлиши керак. Бундай мулоқот Тайван билан боғлиқ бошқа баҳсли масалаларни ва ҳатто инсон ҳуқуқларини муҳокама қилиш учун кўпроқ туртки бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам Хитойнинг ички либераллашуви масаласи фақатгина Хитойнинг ички иши эмаслигини ишончли тарзда айтиш мумкин, чунки демократик ва гуллаб-яшнаган Хитой Тайванни тинч йўл билан жалб қилиш истиқболига эга. Мажбурий бирлашишга бўлган ҳар қандай уриниш нафақат Америка-Хитой муносабатларини хавф остига қўяди, балки муқаррар равишда Хитойнинг хорижий капитални жалб қилиш ва унинг ривожланишини давом эттириш қобилятига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, Хитойнинг минтақавий устунлик ва глобал

мақомга бўлган интилишлари қурбон бўлади.

Гарчи Хитой минтақада ҳукмрон куч сифатида пайдо бўлаётган бўлса-да, у ўзоқ вақт давомида глобал бўлиши мумкин эмас (6-бобда кўрсатилган сабабларга кўра) ва Хитойнинг глобал куч сифатидаги қўрқуви Хитойда мегаломанияни келтириб чиқармоқда. Америка-Хитой адоватининг кучайиши ҳақидаги тахминлар ўз-ўзидан амалга ошадиган башорат манбаи бўлиши мумкин. Шунинг учун Хитойни ушлаб ҳам турмаслик, тинчлантириш ҳам керак эмас. Унга дунёдаги энг йирик ривожланаётган давлат сифатида ҳеч бўлмаганда ҳозирча етарли даражада ривожланаётган давлат сифатида ҳурмат билан қараш керак. Унинг нафақат Узоқ Шарқда, балки бутун Евросиёда ҳам геосиёсий аҳамияти кучайиши мумкин. Россиянинг G7га қўшилиши саммитда муҳокама қилинадиган масалалар кўламини иқтисодидан тортиб сиёсатгача кенгайтирган-дан кейин, демак, дунёнинг етакчи давлатларининг йиллик саммитида Хитойни G7 аъзоси сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хитой жаҳон тизимига кўпроқ интеграциялашгани ва шу сабабли ўзининг минтақавий устуворлигидан сиёсий жиҳатдан ноаниқ тарзда фойдаланишга қодир эмаслиги ва камроқ мойиллиги туфайли, бундан ташқари, Хитойга нисбатан тарихий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда де-факто пайдо бўлиш эҳтимоли у Евросиё геосиёсий тузилмасининг бир қисми бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бирлашган Кореянинг бу йўналишда ҳаракат қилиши кўп жиҳатдан Япония ва Корея ўртасидаги мурса даражасига боғлиқ бўлади (Америка бу жараённи фаолроқ рағбатлантириши керак), аммо Кореянинг Хитой билан ярашмасдан бирлашиши дарғумон.

Қайсидир босқичда Буюк Хитой Тайван муаммосини ҳал қилиш учун муқаррар равишда босим ўтказади, аммо Хитойнинг тобора кучайиб бораётган халқаро иқтисодий ва сиёсий тузилмалар мажмуасига қўшилиш даражаси

ҳам унинг ички сиёсати табиатига ижобий таъсир кўрса-тиши мумкин. Агар Хитойнинг Гонконгни босиб олиши репрессив бўлмаса, Ден Сяопиннинг Тайван учун “битта мамлакат - иккита тизим” формуласи “бир мамлакат- бир нечта тизим” формуласига айлантирилиши мумкин. Бу манфаатдор томонлар учун қайта бирлашишни мақбулроқ қилиши мумкин, бу эса Хитойнинг ўзида қандайдир сиёсий эволюциясиз бирлашган Хитойни тинч йўл билан қайта тиклаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий, ҳам геосиёсий сабабларга кўра Хитой Американи ўзининг табиий иттифоқчиси сифатида кўриши керак. Япония ёки Россиядан фарқли ўлароқ Америка ҳеч қачон Хитойга қарши ҳудудий лойиҳаларга эга бўлмаган. Британиядан фарқли ўлароқ эса, Хитойни ҳеч қачон камситмаган. Қолаверса, Америка билан ҳақиқий стратегик консенсусга эга бўлмаса, Хитой ўсиши учун зарур бўлган муҳим хориж сармоясини жалб этишда давом эта олмайди ва шу орқали минтақада устун мавқега эриша олмайди. Худди шу сабабга кўра, Американинг Евросиё ишларига аралашувининг шарқий устун сифатида АҚШ-Хитой стратегик келишуви бўлмаса, Америка Осиё материғи учун геостратегияга эга бўлмайди ва Осиё материғи учун геостратегиясиз Америка Евросиё учун геостратегияга эга бўлмайди. Шундай қилиб, Америка учун Хитойни халқаро ҳамкорликнинг кенг доирасига киритилган минтақавий қудрати Евросиёда барқарорликни таъминлашда муҳим геостратегик восита бўлиши мумкин бу жиҳатдан у Европа каби муҳим ва Япониядан кучлироқдир.

Бироқ Европадан фарқли ўлароқ материкнинг шарқий қисмида демократик таянч яқин орада пайдо бўлмайди. Шу боис Американинг Хитой билан стратегик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари демократик ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаган Япо-

ния Американинг Тинч океани минтақасидаги энг муҳим ва асосий глобал ҳамкори эканлигини сўзсиз тан олишига асосланиши муҳимроқдир. Гарчи Япония Осиё минтақасида ҳукмрон кучга айлана олмаса-да, минтақа давлатлари ўртасида юзага келган кучли антипатияни ҳисобга олсак, халқаро миқёсда етакчи кучга айланиши мумкин. Токио замонавий дунё муаммоларини ҳал қилиш учун Қўшма Штатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, минтақада етакчи кучга айланиш учун самарасиз ва потенциал тескари уринишлардан қочиб, глобал таъсирга эриша олади. Шунинг учун Америка раҳбарияти Япониянинг бу йўналишда ҳаракатланишига ёрдам бериши керак. Умумий иқтисодий маконни барпо этувчи АҚСҲ-Япония эркин савдо битими икки давлат ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаши ва ушбу мақсадга эришишга ҳисса қўшиши мумкин, шунинг учун унинг фойдалари биргаликда кўриб чиқилиши керак.

Айнан Япония билан яқин сиёсий алоқалар орқали Америка Хитойнинг минтақадаги интилишларига ишонч билан жавоб бера олади, шу билан бирга, ўзбошимчаликка қарши тура олади. Фақат шу асосда мураккаб уч томонлама муросага, жумладан, Американинг глобал миқёсдаги қудрати, Хитойнинг минтақадаги ҳукмронлиги ва Япониянинг халқаро миқёсдаги етакчилигига эришиш мумкин. Бироқ бу умумий геостратегик муроса Америка ва Япония ҳарбий ҳамкорлигининг ақлсиз равишда кенгайтиши туфайли бузилиши мумкин. Япония Узоқ Шарқда Американинг чўкмас самолёт ташувчиси ролини ўйнамаслиги, шунингдек, Американинг Осиёдаги асосий ҳарбий шериги ёки Осиё минтақасидаги потенциал етакчи куч бўлмаслиги керак. Юқоридаги соҳалардан бирида бўладиган нотўғри йўналиш Американи Осиё материгидан узиб қўйиши, Хитой билан стратегик консенсусга эришиш истиқболларини заифлаштириши ва шу тариқа Американинг Евросиёда геосиёсий плюрализм барқарорлигини мустаҳкамлаш қобилиятига путур етказиши мумкин.

## ТРАНС-ЕВРОСИЁ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ

Евросиё геосиёсий плюрализмининг барқарорлиги натижасида якка ҳукмрон давлат пайдо бўлишининг олди олинадиди, натижада бу кейинги асрнинг бошларида, Транс-Евросиё хавфсизлик тизимининг (ТЭХТ) пайдо бўлиши билан кучаяди. Бу турдаги трансконтинентал хавфсизлик шартномаси Россия ва Хитой, шунингдек Япония билан ҳамкорлик низоми билан боғлиқ (улар ҳали ҳам икки томонлама хавфсизлик шартномаси орқали Қўшма Штатлар билан боғланган) НАТОнинг кенгайишини ўз ичига олиши лозим. Лекин бунинг амалга ошириши учун НАТО биринчи навбатда Россияни хавфсизликнинг кенгроқ минтақавий доирасига жалб қилиш билан биргаликда ҳамкорликни ҳам кенгайтириши зарур. Бундан ташқари, америкаликлар ва японлар Хитой иштирокида Узоқ Шарқдаги сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича уч томонлама мулоқотни таъминлаш учун фаол маслаҳатлашиб, бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилиши керак. Америка, Япония ва Хитой ўртасидаги хавфсизлик бўйича уч томонлама музокаралар охир-оқибат кўпроқ осийлик иштирокчиларни жалб қилиши ва кейинчалик улар билан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқаларга замин яратиши мумкин. Ўз навбатида, бундай мулоқот трансконтинентал хавфсизлик тизимини яратишнинг муқаддимаси бўлиб хизмат қиладиган барча Европа ва Осиё мамлакатлари иштирокидаги бир қатор мулоқотларга йўл очиши мумкин. Вақт ўтиши билан янада расмий тузилма шакллани бошлайди ва бу биринчи марта бутун қитъани қамраб оладиган Транс-Евросиё хавфсизлик тизимининг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу тизимни шакллантириш унинг моҳиятини аниқлаш ва уни институционализация қилиш, белгиланган сиёсий зарур шарт-шароитларни яратгандан сўнг кейинги ўн йилликнинг асосий ташаббусига айланади. Америка, Европа, Хитой, Япония, конфедерациялашган Россия ва Ҳиндистон, шунингдек,

баъзи бошқа давлатлар биргаликда шундай тузилган трансконтинентал тизимнинг ядровий қисми бўлиб хизмат қилади. Шу каби кенг трансконтинентал хавфсизлик тизими дунё барқарорлиги учун муҳим ўринда турувчи, ТЭТнинг турли масалалари бўйича таъсирчан ҳамкорлик қобилиятига эга бўлган асосий Евросиё субъектларидан иборат доимий хавфсизлик қўмитасини ҳам ўз ичига олган бўлган эди. ТЕЭТнинг пайдо бўлиши охир-оқибатда Американинг Евросиёни барқарорлаштирувчиси ва ҳаками сифатидаги ролини давом эттиради ва уни баъзи муаммоларидан аста-секин халос қилади.

### **СЎНГГИ ГЛОБАЛ ҚУДРАТДАН СЎНГ**

Охир-оқибатда жаҳон сиёсати муқаррар равишда ҳокимиятнинг барча концентрациясини ягона давлат қўлида тўпланишига олиб келади. Жумладан, Қўшма Штатлар нафақат чинакам глобал миқёсдаги биринчи ва ягона супер куч, балки охиргиси ҳамдир.

Бу нафақат миллий давлатларнинг бир-бири билан аста-секин яқинлашуви билан, балки билимнинг куч сифатида янада кенг тарқалиши, давлат чегаралари билан кўпроқ ёки камроқ алоқадорлиги билан боғлиқ. Эҳтимол, иқтисодий куч ҳам янада кенгайиши турган гап. Келгуси йилларда бирор бир мамлакат 1945 йилда эришган ЯИМнинг 50% дан ташқари Америка Қўшма Штатлари ушбу асрнинг кўп қисмида эга бўлган жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизига етиши даргумон. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, ўн йиллигимизнинг охирларига келиб, Қўшма Штатлар ҳали ҳам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг деярли 20 фоизига эга бўлади ва ушбу кўрсаткич бошқа: Европа, Хитой, Япония каби давлатлар мос равишда ўз улушларини тахминан АҚШ даражасига ошириши ҳисобига 2020 йилга бориб 10-15% гача тушиши мумкин. Лекин бу асрда Қўшма Штатлар эришган ягона иқтисодий турдаги бирликнинг жаҳон иқтисодиёти бошқаруви катта қийинчилик

туғдирди ҳамда жиддий ҳарбий, сиёсий оқибатларга олиб келди.

Қолаверса, Америка жамиятининг жуда кўп миллатли эканлиги ва ўзига хос характери АҚШга битта миллатдан иборат бошқарувни назарда тутмаган гегемонликни янада кенгайтириш имконини берди. Масалан, Хитойнинг глобал устунликка интилиш ҳаракатлари бошқалар томонидан муқаррар равишда миллий гегемонликни ўрнатишга уриниш сифатида қаралади. Оддий қилиб айтганда, ҳар ким америкалик бўлиши мумкин, лекин фақат хитойликлар хитойлик бўлиб қолаверади. Бу ҳар қандай миллий глобал гегемонлик йўлида қўшимча ва мавжуд тўсиқларни юзага келтиради.

АҚШнинг ҳукмронлиги пасайишни бошлаган тақдирда ҳам бошқа давлатлар АҚШ ҳозирда мавжуд бўлган дунё ҳукмронлигига эриша олишини ўйлаб кўришлари даргумон. Шу жиҳатдан, келажак учун асосий савол қуйидагича: «Қўшма Штатлар ўз буюклигининг абадий мероси сифатида нимани дунёга васият қилади?»

Жавоб қисман шундай: бу, устуворлик қанча давом этишига ва Америка вақт ўтиши билан расмий равишда институционализация қилиниши мумкин бўлган асосий куч шерикликлари доирасини қанчалик кучли шаклда шакллантиришига боғлиқ. Дарҳақиқат, Американинг глобал қудратидан конструктив фойдаланиши учун тарихий имкониятлар ички ва ташқи сабабларга кўра нисбатан қисқа бўлиши мумкин. Ҳақиқий популистик демократия илгари ҳеч қачон халқаро устунликка эришмагандир. Ҳокимиятга интилиш, айниқса, бундай ҳокимиятни амалга ошириш учун кўпинча талаб қиладиган иқтисодий харажатлар ва инсон қурбонлиги демократик инстинктларга мос келмайди. Демократлаштириш империя сафарбарлигига мутлако зиддир. Яна бир келажакка оид жиддий ноаниқлик мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса Америка ўз қудратини қўллашга қодир бўлмаган биринчи супер кучга айланиши

мумкинми? У заиф бир давлатга айланиб қолиши мумкинми? Ижтимоий сўровномаларда, америкаликларнинг кичик қисми (13%) “ Ягона супердавлат сифатида Қўшма Штатлар халқаро муаммоларни ҳал қилишда ягона жаҳон етакчиси бўлиб қолиши керак”, деган фикрдалар. Аксари-ят фуқаролар эса (74%) Америка «бошқа давлатлар билан биргаликда халқаро муаммоларни ҳал қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишини афзал кўради” деб ҳисоб-лашади.

Бундан ташқари, Америка борган сари кўп маданият-ли жамиятга айланиб борар экан, ташқи сиёсат масалала-ри бўйича консенсусга эришиш қийинроқ бўлиши мумкин, лекин оммавий ва кенг миқёсда юзага келган ташқи таҳ-дид ҳолатлари бундан мустасно. Бундай консенсус одат-да Иккинчи жаҳон уруши давомида ва ҳатто Совуқ уруш даврида ҳам мавжуд эди. Унинг илдизи кенг тарқалган демократик қадриятларга боғлиқ, чунки бу вазият жамо-атчилик томонидан таҳдид қилинмоқда, душман тотали-таризм қурбонлари бўлган Европанинг маданий ва этник яқинлигида ҳам бор эди.

Америка жамияти марказий эътиқодлар ва кенг тарқалган маданий-этник жиҳатларга боғлиқ бўлмаган ташқи сиёсат бўйича келишувга эришиш қийинроқ бўли-ши мумкин, бу ҳали ҳам барқарор ва баъзан қимматга тушадиган империя иштирокини талаб қилади. “Совуқ уруш”даги Американинг тарихий ғалабаси оқибатлари ҳақидаги иккита ўта хилма-хил қарашларни таъкидла-шимиз мумкин: бир томондан, “Совуқ уруш”нинг туга-ши Американинг глобал фаоллигидан қатъи назар, дунё ишларига аралашуви сезиларли даражада қисқарди, де-ган нуқтаи назар ва бошқа томондан, Америка ҳатто ўз ҳокимиятининг бир қисмидан воз кечиши керак бўлган ҳақиқий халқаро кўп томонлама муносабатлар вақти кел-ди, деган тушунчадир. Шунга қарамай, иккала экстремал нуқтаи назарнинг ўз тарафдорлари бор.

Шу жумладан, Қўшма Штатлардаги маданий ўзгаришлар ҳам чет элда император ҳокимиятининг доимий равишда амалга оширилиши учун ноқулай бўлиши мумкин. Бунинг учун юқори даражадаги доктринал мотивация, тегишли менталитет ва ватанпарварлик туйғуларини қониқтириши керак. Лекин мамлакатдаги ҳукмрон маданият гедонистик мотивлар ва ижтимоий муаммолардан қочиш мавзулари устунлик қиладиган, яъни оммавий ўйин-кулгуга мойиллиги кўпроқ. АҚШнинг глобал етакчилигини қўллаб-қувватлаш учун зарур сиёсий консенсусни яратишни тобора қийинлаштирмоқда. Бу борада, оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Ғарб жамиятининг айрим доираларида тарихий ташвиш пессимизм ҳам сезила бошлади, десак муболаға бўлмайдди. Тахминан ярим аср олдин иккинчи жаҳон урушининг аянчли тажрибаси ва тоталитаризмнинг аянчли оқибатларини ўз кўзи билан кўрган таниқли тарихчи Ханс Кон Ғарбнинг “чарчаб қолиши ва тўхтаб қолиши” дан қўрқарди. Аслида эса у бундан чўчирди:

“XX аср одами XIX асрдаги аждодларига қараганда ишончсизроқ. У ўз тажрибасида тарихнинг қоронғу тунларига гувоҳ бўлган. Ўтмишга тегишли бўлиб туюлган нарсалар яна пайдо бўлди: ақидапараст этиқод, бенуқсон раҳбарлар, қуллик ва қирғинлар, бутун аҳолининг илдизи, шафқатсизлик ва ваҳшийлик”.

Бу ишончсизлик, умидсизлик “Совуқ уруш” тугагандан сўнг унинг оқибатлари туфайли кучайди. Консенсус ва ўй-ғунликка асосланган «янги дунё тартиботи» ўрнига, «ўтмишдагидек туюлган воқеалар» бирдан келажакка айланди. Этник миллий низолар энди марказий уруш хавфини туғдирмаса ҳам, улар дунёнинг муҳим қисмларида тинчликка таҳдид сололади. Шундай қилиб, уруш бир муддатгача эскирган тушунчага айланмайдди. Бойроқ давлатлар ўзларининг шахсий манфаатлари, технологик қобилиятлари билан чегараланганлиги сабабли уруш фақат бу дунё-

нинг камбағал халқлари учун ажратилган катта ҳашаматга айланган бўлиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, шу пайтгача халқаро можаролар ва террористик ҳаракатлар жараёнида оммавий қирғин қуроллари деярли қўлланилмаган. Бундай йўлни қанча давом этишини олдиндан айтиб бўлмайди, аммо ядровий ёки бактериологик қуроллاردан фойдаланиш натижасида оммавий қурбонларга олиб келиши мумкин бўлган воситаларнинг мавжудлиги нафақат давлатлар учун, балки уюшган гуруҳлар учун ҳам улардан фойдаланиш эҳтимоли, албатта, ошади.

Хулоса қилиб айтганда, дунёнинг етакчи кучи сифатида Америка учун фақат тор маънода тарихий имконият бор. Нисбатан халқаро тинчликнинг ҳозирги дақиқасида қисқа умр кўришимиз мумкин. Бу нуқтаи назар ғарбда тарихий оптимизм туйғусини жонлантириши мумкин бўлган халқаро геосиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга эътибор қаратган ҳолда Американинг дунё ишларига фаол аралашуви зарурлигини таъкидлайди. Тарихий оптимизм бир вақтнинг ўзида ички ижтимоий ва ташқи геосиёсий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини намойиш қилишни талаб қилади.

Аммо ғарб оптимизмининг қайта тикланиши ва ғарб кадриятларининг серқирралиги фақат Америка ва Европага боғлиқ эмас. Япония, Ҳиндистон, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган Осиё мамлакатларида ҳам инсон ҳуқуқлари тушунчалари ва демократик экспериментнинг марказий ўринлари қанчалик амал қилиши ва муҳим эканлиги бунга мисол бўла олади. Япония ва Ҳиндистонда давом этаётган демократик муваффақиятлар дунёнинг сиёсий келажагига ишончни ошириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу икки давлат тажрибаси, шунингдек, Жанубий Корея ва Тайван тажрибаси шуни кўрсатадики, Хитойнинг давом этаётган иқтисодий ўсиши ва ташқи томондан кўпроқ халқаро инклюзия натижасида

юзага келган ўзгаришлар учун босимлар билан биргаликда Хитой тизимининг прогрессив демократлашувига олиб келиши мумкин.

Бу муаммоларни ҳал қилиш Американинг ҳам юки, ҳам масъулиятидир. Америка демократиясини инобатга олган ҳолда, самарали жавоб бериш учун жамиятда Америка ҳокимиятини шакллантиришда қай тарзда давом этаётгани ҳақида тушунча ҳосил қилиш керак бўлади. Яъни барқарор геосиёсий ҳамкорликнинг кенгайиши бу бир вақтнинг ўзида глобал анархиянинг олдини олади ва янги куч муаммосини кечиктиришга замин яратади.

Бу икки мақсад глобал анархиянинг олдини олиш ва кучли рақибнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш мақсаднинг узоқ муддатли режасидан ажралмайди. Американинг глобал ҳаракатлардан узоқ муддатли мақсади кучли халқаро тармоқ яратиш, геосиёсий ҳамкорлик.

Афсуски, ҳозирги кунга қадар “Совуқ уруш”нинг тугатилиши муносабати билан Қўшма Штатлар учун янги марказий ва жаҳон миқёсидаги мақсадига бўлган уринишлари бир қанча бўлди. Улар инсониятнинг аҳволини яхшилаш заруратини дунё ишларида Америка кучининг марказий ўринни сақлаб қолиш зарурати билан боғлай олмадилар. Бундай сўнгги уринишларнинг бир нечасини аниқлаш мумкин. Клинтон маъмуриятининг дастлабки икки йилида «кўп томонлама тамойил» тарғиботи ҳокимиятнинг ҳолатини етарлича ҳисобга олмади. Кейинчалик, Америка глобал «демократик кенгайиш»га эътибор қаратиши керак деган фикр мавжуд эди. Америка учун глобал барқарорликни сақлаш ва баъзи мамлакатлар (лекин «демократик» бўлмаган) Хитой билан муносабатларини ривожлантиришга эга.

АҚШнинг устувор йўналиши сифатида даромадларни глобал равишда тақсимлашда ҳукм сўраётган адолатсизликни бартараф этиш, Россия билан махсус “Стратегик шериклик»ни шакллантириш ёки қурол-яроғ тарқалиши-

нинг олдини олишга қаратилган муурожаатлар қониқарсиз бўлди. Бошқа алтернативлар берадиган бўлсак, Америка атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёки тор маънода айтганда, маҳаллий урушларга қарши курашишга эътибор қаратиши керак. Аммо юқоридаги формулаларнинг ҳеч бири эҳтиёжни тўлиқ қондира олмади.

Хулоса қилганда, АҚШ сиёсатининг мақсади икки хил бўлиши лозим: ўз ҳукмронлик мавқеини камида бир авлод узоқроқ муддатгача давом эттириш ва геосиёсий тузилмани яратиш зарурати;

Ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида юзага келадиган тўнтариш ва муаммоларни юмшата олиш қобилияти, шу билан бирга, урушларсиз дунёни бошқариш учун ўзаро масъулиятнинг геосиёсий ядросини шакллантириш.

Америка томонидан рағбатлантирилган ва ҳакамлик қилган Евросиё шериклари билан ҳамкорликни босқичма-босқич кенгайтиришнинг узоқ давом этган босқичи БМТнинг мавжуд ва тобора эскириб бораётган тузилмаларини модернизация қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради. Масъулият, имтиёзлар ҳамда вазифаларнинг янги тақсимоти 1945 йилдагидан кескин фарқ қиладиган кучнинг ўзгарган воқеликларини ҳисобга олиш мумкин.

Ушбу фаолият миллий давлатлар анъанавий тизимидан сезиларли даражада ривожланаётган ҳамда янги юзага келган халқаро алоқалар тармоғидан фойдаланишнинг қўшимча, тарихий афзалликларини ҳам таъминлайди. Трансмиллий корпорациялар, нодавлат ташкилотлар (уларнинг аксарияти трансмиллий хусусиятга эга) Интернет орқали янада ривожланаётган ушбу тармоқлар глобал миқёсда инклюзив ҳамкорликнинг норасмий дунё тизimini яратишга ҳаракат қилмоқда.

Кейинги бир неча ўн йиллик ичида барқарорлик учун масъулият юкини, халқаро «регент»ликни ўз зиммасига

оладиган, геосиёсий воқеликни ҳисобга олган ҳолда қурилган глобал ҳамкорлик тизими яратилиши мумкин. Бу ҳаракатда яна бир бор эришилган геостратегик муваффақият Американинг биринчи, ягона ва сўнги ҳақиқий глобал супер куч сифатидаги ролини муносиб тарзда ифода лаб берди.

## МУНДАРИЖА

7 СЎЗБОШИ

МУҚАДДИМА 11

14 БИРИНЧИ БОБ  
ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ ГЕГЕМОНИК

ИККИНЧИ БОБ 46  
ЕВРОСИЁ ШАХМАТ ТАХТАСИ

80 УЧИНЧИ БОБ  
ДЕМОКРАТИК ПЛАЦДАРМ

ТЎРТИНЧИ БОБ 117  
“ҚОРА ЎПҚОН”

**171** БЕШИНЧИ БОБ  
“ЕВРОСИЁ БОЛҚОНЛАРИ”

ОЛТИНЧИ БОБ **215**  
УЗОҚ ШАРҚДАГИ КУЧЛИ НУҚТА

**270** ХУЛОСА

ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙ

## БУЮК ШАХМАТ ТАХТАСИ

*Таржимон*

**«Шарқшунос таҳлилчилар» жамоаси**

Лойиҳа раҳбари	Амирхон Валижонов
Масъул муҳаррир	Махфиратбегим Азизова
Муҳаррир	Нодирабегим Иброҳимова
Мусаххихлар	Сиддиқа (Хуршида) Ҳасан Амирхон Валижонов
Техник муҳаррир	Қодирова Гуласал
Дизайнер	Жасурбек Ҳасанов

Лицензия рақами: № 025154. 2022-йил 7 апрелда берилган  
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Заргарлик 11,  
2-уй

Босишга 14.03.2022 йилда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 84x108 1/32. «Calibri» гарнитураси.  
Шартли босма тобоғи 3,5, Нашр босма тобоғи 5,88.  
Адади 1000. Буюртма рақами 69.  
Баҳоси келишилган нарҳда.



«Print Line Group» ХК босмахонасида  
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

📍 📧 SPACEPRINT.UZ

## **ТАРЖИМОНЛАР**

**Сардор Жўраев  
Зилола Аҳмедова  
Чарос Жуманазарова  
Фотима Назарова  
Жамшид Арамов  
Кувончбек Маҳмудов  
Шоҳжаҳон Исломов  
Акбаржон Шоев  
Сардор Раҳимов  
Гавҳаршодбегим Холматова  
Ёсинбек Ҳазраткулов  
Баҳром Избосаров  
Бахтигул Холбўтаева  
Жамшид Турғунбоев  
Шоҳрух Раҳматуллаев  
Журъат Бекберганов  
Нилуфар Наримонова  
Толипова Фарангиз  
Мамадалиева Мухлиса**

**Буюртма учун: +998881181199**

**Улгуржи харид учун: +998937553977**

*Қайдлар учун*